

Жаҳон

АДАБИЁТИ

Адабий-бадшиш, изфомниш-публицистик журнали

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 3 (178)

2012 йил, март

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИ

www.jad.uz

М У Н Д А Р И Ж А

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Расул ХАМЗАТОВ. Оналарни асранг. Достондан парча.....	3
Евдокия ЛОСЬ. Софинганман сени... Шеърлар.....	70
НАСР	

Болеслав ПРУС. Фиръавн. Роман.....	12
Отажон ТОҒОН. Бегона. Роман.....	76
Марсель АРЛАН. Аёл — уйнинг чироги. Хикоя.....	133

ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

Дэвид ХЮМ. Шубҳапараст.	124
--------------------------------------	-----

ПУБЛИЦИСТИКА

Вячеслав КОСТИКОВ. 339-ракамли табассум.	159
---	-----

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Афтондил ЭРКИНОВ. Амир Умархон тухфаси.	162
Матлуба ТЕМИРОВА. Иходий изланишлар йўлида.	168

ТАҚРИЗ

Фулом КАРИМИЙ. Илмий ҳамкорлик самараси.	171
---	-----

ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИ

Француз адилари ҳикматлари.....	174
---------------------------------	-----

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Михаил КУЗМИН. Буюк Искандар зафарномаси.	180
--	-----

ТОШКЕНТ
МАРТ

**Бош мұхаррир
үринбосари:**

Мирпұлат МИРЗО

Таҳрир ҳайъати:

Усмон ҚҰЧҚОР
(масъул котиб)

Ортиқбай АБДУЛЛАЕВ

Амир ФАЙЗУЛЛА

Назира ЖҮРАЕВА

Алимурод ТОЖИЕВ

Жамоатчилик кенгаши:

Бобур АЛИМОВ

Абдулла АРИПОВ

Эркин ВОҲИДОВ

Абдулла ИСМОИЛОВ

Абдураҳим МАННОНОВ

Темур ШИРИНОВ

Фулом МИРЗО

Абдулла ОРИПОВ

Баҳодир ХОДИЕВ

Навбатчи мұхаррир Н. ЖҮРАЕВА

Техник мұхаррир У. КИМ

Мусаҳхиҳ Д. АЛИЕВА

Компьютерда саҳифаловчи Н. ДАВЛАТОВА

Жаҳон адабиёти, 3. 2012

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига рўйхатга олинган, №178

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўллэзмалар қайтарилимайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

Таҳририят манзили:

100129, Тошкент, Навоий қўчаси, 30.

Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.

E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишига руҳсат этилди _____ 2012 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қозози. Офсет босма.

Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоги 20,0.

Жами 1900 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

«Жаҳон адабиёти» журнали компьютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Faafur Fулом номидаги НМИУда чоп этилди.
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур қўчаси, 86.

© Жаҳон адабиёти, 2012 й.

Расул ҲАМЗАТОВ

Оналарни асранг

(Достондан парча)

БИРИНЧИ ҚҰШИҚ

Осмонга қарайман бўм-бўш хонамдан,
Турналар, қайтингиз кўшиқлар айтиб,
Мен бевақт айрилиб қолдим онамдан,
Энди онажоним келмайди қайтиб.

Бу йил Догистонга кечикди баҳор,
Фозлар ҳам кетмаган шимол томонга.
Фақат онам мени бўзлатиб зор-зор,
Шошилинч жўнади сўнгги маконга.

Ўриб келардилар тоғдан ўт-ўлан,
Сигиримнинг сути қўпаяди деб.
Майсалар, майсалар, келинг қир-ўрдан,
Онамнинг қабрига беринг яшил зеб.

Онам тонгдан сени қўрай деб, Куёш,
Ҳаммадан илгари чиқарди пешвоз.
Онамнинг қабрига бўлганча нурпош,
Куёш, ёнимда бўл дардимга ҳамроз.

Қизим туғилган кун ёдимда ҳамон,
Қанчалар қувонган эдингиз, она.
Бугун қизим қизли бўлди, онажон,
Набирангиз кўрмай кетдингиз, она.

ИККИНЧИ ҚҰШИҚ

Мен ўйлар эканман, азиз онажон,
Үгиллар уйидан юрганда йироқ,
Оналар уларни кутар бегумон,
Кечалар токчага қўйишиб чироқ.

Таниқли авар шоири Расул ҲАМЗАТОВнинг онаси Хондулай Ҳайдарбекхожиевна 1965 йил февраль ойида вафот этган. Бу вақтда шоир Хиросимада Иккинчи жаҳон уруши қурбонларига багишланган халқаро маросимда қатнашаётганди. Шу боис у онасининг мотам маросимига етиб келолмайди. Расул Ҳамзатов бутунги кунда дунё халқлари меҳрини қозонган “Оналарни асранг” достонини айнан Хиросимада ёза бошлаган ва уни 1976 йилда ниҳоясига етказган. Бу достон 1978 йилда китоб ҳолида нашрдан чиқди ва 1980 йилда Россия Федерацияси давлат мукофотига муносиб кўрилди.

Расул Ҳамзатовнинг дунёдаги барча оналарга маддия сифатида битган “Оналарни асранг” достонидан бир парчани ўзбек ўқувчиларига тақдим этмоқдамиз.

Ўша чироқ йўлим ёритди ҳар дам,
Қаёққа узатмай — етарди қўлим.
Бироқ сиз сўндингиз, сўнди чироқ ҳам,
Чор атроф зим-зиё, йўқотдим йўлим.

Мен ўйлар эканман, азиз онажон,
Токи кемам сузар экан уммонда,
Сизнинг чироғингиз сўнмас ҳеч қачон,
Менга маёқ бўлар манзил томонда.

Йиллар ўтар экан учкур бир саман,
Кемам сузуб борар, зимистон ҳар ёқ.
Қани у? Атрофни қоплади туман.
Қани у? Йўлимни ёритган маёқ.

Яна ўйлардимки, азиз онажон,
Дараҳтлар ўсади доим тик, баланд.
Илдизи бақувват дараҳт ҳеч қачон
Ажал қонунини қилмайди писанд.

Хаёт дараҳтимни қулатди шамол,
Илдизлари чиқиб ётар тупроқдан.
Уяси бузилган бир қушча мисол
Ошёним излайман учиб ҳар ёқдан.

Қаттиқ ишонардим, азиз онажон,
Ажал жазоламас мени бешафқат.
Сизнинг ёнингизга келмас ҳеч қачон,
Бошимга тушмайди бундай мусибат.

Бундай бўлишини билсайдим агар,
Агар тушларимда бўлсайди аён,
Ҳеч қайга кетмасдим баҳорга қадар,
Ёнингизда юрар эдим, онажон.

Таскин шу: Сиз мени улғайтирдингиз,
Тоғдаги сарв каби униб-ўсдим тик.
Энди қабр бошида йиглайман унсиз,
Ёнимда сарвнинг ҳам қомати эгик.

УЧИНЧИ ҚЎШИҚ

Биламан, сўлар гул ҳам
Ва лекин яшнар гулзор.
Қани у кўм-кўк кўклам?
Қайдасиз, онаизор?

Биламан, ёз келган чоф,
Тоғда қурир кўп ирмоқ.
Қорлар эрир — қолар тоғ,
Қайда менга суянч тоғ?

Биламан, ютар уммон
Тўлқинларни бегумон.

Лекин онам кетган он
Гёё қуриди уммон.

Биламан, ботса Қуёш,
Эртага чиқар албат.
Қайтмас, уфққа қўйса бош
Она Қуёши фақат!

ТЎРТИНЧИ ҚЎШИҚ

Энди, опа, узун тунларда,
Иккаламиз қурамиз суҳбат.
Ахир, онам хаста қунларда
Сиз ёнида бўлгансиз фақат.

Сиз онамга қўйиб бошингиз,
Тинглагансиз сўнгги сўзини...
Сўнг шашқатор тўкиб ёшингиз,
Сиз ёпгансиз очиқ қўзини.

— Менга ростин айтинг, опажон,
Онам сезиб қелганин ўлим,
Йўлларимга боққанча гирён,
Сўрагандир: “Келдими ўғлим?”.

— Йўқ, укажон, онажонгинам,
Қилгани йўқ бирор шикоят.
Фақат деди хўрсиниб бир дам:
“Баҳор тезроқ келсайди шояд”.

Кейин деди: “Бўлдими сахар,
Кун очиқми, тушганми туман,
Наҳот бу йил ёзда турналар
Доғистонни этмайди маскан”.

— Опа, онам ётганда хаста,
Чекмадими недандир ташвиш?
— Жим ётдилар... Сўради аста:
“Овул тинчми, яхшими турмуш.

Ҷадамизда балки бу қишида
Тугилгандир ўғил ёки қиз.
Хиросима жуда олисда,
Ўғлим кетган эди пўстинсиз”.

— Опа, онам қўзин юмар вақт,
Сўнгги марта айтди қай сўзни?
— Нима деди?.. Ҳеч нарса, фақат
Кўрсат деди бешигимизни.

“Бешик бўм-бўш қолиши гуноҳ,
Болажонлар — уйга фаришта”.
Шивирлади: “Яшанглар иноқ,
Мени эсланг”... Кўз юмди аста.

БЕШИНЧИ ҚЎШИҚ

Дейдиларки, Юнонистонда
Айтиб ўтинч дуоларини,
Кўрар экан тиниқ осмонда
Ўзларининг худоларини.

Мен уйдами ёки йироқда
Нимадандир безовта бўлсам,
Ё қийналсан гамда, фироқда,
Тушларимга киради онам.

Дейдиларки, овга берилиб,
Кекса ҳинду йўқотса йўлни,
Юлдузларга зимдан термилиб,
Топар экан қайтар манзилни.

Мен уйдами ёки йироқда,
Юлдузларга боқсан жонсарак,
Намоёндир онам қароғда,
Ҳамон менга беради кўмак.

ОЛТИНЧИ ҚЎШИҚ

Сиз айтганингиздай, азиз онажон,
Қабрингиз устига қўйдим оддий тош.
Лекин қабрингизга шу мовий осмон,
Шу замин ёдгорлик ва менга сирдош.

— Айтингиз, уй-девор, турмасдан музтар,
Уйимиз файзини ким сақлаб келди?
Бўм-бўш уй ичидан акс садо қайтар:
— У онажон эди, онажон эди!

— Айтгил, қишининг узун совуқ кунлари
Ким ўт қалар эди сенга, оташдон?
Айтгил, қайнаётган булоқ сувлари,
Ким кўза тутарди? Жавоб: — Онажон!

Боқсан девордаги гиламга томон,
Чевар қўлларингиз оламан эсга.
Қулоғим тагида аллангиз ҳамон,
Оҳанг, йўлларингиз оламан эсга.

Тергаб турмасангиз, шубҳасиз бугун
Умр богим босган бўларди печак.
Ўзимдаги барча фазилат учун
Аввал сизга раҳмат айтишим керак.

Сиз айтган эртакни тинглаган кезлар
Юлдузларга қараб олардим ором.
Туманли осмонда порлаб юлдузлар,
Менга номингиздан йўллайди салом.

Сиз айтганингиздай, азиз онажон,
 Қабрингиз устига қўйдим оддий тош.
 Лекин қабрингизга шу мовий осмон,
 Шу борлик ёдгорлик ва менга сирдош.

ЕТТИНЧИ ҚЎШИҚ

Униб-ўстирдингиз авайлаб, она,
 Вужудимга қувват қуйилди, она,
 Ўгитлар айтдингиз саралаб, она,
 Шеърларимга ҳикмат йўғрилди, она.

Ва лекин мен сизни эрта йўқотдим,
 Йўқотган кунимдан қайфуга ботдим.

Беназир совгалар бердингиз, она,
 Коқилсам, қўлимдан тутдингиз, она,
 Баҳорда гул-лола тердингиз, она,
 Йўлимни интизор кутдингиз, она.

Лекин бу оламдан кўзни юмган дам,
 Менга қолдирдингиз – соғинч ва алам.

Шод қадам ташладим сиз билан, она,
 Омад ҳам қўлларди сиз билан, она,
 Бахтиёр яшадим сиз билан, она,
 Толеим куларди сиз билан, она.

Хаёт чироғингиз бунча тез сўнди,
 Сизсиз дунё бўм-бўш... Етимман энди.

САККИЗИНЧИ ҚЎШИҚ

Мехри уммон – оналар қалби,
 Фарзандларин, уйин ардоғлар.
 Кўқдан қаранг, оналар каби
 Бир-бираига ўхшайди тоғлар.

Дерлар: Қанча баланд бўлса тоғ,
 Бўронларни қилмайди писанд.
 Чўққилар кўп дунёда, бироқ
 Чўққи йўқдир онадан баланд.

Она, яхши-ёмон кунларда
 Бошим узра бўлдингиз посбон.
 Кундуз Қуёш, Ойсиз тунларда
 Порладингиз – йўлим чароғон.

Энди қайга ташламай нигоҳ,
 Тимсолингиз бўлар намоён.
 Камалақдан олиб ранг-сиёҳ,
 Сиймонгизни чизибди осмон.

Уйга, бизга фидо эдингиз,
Энди эса жойингиз осмон.
Айтинг, қандай ташлаб кетдингиз
Уй ва бизни, азиз онажон?!

ТҮҚҚИЗИНЧИ ҚЎШИҚ

Онанинг меҳрига тўярми одам,
Хеч нарса босолмас унинг ўрнини.
Онаси борларга гўзалдир олам,
Доимо ҳис қиласар юрак қўрини.

Она юрагига йўқ мезон, шартлар,
Ҳамма сўзларига тутар қулогин.
Юраги амрига бўйсуниб мардлар,
Ҳимоя қиласади Ватан тупроғин.

Оналар айтгани бўлсайди бажо,
Бундан ҳам гўзалроқ бўларди дунё.
Ҳаётда гуноҳ иш қилинар, аммо
Уларга онанинг дахли йўқ асло.

Ҳамма нарса бўлса она қўлида,
Дунёда бўлмасди сира ёмонлик.
Ҳозир кезар эдик юлдуз йўлида,
Тантана қиласади тинчлик, омонлик.

Тоғлик мард йигитлар онасисиз сиз,
Бундан хабардордир бутун коинот.
Қабрингиз пойига чўкканимча тиз,
Сизнинг руҳингиздан сўрайман имдод.

ЎНИНЧИ ҚЎШИҚ

Қайда бўлмай — яқин-йироқда,
Қанча шошмай, тўхтайман бир зум.
Ҳайкалларга дуч қелган чогда
Бошим эгиб айлайман таъзим.

Қанча шаҳид ётар тупроқда,
Уларга зор бир онаизор.
Қўрдим — кўплаб шаҳар-қишлоқда
Оналарга қўйилган ёдгор.

Чехияда — Висла бўйида,
Баланд қўргон — Мамай қўргонда.
Она турар ўғли ўйида
Ва дер: Тинчлик бўлсин жаҳонда.

Ҳайкалларга боқдим ҳайратда,
Улар бари ўхшайди сизга.
— Бу, она, сиз, бу сиз, албатта,
Шунинг учун яқиндир кўзга.

Бу жойларга келгансиз қачон?
 Тимсолингиз кўраман аён.
 Догистондан четга, онажон,
 Чиқмагансиз гарчи ҳеч қачон.

Қайда бўлмай – яқин-йироқда,
 Учратаман онамни бот-бот.
 Бўйи-басти яшар қароғда,
 Демак, онам мангубарҳаёт.

ЎН БИРИНЧИ ҚЎШИҚ

Биласизми, онажонгинам,
 Шундай кун бор кўп мамлакатда –
 Ўша кунни қилишар байрам,
 Онажонлар бўлар иззатда.

Ҳамма бундай байрам кунлари
 Совға билан шошар уйига.
 Бу кун бола каби ёш-қари
 Шошиб чопар она қўйнига.

Шошар денгиз тубидан гаввос,
 Фазогирлар юлдуз йўлидан.
 Кечикишиб бўлса ҳам бироз,
 Келиб ўпар она қўлидан.

Ҳеч бирининг йўқ баҳонаси,
 Ҳамма уйда бўлар жамулжам.
 Қимнинг ҳаёт бўлса онаси,
 Ўша баҳтли экан чинакам.

Байрам таъсир қилди хўп менга,
 Ич-ичимдан ранжиб чекдим ғам.
 Шу вақтгача бизда йўқ нега
 Оналарга аталган байрам?!

Тўғри, азиз элу юрт ғами,
 Тушунамиз барчамиз буни.
 Шу боис бор Ҳосил байрами,
 Шифокорлар, Шахтёрлар куни...

Бизда доим меҳнатга ҳурмат,
 Байрам бордир ҳар бири учун.
 Энг меҳнаткаш онага фақат
 Аталмаган алоҳида кун.

Ўз фикримни этаман инкор:
 Шунча кундан бир кунми фақат?
 Оналарни согиниб зор-зор,
 Интиламиз ҳар кун, ҳар соат.

Йўлимизга таратар зиё
 Оналарнинг меҳр юлдузи.

Қалбимизда она доимо,
Шундай байрам керакми ўзи?!

ЎН ИККИНЧИ ҚҮШИҚ

Оналар ўглини тупроққа берса,
Бағрини ўртайди фарзанди дөғи.
Онаси қабрининг пойида турса,
Үгилни бўзлатар виждан қийноғи.

Қабрингиз пойида турибман гирён,
Ўзимни сезаман айбордан айбдор.
Энди пушаймонман, азиз онажон,
Кўп бор дилингизга берибман озор.

Афсус, бошингизда бўлсайдим посбон,
Сиз учун жонимни қиласадим фидо.
Онажон, қалбимни эзади армон,
Ўғиллик бурчимни этмадим адo.

Чегарада турган соқчидаи огоҳ,
Қўриқласам эди оромингизни.
Балки қуролимга ташлашиб нигоҳ,
Фаришталар ҳам тинч қўярди сизни.

Мен қирғоқда ўсган эмандай гўё,
Қониб сув ичибман дарё меҳрдан.
Сира хаёлимга келмабди аммо,
Бир кун айрилишим сиздай баҳрдан.

Тайинлар эдингиз доим, онажон,
Кирғоқдан узоққа сузмагин, болам.
Белгидан нарига ўтма ҳеч қачон,
Қоядан қарасам қўрайин қоранг.

Нетай, олиб кетди қудратли тўлқин,
Кирғоқдан узоққа тушмишdir йўлим.
Қанчалар қирғоққа интилмай лекин,
Сизнинг қўлингизга етмади қўлим.

Сиз унда маҳталсиз, мен бунда маҳтал,
Онажон, шошилманг, кенгдир бу олам.
Ҳали баҳоргача бор эди февраль,
Февраль ойи қисқа... Қисқа умр ҳам.

Оналар ўглини тупроққа берса,
Бағрини ўртайди фарзанди дөғи.
Онаси қабрининг пойида турса,
Үгилни бўзлатар виждан қийноғи.

СЎНГТИ ҚҮШИҚ

Оналар алласи... Турфа хил улар,
Куйланар уй-ҳовли, йўлда, уватда...

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Онам аллалари бўлмаса агар,
Мен шундай улгаймас эдим албатта.

Онам кўзларида йилтиллаган ёш,
Лабларидан учган ҳар битта алла.
Йўлимни ёритар мисоли Қуёш,
Оғир дамларимда беради далда.

Оналар алласи – оддий ва буюк,
Оналар юраги – сирли бир олам.
“Онангизга мос сўз топмадим суюк”,
Шундай дея иқрор бўларди отам.

Ваҳший уруш кечган йиллар жаҳонда,
Ҳамманинг сочига туширганди оқ.
Сизни йўқотганим эшигтан онда
Қолган қора сочим ҳам бўлди оппоқ.

Жангда акаларим ҳалок бўлган вақт,
Хаёлан топширган менга қарзини.
Отам кўз юмар чоғ қилган васият:
“Асрагин онангни – уйнинг файзини”.

Уларнинг қарзи ҳам менинг зиммамда,
Шу боис умримга қўшилган умр.
То тирик эканман ёруғ оламда,
Сизга шеърий рўмол тўқишим зарур.

Алла, қўшифингиз эслаб бирма-бир,
Улардан сизга мос сўзлар сўрайман.
Қандай чиққан экан безаклар, тасвир,
Энг баланд чўққига ўраб қарайман.

Она, кўрмагансиз бундайин рўмол,
Қаранг, у қанчалар ёрқин ва гўзал.
Унда мужассамдир сиздаги жамол,
Аллангиз сўзлари бергандир сайқал.

Юракдан битаман шеъри ҳалолни,
Баҳор гулларидан ранглар оламан.
Хурматингиз учун ушбу рўмолни
Барча оналарга тақдим қиласман!

*Асрор МўМИН
таржимаси*



Болеслав ПРУС

Фиръавн

Тарихий роман

САККИЗИНЧИ БОБ

Орадан бир неча кун ўтиб валиаҳд хос хизматчисини Камага таклиф билан юборди. Роҳиба атрофи тӯсилган тахтиравонда тезгина келди.

Рамсес уни ёлғиз қабул қилди.

– Бир куни, – деди у, – мен уйинг ёнида бўлдим.

– Ё Ашторет! – хитоб қилди роҳиба. – Бундай лутфга қанақа қилиб жавоб қайтarsам экан?! Нега энди сен, олийзот, ўз чўрингни чақирмадинг?

– У ерда қандайдир ҳайвонлар бор эди. Менимча ассирияликлар.

– Демак, жаноблари ўзларини кечкурунда бехуда уринтирибдиларда? Мен ҳеч қачон ҳукмбардорни бир неча қадам нарида, очик осмон тагида турганини тасаввур этишга журъат қилмаган бўлардим.

Валиаҳд қизаринди. Агар роҳиба унинг бир неча оқшомлар дераза остида ўтказганини билганида ҳайратланмаган бўларди! Кўзларини пастга қаратиб, жилмайиб туришидан роҳиба буни билган бўлиши ҳам мумкин...

– Шундай қилиб, Кама, сен ассирияликларни уйингда қабул қиласан, шундайми? – давом этди Рамсес.

– Таниқли амалдор, подшоҳнинг қариндоши Саргон бизнинг илоҳамизга беш талант ҳадя этди! – хитоб қилди Кама.

– Бунинг учун сен қурбонлик билан жавоб қайтаришга ҳам тайёрсан? – сўради валиаҳд, истеҳзо билан. – Унинг сахийлигидан финикия маъбуллари сени ўлим билан жазоламайдилар?

– Нималар деяпсан, жаноб? – ҳайратланиб сўради Кама, қўлларини ёйиб, – ҳеч бир осиёлик ҳаттоқи мен саҳрова ёлғиз қолсам ҳам кўлинин текизмаган бўларди. Улар маъбуддан қўрқадилар...

– Унда нега у сассиқ... йўқ, у осиёлик мартабали?

– У Бобилдаги Ашторет эҳромига боришимга кўндиromoқчи бўляпти.

– Сен нима дединг, борасанми?

– Агар сен, жанобим, амр қилсанг – бораман, – жавоб қилди Кама, ҳарир парда билан юзини тўсар экан.

Ворис индамасдан унинг қўлидан тутди.

– Менга тегма, жаноб, – шивирлади у ҳаяжон билан. – Сен менинг ҳукмдорим, бу мамлакатда мен ва финикияликларнинг қўргонисан. Раҳминг келсин...

Роҳибанинг қўлини қўйиб юборган валиаҳд хонада юра бошлади.

Давоми. Боши ўтган сонда.

— Бугун жуда ҳам иссиқ бўлди-а? — деди у. — Айтишларича шундай мамлакатлар борки, меҳр ойида осмондан оппоқ пар ёғиларкан. Улар иссиқлик яқинлашгач, сувга айланармиш. Оҳ, Кама, маъбудларингдан илтижо қил, улар менга ана шундай парқулардан озроқ юборишин! Нималар деяпман, агар улар бутун Мисрни совуқ укпар билан қоплаганларида ҳам юрагимни совута олмаган бўлардилар.

— Чунки сен илоҳий Амон, инсон қиёфасидаги қўёшсан, — деди Кама. — Юзингни қаёқча бурсанг, зулмат тарқалади, қароқларинг нуридан гуллар унади...

Рамсес яна унинг ёнига келди.

— Раҳминг келсин! — шивирлади роҳиба. — Ахир сен саховатли шоҳсан ва ўз роҳибангни хафа қилмайсан.

Рамсес елкасидан оғир юкни силтаб ташлагандай ҳаракат билан нари кетди. Кама қуийига эгилган киприклари орасидан уни кузатиб, жилмаярди.

Сукут чўзилиб кетгач, у сўради:

— Қақирирган экансан, хукмфармо. Мен шу ердаман ва амрингга мунтазирман.

— Дарвоқе, — ҳушига келди валиаҳд, — менга айт-чи, роҳиба, ўша эҳромда кўрганим, менга ўҳшаган йигит ким эди?

Кама бармогини лабларига текизди.

— Муқаддас сир, — деди пичирлаб.

— Буниси — сир, униси ман этилган. Ҳеч бўлмаса унинг одамми ёки руҳ эканини билса бўладими?

— Руҳ.

— Ўша руҳ деразанг ортида қўшиқ айтадими?

Кама жилмайди.

— Мен эҳромингиз сирини билмоқчи эмасман, — деди валиаҳд.

— Сен эҳромга қасам ичгансан, жаноб, — эслатди роҳиба.

— Яхши! Яхши! — унинг гапини бўлди асабийлашган валиаҳд. — Шунинг учун ўша мўъжиза ҳақида Хирам билан ҳам, бошқа бирор билан ҳам гаплашмайман... Сен бундан истисносан. Гап бундай. Кама, менга ўҳшаган ўша одамгами, руҳгами — айтиб қўй, тезда Мисрдан чиқиб кетсин ва ҳеч кимга қорасини кўрсатмасин. Ҳеч бир мамлакат таҳтининг икки вориси бўлмаган.

Уни тўсатдан бир фикр ҳайратга солди.

— Қизиқ, — деди у Камага диққат билан тикилиб, — нега қабила дошларинг ўша одамни менга кўрсатиши? Улар менинг ўрнимни босадиган одам борлигини билдириб қўйишмоқчи бўлдиларми? Чиндан ҳам уларнинг бу қилмишлари мени ҳайрон қолдирди.

Кама унинг оёқларига тиз чўқди.

— О, жаноб, — пичирлади у, — кўксингда олий туморимизни тақиб юрибсан. Шу сабабдан финикияликлар сенга зиён-заҳмат етказиши мумкинлиги ҳақидаги фикрни хаёлингдан чиқар. Ўзинг ўйлагин: агар сенга хавф таҳдид солса ёки душманларингни алдамоқчи бўлсанг, ўшанақа одамнинг фойдаси тегмайдими?

Валиаҳд елка қисиб ўйланиб қолди.

«Ҳа, — ўйлади у, — агар мен бирорларнинг ёрдамига муҳтоҷ бўлсан... Лекин наҳотки финикияликлар бир ўзим уддалашимга ишонмайдилар? Демак, уларнинг ҳаммаси ёмон одамлар экан-да!»

— Жаноб, — пичирлади Кама, — Буюк Рамсеснинг адаш-ўхшашлари бўлгани сенга маълум эмасми? Унинг икки «сояси» ҳам ҳалок бўлдилар, у эса яшашда давом этди.

— Бас, — тўхтатди валиаҳд. — Осиё ҳалқларига маълум бўлсинки,

мен сахийман, Кама. Бугуноқ Ашторет шарафига ўтказиладиган кўнгил-очарлик учун беш талант ва эҳром учун қимматбаҳо қубба ҳадя этаман. Бугуноқ сен уларни оласан.

У бошини кескин эгиб, роҳибани қўйиб юборди.

Қиз кетганидан кейин уни янги фикрлар чулгади.

«Финикияликлар ҳақиқатдан ҳам айёр. Агар менинг адашим одам бўлса, у жуда ҳам қўл келади ва мен ҳали Мисрда ҳеч ким эшитмаган мўъжизалар содир этаман. Фиръавн Мемфисда яшаб, бир вақтнинг ўзида Фива ва Танисда пайдо бўлади... Фиръавн эса қўшин билан Бобил томон боради, ассирияликлар эса қўшинни шу ерга тўплайди. Бу вақтда Фиръавн бошқа қўшинлар билан Ниневияни босиб олади. Аниқки, ассирияликлар бу мўъжизадан ёқаларини ушлайдилар...»

Унинг кўнглида қудратли осиёликларга нисбатан яна баттарроқ нафрат уйгонди.

Ғалабага олиб борувчи жанговар аравасини яқинда бўлиб ўтган жангда ҳалок бўлган ассирияликлар жасади сочилиб кетган, кесилган қўллар билан тўлиб-тошиб ётган саватлар атрофида айланадиганини кўз олдига келтирди. Энди уруш унинг учун худди нондек зарур бўлиб туюлди. Зеро, бу уруш Мисрни бойитиш, хазинани тўлдириш ва сўнмас шон-шуҳрат келтиришга ёрдам берибгина қолмай, Ассирияга қақшатқич зарба бериш иштиёқида кучайиб бораётган чан-қоғини қондиришга ҳам ёрдам беради.

Ҳозир у соқоли тўзғиган жангчиларни кўрганича йўқ, улар ҳақида ўйламайди ҳам. Улар ҳозир халақит берган бўлар, ёнма-ён туриш шунчалар торлик қиласи, кимдир даф бўлиши керак: улар ёки ўзи.

Бу ишда Хирам билан Каманинг ўрни қандайлигини ўйламади ҳам. Гўё иқлимпаст қушлар паноҳ ойида шимолга учишни ихтиёр этганларидек, у Ассирия билан урушиш кераклигидан бошқа нарсанни идрок этмас эди.

Урушга талпиниш унинг бутун вужудини эгаллаб олган эди. Кам гапирап, аҳёнда бир кулиб қўяр, базмларда ҳам ўйчан ҳолда вақтини ҳарбийлар ва зодагонлар билан ўтказар эди. Қурол-аслаҳа туттганларга валиаҳднинг мурувват кўрсатаётганини билган таниқли ёшлар ва ҳаттоқи улардан каттароқ одамлар ҳам лашкарлар сафига қўшиладиган бўлди. Бу ҳолат муқаддас Ментесуфиснинг эътиборини тортмай қолмади ва Херихорга қуидаги мазмунда хат юборди:

«Ассирияликлар Бубастга келганларидан бўён валиаҳд жуда ҳам даргазаб бўлмоқда. Унинг саройидагилар ҳам мутлақ уруш кайфиятида. Гарчи улар аввалгидек шароб ичиб, ошиқ ўйнасалар ҳам енгил кийимлари ва ясама соchlарини ташлаб, қаттиқ иссиқ бўлишига қарамай жангчиларнинг қалпоғи ва чопонларида юрибдилар.

Бу ердаги уруш кайфияти олийзот Саргонга ёқмасмикин, деб ўйлайман».

Хатга жавобан Херихор шундай деб ёзди:

«Ассирияликларнинг юртимизда бўлишига жавобан бизнинг таъби нозик бойваччаларимиз ҳарбий ишга меҳр қўйсалар қўяверсинлар, зеро, улар бизни яна ҳам кўпроқ хурмат қиладиган бўладилар. Зоти олий валиаҳд, эҳтимол, маъбуллар ақл бериб урушқоқ ҳалқ элчилари қўзида қуролларини шарақлатишга ақли етгандир. Ишонаманки, ўшларимизнинг жанговар руҳи Саргонни ўйланишга мажбур қилади ва музокаralарда ён босадиган бўлади».

Миср бино бўлганидан бери биринчи марта коҳинлар хушёrlигини валиаҳд чалғитди. Тўғри, бунда финикияликлар катта роль ўйна-

ди — унга Ассирия билан коҳинлар ўртасидаги битим сирини очдилар. Коҳинлар эса бундан бехабар қолдилар.

Бунинг устига валиаҳд феълининг ўзгариб туриши коҳинлар табакасидан унинг мақсадларини яширди. Ўтган йили Пи-Байлосда Саррани учратганида қўшинлар ҳаракатини ҳам унуганини, кейинги вақтларда базмлардан ҳам воз кечиб, ишга берилгани, ибодатга шўнғиганидан сўнг майхўрликка ружу қўйганини ҳамма билар эди. Шунинг учун ҳам бу бекарор йигитнинг қандайдир режа тузишига, мақсадини амалга ошириш учун енгилмас куч билан интилишига Тутмосдан бошқа ҳеч ким ишонмаган бўларди.

Бу гал унинг бекарорлигига ортиқча исботнинг кераги ҳам бўлмади.

Ҳаво ўта исиб кеттанига қарамай, Сарра Бубастга ўғли ва саройидагилар билан бирга келди. Бироз озиб қолган, гўдаги эса йўлда толиқан бўлишига қарамай кўринишлари яхши эди.

Валиаҳднинг кайфияти кўтарили. Ў Саррага сарой бофининг энг гўзал қисмидаги шийпонни ажратиб, деярли кун бўйи ўғлиниң бешиги олдидা бўлди.

Базмлар, машқлар, ҳазин ўй-хәёлларнинг ҳаммаси унут бўлди. Ёш зодагонлар энди ўzlарича кайфу сафо қилардилар. Улар қиличларини ечиб, яна пўрим йигитларга айландилар. Чунки шаҳзода ўғлини кўрсатиш учун уларни Сарранинг шийпонига олиб боришни ихтиёр этган эди.

— Тутмос, қарагин, — деди у содиқ хизматкорига, — қандай ажойиб гўдак. Худди гул япрогига ўхшайди. Мана шу ушоқдан қачонлардир ҳақиқий одам етишади! Бу пуштиранг полопон қачондир югуради, гапиради, ҳаттоки коҳинлар мактабида донишмандликни ўрганиди. Унинг кўлчаларига қара, Тутмос! — деди Рамсес. — Бу кўлчаларни эслаб қол. Полкка қўмондонлик қилганимда ёнимда чопқич қўтариб юрадиган шу кўллар ҳақида гапириб берарсан. Бу менинг ўғлим, жонажон ўғлим!

Жанобининг бу сўзларини эшитган сарой оқсоchlари, гарчи суловавий ҳукуқларга эга бўлмасалар-да, бўлгуси фиръавннинг биринчи боласига энагалик ёки бокувчилик қилиш ўzlарига насиб этмаслигидан ўпканлангандай бўлдилар.

Бироқ бундай гўзал ҳаёт тезда тугади. Чунки сарой ҳаёти финикияниклар манфаатига доҳил эмас эди.

Бир куни Хирам бир тўп савдогарлар, қуллар ва унинг қўлидан қорни туовчилар билан саройда пайдо бўлиб, валиаҳдга ўнчандай деди:

— Бағри кенг жанобимиз! Қалбинг саховатга тўла эканлигига гувоҳ сифатида Ашторет илоҳаси шарафига ўтказиладиган базм учун беш талант ҳадя этдинг. Амринг бажарилди — базмга тайёргарлик кўриб бўлдик. Энди эса шу базмга ташриф буюришингни тилаб келдик.

Шуларни айтар экан, тирлик мўйсафибек тиз чўкиб, томошагоҳ тўрисидан ажратилган хос жойнинг олтин калитини олтин патнисда унга узатди.

Рамсес таклифни жон-дили билан қабул қилди. Муқаддас коҳинлар Мефрес ва Ментесуфис валиаҳднинг Ашторет илоҳаси шарафига ўтказиладиган базмда иштирок этишига қаршилик билдирамадилар.

— Биринчидан, — деди ҳазрат Мефрес Ментесуфисга қараб, — Ашторет — бу бизнинг Исидамиз ёки халдейларнинг Иштар илоҳларига teng. Иккинчидан, агар биз еримизда осиёликларнинг эхром куришига рухсат берсак, уларнинг илоҳларига аҳёнда бўлса ҳам ҳурмат бажо келтирган бўламиз.

— Ассирияликлар билан битим тузганимиз учун финикияликларга шундай лутф қилишга ҳатто мажбурмиз, — кулимсираб қўшимча қилди хурматли Ментесуғис.

Валиаҳд кундуз соат тўртда ҳокимлар ва таниқли зобитлар билан Ашторет эҳроми боғига қурилган томошагоҳга борди. Сайл ўтадиган жой айланаси шаклидаги майдон бўлиб, икки одам бўйи келадиган тўсиқ билан ўралган эди. Тўсиқнинг ёни бўйлаб зинага ўхшаган ўриндиқлар ва хос жойлар қурилган эди. Томи бўлмаса-да, улар тепасига капалак қанотига ўхшаш матолар тортилган, хизмат қилувчилар уларга муаттар сувларни пуркар ва ҳавони салқин қилиш учун бир маромда еллип турадилар.

Валиаҳд ўзига ажратилган хос жойга ўтирганидан сўнг томошага келган осиёлик ва мисрликларнинг ҳайқириқлари ҳавони тўлдириди. Томоша созанда, яллачи ва раққосаларнинг саф юриши билан бошланди.

Рамсес атрофга қаради. Унинг ўнг томонида Хирам ва финикияликларнинг маҳсус жойлари бор эди. Чап ёқда эса финикиялик коҳин ва роҳибалар жойлашиб, улар ўзларининг қимматбаҳо либослари ва гўзаллиги билан эътибор қозонардилар. Ўртада ўтирган роҳибанинг эгнида ҳарир хитон товланар, либос рангин кашталар билан безатилган, олтин билакузук ва иликузук тақилган, бошидаги нилуфар гули қадалган тиллақош қимматбаҳо тошлар билан безатилган эди.

Кама ҳамроҳлари билан шаҳзодага чуқур таъзим бажо келтириб, соч-соқоллари майда қилиб ўрилган қандайдир ажнабий томонга қараб сухбатга киришди.

Ворис томошагоҳга тўғри ўғлининг бешиги ёнидан келган ва шунинг учун ҳам хуш кайфиятда эди. Бироқ Каманинг бегона одам билан сухбат қурганини кўриб тундлашди.

— Биласанми, — деб сўради Тутмосдан, — роҳиба кимга илтифот кўрсатяпти?

- Бу ўша бобиллик зиёратчи, хурматли Саргон.
- Ахир у чол-ку? — деди шаҳзода.
- Албатта, у иккаламизнинг ёшимизни қўшиб ҳисоблаганда ҳам катталик қиласиди. Лекин чиройли эркак.
- Шунаقا ёввойи ҳам чиройли бўладими? — ижирғанди мулқдор.
- Аминманки, ундан қўй ёғининг ҳиди келиб турибди.

Улар жим қолишиди: валиаҳд ҳайратланди. Тутмос жанобига ёқмаган одамни мақтаб қўйгани учун чўчиб тушди.

Бу орада майдон бўйлаб томошалар алмашина бошлади: бесуяклар, илон ўргатувчилар, кўзбойлогичлар, масхарабозлар томошабинларнинг олқишига сазовор бўлаётган эдилар.

Валиаҳднинг қовоғи уюлди. Унинг кўнглида вақтинча ухлаб қолган туйғулар — ассирияликларга нафрат, Камага нисбатан эса рашк уйғонди.

«Бу аёл, хаёлидан ўтказди у, Камага қараб, — юзи ошланган терига ўхшаган, бежо қўзли, эчкисоқол чолга қандай қилиб илтифот кўрсатаётган экан?»

Валиаҳд саҳнага фақат бир мартагина дикқат билан разм солди.

Майдонга бир неча ялангоч халдейлар томоша кўрсатгани чиқишиди. Уларнинг катта ёшдагиси учта найза учини юқорига қўтариб ерга санчди ва қўл ҳаракати билан ўшроғини ухлатиб қўйди. Қолганлари эса ухлаб қолган одамни қўтариб, найзалар учига қўйишиди. Бириси бошини, иккинчиси белини, учинчиси оёқларини тутиб турдилар.

Үйқудаги одам ҳаракатсиз туради. Қария унинг тепасида бир неча қўл ҳаракатлари қилиб, ерга санчилган найзаларни бел остидан су-гуреб ташлади ва ниҳоят, боши тагидасини ҳам олди.

Куппа-кундузи, минглаб томошабинларнинг кўзи олдида уйқудаги одам ердан бир неча тирсак баландликда муваллақ қолди.

Ниҳоят, қария уни пастга тушириб бир туртки билан уйғотди.

Томошабинлар ҳайрон. Ҳеч ким на хитоб қилишга ва на қарсак чалишга журъат этмас эди. Фақат, айрим хос ўринлардан саҳна томонга гуллар отилди.

Рамсес ҳам лол қолган эди. У Хирамнинг хос жойи томонга энгажиб, унга сўз қотди:

— Ашторет эхромида шунаقا мўъжизалар кўрсата оласизларми?

— Коҳинларимизнинг ҳамма сир-асрорларини ҳам билавермайман, лекин халдейларнинг эпчилиларни ҳалқ эканига аминман.

— Лекин биз ўша йигитнинг ҳавода муваллақ ётганини кўрдик-да.

— Агар бизни сеҳрламаган бўлсалар, — деди Хирам норози оҳангда ва қовоғини уйди.

Анча вақтга чўзилган танаффус орасида номдор одамларга янги гуллар, муздек шароб ва шириналлар улашилганидан сўнг томошаларнинг энг қизиқарлиси — буқалар жангни бошланди.

Карнай-сурнай, ногоралар садоси остида саҳнага йирик буқани олиб чиқишиди. Унинг боши ва кўзлари бир парча мато билан ёпилган эди. Буқа ортидан найзалар билан қуролланган, бириси калта ханжар ушлаган яланғоч одамлар югуриб чиқдилар.

Валиаҳдинг ишораси билан хизматкорлар нари кетдилар. Найзабардорлардан бири ҳўқиз бошидан матони олиб ташлади. Ҳайвон бир неча муддат карахт бўлиб турганидан кейин найза урган одамлар кетидан шаталоқ отди.

Кураш бир неча дақиқа давом этди. Одамлар буқага азоб беришар, у эса қонга беланган ҳолда оғзидан кўпик сачратиб, орқа оёқларида тик турар, сўнг душманларни қувиб кетар, аммо ҳолсизлангани учун етолмас эди.

Ниҳоят, у томошабинларнинг қулгиси остида қулади.

Валиаҳд ҳаяжонланганидан саҳнага эмас, финикиялик коҳинларнинг хос жойларига қарапди. Кама Саргонга яқин ўтирганича у билан қизғин сұхбатда эди. Ассириялик уни кўзлари билан ямлар, қиз эса ишва билан унга яқин келиб гоҳ қулогига ниманидир пичирлар, шунда унинг сочлари ёввойи одамнинг жамалакларига тегиб кетар, гоҳида ясама ўпкаланиш билан ўзини тортар эди.

Рамсес юрагининг суст ураётганини ҳис этди. Аёл киши унинг кўзи олдида бошқа эркакка илтифот кўрсатаётган эди. Бунинг устига қари чолга, ассирияликка!..

Томошабинлар орасида фала-ғовур эшитилди. Саҳнада ханжар ушлаб турган одам чап кўлини бўксасига боғлашларини буюрди, қолганлари найзаларини кўздан кечирдилар, хизматкорлар эса иккинчи буқани олиб чиқдилар.

Найзабардорлардан бири буқанинг бошидан ниқобини юлқиб олди. Буқа уларга қайрилиб, кўзларини олайтириди, гүё душманларини санаётгандай эди. Одамлар найза санча бошлаганида буқа орқасига тисланниб, ўзини жангга ҳозирлади. Кейин бошини қуий эгиб, ҳамла қилаётганиларни кузатди.

Найзабардорлар дастлаб буқага ниш уриш учун аста яқинлашдилар. Ҳайвоннинг қимирламай турганини кўриб, унга тобора яқин келдилар.

Буқа бошини яна ҳам қуи эгиб, гүё қўмиб қўйилгандай қотиб турарди. Томошабинлар орасида қулги кўтарилиди. Бироздан кейин бу қулги кучли даҳшат қичқириғига айланди. Буқа керакли дақиқани пойлаб, олга қараб шиддат билан ташланди ва бехос қолган одамни шохлари билан илиб, баландга улоқтириди.

Суяклари мажақланган одам ерга йиқилди. Буқа эса саҳнанинг бошқа четига тезлаб борди-да, одамлар хужумини кута бошлади.

Найзадорлар уни яна қуршаб, ғашига тега бошладилар. Шу орада томошабинлар ярадор одамни олиб кетиш учун майдонга югуриб чиқдилар. Кетма-кет наиза санчилишига қарамай буқа тек тураверди. Бироқ уч хизматкор ҳолсизланган одамни кўлига олишлари биланоқ буқа қуон тезлигига уларга ташланиб, ағдариб юборди ва раҳмисизларча ерни депсий бошлади. Томошабинлар орасида ваҳима кўтарилиди: аёллар йиглади, эркаклар сўкиниб, қўлларига кирган нарсани буқага қаратса ота бошладилар.

Саҳнага қалтак, пичноқ, хатто ўриндиқлардан кўчириб олинган парчалар учиб туша бошлади.

Кутуриб кетган ҳайвоннинг ёнига қилич қўтарган одам келди. Бироқ қолганлар қаловланиб, ёрдамга етиб кела олмадилар. Буқа қиличли одамни ағдариб ташлаб, қолганларини қува кетди. Шу пайт томошаларда ҳалигача қўрилмаган ҳодиса содир бўлди: саҳнада беш киши ётар, қолганлари ўзларини уқувсизларча ҳимоя қилиб, кутурган ҳайвондан нари кетар, омма эса даҳшат ва ҳайратдан увлар эди.

Бирдан ҳаммаси тинди. Томошабинлар ўринларидан сапчиб туриб, пастга энгашдилар. Ранги ўчган Хирам қўлларини ҳайрат билан икки томонга ёйди. Чунки зодагонларнинг хос ўринларидан икки киши саҳнага сапчиб чиққан бўлиб, уларнинг бири калта қиличини қинидан суғурган Рамсес ва иккинчиси қўлига болтacha ушлаган Саргон эди.

Бошини ерга эгиб, думини хода қилган буқа саҳна атрофини тўзон кўтариб айланар эди. У тўғри шаҳзода томонга юрди, бироқ подшоҳ ўғлининг улуғвор қиёфасидан чўчиб, унинг ёнидан ўтиб кетди ва Саргонга ташланди. Ташланди-ю, шу заҳоти кулади. Чаққон, мушаклари чайир ассириялик буқанинг қаншарига болта уриб, уни қулатган эди.

Томошабинлар ҳаяжондан қичқириб юборди ва Саргон ҳамда унинг қурбони устига гуллар ёғилди. Шу пайтда Рамсес қилич ялангочлаганича лол ва ўксиган қиёфада туриб қолди. Каманинг одамлар қўлидаги гулларни юлқиб олиб, ассирияликка отаётганини кўрди. Саргон томошабинларнинг эҳтиросларини бефарқ қабул қилди. У буқанинг ўлганига ишонч ҳосил қилиш учун оёғи билан беписанд туртиб, валиаҳд томонга бир неча қадам қўйди ва ўз тилида нималардир деб, таниқли зотга мағрур таъзим қилди.

Рамсеснинг кўз олдидан қон аралаш туман ўтгандай бўлди. Ҳозир у қўлидаги қиличини голибнинг кўксига санчган бўларди. Бироқ ўзини тутди. Бир дақиқа чамаси ўйланиб турди-да, бўйнидаги олтин занжирни олиб, Саргонга узатди.

Ассириялик яна бир бор таъзим қилиб, занжирни ўпди ва бўйнига осиб олди. Юзларига қизил доғлар тепчиган Рамсес чиқиш томон йўналди ва оломоннинг тинимсиз олқишилари остида аламли хўрсиниш билан томошагоҳни тарк этди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Тот ойи (июннинг охири, июлнинг боши) кирди. Бубаст ва унинг атрофиға одамларнинг оқиб келиши жазира мақсади камай-

иб қолди. Бироқ Рамсеснинг саройида ҳамма кўнгилхушликни давом эттиради. Томошадаги воқеа ҳақида кўп гаплар бўлди.

Сарой аҳли Рамсеснинг шиҷоатини мақтаса, фикри ноқислар Саргонга ҳайратланишиб, коҳинлар эса тахт ворисининг хўқизлар жангига аралашмаслиги кераклигини, бунинг учун ҳақ олувчи, эътиборга молик бўлмаган одамлар борлиги тўғрисида жиддий оҳангда шивирлашар эдилар.

Рамсес бу гапларни ё эшитмади, ёки уларга эътибор бермади.

Унинг хотирасида ассирияликнинг буқалар жангига галабани тортиб олгани, Камага хушомад қилгани, Каманинг эса бу илтифотларни хушнудлик билан қабул қилгани ўрнашиб қолди.

Финикиялик орқали роҳибани ёнига чақириб келтириш ўзига яраш маслигини ҳисобга олиб, бир куни хат йўллади. Уни қўриши зарурлигини билдириб, ёнига қачон бориши мумкинлигини сўради. Унга жавобан Кама шу оқшомда кутишини билдириди.

Кўкда юлдузлар порламай туриб Рамсес саройдан яширинча (унга шундай туюлди) чиқиб, Ашторет эҳромига йўл олди.

Эҳромнинг боғи, айниқса, роҳиба шийпонининг атрофи деярли бўш эди. Шийпон ичи сокин ва бир неча чироқ милтираб турарди.

Аста тақиллатган эди, эшикни роҳибанинг ўзи очди. Қоронги йўлакда Кама унинг қўлларини ўпар экан, агар томошада буқалар унга зиён етказганида ўзининг ўлиб қолиши ҳеч гап эмаслигини пичирлади.

— Лекин жазманинг мени қутқариб қолгани учун хотиржамсан,
— деди у асабий ҳолатда.

Улар ёритилган хонага кирганларида Каманинг кўзларида ёш кўринди.

— Сенга нима бўлди? — деди шаҳзода.

— Жанобимнинг юраги менга терс қараган кўринади, — деди қиз.

— Бекорга бундай бўлмаса керак.

Рамсес истеҳзоли кулди.

— Нима? Сен унинг ўйнашимисан? Ёки ўйнаш бўлишни ният қилдингми, муқаддас аёл?

— Ўйнаш бўлиш? Ҳеч қачон! Лекин бу даҳшатли одамга хотин бўлиб қолишим мумкин.

Рамсес ўрнидан сапчиб турди.

— Бу нима, тушимми? — қичқирди у. — Ёки Сет бошимга балолар юбордими? Сен, Ашторет илоҳасининг меҳробидаги оловни қўриқловчи роҳиба бокира қолишинг ўрнига таҳдид остида эрга тегишинг керакми? Дарҳақиқат, финикияларнинг иккюзламачилиги айтганларидан ҳам баттар экан!

— Гапимга қулоқ сол, жанобим, — деди Кама, кўз ёшларини артиб.

— Саргон мени хотинликка олмоқчи, биринчи хотинликка. Бизнинг қонунларимиз бўйича роҳиба айрим ҳолатларда эрга тегиши мумкин. Агар эркақда подшоҳлар қони оқса. Саргон эса Ассар шоҳининг қариндоши.

— Демак сен унга тегасан?

— Агар Тир коҳинларининг олий кенгаши буюрса, кўнмасдан иложим йўқ, — жавоб берди у кўз ёшларини оқизиб.

— Нега Саргонга бундай ҳуқуқ берилган?

— Бундай ҳуқуқ бошқа нарсалар билан ҳам изоҳланади, — жавоб қилди у хўрсиниб. — Айтишларича, ассириялар финикияни босиб олса Саргон унга мулкдор бўлар экан.

— Ақлдан озибсан! — қичқирди Рамсес.

— Билғанларимни айтяпман. Эҳромимида финикия томонидан келадиган фалокатни даф этиш учун иккинчи дафъа ибодатлар бошлимоқда. Биринчи дафъа ибодатларимизни сен бу ерга келмасингдан олдинроқ адо этган эдик, жанобим.

— Энди нима учун ибодат қилиш керак?

— Шунинг учунки, шу кунларда халдейлик коҳин Издубар махсус хат билан Мисрга келган ва уни Ассар шоҳи финикияни босиб олиш учун сизлар билан битим тузгани вакил қилган.

— Ахир менинг... — гапни бўлди ҳукмдор.

У «ҳеч нарсадан хабарим йўқ» демоқчи бўлди-ю, дудуқланиб, кулади.

— Кама, отам номи билан қасам ичаман: мен ҳаёт эканман Ассирия Финикияни босиб ололмайди. Шунча гапирганинг етар?

— О, жанобим, жаноб! — хитоб қилди Кама, унинг оёқларига йиқилар экан.

— Энди сен ўша ёввойига турмушга чиқасанми?

— Оҳ! — сесканди қиз. — Яна сўрайсан-а?

— Менини бўласанми? — пичирлади Рамсес.

— Демак, сен ўлишимни хоҳлайсанми? — хитоб қилди Кама даҳшат ичиди. — Нима ҳам дердим, агар сен шуни хоҳласанг — мен тайёрман.

— Сенинг яшашингни истайман, — давом этди шаҳзода жунбушга келиб. — яшашингни ва менини бўлишингни...

— Бу мумкин эмас...

— Тирнинг олий кенгашчи-чи?

— Мени фақат у эрга бериши мумкин.

— Ахир сен уйимга кирасан-ку...

— Сенга хотин бўлмай туриб у ерга кирсам — ўламан. Ҳатто эртага чиқадиган қуёшни кўрмасдан ўлишга тайёрман.

— Ўзингни бос, — деди валиаҳд жиддий оҳангда, — кимки менинг марҳаматимга эришса, унга ҳеч ким зиён етказмайди.

Кама яна ҳукмдор пойига тиз чўқди.

— Қандай қилиб, ахир? — сўради қиз кафтларни бирлаштириб.

Рамсес беҳад ҳаяжонланиб, эгаллаган мартабасини шунчалар унудики, уйланиш учун ваъда беришга сал қолди. Бу фикрдан ақли эмас, балки қандайдир ички туйғу тўхтатиб қолди.

— Қандай бўлиши мумкин? Қандай бўлиши мумкин, — пичирлади Кама, унинг оёқларини ўпиб.

У Камани ўрнидан турғизди, ўзидан сал нарига ўтқазиб деди:

— Қандай қилиб дейсанми?.. Ҳозир тушунтираман. Энг охирги устозим бўлган кекса коҳин илоҳлар, подшоҳлар, коҳинлар, ҳатто паст табақали амалдор ва деҳқонлар билан бўлган гаройиб воқеаларни ёддан биларди. Покдомонлиги ва мўъжизалар кўрсатиши билан шуҳрат қозонган ўша қария негадир аёлларни сўймас, ҳатто қўрқар, уларнинг маккорлигини мудом такрорлаб юргувчи эди. Бир куни менга аёлларнинг эрқаклар устидан ҳукмронлиги ҳақида шундай воқеани айтиб берди:

«Халтасида бир дебен ҳам пули бўлмаган, фақат арпа унидан пиширилган чевати еб юрадиган ёш ва қашшоқ бир мирза Қуий Мисрдаги Фива шаҳрига боради. Унга бу жойда фақатгина бойлар ва жаноблар яшаси, агар омад қулиб боқса бой қилиб юборадиган лавозимга эга бўлишини тушунтиришади.

У Нил соҳили бўйлаб кетаётиб (кемада сузиш учун пули йўқ эди) ўйлайди: «Енгилтабиат одамлар ота-онасидан бир, икки, ҳаттоки ўн

талант олтин мерос қолганида у билан савдо-сотиқ қилиш ёки қарзга бериш йўли билан кўпайтириш ўрнига беҳуда нарсаларга сарфлайдилар. Агар менда бир дирҳам бўлганида... йўқ, дирҳам озлик қиласди. Агар менда бир талант ёки, яхшиси, бир неча парча ер бўлганида йилдан йилга пул тўплаб, умримнинг охирида энг бой ҳокимлардан бўлардим.

Нима ҳам қила олардим, ўйлабди у, хўрсиниб, илоҳлар фақат илоҳларнигина паноҳига оладилар. Мен эса сочимдан то яланг товонимгача ақлга тўлганман. Агар мени нодонликда айблайдиган бўлсалар ҳам фақатина пул сарфлашни билмаслигимни рўкач қилишлари мумкин эди».

Камбагал мирза шуларни ўйлар экан, лойсувоқ кулба олдида ўтирган одам ёнида тўхтади. У киши ёш ҳам, қари ҳам эмас, лекин ўткир нигоҳи юраккача етиб борар экан. Мирза уни қандайдир илоҳ деб ўйлаб, таъзим ила салом берибди:

— Салом, эй шундай гўзал уйнинг хожаси. Афсуски, сен билан баҳам кўргани менда на гўшт ва на шароб бор. Гапимга ишонишинг учун бутун бисотимни ҳадя этаман.

Одам қиёфасидаги Амонга ёш мирзанинг лутфи ёқиб тушибди. У мирзага қараб туриб, сўрабди:

— Бу ерга келаётганингда нима ҳақда ўйлаган эдинг? Кўринишингдан ақлли-хушлига ўхшайсан. Мен эсам каклик буғдор тўпландай доно сўзларни йигаман.

Мирза хўрсинибди.

— Йўлда келаётib эҳтиёжмандлигимни ва топганини бўлмагур ишларга сарфлайдиган енгилтак бойлар тўгрисида ўйладим, — дебди у.

— Сен исроф қилмаган бўлармидинг? — сўрабди ҳали ҳам одам қиёфасида турган илоҳ.

— Менга қара, жаноб, — дебди мирза, — эгнимда йиртиқ-ямоқ дагал кийим, шиппакларимни йўлда йўқотдим, лекин қофоз билан сиёҳдонимни худди юрагим каби эҳтиёт қиласман. Зоро, ётганимда ҳам, турганимда ҳам: «Аҳмоқона бойлиқдан дониш қашшоқлик яхши», деб тақрорлайман. Демак, мен шундайман. Фикрларимни ёзма равишда ифодалай олишни, мураккаб ҳисобларни ечишдан ташқари осмон остидаги жамики наботот ва ҳайвонот дунёсини билсаму бойлигимни беҳуда сарф-лашим мумкинми?

Илоҳ ўйланиб туриб деди:

— Сўзларинг Нил дарёсидай сокин оқяпти. Мадомики, шунчалар доно экансан, унда «АМОН» сўзини икки хил усул билан ифодалаб бер-чи?

Мирза сиёҳдон билан қаламини олиб узоқ кутдирмасдан лойсувоқ уйнинг эшигига «Амон» сўзини икки усул билан шунчалар аниқ ёздики, ҳатто тил уқмас жонзотлар ҳам илоҳга ҳурмат бажо айлаш учун тўхтаган бўлардилар. Илоҳ мамнун бўлиб яна деди:

— Айтишингча, ёзганинг каби ҳисоб чиқаришни ҳам яхши билар экансан, унда савдо келишувидаги мана бу ҳисобни чиқар-чи. Агар битта каклик учун тўрт дона товуқ тухуми келса, еттита какликка қанча тухум беришлари керак?

Мирза халтасидан тошларни олиб, уларни бир неча қаторга терди ва қуёш ботиб улгурмасдан еттита какликка йигирма саккиз дона тухум келишини айтди.

Қудратли Амон қаршисида турган улуғ донишмандни кўриб мулојим жилмайиб деди:

— Донолигинг тўгрисида рост айтган экансан. Агар саховат бобида

ҳам шундай событ бўла олсанг, умрингнинг охиригача баҳтли қиласман. Ўлганингдан кейин ўғилларинг хокингни шинам эҳромларга дафн этадилар. Энди айт-чи, бойликларинг шунчаки сақлансинми ёки қўпайиб турсинми?

Мирза раҳмдил илоҳнинг оёқларига юкуниб деди:

– Агар менда мана шу кулба ва тўрт ўлчам ер бўлганида ўзимни бадавлат ҳисоблаган бўлардим.

– Яхши, – деди илоҳ, – лекин обдон ўйла, сени шугина қаноатлантиратмикин?

У мирзани кулбага бошлаб кириб деди:

– Мана бу ерда тўртта тумоқ ва тўртта пешбанд, мабодо, совуқ тушиб қолса, иккита ёпинчиқ ва икки жуфт ковуш бор. Мана бу – ўчоқ, буниси ухлаш учун чорпоя, буғдой янчиш учун кели, хамир учун ҳампа.

– Бу нима? – сўради мирза мато билан ёпиб қўйилган қандайдир ҳайкални қўрсатиб.

– Мана шу ягона нарсага, – деди илоҳ, – ҳеч қачон қўлингни тек-изма, йўқса, ҳамма нарсани бой берасан.

– Ў-ў! – хитоб қилди мирза, – менга деса минг йил турмайдими, уни қўришни ҳатто ўйламайман ҳам! Сўрашга ижозат беринг, раҳмдил зот, ҳов узоқда қўриниётган ҳовлими?

У шундай деб кулба туйнугидан мўралади.

– Топдинг, – сўз қотди Амон, – ҳақиқатдан ҳам ҳовли. Унда катта уй, ўн ўлчам ер, ўн беш ҳайвон ва шунча қуллар бор. Агар сен шу ҳовлига эга бўлишни истасанг...

Мирза илоҳнинг хоки пойини олди.

– Ёруғ олам қюёши остида арпа чапатисини еб, буғдой нонини орзу қилмаган одам борми?

Шу гапни эшитган Амон афсун ўқиган эди, икковлон каттагина уйда пайдо бўлдилар.

– Мана бу жойда ўймакор сўри, бешта хонтахта ва ўнта курси. Мана бу жойда каштали либослар, шароб учун кўза ва қадаҳлар, мана зайдун мойи билан ёритиладиган чироқлар ва тахтиравонлар...

– Буниси нима? – сўради мирза бурчакда ҳарир парда остида турган ҳайкалга ишора қилиб.

– Бунга тегмайсан, – деди илоҳ, – йўқса, ҳамма нарсадан ажрасан.

– Агар ер юзида ўн минг йил яшасам ҳам унга тегмайман. Зеро, донишликдан кейинги энг яхши нарса бу – бойлик. – Ҳув узоқда нима қўриняпти? – сўради мирза боғ билан ўралган қасрни қўрсатиб.

– У беклар мулки, – жавоб қилди илоҳ. – У ерда сарой, беш юз ўлчам ер, юз нафар қул ва бир неча бош ҳайвонлар бор. У мулк жуда ҳам катта, лекин донишмандлик туфайли уни бошқаришнинг уддасидан чиқсанг...

Мирза қўзларига ёш олиб, илоҳнинг оёқлари остига йиқилди.

– Эй жаноб! – хитоб қилди у. – Бир қадаҳ бўза ўрнига бир хум шаробни афзал қўрмаган одамни қайдга кўргансан?

– Сўзларинг мураккаб ҳисобларни ечишга қодир бўлган ақлли одамникига ўхшайди.

У бир неча афсунгар сўзларни айтган эди, уларнинг иккиси ҳам саройга ўтиб қолдилар.

– Мана бу ерда, – деди илоҳ, – базм хонаси. Ундаги ўриндиқлар, хонтахта ва курсиларга зарҳал тортилган, рангин ёғочлардан ишлан-

ган. Пастдаги ошхона ва омбордан гўшт, балиқ, турли пишириқлар топишинг мумкин. Ертўла эса ноёб шаробларга тўла. Мана бу ер оромхона, ухлаганинг қулларинг сени елпидан туриши учун шифти икки томонга сурлади. Арз дарахтидан ясалиб, жездан қўйилган шер оёқларига ўрнатилган ўриндиқ, мана буниси кийим тўла жовон, сандиқлардан эса узуклар, олтин занжир ва билакузуклар топишинг мумкин.

— Буниси нима? — сўради мирза зар ва инжулар қадалган, устига мато ёпилган ҳайкални кўрсатиб.

— Бу, сен жуда ҳам эҳтиёт бўладиган нарса. Унга қўлинг тегиши биланоқ барча бойлигинг йўқ бўлади, бунақа мулк Мисрда кўп эмас. Ундан ташқари мана бу ҳуққада ўн талант олтин ва қимматбаҳо тошлар бор.

— Ҳукмдор! — қичқириб юборди мирза. — Рухсат бер, шу саройнинг кўринадиган жойига сенинг ҳайкалингни ўрнатиб, унинг атрофида ҳар куни уч маҳал исириқ тутатай.

— Аммо ана ундан эҳтиёт бўл! — деди Амон, яна бир марта харир матога ўралган ҳайкални кўрсатиб.

— Ақклини ебманми, унда ювинди билан шаробнинг фарқига бормайдиган тўнгиздан фарқим қолмайди-ку, — деди мирза. — Амринг шундай бўлгандан кейин менга деса ўша ҳайкал юз йил турмайдими, ушлаб кўрмаганимдан афсусланмайман.

— Эсингда тут, йўқса, ҳамма нарсадан маҳрум бўласан! — деб кўздан фойиб бўлибди илоҳ.

Бахти қулган мирза саройнинг у ёғидан-бу ёғига юра бошлади, деразадан мўралади. Бойлик сақланадиган сандиқларга қаради, ҳақиқий қимматбаҳо тошлар. Овқат буюрган эди, қуллар югуриб кирдилар, ювиб-тараб, харир лиbosлар кийдирдилар.

Мирза ниҳоят даражада тўйиб овқатланиб, Амон ҳайкали ёнида исириқ тутатди, гулларга ўради, сўнгра дераза олдида ўтириб, саройга разм солди.

У жойда ўймакор араваларга қўшилган отлар кишинарди. Бир тўп одам овга интилиб турган итларни чўп ва тўрлар билан тинчлантириб турардилар.

Мирза омборга келиб, дехқонлардан дон қабул қилди, кузатувчи нинг ҳисобини эшилди. Узоқда мойдаҳаҳт бутазори, токзор билан қопланган тепалик, буғдой далалари кўзга ташланарди. Далалар ўртасида хурмо дарахтлари савлат тўкиб турарди.

«Чиндан ҳам мен бойман, — деди ўзича. — Мен бунга лойиқман ҳам. Лекин бир нарсага ҳайронман, қандай қилиб шунча йиллар хорлик ва зорликда яшадим экан? Тан олишим керак, — ўйида давом этди у, — шунча бойликни кўпайтириш зарурмикин? Қолаверса, менга бундан ортиқчаси керак эмас ва бойлик кетидан қувишга вақтим ҳам йўқ».

Энди у қасрлар оғушида зерика бошлади. Богларни айлангани чиқди, далаларни кезди. Уни кўрганда тиз чўкувчи хизматкорлар билан сухбат қурди. Кечагина ялангоч бўлган бу одам бойиб кетганидан қувониб, уларнинг қўлларини ўпишга ҳам тайёр эди. Тез орада яна ҳам баттарроқ зерикди. Саройга қайтиб, омбор ва ертўлалардаги нарсаларни кўздан ўтказди, ётоқхонасидаги жиҳозларни томоша қилди.

«Буларнинг ҳаммаси гўзал, — ўлади у, — аммо жиҳозлар соғ олтиндан, хурмачалар ёқутдан ясалганида яна ҳам яхши бўлар эди».

Унинг нигоҳи беихтиёр зарҳал чойшаб ёпилган ҳайкалга тушди.

Диққат билан тинглаган эди, ҳайкалнинг хўрсинаётганини сезди.

«Хўрсин, хўрсинавер», деди у, Амон ҳайкалига тутатиш учун исириқдонни олар экан.

«Бу илоҳ саҳий, — ўйида давом этди у. — Донишмандларнинг сифатларини қадрлайди, ҳатто ялангоёқларни ҳам қадрлайди. Менга қанчалар мулк ҳадя этди. Чунки мен ҳам унинг номини лойсувоқ уйга тўғри ёзган эдим-да. Унинг товуқ тухумига қанча каклик олиш мумкинлигини зўр ҳисоблаб қўйдим. Берган маъбудга ёқибди, деганларида устозларим ҳақ эканлар-да».

У яна бурчакка қаради. Юзпарда ёпинтирилган ҳайкал яна хўрсинди.

«Дўстим Амон ҳайкалга тегишимни нега ман қилган экан-а. Лекин шунчалар ҳовли-жой учун у хоҳлаган шартини қўйиши мумкин-да. Мен ҳам шундай қилган бўлардим. Гарчи бутун бошли сарой меники ва мен ундаги ҳамма нарсадан фойдаланишим мумкин экан, нега унга тегинмаслигим керак? Амон «тегма» деган, лекин кўриш мумкиндири».

У ҳайкалга яқин келди, юзидан чойшабни олиб, томоша қилди... Жуда ҳам гўзал. Ўсмир деса — унга ўхшамайди... соchlари узун, тиззалирига тушади. Юзи майин, нигоҳи сехрга тўла.

— Сен нимасан? — сўради у.

— Мен аёлман, — деди ҳайкал нозик овоз билан. Шу биргина сўз унинг кўксига финикия ҳанжаридек санчилди.

«Аёл? — ўйлади мирза, — коҳинлар мактабида буни менга ўргатишмаган. «Аёл!» такрорлади у.

— Мана бу жойингдаги нима?

— Кўзлар?

— Кўзлар? Нур тегишига эриб кетадиган шу кўзларинг билан нимани қўрасан?

— Бу кўзлар менинг кўришим учун эмас, сенинг қарашинг учун яралган, — деди аёл.

«Фаройиб кўзлар», деди мирза ўзига-ўзи, хонада одимлар экан.

У яна аёл қаршисида тўхтаб, сўради:

— Мана бунинг нима?

— Бу менинг оғзим.

— Эй маъбуллар! Бу оғзинг билан очингдан ўласан-ку! Шу ушоқдек оғиз билан тўйиб овқатланиш мумкинми?

— Оғзим овқатланиш учун эмас, балки сен лабларимдан ўпишинг учундир.

— Ўпишим? — такрорлади мирза. — Коҳинлар мактабида бу ишга ҳам ўргатишмаган. Буларинг нима?

— Булар кўлчаларим.

— Кўлчалар! Яхшиямки, қўллар демадинг. Бу қўллар билан ҳеч нарса қилиб бўлмайди, ҳатто қўйни ҳам сугора олмайсан.

— Кўлларим меҳнат қилиш учун эмас.

Валиаҳд Каманинг нозик қўлларини ўйнаб, қўшиб қўйди:

— Худди сенинг қўлларингдек.

— «Сенинг бўйнингдан қучиш учун!» — демоқчи эдинг-а, — хитоб қилибди мирза.

Чунки коҳинлар уни урмоқчи бўлганида доим бўйнидан тутар эдилар.

— Йўқ, ушлаш учун эмас, — деди аёл. — Мана бундай.

— Мана шундайми, — қизнинг гапини давом эттириди Рамсес, уни қучоқлаб. — Мана бундай... (у роҳиба қўлини ўзининг бўйнига чирмади). Кейин кўксига қўйиб: — Мана бундай, — деди (Каманинг кўксига ҳам босди).

— Нималар қиляпсан, жаноб? — пицирлади Кама, — бу — мен учун ўлим!

— Кўрқма, — жавоб қайтарди у, — мен фақатгина ўша ҳайкалнинг мирзага нима ишорат қилганини кўрсатяпман, холос.

«Бирдан ер титраб, сарой, итлару қўй-отлар кўздан гойиб бўлиди. Узумзор тепалик ялангоч қояга айланиди, майдонлар — тиканзор, буғдойлар эса қумга айланиб қолиди.

Хушторининг оғушида ўзига келган мирза кечак ўйлда келаётганида қандай бўлса, ўшандай қашшоқлигича қолиди. Бироқ у бойликларига ачинмабди. Энди уни яхши кўриб, эркаладиган аёли бор...»

— Демак, ҳамма нарса йўқ бўлиб, фақат аёл қолиди, шундайми?

— соддалик билан қувонди Кама.

— Раҳмдил Амон таскин бериш учун унга аёлни қолдириди, — деди Рамсес.

— Ҳа, Амон фақат мирзаларгагина раҳмдил! Лекин бу ҳикоядан муддао нима?

— Ўзинг топгин-чи. Бир бўса учун мирзанинг ҳамма нарсадан кечганини ҳозиргина эшитдинг-ку.

— Лекин у тахтдан воз кечмаган бўларди!

— Ким билади! Агар астойдил сўраганларида... — эҳтирос билан пицирлади Рамсес.

— Йўқ, тегма! — ноз қилди Кама унинг қучогидан сугурилар экан.

— Майли, у тахтдан воз кечмасин. Йўқса, финикияга берган ваъдаси нима бўлади?

Улар бир-бирларининг кўзларига узоқ термилишиди. Рамсес юрагининг тўсатдан қалқиганини ҳис этди ва Камага бўлган муҳаббатининг бир парчаси куйиб кетди. Бу эҳтирос эмас эди. Тўғрироғи, эҳтирос қолгану ҳурмат ва ишонч йўқолган эди.

«Финикиялик аёллар ажойиб, — ўйлади валиаҳд, — уларни севиш мумкин, лекин ишониб бўлмайди».

Рамсес Каманинг уйини тарқ этиши билан шаҳзодага ўхшаган юонон йигити югуриб Каманинг ёнига чиқди. Унинг юзига газаб тепчиған эди.

— Ликон! — қичқирди кўрқиб кетган Кама, — нега бу ерда пайдо бўлдинг?

— Ярамас илон! — ўшқирди юонон. — Сени севаман, Юнонистонга сен билан қочиб кетаман, деб қасам ичганингга бир ой ҳам бўлмай туриб, жазманингни бўйнига осилдинг. Нима бало, маъбуллар йўқ бўлиб кетишиганми ёки уларни адолат тарқ этганми?..

— Рашқчи жинни! Сен ҳали мени ўлдириб ҳам қўясан, бу туришингда...

— Албатта, ўлдираман. Агар ўйнаш бўлсанг, мана шу қўлларим билан бўғиб ташлайман.

— Кимнинг ўйнаши?

— Мен қаёқдан билай? Эҳтимол, икковининг ҳам: ҳалиги ассириялик чолнинг ва шаҳзоданинг. Агар у яна шу ерда ўралашадиган бўлса, дўнг пешонасини ёриб ташлайман. Шаҳзода!.. Барча мисрлик қизлар унга муштоқ бўлса-ю, унга роҳиба керак эмиш. Роҳиба коҳинлар учун! Ҳаргиз бегоналар учун эмас...

Кама энди ўзига келган эди.

— Сен бегона эмасмисан? — сўради у менсимайгина.

— Илон! — яна тутақди юонон. Шунинг учун бегона эмасманки, мен сизларнинг маъбулларингизга сифинаман. Мисрнинг валиаҳдига ўхшашлигим эса осиёликлар кўзида шаҳзоданинг динингизга сифи-

нишига ишонишлари учун кўп марта асқотди!

— Жим! Жим! — шивирлади роҳиба, унинг оғзини кафти билан ёпар экан.

— Қизнинг қўли ёқимли тегди, шекилли, юонон тинчланиб қолди.

— Биласанми, Кама, яқин кунларда Сабеннит кўрфазига акам бошқараётган Юнонистон кемаси кириб келади. Коҳиннинг сени Буттога юбориши учун ҳаракат қилиб кўр. У ердан биз шимолга — Юнонистоннинг чўл ҳудудига қочамиз. У ерларга ҳали финикияликларнинг оёғи етмаган.

— Агар мен яшириниб юргудек бўлсанм улар эҳром коҳинини ис-канжага оладилар, — деди Кама.

— Бошингдан бир тукингни тўкиб кўрсинлар-чи, — вишиллади юонон. — Қасам ичаманки, Дагон... бу ердаги барча финикияликлар бошлари билан жавоб берадилар ёки тош конларида ўладилар! Шунда улар юонон йигитининг нималарга қодир эканини билиб оладилар.

— Айтяпман-ку сенга, — деди роҳиба, — йигирма талант тўламагунимча бу ердан жилолмайман. Ҳозирча атиги саккиз талантим бор, холос.

— Колганини қаердан оласан?

— ...

— Агар Саргондан олсанг розиман, лекин мулқдордан пул олишинг-ни ёқламайман.

— Қанчалар нодонсан-а. Бу сутэмдининг менга ёқиши сабабини билмаяпсанми? У сенга бироз ўхшаб кетади...

Каманинг бу гапи юононни батамом хотиржам қилди.

— Демак, — гудранди у, — тушундимки, сенинг олдингда иккита йўл: тахт вориси ёки менга ўхшаган қўшиқчи турадиган бўлса ҳеч нарсадан ташвишланмасам бўлар экан-да. Лекин мен раشكчи ва қизганчиқман. Шунинг учун ҳам шаҳзодадан нари юр.

Йигитча шундай деб Камани ўпди-да, қоронги боф ичидан кўздан гойиб бўлди.

— Бечора масхарабоз, — пичирлади роҳиба, унинг ортидан койиб.
— Сен фақат қўшиқлар айтиб юрувчи кул бўлишинг мумкин, холос.

ЎНИНЧИ БОБ

Эртасига эрталаб Рамсес ўғлинни йўқлаб келганида Сарранинг кўз ёшларини кўрди. Йигининг сабабини сўраганида Сарра ҳеч нарса бўлмагани, бироз зерикканини баҳона қилди. Салдан кейин эса Рамсеснинг оёқлари остига йиқилди.

— Жаноб, менинг жанобим! — деди у. — Энди мени севмаслигинги биламан. Ҳеч бўлмаса ўзингни эҳтиёт қил.

— Ёмон кўриб қолди, деб ким айтди? — ҳайрон бўлди Рамсес.

— Эҳромингга киборлар оиласидан бўлган уч гўзални олибсан...

— Ҳа-а!... Гап буёқда экан-да!

— Энди тўртинчиси... маккора финикияликни деб ўзингни хавфга кўйяпсан.

Рамсес қизаринди. Кама ва унинг маккорлиги ҳақида қаёқдан билди экан?..

— Чанг сандиққа ўч бўлгани сингари заҳарли гаплар энг осойишта уйларга интилади, — деди Рамсес, — финикиялик қиз ҳақида сенга ким айта қолди?

— Кимлигини биламанми? Ромчи аёл билан юрагим айтди.

— Демак, бу ишга фолчи ҳам аралашганми?

— Ҳа, мени даҳшатли воқеалар кутяпти. Бир роҳиба аёл, — билурдек шиша ичида бўлса керак, — кўрибди. Бу мудҳиш воқеада йўқ деганда мен... ва ўғлим нобуд бўламиз экан, — йиглаб гапирди Сарра.

— Сен аслида ягона Яҳвага ишонасану, лекин қандайдир кампир ёки бирор фаламиснинг гапига учдингми? Қани сенинг буюк илоҳинг!

— У илоҳ фақат менинг учун, бошқалари эса сенини, зоро, мен ҳам уларга сифинишим керак.

— Демак, сенга ўша кампир финикияликлар ҳақида гапирган, шундайми? — сўради Рамсес.

— У анчадан бери, Мемфисдалигимдан бошлаб фолимни кўради. Мана энди ҳамма финикиялик аёл ҳақида гапиряпти. Билмадим, бу фикрлар аламим туфайли миямга келаётгандир. Эмишки, агар унинг сехри бўлмаганида сен томоша майдонига отилиб чиқмаган бўлар экансан. Ахир буқа сени ўлдириб қўйиши мумкин эди-ку! Ўйласам ҳозир ҳам юрагим музлаб қолгандай бўлади.

— Буларнинг барчаси бемаъни гаплар, Сарра! — қувноқ оҳингда унинг гапини бўлди Рамсес. — Кўксимдаги туйбу шунчалар баландки, унга ҳеч нарса қўрқинчли эмас. Хотинларнинг қандайдир мишишлари эса умуман баҳона бўла олмайди.

— Баҳтсизлик-чи? Унинг ўқи етмайдиган тогнинг ўзи йўқ!

— Бола билан ўралашиб, толиқибсан, — деди шаҳзода, — иссиқ таъсир қилгани учун ҳам сиқиляпсан. Тинчлан, ўғлимни эҳтиёт қил. Финикияликми, юономи — ким бўлса ҳам, бизга ёмонликнираво кўрса зарари ўзига тегади. Бизга ва ёруғ оламнинг илоҳларига зиён заҳмат етказа олишмайди, — деди у ўйчан холда.

— Юонон ҳақида гапирдингми?.. Қанақа юонон? — сўради Сарра, ташвиш билан.

— Юонон дедимми? Эсимда йўқ... янглиш эшитибсан.

Рамсес Сарра ва гўдакни ўпиб, улар билан хайрлашиб чиқсан бўлса ҳам ҳаяжон уни тарқ этмади.

«Абадул абад эслаб қолиш керак, — ўйлади у, — Мисрда ҳеч қандай сир яширин қолмас экан. Коҳинлар ва саройдагилар ортимдан кузатишар эканлар, — гарчи улар маст-аласт юришса ҳам. Финикияликлар эса илонникидек кўзлари билан Камани кузатишади. Ҳозиргача уни мендан яширмаган бўлсалар, демак, Каманинг бокиралиги уларни қизиқтирумайди. Ўзлари эса эхромларида тўқиб чиқарилган бўйтонларига мени қурбонликка бермоқчи бўладилар. Кама менини бўлади. Улар менга жудаям қизиқишияпти, лекин қаҳримдан ҳайикалилар».

Бир неча кун ўтиб, муҳтарам Херихорнинг ҳарбий ҳайъат масалалари бўйича ёрдамчиси коҳин Ментесуфис шаҳзода хузурига келди. Рамсес унинг рангпар юзи, осилган қабоқларига қараб финикиялик қиз билан муносабати ҳақида билишини, коҳин сифатида ҳозир насиҳат бошлашини тахмин қилди. Бироқ Ментесуфис валиаҳднинг юрак ишлари ҳақида гапирмади. Расмий оҳантда саломлашганидан сўнг кўрсатилган жойга ўтириб, деди:

— Абадий ҳукмдорларнинг Мемфисдаги саройидан хабар қилишларича, шу кунларда Бубастга халдейлик коҳин, муҳтарам, Ассар шоҳининг сарой мунажжими Издубар келибди.

Рамсес унга Издубарнинг келишидан муддао нима эканлигини айтиб юборишга сал қолди-ю, вақтида ўзини қўлга олди.

— Машҳур коҳин Издубар, — давом этди Ментесуфис, — хурматли Саргон марҳаматли Ассар подшоҳининг қариндоши ва мулқдори

эканлиги ҳақидаги ёрлиги билан келибди ва ўша Издубар ўз юрти хукмдорининг ваколатли элчиси этиб тайинланиби.

Рамсес кулиб юборишга сал қолди. Ўзи аллақачон билиб олган сирни Ментесуфис муҳим янгиликдек айтгани мулкдорда қувноқ кайфият уйғотди. У чукур нафрат билан ўйлади:

«Унинг барча найранглари ҳақида хабарим борлиги бу масхара-бознинг хаёлига ҳам келмайди».

— Ҳурматли Саргон ва шавкатли Издубар, — давом этди Ментесуфис, — Фиръавннинг оёқларига бош уриш учун Мемфисга борадилар. Ундан олдин, хукмдор, мулк эгаси сифатида сен уни аъёнлари билан қабул қилишга жазм этишинг керак бўлади...

— Жоним билан, — жавоб қилди мулкдор, — имкон топилса Ассирия муддати ўтиб кетган хирожларини қачон тўлашини ҳам сўрайман.

— Ростдан ҳам шундай фикрдамисан? — сўради коҳин шаҳзоданинг кўзларига тикилиб.

— Албатта-да, хазинамизга олтинлар керак.

Ментесуфис бирдан ўрнидан туриб овозини баландлатмаган, лекин тантанавор тарзда деди:

— Ҳукмдоримиз ва бизларга ҳаёт бергувчининг мулкдори! Ассирияning қарзлари тўгрисида бирорвлар, айниқса, Саргон, Издубар ёки уларнинг аъёнлари билан гаплашишингни фиръавн номидан тақиқлайман.

Мулкдорнинг ранги оқарди.

— Коҳин! — деди у ҳам ўрнидан туриб. — Менга буйруқ беришга нима ҳаққинг бор?

Ментесуфис кийимининг ёқасини очиб, фиръавн узуги осилган занжирни олди.

Мулкдор узукни қўриб, уни ҳурмат юзасидан ўпди ва коҳинга қайтарар экан, деди:

— Отамнинг, жанобимнинг, подшоҳнинг амрини бажараман.

Иккаласи ҳам ўтирганларидан кейин шаҳзода сўради:

— Бироқ менга тушунтириб бер, нега Ассирия бизга товон тўла-маслиги керак? Бу тўлов давлатимиз хазинасининг танг ҳолатидан олиб чиқади-ку, ахир?

— Чунки биз Ассирияга тўлов даъвосини қилишга ожизмиз, — совуққина жавоб берди Ментесуфис. — Бизда юз йигирма минг аскар бор. Ассирияда эса уч юз мингга яқин. Давлатимизнинг олий табақали амалдори бўлганинг учун сенга тўлигича ишонишим керак.

— Тушунаман. Лекин сен хизмат қилаётган ҳарбий вазирлик нега шавкатли қўшинларимизни олтмиш минг кишига қисқартириб юборди?

— Подшоҳ саройи даромадларини ўн икки минг талантга кўпайтириш учун, — жавоб қилди коҳин.

— Шундайми, — давом этди мулкдор. — Унда Саргон нега фиръавннинг оёқларига йиқилиш учун келяпти?

— Билмайман.

— Билмайман, дегин. Мен фиръавннинг вориси бўлатуриб, нега бундан бехабар бўлишим керак?

— Чунки давлатнинг фақат олий даражадаги амалдорларигагина очиладиган сирлари бор.

— Олий зот отам ҳам билмайдиган сирлар борми?

— Албатта, — жавоб қилди Ментесуфис, — агар олий коҳин мартабасини олмаган бўлса ҳатто подшоҳлар ҳам билмайдиган нарсалар бор.

— Фалати-ку, — деди валиаҳд ўйланиб туриб. — Ҳамма нарса миср фиръавнига тегишли бўлса-да, давлат ичида у билмайдиган ишлар бўлса... Буни қандай тушуниш керак?

— Миср аввалнинг боши, — деди коҳин, — мутлақ яхлитлиги эса Амонга тегишли. Шу сабабдан олий даражадаги сирлар фақат Амон иродаси ва ихтиёрини билган одамларгагина маълум бўлиши керак.

Коҳиннинг ҳар бир сўзи шаҳзодани олов каби куйдирап эди.

Ментесуфис ўрнидан турмоқчи эди, лекин мулқдор уни ушлади.

— Яна бир сўз, — деди у юмшаб, — агар Миср Ассириядан ҳақини сўрашга ҳам заифлик қиласар экан, агар...

Рамсес нафасини оғир ростлади.

— ...агар у шунчалар бебаҳт ва бемажол экан, Ассирияning бизга хужум қилмаслигига ишонч борми?

— Фақатгина битим орқали ўзимизни сақлаб қолишимиз лозим, — деди коҳин.

Валиаҳд қўлини силтади.

— Заифларга шартнома ёрдам бермайди, — деди у. — Ҳеч ким қўриқ-ламайдиган чегарани кумуш ақчалар билан ҳимоялаб бўлмайди.

— Ҳазрати олийларига чегара қўриқланмайди, деб ким айтди?

— Ўзинг айтдинг. Юз йигирма минг аскар уч юз минг олдидা дош беролмайди. Агар ассирияликлар биз томонга бостириб келсалар, Миср саҳрого айланиб кетади.

Ментесуфиснинг кўзлари чарақлаб кетди.

— Агар улар бостириб келишса биз барча киборлар, дехқонлар, ҳаттоқи тош конидаги жиноятчиларни ҳам қуроллантирамиз... — деди у. — Барча эҳромлардаги хазинани тўплаймиз... Ва Ассирияга қарши беш юз минг аскар ҳужумга ўтади...

Бу жўмардликдан тўлқинланиб кетган Рамсес коҳиннинг қўлидан ушлаб деди:

— Мадомики, биз шунча қўшинни жамлай олсак, нега ўзимиз Бобилга ҳужум қилмаймиз? Улуг саркарда Нитагор шунча йилдан бери бекорга рухсат сўраяптими? Фиръавн ассирияликларнинг кайфиятини буза олмайдими? Агар биз уларга қўшинларини йиғиб олиш учун имкон берсак, кураш қийин кечади-ку. Агар биз биринчи бўлиб ҳужум бошласак...

— Урушнинг нима эканлиги, бўлганда ҳам саҳродан ўтиш лозимлигини биласанми, шаҳзода? — гапини бўлди коҳин. — Биз Евфот дарёсига боргунимизча қўшинларимиз ва юкчиларимизнинг ярмиси йўл азобидан ҳалок бўлмаслигига ким кафолат беради?

— Биттагина жанг ва биз мукофотга сазовормиз! — хитоб қилди Рамсес.

— Битта уруш, — такрорлadi коҳин. — Сен уруш нималигини биласанми, шаҳзода?

— Биламан, деб ўйлайман, — деди шаҳзода, қўлларини шамширига уриб.

Ментесуфис елка қисди.

— Мен сенга айтсан, ҳукмдор, билмайсан. Сен ҳарбий машқларни назарда тутаяпсан. Албатта, машқда доим голиб бўласан. Аслида эса мағлубият деган нарса ҳам бор.

Рамсес қовогини солди. Коҳин эса қўлини мушт қила туриб сўради:

— Бунинг нималигини биласанми?

— Нима? — ҳайрон бўлиб сўради валиаҳд.

— Тезда ва хатосиз айт, — шоширди коҳин. — Агар адашсанг, икки фавж аскаринг ҳалок бўлади.

– Узук, – жавоб берди валиаҳд қулиб.
 Ментесуфис кафтини очди – унда бир парча қоғоз бор эди.
 – Қўлимда энди нима бор? – яна сўради коҳин.
 – Узук.
 – Йўқ, узук эмас, балки Хатор илоҳасининг тумори, – деди коҳин. – Қўрдингми, хукмдор, – давом этди у, – муҳорабада ҳам шундай бўлади. Жанг пайтида тақдир ҳар дақиқада топишмоқ айтади. Гоҳида хато қиламиз, баъзида топамиз. Уни топиш ўрнига хато қилганнинг холига вой! Бунинг устига омад юз ўтирган ва фақат хатоларга йўл кўйганга юз чандон қийин бўлади.

– Барибир, мен ишонаман ва юрагим сезяптики, – деди коҳин. – Шундай бўлсин, – қўшимча қилди у. – Ассирия сенинг абжирлигинг туфайли мавҳ этилади, олампаноҳ. Лекин ҳозир эмас... ҳозир эмас...

Ментесуфис кетди. Рамсес бир ўзи қолди. Унинг боши олов каби ёнар эди.

«Коҳинлар бизни алдайдилар, деганида Хирам ҳақ эди, – ўй сурди Рамсес. – Энди ишондимки, улар халдейлик коҳинлар билан отам имзолашиб керак бўлган қандайдир битим тузганлар. Отамни мажбур қилишади!.. Даҳшат!.. Ўликлар ва тирикларнинг хукмдори бўлатуриб галамис мақсадни кўзлаган битимга имзо чекади!»

Рамсеснинг нафаси бўғилди.

«Иккинчи томондан Ментесуфис ўзини ошкор қилиб қўйди. Демак, Миср ҳақиқатда ҳам зарурат туғилганида ярим миллионли қўшин тўплай олади! Бунчалик катта куч тўғрисида ҳатто орзу ҳам қилмаганман! Улар эса мени омад ҳақидаги гаплар билан қўрқитмоқчи бўладилар. Агар ихтиёrimda юон ва ливия фавжлари сингари қуролланган икки юз минг аскар бўлганида, бутун ер ва осмон жумбокла-рини ечган бўлар эдим».

Муҳтарам зот Ментесуфис хонасига қайтаётиб хаёл сурди:

– Шиддаткор, шамолсифат, аёлпараст, лекин феъли қучли. Ҳозирги бўшанг фиръавндан кейин у Буюк Рамсес даврини қайтариб келади. Ўн йиллардан кейин сайёralарнинг заарли таъсири тўхтаб, шаҳзода пишиб этилади ва Ассирияни тор-мор этади. Ниневиядан фақатгина вайроналар қолади, муқаддас Бобил ўзининг шуҳратини тиклайди, мисрликлар ва халдейларнинг ягона маъбути ўз ҳукмини Ливия саҳросидан то муқаддас Ганга дарёсигача бўлган худудларда ўтказадиган бўлади...

Ишқилиб, ёш валиаҳдимиз финикиялик роҳибанинг ёнига тунги боришлиари билан бизни шарманда қилмасин... Агар уни Ашторет бодида кўриб қолишиса, халқимиз таҳт ворисини финикия динига талпиняпти, деб ўйлади... Куйи Мисрнинг эса аввалги маъбулларидан воз кечишига оз қолди! Бу ернинг халқи қанчалар аралашиб кетган-а!..

Бир неча кундан сўнг муҳтарам Саргон Ассирия элчиси ваколати ҳақида мулкдорга маълум қилиб, фиръавн оёқларига йиқилиш учун бориши мақсадида соқчилар сўради.

Мулкдор жавобни икки кунга кечиктириди, учрашувни ҳам икки кундан кейинга тайинлади.

Саёҳатлар ва кундалик ишларда шарқона сусткашликка ўрганиб қолган ассириялик бундан хафа бўлмади. Бироқ у вақтини бекорга ҳам ўтказмади. Эрталабдан кечгача шароб ичиш, Хирам ва бошқа осиёликлар даврасида ошиқ ўйнаш билан банд бўлди. Бўш вақтларида эса Рамсесга ўхшаб Каманинг хузурига шошилди.

Ёши катта ва тажрибали одам бўлгани учун роҳибага ҳар гал со-
вгалар олиб борди. Ҳиссиётларини эса қўйидагича изҳор этди:

— Эҳ, Кама, нега энди сен Бубсатда ўтириб зерикишинг керак?
Хозир ёшсан, Ашторет эхромида хизмат қилиш ёқади, қариганинг-
да ўзингга қийин қиласан. Эгнингдаги хашамдор кийимларингни ечиб
олишади, ўрнингга эса ёшини олишади. Унда бир кафт қуритилган
арпага ишлаш учун фолбинлик ёки доялик қилишга мажбур бўласан.
Мен-чи? — давом этди Саргон, — агар мени маъбуллар аёл қилиб
яратганларида доя бўлишдан кўра туғадиган аёл бўлишни афзал
кўрган бўлардим. Анча-мунча ҳаёт кўрган одам сифатида сенга айти-
манки, эхромни ташлаб, менга жазман бўл. Бунинг учун сенга ўн
талант олтин, қирқта сигир, юз ўлчам бугдой бераман. Албатта, ав-
валида коҳинлар бу нарсалар оз, маъбуллар жазолайди, деб дод соли-
шади. Лекин мен бир дирҳам ҳам қўшмайман. Нари борса бир жуфт
қўй ҳам беришим мумкин. Шунда улар дуоларида зикр этадилар.
Ашторет маъбудаси эса олтиндан ясалган занжир ва баркаш ҳисобига
истиффорингни қабул этади.

Кама унинг нутқини тинглар экан, лабларини тишлаб кулгудан
ўзини зўрга тийиб турарди.

— Мен билан Ниневияга кетсанг, — гапини давом эттириди у, —
таникли хоним бўласан. Ўшандা сенга сарой, отлар, тахтиравонлар,
чўри ва гуломлар ҳадя этаман. Маъбудага йил давомида сепилган атир-
ларни сен бир ойда ишлатасан. Кейин, ким билади, Ассар подшоҳига
ёқиб қолсанг, ўз эхромига олишни хоҳдаб қолар! У ҳолда сен ҳам
баҳтили бўласан, мен ҳам сенга сарфлаган нарсаларимни қайтариб
оламан.

Саргонга қабул тайинланган куни валиаҳд саройи олдида Миср
қўшинлари саф тортиди ҳамда бева-бечоралардан иборат оломон тўплан-
ди.

Ассирияликлар чошгоҳга яқин, энг жазирама вақтда кўриниш бер-
дилар. Олдинда қилич ва сўйиллар билан қуролланган миршаблар,
улар ортидан яланғоч ҳолдаги тезюарлар ва уч нафар суворий келар
эдилар. Отлиқларнинг бири жарчи, қолганлари дўл chaluvchilar эди.
Сурнайчилар ҳар бурчакда тўхтаб сур чалар, ундан кейин жарчи ба-
ланд овозда эълон қиласади.

— Мана, қудратли Ассар шоҳининг қариндоши ва фавқулодда эл-
чиси, беҳисоб ерларнинг ҳожаси, жанглар голиби, кўпгина музо-
фотларнинг хукмдори Саргон яқинлашмоқда. Одамлар, унга Миср
хукмрони бўлган онҳазратнинг дўсти сифатида иззат-икром кўрса-
тинглар!

Сурчилар кетидан калта камзул, учли қалпоқ ва иликларига ёпишиб
турувчи иштон кийган йигирма нафар ассириялик суворийлар кели-
шарди. Чайир ва пахмоқ отларнинг боши ҳамда бўксаси мисдан балиқ
тангаларига ўҳшатиб ясалган зирхлар билан ҳимоя қилинган эди.

Улардан кейин бошига дубулға ва узун энгилпӯш кийган пиёда-
лар борардилар. Битта бўлинма сопқон, иккинчиси ёй, учинчиси найза
ва қалқон билан қуролланган эдилар. Булардан ташқари ҳаммасида
қилич ва жезқўраклар бор эди.

Аскарлар ортидан отлар, аравалар, Саргоннинг тахтиравонлари ва
қизил, оқ, яшил кийимдаги гуломлар келар эдилар. Бирордан сўнг
ўркачига маҳобалар осилган беш бош фил кўринди. Уларнинг бирида
Саргон, иккинчисида эса халдейлик коҳин Издубар савлат тўкиб
ўтирадилар.

Намойиш сафлари пиёда ва отлиқлар, жарангдор карнай, ногора,

мис лаппаклар ва чинқироқ найдан иборат чолгу гуруҳи билан тугаган эди. Коҳинлар, зобитлар, башант кийинган бойлар қуршовида шаҳзода Рамсес қабул маросимларига атаб қурилган, ҳамма томони очиқ катта танобийда элчини кутиб туради.

Шаҳзода яхши қайфиятда эди. Чунки ассирияликлар олиб келаётган мўл-кўл совғаларни Миср халқи ўлпон деб ўйлаши мумкин эди. Бироқ Саргоннинг қудрати ҳақида чинқираётган жарчининг овозини эшишиб, тундлашди. Унга «Ассар шоҳи фиръавннинг дўсти» деган ибора етиб келганида ҳайратланди. Бурун катақлари ваҳшийлашган буқаники сингари кенгайди, кўзлари газабдан ёнди. Буни кўрган зобитлар ва аъёнлар ҳам қовоқ уйдилар. Қилич дастасини тутамлаб, кўзларини олайтирилар. Муқаддас Ментесуфис бу ҳолатни сезиб эълон қилди:

— Ҳурматли Саргонни иззат-икром билан кутиб олишни зобит ва аъёнларга фиръавн номидан буюраман. Чунки у улуг шоҳнинг элчиси.

Мулқдор қошлирини чимирганича юқорига қўйилган курси томон қадам ташлади. Лекин интизомга ўрганиб қолган зобитлар ва аъёнлар ҳарбий вазирнинг ёрдамчиси Ментесуфиснинг гапидан чиқиши ёмон оқибатга олиб келишини билиб, жойидан қимиirlамадилар.

Шундай қилиб сарой ҳовлисида бўйлари дароз, оғир кийимга бурканган ассириялик аскарлар уч қатор бўлишиб ярим ялангоч мисрлик ҳарбийлар қаршисида саф тортди. Ҳар икки томон бир-бирларига йўлбарс ва каркиларга ўхшаш нигоҳ билан қарадилар. Уларнинг кўксизда кўп асрли адovat туйгулари бош қўтармоқда эди. Бироқ интизом бу ҳислар устидан голиб келди.

Майдонга оғир қадамлар ташлаган филлар кириб келганида ассирия ва миср карнайлари янгради, жангчилар қуролларини юқорига кўтардилар, халқ таъзимга эгилди. Ассириялик амалдорлар, Саргон ва Издубар тахтиравон ва маҳобаларидан тушдилар.

Шаҳзода Рамсес танобийнинг юқорисига ўрнатилган соябонли курсига ўтириди. Кириш жойида жарчи пайдо бўлди.

— Адолатли ҳукмдор! — деди у валиаҳдга мурожаат қилиб. — Ассар шоҳининг ваколатли элчиси ҳазрат Саргон ва унинг ҳамроҳи муҳтарам Издубар сени қутлашни, абадий барҳаёт фиръавннинг мулқдори ва валиаҳдига эҳтиром кўрсатишни ихтиёр этадилар!..

— Ташрифлари билан дилимни хушнуд этувчи зотларни ичкарига таклиф эт, — деди шаҳзода.

Танобийга қурол-аслаҳаларини шарақлатганча қалин зарбофт либосдаги Саргон, унинг ёнида оқ кийимдаги Издубар кирди. Улар ортидан ясаниб олган ассирияликлар мулқдорга совға-саломлар олиб кирдилар.

Саргон мулқдорнинг курсиси қўйилган шоҳсупа ёнига келиб, ассирийча нутқ сўзлади. Тилмоч шу заҳоти мисрчага ўтириди.

— Мен, лашкарбоши, қудратли Ассар подшоҳининг мулқдори ва қариндоши Саргон сен қудратли фиръавн мулқдорини қутлаш учун келдим ва дўстлигимиз рамзи сифатида тухфалар олиб келдим...

Валиаҳд тиззаларига икки тирсагини қўйганича подшоҳ аждодларининг ҳайкалларидек ҳаракатсиз туради.

— Чамамда мулқдорга қутловларимни яхши таржима қилолмадинг, шекилли, — сўради Саргон тилмочдан.

Тўрида турган Ментесуфис Рамсесга мурожаат қилди.

— Ҳукмдор, — пицирлади у, — марҳаматли Саргон сендан лутф кутяпти...

— У ҳолда жавоб бер! — деди жунбушга келган шаҳзода, — у мени қайси қоидага кўра ўзига тенг кўриб гапирияпти, шуни билмоқчиман.

Ментесуфиснинг хижолат тортгани Рамсеснинг баттар жаҳлини чиқарди. Унинг лаблари титраб, кўзлари ялтиради. Бироқ мисрчани тушунадиган халдэй Издубар шошилиб, Саргонга пичирлади:

— Ерга ётайлик!

— Нега ётар эканман? — жаҳл билан сўради Саргон.

— Агар подшоҳимизнинг марҳаматидан, ҳатто... бошингдан жудо бўлишни хоҳламасанг ётакол.

Издубар шундай деб тўшамага узала тушди, Саргон ҳам унга қўшилди.

— Нега энди шу сутэмди олдида қорним билан ётишим керак? — гудранди у норози бўлиб.

— Чунки у фиръавннинг мулкдори, — деди Издубар.

— Мен ҳам ҳукмдоримизнинг мулкдориман-ку?

— У подшоҳ бўлади, сен эса — йўқ.

— Кудратли Ассар шоҳининг элчилари нима ҳақида гаплашишяпти? — сўради шаҳзода Рамсес, элчилар таъзимидан қаноат ҳосил қилиб.

— Улар фиръавнга аталган совгаларни шаҳзодага кўрсатсанкин ёки ўзига тегишлисини берсанкин, дейишяпти, — деди эпчил тилмоч.

— Аввал илоҳий отамга аталган совгаларни кўрмоқчиман, — деди валиаҳд, — элчиларнинг ўридан туришига ижозат бераман.

Саргон жаҳлдан ва зўриққанидан қизарип кетган ҳолда ўридан туриб, тўшамага чордона курди.

— Мен, — деди у баланд овозда, — буюк Ассарнинг муҳтор элчиси кийимим билан Миср мулкдорининг тўшамасидаги чангни артишим кераклигини билмаган эдим!

Ассирийча тушунадиган Ментесуфис Рамсесдан изн олмай туриб иккита курси олиб келишни буюрди. Ҳарсиллаб нафас олаётган Саргон ва пинагини бузмайдиган Издубар курсиларга ўтиридилар.

Саргон нафасини ростлаб олгач, хизматкорларига шиша қадаҳлар, пўлат қиличини, танобийнинг кириш жойига олтин сулиқ солинган икки аргумоқни олиб келишларини буюрди. Буйруғи бажо келтирилгач, ўридан туриб таъзим билан Рамсесга мурожаат қилди:

— Менинг жанобим! Ассар шоҳи, шаҳзодам, икки аргумоқ юбориб, улар сенга фақат фалаба келтиришини тилади. Қадаҳларни эса қалбингдан фақат шодлик оқиб туриши учун юборди. Қиличлар эса кудратли ҳукмдорим устахонасидан бошқа жойда топилмайди.

Ў кумушдек ялтираб турган узунгина шамширни қинидан сугуриб, қўллари билан эгиб кўрди. Шамшир камондек эгилиб, дарҳол ўз ҳолатига қайтди.

— Чиндан ҳам мўъжизавий қурол! — хитоб қилди Рамсес.

— Агар рухсат берсанг, мулкдор, унинг яна бир фазилатини кўрсатман, — деди Саргон, жаҳлни ҳам унугиб. Чунки ҳозиргача назири бўлмаган ассирия қуролини мақташ пайти келган эди.

Унинг таклифига биноан мисрлик зобитлардан бири қиличини қинидан суурди ва гёҳ ҳужум қилаётгандай уни баландга кўтарди. Саргон эса пўлат шамширини кескин сермаган эди, рақибнинг қиличи бўлинниб кетди. Танобийда ҳаяжонга тўла товушлар эшитилди. Рамсеснинг яноқлари лоладек қизарди.

«Бу келгинди, — ўйлади валиаҳд, — ҳўқиз билан бўлган жангда мендан олдин ҳаракат қилди, Камага уйланмоқчи ва менинг қўз ўнгим-

да қуролимизни пайрахадек кесиб ташлайдиган яроғи билан мақтанияпти».

Унинг Ассар шоҳига, умуман ассирияликларга, айниқса, Саргонга бўлган нафрати баттар кучайди.

Лекин ўзини қўлга олиб, борлиқ ҳурматини жамлади ва элчидан фиръавнга аталган совгаларни кўрсатишни илтимос қилди.

Шу заҳотиёқ хушбўй дараҳтлардан ясалган каттакон сандиқлар олиб кирилди. Ассириялик амалдорлар сандиқдан харир матолар, қадаҳлару кўзалар, пўлат шамширлар, тоғ эчкисининг шоҳидан ясалган камонлар, олтин кўкракзиру қимматбаҳо тошлар қадалган қалқонларни ола бошладилар.

Энг ноёб совгалардан бири олтин ва кумушдан қўйилган Ассар подшоҳи саройининг кичрайтирилган шакли эди. Сарой эҳромга ўхшаш тўртбурчак бўлиб, қаватларидағи бинолар бири иккинчисидан кичикроқ эди. Ҳар бир қатори том ўрнига устунлар билан ўралган эди. Кириш жойларининг ҳаммасини шер ёки одам қаллали, қанотли буқалар қўриқлар эди. Зинанинг ҳар икки томонида таслим бўлган ҳоқонларнинг голибларга совгалар тутиб тургани тасвирланганди. Кўприкнинг икки тарафида эса турли кўринишдаги отларнинг тасвири туширилганди. Саргон ясама деворнинг бирини силжитган эди, бебаҳо жиҳозлар ва буюмлар билан тўлдирилган хоналар намоён бўлди. Айниқса, қабул учун ажратилган танобийда баланд қилиб қурилган таҳтда ўтирган подшоҳ, аъёнлар, навкарлар, иззат-икром кўрсатаётган хорижлик ҳукмдорларнинг тасвирлангани ҳаммани ҳайрон қолдирди. Саройнинг шакли баландлиги бир, узунлиги эса икки одам бўйи чамасида эди. Айтишларича, Ассирия подшоҳининг шу биргина совфаси бир юз эллик талант туаркан.

Сандиқларни олиб кетишгач, мулқдор ҳар икки элчи ва уларнинг аъёнларини тантанали тушликка таклиф этди ва меҳмонларга ҳимматли совгалар улашди. Рамсес шунчалар меҳмоннавозлик кўрсатдики, Саргонга ўзининг аёлларидан бири ёқиб қолганида, қиз ҳамда унинг онаси розилини олгач, ҳадя этиб юборди. Шаҳзода илтифотли ва сахий бўлиб кетса ҳам лекин унинг қовоги очилмади. Тутмоснинг: «Ассар шоҳининг саройи ёқдими?» деган саволига шундай жавоб берди:

— Менга қолса, ўша сарой Ниневия ёнғинларининг ичидаги қолганида яна ҳам гўзалроқ бўлар эди,— деди.

Зиёфат вақтида ассирияликлар ўзларини босиқ тутдилар. Гаплари ҳам камроқ бўлди. Одатда кўп куладиган Саргон бир марта ҳам жилмаймади, хаёлга берилганича кўзларини ярим юмиб ўтириди.

Фақат икки коҳин — халдейлик Йиздубар ва мисрлик Ментесуфис келажакни башорат қилувчилар ва одамлар устидан ҳукмронлик қилувчилар сифатида хотиржам эдилар.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

Мулқдорнинг қабулидан сўнг Саргон Бубастда яшашда давом этди. У Мемфисдаги Фивадан хат кутарди. Шу орада зобитлар ва зодагонлар орасида фалати гаплар тарқалди.

Финикияликларнинг ўта маҳфий тарзда айтишларига қараганда, коҳинлар негадир ассирияликларнинг аввалги қарзларидан кечибигина қолмай, ҳатто тўловлардан ҳам озод этганлар. Ассирияликларнинг шимолий қўшниси билан урушишини осонлаштириш учун узоқ йилларга мўлжалланган тинчлик битимини тузганлар.

— Фиръавн анчайин бетоб, — дердилар улар, — шаҳзода Рамсес эса

ёввойиларга ён берилганини билиб, ўта изтиробда, бироқ ота-болялар коҳинлар иродасига бўйсунишга мажбурлар. Негаки, қўшин ва амалдорларга тўла ишониб бўлмайди.

Бу ҳолат кўпроқ мисрлик бойлар ва амалдорларни хафа қилди.

— Нега энди сулола бизга ишонмайди? — шивирлашарди қарзга ботган мисрлик зотлар. — Афтидан, коҳинлар Мисрни шармандалик ва хонавайронликка олиб келаётганга ўҳшайдилар. Агар Ассирия узоқ шимолнинг қаеридадир уруш олиб борса, худди шу пайтда дарҳол у ерга бостириб кириб, кўлга олинган ўлжалар билан фиръавннинг қашшоқлашган хазинасини тўлдириш ва зодагонлар иқтисодини кўтариш керак.

Баъзи ёшлар валиаҳдан ассирияликлар нималарни ўйлаётганини сўрашга ҳам жазм этдилар. Валиаҳ индамаса ҳам унинг ҳиссиётини кўзларидаги олов, қимтилган лаблари айтиб турарди.

— Тушунарли, — деб шивирлашда давом этишарди киборлар, — сулола коҳинлар тўрига илинган, амалдорларга ишонмайди, Мисрга эса каттагина фалокат хавф соляпти...

Ўзаро кечган бу норозиликлар бора-бора яширин кенгашларга, сал бўлмаса фитнага айланди. Гарчи бу ишларда ўзига ишонган кўплаб одамлар иштирок этган бўлсалар ҳам, ўзига бино қўйган ёки очиқ сўқир бўлиб қолган коҳинлар аъёнларнинг гапига қулоқ тутмадилар. Саргон эса бу нафратни пайқаса ҳам, унга эътибор бермади.

У Рамsesнинг ёмон қўришини биларди, аммо буни томошада рўй берган ҳодисага, айниқса, рашкка йўярди. Элчи сифатида ўзининг дахл-сизлигига ишонган Саргон кўп ичар, қовоқхоналарда вақт ўтказар, деярли ҳар оқшом қўнгил изҳорлари ва совгаларини қабул қилувчи финикиялик роҳиба ёнига кетарди.

Юқори мартабалиларнинг кайфияти шундай бўлиб турган кунларнинг бирида Рамsesнинг саройига келган Ментесуфис валиаҳдни зудлик билан қўриши зарурлигини билдириди.

Саройбонлар шаҳзоданинг аёллардан бири билан ишратда эканлиги, уни безовта қилиб бўлмаслигини айтишди. Ментесуфис гапида туриб олганидан кейин ноилож ҳолда Рамsesни чақиришди.

Валиаҳ шу заҳотиёқ оғринмасдан чиқди:

— Нима бўлди? — сўради у коҳиндан. — Гўё уруш бошлангандай тунда овора бўлибсан?

Ментесуфис Рамsesга диққат билан тикилиб тургач, енгил нафас олиб сўради:

— Бугун оқшомда ҳеч қаерга бормадингми?

— Бир қадам ҳам қўзғалганим йўқ.

— Коҳин сифатида бу ҳақда сўз берсам бўладими?

Валиаҳ ҳайрон бўлди.

— Ўйлайманки, мен сўз бергандан кейин сеники ортиқча бўлса керак,— деди у магрур. — Нима бўлди ўзи?

Улар бошқа хонага чиқдилар.

— Бундан бир соат олдин нима бўлганини биласанми? — сўради ҳаяжонланган коҳин. — Қандайдир ёш йигитлар Саргонга хужум қилишиб, уни роса дўппослашибди.

— Улар кимлар? Қаерда?

— Финикиялик роҳиба Каманинг шийпони олдида,— давом этди Ментесуфис валиаҳднинг юз ўзгаришига диққат бериб.

— Вой ботирлар-е! — ҳайратланди Рамses. — Шундай кучли одамга ҳамла қилиш! У ҳам бир нечасини майиб қилган бўлса керак?

— Лекин элчига тажовуз қилиш! Ассирия ва Миср даражасида

ҳимоя қилинган элчига! – қичқириди коҳин.

– Хо-хо! – кулди Рамсес. – Наҳотки Ассар подшоҳи ўз элчилари-ни финикия роҳибаси ёнига юборган бўлса-я!..

Ментесуфис қаловланиб қолди, сўнг пешонасига шапатилаб, ўзи ҳам хоҳолади.

– Қара-я, шаҳзода, нега шунга ақлим етмади экан? Сиёсатдан қанчалар йироқман-а. Тунда шубҳали аёлнинг уйи атрофида ивирсиб юрган Саргон элчи эмас, балки хусусий шахс-ку! Шундай бўлса ҳам, – қўшимча қилди у, – яхши иш бўлмади. Саргон биздан хафа бўлиши мумкин.

– Коҳин! Коҳин! – хитоб қилди шаҳзода бош чайқаб. – Сен ундан ҳам муҳимроқ нарсани унутиб қўйяпсан. Миср Саргоннинг, ҳатто Ассарнинг ҳам дўст ёки душман эканлигига эътибор бермаслиги керак.

Ментесуфис подшоҳзоданинг танбеҳидан шунчалар мулзам бўлди-ки, таъзим қилиб, гулдирашдан нарига ўтмади.

– Маъбуллар сенга олий коҳинлар донишмандлигини берган, шаҳзода (ўтганларининг номлари мўътабар бўлсин!). Мен тўполончиларни топиш ва жазолаш ҳақида буйруқ бермоқчи эдим. Лекин маслаҳатингга амал қиласман, донишларнинг дониши. Хўш, энди Саргон ва муштумзўрларни нима қилиш кераклигини айтсанг бўлгани.

Биринчидан, бу ишни тонггача қолдириш керак. Сен коҳин сифатида биласанки, маъбуллар томонидан юборилган уйқу – яхши маслаҳатчи.

– Агар эртагача бирор чора ўйлаб топмасам-чи? – сўради коҳин.

– Ҳар ҳолда мен Саргонни қўргани бориб, бу арзимас ҳодисани эсидан чиқаришга уриниб қўраман, – деди валиаҳд.

Коҳин таъзим қилиб хайрлашди. Уйга қайтаётib ўйлади:

«Бу ишга шаҳзода аралашмаганига бошим билан жавоб бераман. Бу ҳақда у ҳатто билмаган ҳам. Агар у аралашган бўлганида жиноят ҳақида бунчалик совуққон ва тўғри фикрламаган бўларди. Агар шурост бўлса, терговни бошлаш лозим. Агар паҳмоқ ёввойи тинчимаса, безориларни тутиб ҳакамларга бериш керак. Мана сенга дўстлик битими: у элчини дўппослашдан бошланди».

Бузрук Саргон эртасига, маст бўлиб қолган пайтлари ўзи узала тушадиган намат устида ётар, унинг ёнидаги паст ўриндиқда хурматли зот Издубар шифтга кўз тикканича дуолар ўқирди.

– Издубар, – хўрсиниб туриб сўради бузрук, – саройимиздагилар мен боримдаги воқеани билмайдиларми?

– Бирортаси ҳам бу воқеани қўрмаганидан кейин қаёқдан билсин?

– Мисрликлар-чи? – сўради Саргон.

– Улардан фақат Ментесуфис ва ўша безорилар билади. Улар муштингни узоқ вақт эслаб юрсалар керак.

– Эҳтимол...Лекин улар орасида шаҳзода ҳам бордек туюлди. Агар бурни синмаган бўлса ҳам, ҳархолда пачоқланди.

– Валиаҳднинг бурни соппа-соғ, жанжал бўлган жойда унинг бўлмаганига ишонавер.

– Ундай бўлса, – хўрсинди Саргон, – ғаламисларни шаҳзода қозикқа ўтқазиши керак бўлади. Ахир элчининг шахси мұқаддас... ва дахлсизку...

– Сенга нима дедим, – тақрорлади коҳин, – юрагингдаги ғазабни ҳайдаб сол, шикоят қилма. Агар уларни ошкора жазолашса, бутун дунё Ассар шоҳининг элчиси финикияликлар билан мuloқотда бўлга-

ни, энг ёмони, тунлари уларниги мөхмөнга ёлғиз бориши ҳақида хабар топади. Мұхими, ашаддий душманинг бўлган девонбеки Аик-Багуш сендан: «Айт-чи, Саргон, қайси финикияликлар билан сарой олдида учрашиб, нималар ҳақида гаплашдинг?» деб сўраб қолиши мумкин.

Саргон хўрсинишда давом этди. Бу хўрсиник гўё арслоннинг хирилашига ўхшар эди.

Бирдан хонага ассирия навкари кириб тиз чўқди-да, пешонасини ерга теккизиб, Саргонга деди:

— Ҳукмдоримиз кўзларининг нури. Айвонда кўплаб амалдорлар ва катталар туришибди. Улар орасида фиръавннинг вориси ҳам бор. Сенга хурмат бажо айламоқ учун хузурингга кирмоқчи.

Саргон фармойиш беришга улгурмай туриб, оstonада шаҳзода пайдо бўлди. У дароз соқчини туртиб ўтиб, ўзини йўқотиб қўйганидан нима қиларини билмай наматда ётган Саргон томон жадал юра бошлиди. Саргон яланғоч ҳолда бошқа хонага қочиб чиқишини ҳам, намат остига яширинишни ҳам билмай қолди.

Барча одоб қоидаларига хилоф равища валиаҳднинг бостириб киришидан ҳайрон бўлган ассириялик навкарлар оstonада тўхтадилар. Издубар уларга ишора қилгач, кўздан гойиб бўлишиди.

Хонага валиаҳднинг бир ўзи кирган, бошқалар ҳовлида қолишган эди.

— Салом сенга, буюк подшоҳнинг элчиси ва фиръавннинг мөхмени! — деди Рамсес. — Бирор нарсага муҳтож эмасмикансан, деб билгани келдим. Бундан ташқари, агар вақтинг ва хоҳишинг бўлса, падаримнинг отхонасидаги аргумоқларда шаҳар айлантироқчиман. Ассар шоҳининг — абадий барҳаёт бўлсин! — элчисига хос равища сен билан мени аъёнлар кузатиб боришиди.

Саргон ҳеч нарсани тушунмай ётганида Издубар шаҳзоданинг нутқини таржима қилган эди, у ҳаяжондан бошини наматга уриб, бир сўзни такрорлайверди: “Ассар ва Рамсес! Ассар ва Рамсес!” Ҳаяжони пайсал топгач, Рамсес кечирим сўраган эди, олий мартабали мөхмөннинг унга раҳми келди.

— Қаҳр қилма, жанобим. Тахting пойидаги бир қурт мисол ташрифингни кўриб ҳаяжонимни шу тарзда баён этяпман. Мен икки тарафлама мамнунман. Зеро, биринчидан, менга самовий эҳтиром кўрсатилди, иккинчидан, калтафаҳмлигим туфайли кечаги тажовузда сенинг қўлинг бор, деб ўйлабман. Хаёлимда бошқаларницидан зарбалироқ қалтакни елкам билан ҳис этдим.

Юқоридаги сўзларни Издубар таржима қилганида шаҳзода ҳақиқий шоҳона виқор билан жавоб берди:

— Адашибсан, Саргон. Агар ўз хатоингни ўзинг пайқамаганингда сени эллик дарра уришга буюрган бўлар эдим. Шуни билки, мендек одам сенга тунда, бунинг устига оломон билан ҳужум қилмаган бўларди.

Издубар бу сўзларни таржима қилиб улгурмай, Рамсеснинг ёнига эмаклаб келган Саргон унинг оёқларига бош уриб хитоб қилди:

— Буюк жаноб, буюк илоҳ! Шундай ҳукмдори бор Мисрга шарафлар бўлсин!

— Яна шуни ҳам таъкидламоқчиманки, — давом этди шаҳзода, — бу ҳужумда саройдагилардан бирортасининг қўли йўқ. Буни шу билан изоҳлайманки, сендай кучли зот бир неча ҳужумкорларнинг бошини мажаҳлаган бўлардинг. Одамларимнинг эса ҳаммаси соппасоф.

— Ҳақ гап айтилди,— пичирлади Саргон Издубарга, — ва доно фикр.

— Гарчи бу номақбул ҳаракат, — давом этди валиаҳд, — менинг айбим билан содир этилмаган бўлса ҳам барибир, сени ёмон қабул қилган шаҳарга бўлган нафратингни юмшатиш менинг бурчим. Шунинг учунгина сендан хабар олгани ва уйим сен учун ҳамиша очиқ эканини айтгани келдим. Қолаверса, мана шу кичкина совгани қабул этгайсан.

Рамсес шундай деб лаъл ва ёқут қадалган занжирни узатди.

Кекса Саргоннинг кўз ёшлари валиаҳдни тўлқинлантирган бўлсада, Издубарнинг сокинлиги бузилмади. Чунки коҳин дониш подшоҳнинг элчиси бўлмиш Саргоннинг кўз ёшлари, қаҳр ва қувончи тез пайдо бўлишини билар эди.

Сал ўтмай валиаҳд хайрлашди. Йўлда қетаётиб: «Ассирияликлар ёввойи бўлсалар ҳам муруватни тушунмайдиган, ёмон одамлар эмас экан», деб ўйлади.

Эҳтироси жунбушга келган Саргон шароб олиб киришларини буюрди ва қора кечгача ичди.

Қуёш ботганидан кейин Издубар элчининг хонасидан чиқиб, шу заҳоти яширин эшикдан яна унинг ёнига кирди.

Ортидан қора ёпинчиқقا ўралган киши эргацди. Улар юзларини очганида Саргон коҳин Мефрес ва пайғамбар Ментесуфисни кўрди.

— Сенинг ёнингга, муҳтарам элчи, хушхабар билан келдик, — деди Мефрес.

— Сизларга ҳам хушбаҳтилик тиламоғимдан мамнунман,— деди Саргон. — Ўтиринглар, ҳазрат оталар. Гарчи қўзларим қизарган бўлса ҳам мен билан хушёрдек гаплашаверинглар. Чунки маст бўлсан ҳам ақдими ни йўқотмайман, ҳаттоқи аксинча бўлади. Тўгри айтдимми, Издубар?

— Гапираверинглар,— уни қувватлади Издубар.

— Бугун,— гап бошлади Ментесуфис,— муҳтарам вазир Херихордан хат олдим. Унинг ёзишича онҳазрат фиръавн, — абадий барҳаёт бўлсин! — элчихонангизни Мемфис яқинидаги афсонавий саройда кутмоқда ва сизлар билан битим тузишга мойиллик билдиromoқда.

Саргон намат устида чайқалаётган бўлса ҳам кўзлари деярли хушёр эди.

— Онҳазрат фиръавн — абадий барҳаёт бўлсин! — хузурига бораман ва ҳукмдорим номидан шартномага муҳр босаман. Лекин хат поначиқлар билан тошга ёзилиши керак. Чунки сизларнинг ёзувларингизни ўқий олмайман. Кун бўйи онҳазратнинг — абадий барҳаёт бўлсин! — қаршисида қорним билан ётсан ҳам битимни имзолайман. Лекин уни сизлар қандай бажарасизлар... Ха-ха-ха!.. — бунисини билмайман, — деди у гапини дағал кулги билан яқунлаб.

— Сен, улуғ Ассарнинг малайи, ҳукмдоримизнинг содиқлигига қандай қилиб шубҳа билдиридинг?.. — хафа бўлди Ментесуфис.

Саргон дарҳол хушёр тортди.

— Мен онҳазрат фиръавннинг эмас, валиаҳдни назарда тутяпман, — эътироҳ билдириди у.

— Валиаҳд ақли расо йигит ва отасининг иродасига ҳамда коҳинлар олий кенгашига итоат қиласди, — деди Мефрес.

— Ха-ха-ха! — яна хандон отиб кулди ёввойи. — Сизларнинг шаҳзодангиз!.. — Алдаётган бўлсан қўл-оёқларим қуриб қолсин, Ассириядя ҳам шундай шаҳзода бўлишини хоҳлар эдим... Бизнинг ассириялик шаҳзодамиз коҳин ва олим... У урушга тайёрланишдан олдин

осмондаги юлдузларни санаб чиқади, сўнг товуқнинг думи остига қарайди... Сизларнинг шаҳзодангиз эса биринчи навбатда қўшин сонини, фанимнинг жойини хуфялар орқали аниқлаган, кейин эса бургут қўзичоқча ташлангандай хужум қилган бўлар эди. Яна у лашкарбоши. У – подшоҳ... у коҳинлар маслаҳатига қулоқ солиб ўтирадиганлардан эмас, балки ўз қиличига маслаҳат солади. Сизлар эса унинг буйругини бажарасизлар. Шундай экан, битимни имзоласам ҳам бемор подшоҳ ва коҳинлар ортида арслон билан буқа тимсоли бирлашиб кетган тахт вориси турганини жаноб подшоҳимга айтаман. Шаҳзоданинг лабларидан бол томади, юрагида эса момакалдироқ гумбурлаб, яшин чақнайди.

– Буниси ёлғон! – ёътиroz билдириди Ментесуфис. – Негаки шаҳзодамиз ўжар ва барча ёш йигитларга ўхшаб майшатбоз бўлса ҳам мамлакат олий маҳкамалари ва дониш одамларни ҳурмат қиласди.

Саргон истеҳзо билан бош чайқади.

– Эҳ сиз донишлар, саводхону мунахжимлар! Мен оддий саркарда, ҳатто исмимни тошга ўйиб ёза олмайман. Лекин ҳукмдоримнинг соқоли билан қасам ичаманки, буни сизларнинг донишмандлигинизга алишмаган бўлардим... Чунки сизлар жадваллар ва папируслар дунёсида яшайсизлар. Биз яшаётган ҳақиқий ҳаёт эшиги сизлар учун берк. Мен чаласаводман, лекин итдай ҳид ажратаман. Ит узоқдан туриб айиқни сезгани каби мен ҳам шу қизил бурним билан ҳақиқий саркардани билиб оламан. Сизлар шаҳзодага маслаҳат бермоқчими-сизлар? Аслида эса у капитарни илон авраганидек, сизларни маҳлиё қилиб қўйди. Мен уни алдай олмайман. Зеро шаҳзода менга нисбатан мурувватли бўлса-да, шу қалин терим орқали сезиб турибманки, у ассирияликларимни йўлбарс филни ёмон кўрганидек ёқтирмайди. Ха-ха!.. Унга қўшин бериб кўринг-а, уч ой ўтмасдан Ниневия бўсағасида пайдо бўлади. Унинг учун аскарлар йўлда ҳалок бўлмай, янгидан туғилиб турсалар бас.

– Сен ҳақсан ҳам дейлик, – унинг гапини бўлди Ментесуфис, – шаҳзода Ниневияга юришни хоҳлайди-ю, лекин бормайди.

– У фиръавн бўлгач, бунга ким тўқинлик қиласди?

– Биз!

– Сизлар?.. Сизлар?.. ха-ха-ха! – яна кулди Саргон. – Бу йигитча ўртадаги битим ҳақида билмайди, деб ўйлайсизларми? Мен эса... мен... ха-ха-ха!.. Агар унга ҳамма нарса аён бўлмаса теримни шилиб олишларига, ўзимни қозиқча ўтқазишларига розиман. Агар бу шербачча Ассирия буқасидан ҳимоя қилишини финикияликлар билмаганларида шунчалар хотиржам бўлишармиди?

Ментесуфис ва Мефрес бир-бирларига ўгринча қараб олишди. Ўзлари ҳисобга олмаган бу ёввойининг ўтқир зеҳнлилиги уларни қўрқи-тиб юбораётди. Чиндан ҳам агар валиаҳд уларнинг мақсадини англаб, режаларини чалкаштириб юборса нима бўларди?

Бир дақиқалик мушкулотдан уларни ҳалидан бери индамай ўтирган Издубар қутқарди.

– Саргон, – деди у, – сен бошқа ишга аралашяпсан. Аслида ҳукмдоримизнинг иродасига биноан Миср билан битим тузишга мажбурсан. Миср валиаҳди биладими, билмайдими – бунинг сенга дахли йўқ. Коҳинларнинг барҳаёт олий кенгаши кафолат бердими – шартнома бажарилади. Буни кенгаш қандай ҳал қиласди – бизнинг ишимиз эмас.

Издубарнинг қуруққина қилиб айтган сўзи Саргонни тинчлантириди. У бош чайқаб гудранди:

— Ундей бўлса, болакайга раҳмим келади. У жасур жангчи ва саховатли ҳукмдор.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

Саргон билан учрашиб бўлган Мефрес ва Ментесуфис бурнусла-рига ўраниб, хаёл суришганича уйларига қайтдилар.

— Ким билади, — деди Ментесуфис, — бу қари бадмаст Саргон валиаҳдимиз ҳақида гапирганида ҳақ бўлса керак...

— У ҳолда Издубар кўпроқ ҳақ,— совуқнина деди Мефрес.

— Лекин олдиндан бирор хулоса чиқармаслик керак. Аввалига ундан сўраб кўриш зарур, — давом этди Ментесуфис.

— Бўлмаса, бу ишни сен қиласан.

Эртасига икки коҳин валиаҳднинг олдига келиб, сирли қўриниш билан уни сухбатга чорладилар.

— Нима гап? Мұхтарам Саргон билан яна бирор ҳодиса рўй беридими? — сўради Рамсес.

— Ағсуски, бизни Саргон қизиқтирумайди,— жавоб қилди олий коҳин Мефрес. — Халқ орасида сени, ҳукмдор, гайридин финикиялар билан яқин муносабатда эканлигинг ҳақидаги нотўғри гаплар юрибди.

Бу сўзлар шаҳзодага пайгамбарлар ташрифининг мақсадини ойдинлаштириди ва унинг газаби қайнади. Коҳинлар билан ўзи ўртасидаги курашнинг бошланиши эканини тушунди, бироқ валиаҳдга хос равишда ўзини тутди ва ҳеч нарсадан хабардор эмаслигини юз ифодаси билан зоҳир этди.

— Финикиялар эса бизнинг қадимий душманларимиз,— қўшиб қўйди Мефрес.

Валиаҳд жилмайди.

— Агар сизлар, муқаддас оталар,— деди у, — менга қарз берганингизда ва эҳромда гўзал қизларни сақлаганингизда, сизлардан ажралмаган бўлардим. Шундай экан, хоҳласам-хоҳламасам финикиялар билан дўст бўламан.

— Айтишларича, кечалари финикиялик роҳиба ҳузурига борар эмишсан?

— Унинг ақли кириб, то саройимга кўчиб ўтмагунича шундай қилишга тўғри келади. Лекин хавотир олманлар, ёнимда доим қилич бўлади. Агар кимда-ким йўлимга ғов бўлса...

— Бироқ сен ўша финикиялик аёлни деб Ассирия элчиси билан тескари бўлиб қолгансан.

— Мутлақо қиз учун эмас, балки ундан қўй ёгининг ҳиди анқиб тургани учун... Буларни оқшомда гапиришдан не мурод? Ахир сизларга муқаддас оталар, менинг аёлларим ортидан кузатиш буюрилмаган-ку. Ўйлашимча, Саргон сизларсиз ҳам кун кўра олади. Хўш, унда сизларга нима керак?

Мефрес шунчалар хижолат бўлдики, ҳатто қиртишланган боши ҳам қизариб кетди.

— Сен ҳақсан албатта, шаҳзода,— жавоб қилди у, — сенинг севги саргузаштларинг билан ишимиз йўқ... Лекин... бошқа ёмон томони бор: айёр Хирамдан юз талантни қийинчилексиз, ҳатто гаровсиз қарзга олганингдан халқ ажабланяпти...

Шаҳзоданинг лаблари учди-ю, лекин ўзини тутди.

— Хирам мисрлик бойлардан кўра менинг сўзларимга кўпроқ ишонса менда нима айб? У биладики, бобомдан қолган қуролдан

воз кечсам ҳам қарзимни қайтараман... Кўринадики, қарзинг тўла-надиган фоизи ҳам қайғургулик эмас. Зеро, бу ҳақда у индамайди ҳам. Сизлардан яширмайман, муқаддас оталар, финикияликлар мисрликларга қараганда сахийроқ ва илдамроқ. Бизнинг бойимиз юз талант қарз беришдан олдин менга қовоқ уяди, мижғовланиб, бир ойча алдайди, охир-оқибат жуда катта гаров ва фоиз ҳисобига пул беради. Ворислар юрагини яхши билувчи финикияликлар эса қози ва гувоҳларсиз қарз бераверадилар.

Рамсеснинг мазхараомуз асабийлашган Мефрес лабларини қимтиган ҳолда бирдан жимиб қолди. Кутилмагандан савол берган Ментесуфис унинг жонига ора кирди:

— Агар биз Ассирия билан шимолий Осиё ва Финикияни Ассирияга берувчи битим тузсак, нима деган бўлар эдинг, шаҳзода?

Шу гапларни айтиётганда у валиаҳднинг юзига диққат билан тикилди. Бироқ Рамсес ўзини йўқотмади.

— Фақат сотқинларгина фиръавнни бундай битимни имзолашга кўндириган бўлардилар.

Иккала коҳин ҳам ҳаяжонланди. Мефрес қўлини кўтарди, Ментесуфис эса муштларини тугди.

— Агар буни мамлакат хавфсизлиги тақозо этса-чи? — бўш келмади Ментесуфис.

— Мендан нимани хоҳлайсизлар ўзи? — хафа бўлди шаҳзода. — Шахсий ишларимга, аёллар билан муносабатимга аралашасизлар, атрофими ни тингчилар билан ўраб оласизлар, бунинг устига нима қилишимни ҳам ўргатасизлар, энди эса фаюр саволлар берасизлар? Сизларга шуни айтиб қўяйки, агар мени заҳарлашга қарор қилган бўлсангиз ҳам бундай шартномани имзоламаган бўлардим. Бахтимга бу вазифа менга эмас, балки ҳаммамиз иродасига бўйсунадиган фиръавнга тегишли.

— Агар фиръавн бўлганингда нима қилар эдинг, шаҳзода?

— Мамлакатнинг шаъни ва манфаати талаб қиласидан ишни ба-жарар эдим.

— Бунга шубҳа йўқ,— деди Ментесуфис. — Бироқ сен мамлакат манфаати деганда нимани тушунасан? Биз кўрсатмани қаердан олишимиз керак?

— Коҳинларнинг олий кенгаши нима учун тузилган? — хитоб қилди валиаҳд, энди чинакамига fazab билан. — У фақат донишмандлардан иборатми? Ундей бўлса Миср учун шармандали ва ҳалокатли бўлган бу битимга жавобгарликни ўшалар ўз зиммаларига олсинлар...

— Илоҳий отанг шундай иш қилганини қаердан биласан, шаҳзода?

— Бу ҳақда нега мендан сўрайпсизлар? Бу қандай сўроқ? Юрак сирларимга мўралаш учун ким ҳуқуқ берди сизларга?

Рамсес шунаقا ўқрайдики, коҳинларнинг дами ичига тушиб кетди.

— Сен, шаҳзода, — жавоб қилди коҳин, — ҳақиқий мисрликтининг гапини айтдинг. Бундай битим бизни ҳам ранжитган бўларди. Аммо давлат хавфсизлиги йўлида гоҳида мавжуд ҳолатга тобе бўлиш ҳам зарур.

— Қанақа ҳолат экан у? — сўради Рамсес. — Биз кўпгина урушларда енгилдикми ёки бизда жангчилар етишмайдими?

— Мисрнинг абадийлик дарёсида сузайтган кемаси эшкакчилари маъбуллардир, — тантанали оҳангда жавоб берди коҳин, — боқувчи-си, барча мавжудлар ҳукмдори. Улар кемани тўхтатадилар, гирдоб-лардан айланиб ўтиш учун бошқа томонга бурадилар, лекин буни

бизлар билмаймиз. Бундай ҳолларда одамдан фақат чидам ва итоаткорлик талаб этилади. Шундагина, эртами, кечми – авом ўйлаб топган барча мукофотлардан ҳам юқорироқ бўлган ажр кутади.

Ниҳоят коҳинлар шаҳзода билан хайрлашдилар. Шаҳзоданинг мазкур битимга муносабати қониқарли бўлмаса ҳам яқин орада аҳдни бузмаслигига ва Мисрда яқин орада тинчлик ҳукм суришига ишонч ҳосил қиласди.

Улар кетганидан сўнг шаҳзода Тутмосни ёнига чақирди. Кўнглига ўтирган одам билан ёлғиз қолганидан кейин йиғилиб қолган газабини чиқариш учун ўзига эрк берди. Ўриндиқقا ўзини ташлаб, илондек тўлғонди, бошига муштлаб, ўкириб юборди.

Кўрқиб кетган Тутмос қутириш хуружи ўтиб кетишини кутди. Ундан кейин шаҳзодага шароб ва сув тутди, исириқ тутатди ва аламзадалик сабабини сўради.

– Мана бу жойга ўтири, – деди Рамсес, ўриндиқдан турмай. – Бугун мен коҳинларимизнинг ассирияликлар билан қандайдир шармандали – уруш қилмаслик ва ҳеч нарса талаб қилмаслик тўғрисидағи битим тузганларига амин бўлдим, – деди ниҳоят валиаҳд. – Биз нималар йўқотаётганимизни биласанми?

– Дагон менга Ассирия томонидан Финикиянинг босиб олиниши тўғрисида айтди. Ассар шоҳи бугунги кунда шимоли-шарқий чегараларда уруш олиб бораётганлиги финикияликларни унчалар ташвишга солмайди. У ерда кўпсонли ва жуда урушқоқ ҳалқлар яшайди. Шу туфайли урушнинг қачон тугаши номаълум. Финикияликларнинг иттифоқчилар топиб, ҳимояга тайёрланишига ҳали анча бор.

Шаҳзода асабий қўл силтади.

– Мана кўрасан, – деди у, – ҳаттоқи Финикия ўзи қуролланиб, эҳтимол барча қўшни давлатларни қуролланишга даъват этади. Биз эса Осиё тўламаган юз минг талантдан қўпроқ ҳақдан маҳрум бўламиз. Шунақасини ҳеч эшитганмисан? Юз минг талант! – такрорлади Рамсес. – Эй маъбуллар! Ахир бунча пул фиръавн хазинасини тўлдириши мумкин эди-ку. Агар биз қулай вақтни пойлаб Ассирияга ҳужум қиласак, фақат Ассар шоҳи саройининг ўзидангина ҳақиқий ёмбилиарни топган бўлар эдик... Қанчадан-қанча асиrlар олишимиз мумкинлигини бир ўйлаб кўргин-а. Ярим миллион...миллионлаб бақувват ёввойилар борки, уларни анҳорлар қазишда ва тош конларида ишлатиш ўйинчоқдек гап... Бир неча йилдан сўнг ерларимизнинг ҳосилдорлиги ортиб, қашшоқлашган ҳалқ ва давлат аввалги қудрат ва бойлигини тиклаб олган бўлардилар. Коҳинлар эса бизни шулардан маҳрум этиб, унинг ўрнига бир неча кумуш лаппакчалари ва ҳеч кимимиз ўқий олмайдиган понасимон ҳарфлардан иборат сопол жадвалларга эга қилишмоқчилар.

Тутмос ўриндан туриб, қўшни хоналарни диққат билан қузатди. Ҳеч ким эшитмаганига қаноат ҳосил қилгач, яна Рамсеснинг ёнига ўтириб пи chirлади:

– Хафа бўлма, ҳукмдор, билишимча барча аъёнлар, ҳокимлар ва мартабали саркардалар бу битим ҳақида анча-мунча эшитишган ва бундан ранжишяпти. Сен айтсанг – бўлди, биз ўша ёзув жадваллари билан Саргоннинг, керак бўлса Ассарнинг бошини ёрамиз.

– Лекин бу олампаноҳга қарши исён-ку, – пи chirlab жавоб берди валиаҳд ҳам.

Тутмоснинг юзи тундлашди.

– Сени хафа қилиб қўйишини хоҳламайману, – деди у, – лекин илохий отанг оғир касал...

— Ёлғон!

— Афсуски, шундай! Лекин бу ҳақда ўзингни билмаганга сол. Подшоҳимиз бу ҳаётдан зериккан ва ундан кетишга ошиқяпти. Лекин коҳинлар Ассирия билан битимни қаршиликсиз имзолаш учун уни ушлаб турибдилар.

— Хойнлар! Хойнлар! — қаҳр билан шивирлади Рамсес.

— Сен отангнинг — абадий яшасин! — ҳокимииятини мерос қилиб олсанг, ўша шартномани бекор қилишинг қийин эмас.

Шаҳзода ўйланиб қолди.

— Уни бекор қилишдан кўра имзолаш осонроқ.

— Бекор қилиш ҳечам қийин эмас, — истеҳзоли деди Тутмос. — Осиёда бизга ҳужум қилмоқчи бўлган енгилмас қабилалар бўлса нима? Ҳужумни қайтариш ва муҳорабани ёғийлар ерига кўчириш учун илоҳий Нитагор ҳушёр эмасми? Наҳотки Миср урушгани одам ва маблағ топа олмайди, деб ўйласанг? Биз ҳаммамиз борамиз. Чунки бундан ҳар биримиз фойда чиқариб оламиз ва шу йўл билан келажагимизни таъминлаймиз. Эҳромларимизда маблағ топилади. Махфий йўлаклар!

— Уларни қандай қилиб олиш мумкин? — шубҳа билан сўради шаҳзода.

— Юқори табақаларга мансуб бўлган ҳар бир ҳоким, ҳар бир жанги ва ҳар бир одам, агар фиръавининг буйруги бўлса уни бажаради. Кичик коҳинлар эса жавоҳирлар сақланаётган яширин жойга бизни олиб боришади.

— Улар кўнишмайди. Маъбуллар ғазаби...

Тутмос менсимасдан қўл силтади.

— Бизлар кимлармиз? Яхудийлар, финикияликлар, юнонлар очиқдан-очиқ устидан кулиб юрадиган маъбуллардан кўрқадиган чўпонларми ё эркаклармизми? Маъбуллар ҳақида ўзлари ҳам ишонмайдиган эртакларни ўйлаб топганлар мана шу коҳинлар бўлади. Биласан-ку, эҳромларда фақат якка маъбудни тан олишади, лекин турли мўъжизалар кўрсатишиб, ичида кулишади. Фақат деҳқонгина санамлар олдида аввалгидек юзтубан тушадилар. Бироқ у жойда ишлайдиганлар Осирис, Гор ва Сетиларининг қудратига шубҳа билан қарайдилар, мирзалар маъбулларни таъминлайдилар. Коҳинлар эса улардан ўз бойликларини сақлайдиган кулф-калит ўрнида фойдаланишади. Миср эҳромларида бўладиган ҳар бир нарсага ишонадиган вақтлар ўтиб кетган. Бугун биз финикия маъбулларини, улар эса бизнинг маъбулларимизни сўкишяпти, — давом этди Тутмос. — Уларни ҳеч қандай яшин урмаяпти, шекилли!

Валиаҳд Тутмосга тикилди.

— Бу фикрлар сенга қайдан келди? — сўради у. — Яқиндагина коҳинлар номини эшитишинг билан рангинг ўчиб кетарди...

— Унда бир ўзим эдим. Ҳамма киборлар шундай ўйлаётганини билганимдан кейин дадил бўлиб қолдим...

— Ассирия билан бўладиган шартнома ҳақида кимлар бизни хабардор қилди?

— Дагон ва бошқа финикияликлар, — деди Тутмос. — Ҳатто улар бизга шундай таклифлар билдиришяптики, вақти келиб осиёлик қабилаларни оёққа турғизса, чегарадан ўтиш учун бизга имкон тугилади. Ниневияга томон йўлга тушганимизда эса финикияликлар ва уларнинг иттифоқчилари бизга қўшиладилар. Ўшанда ихтиёрингда Буюк Рамсесда ҳам бўлмаган қўшин тўпланади.

Шаҳзодага финикияликларнинг бундай муруввати ёқмади. Бироқ у масалани аниқлаб олмоқчи бўлди.

— Агар коҳинлар сизларнинг гапингизни эшитиб қолишса нима бўлади? Бирортамиз ўлимдан қочиб қутила олмасак керак?

— Улар ҳеч нима билишмайди, — бепарво жавоб берди Тутмос. — Чунки ўз қудратларига ишониб, тингчиларга кам ҳақ тўлашади. Шу туфайли бутун Мисрни ўзларига қарши қилиб қўйишиди. Зодагонлар, ҳарбийлар, мирзалар, ҳатто куи бўғиндаги коҳинлар эхромга хужум қилиш учун ишора кутяптилар. Уларнинг мақсади бойликларни олиб, тахт пойига ташлаш. Шунда чексиз бойликларидан маҳрум бўлган коҳинлар ҳар қандай кучдан ҳам маҳрум бўладилар. Ҳатто мўъжизалар ҳам кўрсата олмай қоладилар. Мўъжиза кўрсатиш учун ҳам олтин керак-ку.

Шаҳзода мавзуни бошқа томонга бурди. Кейин Тутмосга рухсат бериб, хаёлларга гарқ бўлди.

Финикияликларнинг қилмишлари таъсирида зодагонларнинг коҳинларга душманлиги ва юқори доираларнинг жанговор туйгулари бирданига аланга олмаганида, яхши бўлар эди. Бу ҳолат Рамсесни эҳтиёткор бўлишга мажбур этди. У Миср ишларида финикияликлардан кўра коҳинларга таяниш афзаллигини тушунарди.

Бир вақтлар отасининг: «Финикияликлар ўз манфаати учун очиқкўн-гил ва садоқатли бўладилар», деган сўzlари ёдига тушди. Шубҳасизки, финикияликлар Ассирияга қарам бўлмаслиқдан манфаатдор ва уруш бошлангудай бўлса уларга иттифоқдош сифатида суюниш мумкин. Чунки мисрликларнинг мағлубияти биринчи галда Финикияга таъсир этади. Бошқа томондан қараганда эса коҳинлар Ассирия билан шармандали битим тузатирилганларида хиёнатга бордилар. Йўқ, улар хоинлар эмас, балки шунчаки ялқов руҳонийлар. Тинчликни сақлаб туриш улар учун фойдали, негаки тинчлик пайтида бойликларини кўпайтириб, ҳукм доирасини кенгайтирадилар. Уруш фиръавн қудратини ошириши ва ўзлари каттагина маблағ сарфлаши эҳтимоли борлиги учун ҳам буни хоҳламайдилар.

Ҳали тажрибасиз бўлишига қарамай, ёш шаҳзода ҳушёр бўлиши, шошилмаслиги, ҳеч кимни ёмон демаслиги, бироқ ҳеч кимга ҳаддан зиёд ишониб кетмаслиги ҳам зарурлигини тушунди. Вақти келиб албатта уруш очишга қарор қилганида зодагонлар ва финикияликлар хоҳишларини назарда тутмаган, балки Мисрга Ассириянинг бойлиги ҳамда қуллари кераклигини ўйлаган эди.

Қачон бўлмасин уруш бошласа, ақл билан иш кўришга аҳд қилди. Бунинг учун коҳин табақаларини уруш ҳақидаги фикрга бирмунча кўнижтириши, факат қаршилик бўлгандинагина қўшинилар ва атёnlар ёрдамида уни мажақлаб ташлаши зарур бўлади.

Муқаддас Мефрес ва Ментесуфис валиаҳднинг коҳинларга итоат этмай, уларни тинчланишга мажбур қилиши лозимлиги тўғрисидаги Саргон башоратини мазах қилишаётган дақиқаларда Рамсес коҳинларни бўйсундириш, бунинг учун қандай воситалар борлиги ҳақида режа тузиб бўлган эди. Урушни қачон бошлаш, уни қай йўсинда олиб боришни келажак кўрсатиши керак эди.

«Вақт — яхши маслаҳатчи», — ўйлади у.

У узоқ иккиланишлардан сўнг нима қилиши лозимлигини тушунган одам сифатида қаноатланган ва кўнгли тинчиган эди. Ҳалигина рўй берган диққатчилик изларини текислаш учун Сарра ёнига йўл олди. Чунки ўғли билан ўйнаётганида ғамларини унтар ва кайфияти кўтариilar эди.

Сарранинг айвонига кириб, уни яна йиглаётганини кўрди.

— Сарра! — хитоб қилди у. — Агар Нил сувлари юрагингга қамалиб

қолган бўлса ҳам уни йиглаб чиқариш мумкин бўларди.

— Бўлди қиласман, — деди Сарра, кўз ёшлари баттар оқиб.

— Нима бўлди? Яна бирор жодугар финикиялик қизлар ҳақида гапириб, сени қўрқитдими?

— Қизлардан эмас, балки финикияликлардан кўрқяпман, — деди Сарра. — О, жанобим, сен у абллаҳ одамларни билмайсан...

— Улар болаларни ёқишидами? — кулди ҳукмдор.

— Ёқишишади дейсанми? — сўради Сарра.

— Бу — чўпчак! Ёлғонлигини Хирамдан билдим.

— Хирам! — қичқирди Сарра. — Хирам — ваҳший. Отамдан сўраб кўр, жанобим, у сенга Хирамнинг узоқ ўлкалардаги ёш қизларни кемасига таклиф этиб, елканларни туширганича уларни сотувга олиб кетади. Бизда Хирам ўғирлаб келган бир оқ танли жория бор эди. У ватанини соғинганидан ўзини қўярга жой тополмас, ҳатто ўша юрт қаерда эканлигини ҳам айттолмас эди. У ўлиб қолди. Дагон ҳам худди ўшанақангти абллаҳ...

— Эҳтимол, лекин бунинг бизга нима дахли бор? — сўради шаҳзода.

— Жудаям дахли бор, — жавоб берди Сарра. — Мана, сен, жаноб, финикияликларнинг маслаҳатларини оляпсан. Айни пайтда исроилликлар Финикиянинг Миср ва Ассирия ўртасида уруш чиқаришга уринаётганини билиб олишди. Гапларга қараганда, финикиялик бойлар ва судхўрлар бунга эришиш учун қасам ичишган.

— Уларга урушнинг нима кераги бор? — сўради шаҳзода ўзини бефарқ қўрсатиб.

— Нима учун? — хитоб қилди Сарра. — Улар сизларга ҳам, ассирияликларга ҳам қурол-яроғ, моллар, маҳфий маълумотлар етказиб, бунинг учун катта пул тўлашга мажбур қилишади. Ҳар икки томондан ҳалок бўлганлар ва ярадорларни тунайдилар... Сизнинг ва ассирияликларнинг жангчиларидан ўғирланган моллар ҳамда асиirlарни сотиб оладилар. Булар камми? Миср ва Ассирия таланади, лекин финикия ўғирланган моллар билан тўлдириш учун янги омборлар қурди...

— Бу ақлли гапларни кимдан билиб олдинг? — жилмайди шаҳзода.

— Отам билан қариндошларимнинг бу ҳақда бирор эшитиб қолишидан аланглаб, пицирлашганларини эшитмайманми? Мунофиқлар сенинг олдингда, жаноб, юзтубан ётишади, лекин сен уларнинг иккюзламачи нигоҳларини илғаб олмайсан. Мен уларнинг хасисликдан кўкарган лабларидан, газабдан сарғайган кўзларидан неча бора билганман. О жанобим, финикияликлардан заҳарли илондан кўрқандай эҳтиёт бўл!..

Рамсес Саррага қараб, унинг оташин севгисини финикиялик Каманинг маккорона совуқлиги билан солиштириди.

«Ҳақ гап! — ўйлади у. — Финикияликлар — заҳарли илонлар. Бироқ Буюк Рамсес урушда шерлардан фойдаланган бўлса, нега энди мен Мисрнинг душманларига илонларни қўймаслигим керак?»

Каманинг маккорлиги қанчалар аён бўлмасин, унга шунчалар интилади. Гоҳида қаҳрамоннинг кўнгли хавф-хатарни тўсиб қолади. У Сарра билан хайрлашаётганида Саргоннинг тунги калтакланишида шаҳзодадан шубҳалангани ёдига тушди.

Тўсатдан келган бир фикр унинг хаёлини чулғаб олди.

«Наҳотки менинг адашим элчига ҳужум уюштирган? Уни бу ишга ким тайёрлади? Финикияликларми? Агар мени бу чиркин ишга аралаштиришни ихтиёр этган бўлсалар — Сарра ҳақ, улар ярамас одам-

лар ва эндилиқда ҳушёр бўлиш керак».

Унинг юрагида кучли газаб яна аланга олди. Масалани тезроқ ҳал этиш учун кеч кирганидан фойдаланиб, уйга кирмасдан тўғри Кама томон йўл солди...

Таниб қолишлари мумкинлиги уни безовта қилмас, мободо хавф туғилса ёнида қиличи бор эди.

Роҳиба шийпонида чироқ ёниб турар, бироқ кириш жойида хизматкорларидан ҳеч ким йўқ эди.

«Шу кунгача Кама мени кутиб олаётганида хизматкорларига жавоб бериб юборар эди, — ўйлади шаҳзода. — Бугун мени кутган бўлиши керак ёки мендан баҳтлироқ жазманни қабул қиляпти».

У иккинчи қаватга қўтарилиди. Хобхонага кириш жойида тўхтаб, пардани кескин очди. Хонада Кама билан Хирам нималарнидир пи-чиrlab гаплашишарди.

— Э, мен бевақт келибман! — деди шаҳзода кулиб. — Сиз ҳам, бек, эрқаклар илтифотини ўлим хавфи ман этган аёлга хушомад қиляпсизми?

Хирам ва роҳиба ўринларидан сапчиб туришди.

— Саховатли руҳлар гап сенинг тўғрингда бораётганини етказган кўринадилар, жаноб, — деди финикиялик таъзим билан.

— Менга қандайдир совға тайёрлайпсизларми? — сўради валиаҳд.

— Ким билади, шундай бўлиши ҳам мумкин? — жавоб қилди Кама ва унга нозли боқиб.

Лекин шаҳзода совуқ жавоб қилди:

— Менга совға ҳозирламоқчи бўлганларнинг ўзлари болтага ёки сиртмоққа учрамасалар бўлгани. Буниси менга тайёрланган совгадан ҳам кутилмаган иш бўларди.

Каманинг лабларидан табассум сўнди. Ранги оқариб кетган Хирам илтифот қилди:

— Нима қилган ишимиз билан жанобимизнинг газабига ноил бўлдик?

— Ҳақиқатни билишни истайман, — деди шаҳзода Хирамга газаб билан тикилган ҳолда ўтираётib. — Ассирия элчисига ким ҳужум уюштириб, айнан менга ўхшаган одамни ҳам бу ишга аралаштирганини билгим келяпти.

— Кўрдингми, Кама, — деди шошиб қолган Хирам, роҳибага муружаат қилиб. — Бу ярамасни ўзингга яқин келтирганинг бизга баҳтсизлик олиб келишини сенга айтган эдим. Мана, келтириди ҳам... Узоқ кутиб ўтиrmади.

Кама шаҳзоданинг оёқларига йиқилди.

— Ҳаммасини айтаман, — хитоб қилди у, — фақат финикияларга бўлган нафратингни юрагингдан қувиб чиқар! Мени ўлдири, зиндонга ташла, лекин улардан газабланма.

— Саргонга ким ҳужум қилди?

— Эҳромимизда қўшиқ куйладиган юонон йигити Ликон, — деб жавоб берди роҳиба ўридан турмай.

— Ҳа, ҳалиги деразанг олдида қўшиқ айтадиганми? Менга ўхшаган ўшамиди?

Хирам бошини эгиб, қўлини кўксига кўйди.

— У сенга ўхшагани учун катта ҳақ тўлар эдик, жаноб... Сенга ўхшашлиги бошингга иш тушгандা асқотар, деб ўйлаган эдик...

— Асқотди ҳам! — гапини бўлди валиаҳд. — У қаерда? Ўша ажойиб қўшиқчи, менинг тирик суратимни кўрмоқчиман...

Хирам кўлларини ёйди.

— Қочиб кетибди, ярамас... Лекин уни топамиз. Ахир у пашшага ёкичувалчантга айланиб қолмагандир.

— Мени кечирасанми, жаноб? — пицирлади роҳиба қўлларини шаҳзоданинг тиззаларага қўйиб.

— Аёлларга кўп нарса кечирилади, — деди валиаҳд.

— Мендан ўч олмайсизларми? — ҳадик билан сўради Хирамга юзланиби.

— Финикия, — деб гап бошлади қария шошилмасдан, ишонарли қилиб, — жанобимиз Рамсеснинг марҳаматига сазовор бўлган ҳар қандай катта жиноятни ҳам кечиради. Ликонга келсак, — қўшимча қилди у, — сўнг валиаҳдга қараб, — ўликми, тирикми — у сенинг қўлингда бўлади.

Шундай дея Хирам чукур таъзим қилди ва роҳиба билан шаҳзодани қолдириб, хонадан чиқди.

Рамсеснинг юзига қон югурди. Қаршисида тиз чўккан Камани қучоқлаб туриб, пицирлади:

— Муҳтарам Хирам нима деганини эшитдингми? Финикия сенинг энг катта хатоларингни ҳам кечиради! У одам ҳақиқатда ҳам менга содик. Шундай экан нега сен қаршилик қиласан?

Кама унинг қўлларини ўшиб пицирлади:

— Сен мени асира этдинг, энди мен қулингман... Лекин бугун мени ёлғиз қолдир. Ашторет илоҳасига тегишли бўлган уйни хурмат қили.

— Саройимга кўчиб ўтасанми? — сўради шаҳзода.

— Эй маъбуллар! Нималар деяпсан? Қуёш чиқиб, ботадиган замонлардан бери Ашторет роҳибаси... Лекин нима ҳам қилардим? Сенга, жанобим, Финикия шунчалар содиқки, ҳалигача бундай муруватни ўз ўғлонларидан бирига ҳам раво қўрмаган...

— Демак... — гапни бўлди у аёлни қучоқлаб.

— Фақат бугун эмас, бу ерда ҳам эмас... — илтижо қилди роҳиба.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

Финикияликлар роҳибани ҳадя этишганини билганидан кейин валиаҳд қизнинг ўз саройига тезроқ кўчиб ўтишини кутди. Бу кутиш роҳибасиз яшай олмаслигидан эмас, балки унинг янгилиги жозиба кўзғар эди.

Бироқ Кама Рамсесга ёлбориб, саройга кўчишни кечиктирад, зиёратчилар камайиши, энг муҳими, таниқли юртдошларининг кетишини кутиши лозимлигини такрорлар эди. Зеро, шундай қилмаса эхромга тушадиган маблағ камаяр, бу эса роҳиба учун хавфли эди.

— Бизнинг донишманд ва руҳонийларимиз хиёнатни кечиришади, — тушунтирди у, — лекин кўксимдаги тумор маъбулларнинг қасосини чақиради. Биласанми, жаноб, маъбулларнинг қўллари узун бўлади.

— Менинг уйимда бўлган қўллар кесилмайди, — деди валиаҳд.

Бироқ шаҳзоданинг дикқат-эътибори бошқа нарсада бўлгани учун роҳибани унчалик қистамади.

Ассирия элчилари Саргон ва Издубар битим имзолашга кетишган пайтларда фиръави Рамсесдан сафар ҳисоботини топширишини талаб қилган.

У мирзаларга буйруқ бериб, Мемфисдан чиқиб кетганидан буён бўлган воқеаларни ёзишни тайинлади. Устахоналар ва далаларни кўргани, ишчилар, ҳокимлар, амалдорлар билан бўлган суҳбатларни ба-

тафсил ёзиш керак эди. Ҳисоботни олиб боришини Тутмосга топшириди.

— Фиръавн қархисида, — деди унга валиаҳд, — менинг юрагим ва тилим бўласан. Марҳаматли Херихор Миср ва унинг хазинаси инқизози ҳақида нималарни ўйлаётганимни сўраб қолса, айтасан, яхшиси, бу ҳақда ўзининг ёрдамчиси Пентуэрдан билиб олиши мумкин. Ўз навбатида у Хатор илоҳасининг эҳромида менга намойиш қилганларини баён этсин. Агар Херихор Ассирия билан тузиладиган битим ҳақидаги фикримни сўраса, жанобимизнинг амрини бажариш биз учун бурч эканини маълум қиласан.

Тутмос ҳаммасини тушунганини бош иргаб маълум қилди.

— Отам ҳузурида бўлганингда, — давом этди валиаҳд, — ва сизларни ҳеч ким эшитмаётганига ишонч ҳосил қилганингда шундай дегин: «Бизнинг жаноб, сенинг ўғлинг ва хизматингда камарбастанг, сен ҳаёт ва ҳокимият берган бебош Рамсеснинг айтишича, Миср фожеасининг сабаби саҳро босиб қолган унумдор ерларнинг камайиб кетиши ва оғир меҳнат ҳамда қашшоқлик туфайли аҳоли сонининг камайиб кетишидадир. Бироқ шуни билиб қўй, пушти паноҳимиз, зарар келтиришда коҳинлар ўлат ва кумдан қолишмайдилар. Зоро, уларнинг эҳромлари олтин ва жавоҳирларга тўлиб-тошганки, ҳатто ўша бойлик билан Мисрнинг барча мавжуд қарзларини узиш мумкин бўлади. Энг яхши жойлар, энг яхши деҳқонлар ва ишчилар уларнинг ихтиёрида, ерлари ҳам илоҳий фиръавнникига қараганда кўпроқ. Саёҳат мобайнида сенинг ўғлинг ва қулинг, хизматкоринг кўзлари балиқнидек очилди, қулоқлари хушёр эшакнинг қулогидек сезгир бўлиб қолди, дегин».

Рамсес гапиришдан бир нафас тўхтаганида Тутмос унинг айтганини фикран такрорлади.

— Фиръавн ассирияликлар ҳақидаги фикримни сўраса, юзтубан тушиб шундай жавоб бер: «Сенинг қулинг ассирияликларни бўйдор, бақувват жангчилар, қуроллари ҳам яхши, лекин улар ҳарбий ишга ёмон ўргатилган экан, деб ўйлади. Саргонни энг сара жангчилари — камончилар, чопқибардор ва найзабардорлар кузатиб боришиди, лекин бирорта ҳам сафда қадам ташловчи бўлинмалар қўринмади. Қиличлари маҳкам қилиб тақилмаган, найзаларни бир текисда тутмайдилар, чопқиларини дурадгор ёки қассоблар болта ушлагани сингари тутадилар. Кийимлари оғир, дағал шиппаклар оёқларини ғажийди, қалқонлари янги бўлса ҳам жангчиларнинг қўполлигидан уларнинг фойдаси камроқ».

— Сен ҳақсан, — деди Тутмос, — мен ҳам буни сездим ва зобитларимиздан эшитдим. Уларнинг фикрича, бу ерда қўрганимиз Ассирия қўшиналари вакиллари Ливия лашкарига қараганда ёмонроқ ҳимояланишган.

— Бизга ҳаёт ҳадя этувчи жанобимизга айтиб қўй, — давом этди Рамсес, — Финикия босиб олиниши мумкинлигини ўйлаганида ассирияликлар хафа бўлишяпти. Ахир Финикия Мисрнинг бандаргоҳи, финикияликлар эса кемаларимиздаги чапдаст дентизчилар-ку. Ҳа, яна айтгинки, финикияликлардан эшитишимга қараганда (буни онҳазрат мендан яхшироқ билса керак) гўё Ассирия ҳозир заиф, чунки шимол ва жанубда уруш олиб боряпти. Шу билан бир вақтда унга бутун Фарбий Осиё қарши. Агар биз улар устига бостириб борсак, кўплаб бойлик ва деҳқонларимизга кўмак берувчи қулларга эга бўламиз. Гапинг якунида айтиб қўйгин: менинг отам донишлик бобида ҳаммадан устун туради. Бунинг учун унинг айтганини қиласан.

Фақат Финикияни Ассирия қўлига бериб қўймасин, йўқса биз ҳалок бўламиз. Финикия олтин омборларимизнинг жез эшигидир. Ўгрига эшигини очиб берган одам қайдада бор?

Тутмос паони (июль-август) ойида Мемфисга жўнаб кетди.

Нил суви сезиларли кўтарилиганидан кейин Ашторет эхромига келувчи осиёлик зиёратчилар камайиб қолди. Маҳаллий аҳоли узум, зигир ва пахтани тезроқ йиғиштириб олиш учун далага ёпирилди. Бубастда осойишталик ҳукм суро бошлади. Ашторет эхромини ўраб турган боғлар деярли бўм-бўш эди.

Шу вақтда давлат ишлари ва майшатдан бўшаган валиаҳд Каманинг тақдири билан машгул бўлди.

Хирам орқали ҳаракат қилган шаҳзода Ашторет эхромига ўн икки олтин талант, кўктошдан бежирим қилиб ишланган илоҳа ҳайкалчаси, эллик бош сигир ва бир юз эллик миқдор буғдойни қурбонлик қилди. Кутимаган бу инъомдан эхромнинг олий коҳини мулқорнинг оёқлари остига бош эгиш учун пешвоз чиқиб, бу эҳсонни Ашторет илоҳасига юкинувчилар умрбод унумаслигини айтганича миннатдорчилик билдириди.

Хирам билан ҳисоб-китоб қилиб бўлгач, мулқор Бубаст миршабхонаси бошлигини чақириб, у билан бир соатча гаплашди. Бир неча кун ўтиб эса бутун бошли шаҳар одатий бўлмаган воқеадан ҳайратланди.

Ашторет роҳибаси Кама ўғирланган ва сахро қумлари сингари қаёққадир гойиб бўлган эди...

Мисли кўрилмаган бу воқеа қуидагича юз берган эди.

Эхромнинг олий коҳини Камани Мензила қўли юқорисидаги кўшни Саони-Хетем шаҳрига иш билан юборган эди. Роҳиба у ердаги чоғроқ қилиб қурилган Ашторет эхромида қурбонлик маросими ўтказища қатнашиши керак эди. Кундузги иссиқдан кўрқиб, у ерга тунда қайиққа ўтириб жўнади. Кечаси йўлга чиқишининг яна бир сабаби маҳаллий аҳолининг назаридан холи бўлиш эди.

Тонгга яқин тўрт эшкакчи ҳориб ухлаб қолишган. Қирғоққа яқин жойда ўсган ўт-ўланлар орасидан юонон ва хеттлар ўтирган қайиқлар сузиб чиқиб, Каманинг қайигини қуршаб олиб, роҳибани ўғирлаб қочишишган. Ҳужум шу даражада шиддатли кечдикли, финикиялик эшкакчилар қаршилик қўрсатишга ҳам улгурмадилар. Роҳибанинг бақирмаганидан унинг оғзи дарҳол боғлаб қўйилган кўринади.

Бу шаккокликни содир этган юнонлар ва хеттлар кейинчалик денизга чиқиб кетиш учун бўйдор буталар орасига яширингандилар. Кетидан кувмасликлари учун Ашторет эхромига тегишли бўлган қайиқни ағдариб юборишишган.

Бубастда ваҳима кўтарилиди, ҳамма шу ҳақда гапирап эди. Ҳатто жиноятда айблангандарни ҳам айтдилар.

Бирлари бу ишда ассириялик Саргондан шубҳаландилар. Чунки роҳиба унга тегишига ва Ниневияга кетишга рози бўлса, Саргон қизга уйланишишга ваъда берган эди. Яна бошқалари Ашторет эхромининг қўшиқчиси, Каманинг ҳажрида ёниб юрган юонон йигити Ликондан шубҳаландилар. У юононистонлик дайдиларни тўплаш учун етарли маблагга эга бўлган. Фақат бориб турган даҳрийгина роҳибани ўғирлаши мумкин эди.

Албатта, Ашторет эхромида бой ва покдомон зиёратчилар иштирокида кенгаш чақирилди. Кенгаш, аввало Камани роҳиба вазифасидан ва бокириалик аҳдини бузганида айблаб, лаънатланишдан халос этишига қарор қилди.

Бу – холисона ва ақлли қарор эди. Чунки кимдир роҳибани ўғирлаган бўлса, нега уни жазолаш керак.

Бир неча қун ўтгандан сўнг Ашторет эҳромида дудлар чалиниб, Каманинг ўлганлиги, агар ким унга ўхшаган аёлни учратса ундан қасос олмаслиги, ҳаттоқи таъна ҳам қилмаслиги эълон қилинди. Ахир роҳиба Ашторет эҳромини ўз хоҳиши билан ташлаб кетмади. Уни ёвуз кишилар ўғирлаб кетишиди, душманлар албатта жазо топқусидир.

Шу қуннинг ўзида марҳаматли Хирам Рамсес ҳузурига ташриф буюриб, унга олтин ҳуққага солинган пергаментни тутди. Ҳужжатга кўпгина коҳинларнинг муҳрлари босилиб, таниқли финикияликларнинг имзолари қўйилган эди.

Бу ҳужжат Ашторет диний судининг ечими бўлиб, аввал ичган қасамини Камадан соқит қилиш ва роҳиба лавозимидан воз кечгудай бўлса, осмон лаънатларини қайтариш ҳақида эди.

Кун ботгач, шаҳзода ҳужжат билан боғдаги холироқ шийпонга йўл олди. Яширин эшикни очиб, иккинчи қаватдаги чогроқ хонага кўтарилди.

Ўймакорлик билан ишланган шамдонда ёниб турган хушбўй мой ёруғида Камани кўрди.

– Хайрият! – хитоб қилди у, олтин ҳуққани унга узатар экан, – мана, ўша сен истаган нарса.

Финикиялик қизнинг жаҳли чиқди. Кўзлари ёнди. У ҳуққани олибоқ айлантириб кўргач, тўшамага отди.

– Ҳуққани олтиндан деб ўйладингми? Биламан, у олтиндан эмас.Faқат икки тарафига олтин суви юргизилган.

– Бу қандай кутиб олиш бўлди? – деди ҳайрон бўлган шаҳзода.

– Ҳамюртларимни яхши биламан, – деди у. – Улар фақат олтиннигина эмас ёқут ва маъданларни ҳам қалбакилаштиришади.

– Кама! – уни тўхтатди валиаҳд. – Бу ҳуққада сенинг озодлигинг ётибди.

– Бунақа озодлик менга унчалик зарур эмас. Зерикяпман, даҳшат босяпти. Бу ерда тўрт кундан бери гўё қамоқда ўтиргандайман...

– Нимадир етишмаяптими?

– Менга ёруғлик...ҳаво...кулги, қўшиқ...одамлар...етишмаяпти. О, қасоскор илоҳа, мендан қанчалар ёмон ўч олдинг-а!

Рамсес уни лол бўлиб эшитди. Бу асабий аёл сиймосида эҳромдаги роҳибани, юонон йигитининг кўшиқларидан маст бўлган қизни кўрмади.

– Эртага, – деди шаҳзода, – бокقا чиқишинг мумкин, Мемфисга борганимизда эса хоҳлаганингча кўнгилхушлиқ қилаверасан. Менга қара, сени севмайманми ё? Менини бўлиш аёллар учун буюк шараф эмасми?

– Ҳа, – деди қиз инжиқланиб. – Лекин менга қадар сенинг тўрт аёлинг бўлган.

– Сени ҳаммасидан яхши кўраман.

– Агар улардан мени яхши кўрганингда биринчи аёл қилиб ўша... яхдий Сарра эгаллаган саройга жойлаштирган, фахрий кўриқчиларни унга эмас, менга қўйган бўлардинг. У ерда, Ашторет маъбудаси олдида мен биринчи эдим. Ҳайкал пойига юзтубан юкинганлар менга қарап эдилар... Бу ерда-чи? Аскарлар ногора билан сурнай чалишади, амалдорлар эса яхдий қизининг уйи олдида қўл қовуштириб турадилар...

– Биринчи фарзандим олдида қўл қовуштиришади, у яхдий эмас, – гапини бўлди асабийлашган Рамсес.

— Яхудий! — бақирди Кама.

Рамсес сапчиб кетди.

— Ақддан кетибсан! — деди у бирдан ювошиб. — Менинг ўглим яхудий бўлмаслигини билмайсанми ҳали?

— Мен сенга яхудий, деяпман! — қичқирди у, хонтахтани муштлаб. — Бобоси, онасининг акалари уни Исаак деб чақиришади...

— Нима дединг, финикиялик? — Ҳайдаб юборишимни хоҳлайсанми?..

— Алдаётган бўлсам ҳайдасанг ҳам майли, — бўш келмади Кама. — Агар ҳақиқатни айтадиган бўлсам ўша яхудийингни итваччаси билан ҳайдаб, саройни менга бер. Шуни билишингни истайманки, хонадонингда биринчи бўлишга лойиқман. У аёл сени алдаяпти... Устингдан куляпти... Мен эса сени деб илоҳамдан воз кечдим... у мени қаҳрига олиши ҳам мумкин!..

— Испотласанг — сарой сеники... Йўқ, бу гапинг ёлғон, Сарра бунақа хиёнатга бормаса керак... Менинг биринчи ўғлоним!

— Исаак! Исаак! — қичқирди Кама, — хотинингнинг олдига борсанг — ишонасан.

Рамсес нима қилаётганини гира-шира идрок этиб, Сарра яшаётган сарой томонга интилди. Тун ёруғ бўлишига қарамай ғазабидан анчагача йўлни топа олмади. Совуқ ҳаво уни хушёр қилганидан кейин Сарранинг уйига хотиржам кирди.

Кеч бўлишига қарамай улар ҳали ухламаган эдилар. Сарра боласининг тагликларини ўзи ювар, оқсоқ эса дастурхон атрофида кўнглини чоғ этарди.

Ҳаяжондан ранги ўчган Рамсес остоноада пайдо бўлганида Сарра қичқириб юборди-ю, дарҳол ўзини ўнглади.

— Салом, жанобим, — деди у ҳўл қўлларини артиб, эрининг оёқларига таъзим қиласан экан.

— Сарра! Ўғлингнинг исми нима? — сўради Рамсес. Аёл даҳшатдан бошини чанггаллади.

— Ўғлингнинг оти нима? — такрорлади у.

— Биласан-ку, жанобим, унинг исми Сет, — жавоб берди зўрга эшитиладиган қилиб.

— Кўзларимга қара!

— О, Яхве!

— Ха, сен алдаяпсан! Мен биламан, Миср тахтининг вориси, менинг ўглимнинг исми Исаак! У — яхудий! Ярамас яхудий!

— Маъбудим! Маъбудим! Ўзинг раҳм қил! — қичқирди аёл, шаҳзоданинг оёқларига ийқилиб.

Рамсес овозини баландлатмади, бироқ юзи кулранг тусга кирган эди.

— Яхудий аёлни уйингга олиб келма, дейишган эди, — деди у. — Яхудийлар ҳовлига ахлат қилганларида кўнглим ағдарилгудай бўлар эди. Бироқ қабиладошларингга бўлган ғазабимни босардим. Чунки сенга ишонгандман. Сен эса ҳамма яхудийлар билан бир бўлиб, ўглимни ўғирладинг.

— Коҳинлар уни яхудий бўлишини тайинлашди! — шошилиб деди Сарра, Рамсес пойида йиглар экан.

— Коҳинлар? Қайси коҳинлар?

— Олийҳазрат Херихор ва Мефрес: улар ўғлингнинг биринчи Исроил подшоҳи бўлиши учун шундай қилиш зарурлигини айтишган.

— Коҳинлар? Мефрес? — такрорлади шаҳзода. — Исроил подшоҳи? У камончилар сардори ёки шахсий мирзам бўлишини сенга айтган-

ман-ку. Буни сенга айтганман! Сен бадбаҳт эса Иуда подшохининг рутбаси бу лавозимлардан жозибалироқ деб ҳисоблагансан. Мефрес..-Херихор! Маъбулларга шукрларким, ниҳоят, юқори мартабали рӯҳонийларнинг сирини очдим. Улар ўғлимга қандай тақдирнираво кўрганликларини энди билдим.

У бир дақиқа лабларини қимтиб турди-да, бирдан қичқирди:

– Ҳой хизматкорлар! Соқчилар!

Хона бир зумда одамларга тўлди. Сарранинг йигламсираган хизматкорлари ва уйининг бошқарувчиси, кейин гуломлар, охирида бир неча соқчилар кирдилар.

– Ўғлим! – чинқирди Сарра, юракни тилка-пора қилувчи овоз билан.

– Мени ўлдиринглар... Лекин уни бермайман!

Рамсес истеҳзо қилди.

– Юзбоши, — деди у зобитга, — мана бу хотинни боласи билан чўрилар хонасига олиб бор. Бу яхудий аёл энди хотиним эмас. Сен эса, — деди уй бошқарувчисига юзланиб, — эртага эрталаб уни ҳозир келадиган бегойимнинг оёқларини ювишга буюришни эсингдан чиқарма. Агар итоат этмаса, калтак билан жазола. Аёлни оқсоchlар ёнига олиб боринг!

Зобит ва уй бошқарувчиси Сарранинг ёнига боришиб, унга қўл текизишга ботинмай тўхтаб қолишиди. Бунга ҳожат ҳам қолмаган эди. Сарра йиглаётган боласини рўмолга ўраб, пи chirлаганича хонадан чиқди.

– Иброҳим, Исҳоқ, ухудларнинг маъбуллари, шафқатингни дариг тутма...

У шаҳзода олдида чуқур таъзим қилди. Кўзларидан ёш сиза бошлади. Айвонга чиққанидан кейин ҳам Рамсес унинг майин овозини эшилди:

– Иброҳим, Исҳоқ...

Ҳаммаёқ тинчигандан сўнг мулқдор зобит ва бошқарувчига юзланди.

– Машъала кўтариб, шакарқамишлар ўртасидаги уйга боринглар.

– Тушундим, — деди зобит.

– У ерда яшаётган аёлни зудлик билан олиб келинглар.

– Бажараман.

– Ўша аёл ҳозирдан бошлаб сизларнинг ва яхудий Сарранинг бекаси бўлади. Сарра унинг оёқларини ювади, сув қуйиб беради ва қархисида кўзгу тутиб туради. Бу менинг иродам ва буйругим.

– Ҳаммаси бажарилади.

– Эрталаб эса янги оқсоchnинг итоаткорлиги тўғрисида менга айтасизлар.

Мулқдор ана шундай буйруқлар бериб, саройига қайтди. Бироқ тун бўйи ухламади. Унинг кўксисида қасос олови ёнар эди.

Рамсес ўзини алдашга жазм этган баҳтсиз яхудий аёlinи ҳатто овозини баландлатмасдан мағлуб этганини ҳис қилди. У шоҳ сифатида қошининг бир имоси билан аёлни юқори мартабадан қуллик дарражасига олиб тушди. Бироқ Сарра коҳинлар учун бир қурол эди, холос. Валиаҳд эса ҳаддан зиёд адолатли бўлиб, ўша қуролни синдиргани билан аёлдан фойдаланганларни кечирмас эди.

Коҳинларга қўли етмаслиги унинг газабини оширди. Шаҳзода Саррани тун ярмида гўдаги билан чўрилар уйига қувиб юбориши мумкин, лекин Херихорни амалидан, Мефресни эса олий коҳин рутбасидан маҳрум этолмас эди. Сарра эзib ташланган қумурсқадек унинг

оёқлари остига йиқилди. Аммо Херихор ва Мефреслар биринчи гўдагини ундан тортиб олдилар. Миср устида — эҳ, қандай шармандалики — унинг ўзи, бўлғуси фиръавн устида эҳром каби бўй чўзишиди. Коҳинлар кўп марта уни хафа қилганликлари шу йилнинг ўзида бир неча бор ёдига тушди. Мактабда уни калтаклашганларида бели зирқиради, оч қолдирганларида меъдаси қовургаларига ёпишиб қолгандай бўлган. Ўтган йилги машқларда Херихор ҳамма режаларни барбод қилди, кейин айбни унга тўнкаб, бирламчи қўшинларга бошчилик қилишидан маҳрум этди. Саррани уйига олиб келгани учун ўша Херихор фиръавннинг марҳаматидан мосуво қилди. Фақат у тақдирга тан бериб, бир неча ой ихтиёрий қувфинда бўлганида фахрий мартабаларини қайтариб берди. Корпусга раҳбарликни олгандан ва мулкдор бўлгандан сўнг Рамсес коҳинлар ҳомийлигидан халос бўлиши керак эди. Лекин эндиликда улар таъқибни икки ҳисса оширидилар. Нега уни коҳинлар мулкдор қилишди? Фиръавндан узоқлаштириб, Ассирия билан шармандали битим тузиш учун, Давлатнинг бойлиги ҳақида маълумот излаганида уни истигфор келтириш учун эҳромга боришга мажбур этдилар ва ёлғон мўъжизалар кўрсатиб, кўрқитдилар. Кейин эса шахсий ҳаётига, аёллар, финикияликлар билан муносабатига аралашдилар, қарз олишини кузатдилар ва оқибатда халқ олдида кулгига қўйиб таҳқиrlадилар, биринчи боласини яхудийларга бердилар.

Унга ҳар бир мисрлик, хоҳ дехқон, хоҳ қул ёки маҳбус бўлсин: «Мен сендан афзалроқман, чунки менинг яхудий ўғлим йўқ», дейишга ҳақли бўлди.

Бу камситишларни идрок этса-да, ҳозир қасос ололмас эди ва бу интиқомни кейинга сурди. Болалигига даёқ коҳинлар мактабида ўзини қўлга олишга, саройда эса дил оғригини кўтаришга кўниқди ва юз хотир қилди. Эндиликда шу хислатлар коҳинлар билан курашида қалқон ва яроғи бўлади... Ҳозирча уларни ҷалғитиб туради, қулай пайт келганида уларга шундай зарба берадики, қайтиб ўрнидан тура олмай қоладилар.

Ташқари ёриша бошлаганида валиаҳд қаттиқ уйқуга кетди.

Ўйғонганида унга биринчи кўринган одам Сарранинг уй бошқарувчиси бўлди. Рамсес унга савол берди:

- Яхудий аёл ўзини қандай тутяпти?
- Сен буюрганингдек, жанобим, бекасининг оёқларини ювди, — деди бошқарувчи.
- Итоаткорлик биланми?
- Фурури қолмаган, лекин янги хонимга хизмат қилишда унча қовушмаган эди, хоним унинг юзига тепиб юборди.

Рамсес чайқалиб кетди.

- Сарра-чи? — қичқирди у.
- Ерга йиқилди. Янги хоним уни қувиб солганида унсиз йифлагачиа хонадан чиқиб кетди.

Шаҳзода хона ичидаги юра бошлади.

- Тунни қандай ўтказди?
- Янги хонимми?
- Йўқ. Мен Сарра ҳақида сўрайпман.
- Сен буюрганингдек, Сарра боласини кўтариб чўрилар уйига борди. Оқсоchlарнинг унга раҳми келиб, янги тўрбеланчак беришди. Лекин Сарра ухламасдан, туни билан боласини тиззасига олиб ўтириди.
- Гўдак-чи? — сўради валиаҳд.

— Бола соғлом. Бугун эрталаб Сарра янги хонимга хизмат қилиш учун кетганида, бошқа аёллар болани илиқ сувда чўмилтиришди. Чўпоннинг эмизикли хотини унга кўкрак тутди.

— Боласини эмизиш ўрнига сигирнинг қамчи остида қўш ҳайдаши яхши эмас. Гарчи у яхудий аёл катта хато қилган бўлса ҳам, унинг гўдаги азият чекиши яхши эмас. Энди Сарра хонимнинг оёқларини ювмайди, калтагига дучор бўлмайди. Чўрилар уйидан алоҳида хона ажратиб, рўзгорга яроқли буюмлар бер ва кўзи янги ёриган аёлларга мос овқатлар бер. Боласини хотиржамликда боқишига шароит яратгин.

— Дунё тургунча тургин, хукмдоримиз! — деди уй бошқарувчиси ва мулкдорнинг буйругини бажаришга шошилди.

Барча хизматкорлар Саррани яхши кўрар, сержаҳл ва бақироқ Камани эса бир неча соатдаёқ ёмон кўриб ултургандилар.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

Финикия роҳибаси Рамсесга катта баҳт олиб келмади. Шаҳзода биринчи бор Сарра яшаётган уйнинг рўпарасидаги шийпонга қелганида хушбахтлик кутган эди. Бироқ Кама уни деярли душманга ўхшаб кутиб олди.

— Нима бўлди, — хитоб қилди Кама, — бир кун ўтмасдан ярамас яхудийга марҳаматингни қайтариб бердинг?

— Ахир у оқсоchlар уйида яшаяпти-ку, — деди шаҳзода.

— Лекин бошқарувчининг айтишига қараганда энди у оёқларими ювмас эмиш.

Вориснинг юзи тириши.

— Билишимча, сен ҳали ҳам норозисан шекилли? — деди у.

— Уша аёлнинг адабини бермагунимча, — тутоқди Кама, — пойимда тиз чўкиб хизмат қилиб, бир вақтлар хонадонингда биринчи хотин бўлганини унутмагунча тинчимайман. Малайларим то менга ёмон кўз, унга эса шафқат билан қарамай қўйигунларича кўнглим жойига тушмайди.

Финикиялик қиз Рамсесга тобора ёқмай бораётган эди.

— Кама, — деди у, — гапларимга қулоқ сол. Агар хизматкорларим кучугини эмизаётган қанжиқни тепиб юборишса уни ҳайдамас эдим... Сен эса аёл ва онани юзига тепдинг. Мисрда она номи муқаддас ва очиқ қўнгилли мисрлик бу дунёда маъбуллар, фиръавн ва онани хурмат қиладилар.

— Оҳ, қандай мусибатларга қолдим!.. — хитоб қилди Кама ўриндикқа ўзини ташлаб. — Илоҳамдан воз кечганимнинг жазоси бу. Атиги бир ҳафта олдин пойимга гуллар ташлар, пойимда исириқ тутатардилар. Энди-чи...

Шаҳзода хонадан индамай чиқиб кетганича бир неча кундан сўнг қайтиб келди. У Камани ёмон кайфиятда учратди.

— Ёлвораман, жаноб, — ийеглади у, — менга бироз раҳм қил! Хизматкорлар менга бўйсунмаяптилар, навкарлар ёмон қараашяпти. Ошхонадагилар овқатимга заҳар солиб қўйишларидан кўрқяпман.

— Мен ҳарбий машқлар билан банд эдим, — деди шаҳзода, — ёнинг-га келолмадим.

— Ёлғон, — ўпкаланди Кама. — Кеча сен қўшкимнинг тагида эдинг, кейин яхудий яшаётган оқсоchlар уйига бординг. Буни мен учун атайин қилдинг.

— Бас! — гапни кесди ворис, — мен кўшк тагида ҳам, оқсоchlар

үйида ҳам бўлганим йўқ. Агар сенга шундай туюлган бўлса, демак, ўша аblaҳ юнонинг Мисрни тарқ этмайгина қолмай, боғимда тентирашга жазм этибди.

Кама бу гапни даҳшат билан тинглади.

— О Ашторет! — қичқирди у. — Агар Ликон келган бўлса бошимга каттагина баҳтсизлик тушган бўлади.

— Хавотирланма, — деди у, кетаётиб, — яқинда ўша Ликонингни қашқирдек тутиб, сенга рўпара қилишса — ажабланма. Сабрим тугади.

Рамсес саройга қайтиб Хирам ва миршаблар бошлигини чақирди. Ўзига ўхшаш бўлган Ликоннинг сарой атрофида юрганини айтиб, уни тутишни буюрди. Бироқ миршаблар бошлиги бош чайқади.

— Шубҳа қиляпсанми? — сўради Рамсес.

— Ҳа, жаноб. Бубастда меҳробдан воз кечган роҳиба ўлдирилиши керак деб ўйловчи осиёликлар жуда кўп. Агар юонон йигити Камани ўлдиришга жазм этган бўлса, улар ёрдам беришади, уни яширади, қочишига ёрдам беришади.

— Сен нима дейсан, бек? — Хирамга мурожаат қилди ворис.

— Ҳурматли миршабхона бошлиги оқилона жавоб берди.

— Лекин сизлар қизни аввалги ичган қасамидан озод қилдингизку!

— Финикияликлар учун кафолат бераман, — деди Хирам. — Улар Камага зиён етказмай, юононни таъқиб қиладилар. Ашторет ибодатхонасининг бошқа муҳиблари ҳақида нима дейиш мумкин?

— Ишонаманки, — деди миршаблар бошлиги, — у аёлга ҳозирча ҳеч нарса хавф солмайди. Агар роҳиба дадил бўлса, унинг ёрдамида юононни бу ерга чорлаб, саройлардан бирида тутиб олиш мумкин.

— Унинг ёнига бор ва ўйлаган режангни айт. Агар у ярамасни тутсанг, мукофотига ўн талант бераман.

Валиаҳд улар билан хайрлашгандан кейин Хирам миршаббошига мурожаат қилди:

— Бошлиқ, биламан, сен ёзувларнинг ҳар икки усулидан хабардорсан ва коҳинларнинг оқиллиги сенга бегона эмас. Агар хоҳласанг девор ортидаги гапни эшитасан, қоронгулиқда — кўрасан. Шу боисдан қудуқдан сув олаётган кишининг, шиппак сатаётган косибнинг, хизматкорлари паноҳида ўзини она қорнидагидек сезаётган катта амалдорнинг фикри сенга маълум.

— Адашмадинг, — жавоб қайтарди миршаббоши. — Маъбуллар мени хушёрликдан қисмаганлар.

— Шундай қилиб, — давом этди Хирам, — ғайри табиий қобилиятинг туфайли фаҳминг етган бўлса керак, ўхшашлиги билан жанобимизга қиёс бўлган ўша аblaҳни тутиш учун Ашторет ибодатхонаси сенга йигирма талант тўлайди. Бундан ташқари Хирам яна ўн талант қўшади. Айборнинг жанобимизга ўхшашлиги ҳақидаги гаплар Мисрга тарқалмаслиги лозим. Зоро, оддий одамнинг ташқи кўриниши илоҳий хилқатдан яралган зот билан ўхшашлигини эслатиш яхши эмас. Ликон ҳақида ва у шаккокни қидираётганимиз тўғрисидаги гаплар орамизда қолсин.

— Тушунарли, — деди амалдор, — шундай бўлиши ҳам мумкин, эҳтимол, жиноятчи биз уни судга бермасдан ўлиб қолар.

— Мени тушунибсан, — деди Хирам, унинг қўлини қисар экан. — Финикияликлардан қандай ёрдам керак бўлса, ҳаммаси қўрсатилади.

Улар катта йиртқични овлаётган, кимнинг ўқи мўлжалга тегиши-

дан қатъий назар ўлжани қўлдан чиқариб юборгиси келмаётган икки қадрдан сифатида ажралишиди.

Бир неча қундан кейин Рамсес Камадан яна хабар олди ва уни деярли телба ҳолатда учратди. Кама саройининг энг кичик хонасига беркиниб, оч ва соchlари тўзғиган ҳолда оқсоғига бир-биридан тескари саволлар берарди. Гоҳ хизматкорларнинг ҳаммасини тўплар, гоҳо уларни қувиб соларди. Тунда қоровулларни чақирди ва шу заҳоти улардан қочиб чордоқча кўтарилар экан: «Мени йўқ қилишмоқчи!»—дека бақирди.

Бу ҳолат Рамсеснинг кўнглида бўлган муҳаббатни батамом ўлдирди. Мехр ўрнида фақат безовталик қолди. Уй бошқарувчиси шу гапларни айтганида Рамсес бошини ушлаганича саросима билан шивирлади.

— У аёлни илоҳасидан ажратиб ёмон қилдим. Фақат илоҳасигина унинг инжиқликларига чидар эди.

Шундай бўлса-да, Каманинг хонасига кирди ва уни озгин, паришон, титраётган ҳолатда кўрди.

— Фалокат! — кичқирди Кама. — Мен душманлар орасида яшаяпман. Оқсоғим заҳарламоқчи, машшотам ирим-сирим қилмоқчи. Соқчилик кўксимга найза ёки шамшир сапчиш учун пайт пойлашяпти. Қўрқаманки, сехр-жоду қилувчи дори тайёрлашяпти. Ҳамма ўлимимни хоҳлади.

— Кама! — уни тўхтатди шаҳзода.

— Мени ундей деб атама, — пиҷирлади у кўрқинч билан, — бу исм менга баҳтсизлик келтиради.

— Бу фикр сенга қаёқдан келди?

— Қайдан? Мени қўрмаяпти, деб ўйлајпсанми. Кундузлари сарой деворлари атрофида бегона одамлар яшириниб юрадилар, хизматкорларимни чақириб улгурмасимдан олдин кўздан фойиб бўлишади.

— Сенга шундай туолган.

— Лаънатилар! Лаънатилар! — бақирди у, кўз ёшларини тийра қилиб.

— Ҳаммангиз менга шундай туюлаётганини рўкач қиласизлар. Келганимнинг учинчи куни кимдир хонамга ёпинчиқ ташлабди. Билмаганим учун уни ярим тун ёпиниб ётибман. Қарасам — у менини эмас. Менда бунақаси йўқ эди.

— Қани ўша ёпинчиқ? — сўради ворис ҳаяжонланиб.

— Чўриларимга кўрсатиб, ёқиб юбордим.

— Ёпинчиқ сеники бўлмаса ҳам зарар етказмабди-ку?

— Ҳозирча йўқ. Агар ўша латтани бир неча кун тутганимда, эҳтимол, заҳарланган ёки тузалмас дард юқтириб олган бўлардим. Осиёликларниг нималарга қодир эканликларини биламан.

Толиққан ва асабийлашган Рамсес аёлнинг илтимосига қарамай кетишга шошилди. У оқсоғдан сўраб кўрганида ўз навбатида чўри ҳам бегона чойшаб пайдо бўлиб қолганини айтди.

Валиаҳд саройининг ички ва ташқи соқчилари сонини икки бара-вар оширишни буюриб, хафа бўлганича хонасига қайтди.

«Битта заиф аёл, — ўйлади у, — шунчалар тўполон чиқаришига ҳеч қачон ишонмаган бўлардим. Янги тутиб олинган чиябўрилар ҳам бу аёлчалик безовталик келтирмаган бўлардилар».

Уйга бориб, у ҳозиргина Мемфисдан қайтиб келган Тутмосга дуч келди. Пўрим саёҳатдан кейин чўмилиб, эндиғина кийинган эди.

— Хўш, қандай хабар олиб келдинг? — сўради Рамсес хуш кўрадиган одамининг ёмон хабар олиб келганини юзидан билиб. — Онҳазратни кўрдингми?

— Мисрнинг моҳтоб илоҳини кўрдим, — деди у, қўлларини кўксига

чалиштириб, бошини этганича. — У шундай деди: «Миср аравасини ўттиз тўрт йил тортдим ва шунчалар чарчадимки, руҳлар мамлакатидаги буюк аждодларимниг ёнига кетишни хоҳлаб қолдим. Яқинда бу ерни тарк этаман, шунда ўғлим Рамсес таҳтга ўтиради ва давлатни закоси кўрсатганидек бошқаради».

— Ҳазрат отам шундай дедими?

— Булар унинг айтганлари, у қандай айтган бўлса, шундай такрорляяпман, — жавоб қилди Тутмос. — Олампаноҳ менга бир неча марта таъкидлаб, сенга ҳеч қандай топшириқ қолдирмаётгани, Мисрни ўзинг хоҳлаганингча бошқаришинг мумкинлигини таъкидлади.

— О, ҳазрат! Наҳотки унинг дарди шунчалар хавфли бўлса? Нега ёнига боришимга изн бермаяпти? — сўради шаҳзода ёзгириб.

— Сен шу ерда бўлишинг керак, чунки бу жойда кўпроқ аскотишинг мумкин.

— Ассирия билан шартнома-чи? — сўради ворис.

— Битим шундай мақсадда тузилганки, Ассирия ҳеч қандай монеъликсиз шарқ ва шимолда уруш олиб бориши мумкин. Финикия тўғрисидаги масала сен таҳтга ўтиргунингча очиқ қолади.

— О, маъбуд ёрлақаган! О, илоҳий ҳукмдор! Қанчалар даҳшатли меросдан мени озод қилибсан!

— Шундай қилиб, Финикия тўғрисидаги масала очиқ қолади, — давом этди Тутмос, — лекин, шу билан бирга, фиръавн Ассириянинг шимолий халқлар билан урушишига тўсқинлик қилмаган ҳолда ҳарбий қўшинни йигирма минг ёлланма аскарга қисқартиришимизни буюрди.

— Сен нима дединг? — ҳайронликдан овозини кўтарди валиаҳд.

Тутмос афсуслангандай бош чайқади.

— Бахта қарши бу гап тўгри бўлиб чиқди, — деди у, — тўртта ливия фавжини тарқатишига улгуришибди.

— Ахир бу ақлсизлик-ку! — бақирди ворис, қўлларини букиб. — Нега ўзимизни ўзимиз заифлаштиряпмиз? Одамлар қаёққа боради?

— Улар гарбий Ливия саҳросига кетишиди. Энди бизга ташвиш ортириб, ливияликларга ҳужум қиласиди ёки улар билан қўшилиб, гарбий ерларимизга бостириб киради.

— Бу ҳақда мен ҳеч нарса билмаган эдим! Нималар қилиб қўйишиди, а! Шу иш қаҷон бўлибди? Бундай гаплар бизга етиб келмади-ку!

— Тарқатиб юборилган қўшин саҳрого Мемфисдан чиқиб кетган, лекин Херихор ким бўлишидан қатъий назар бу гапни айтишини таъ-қиқлаган.

— Демак, Мефрес билан Ментесуфис ҳам билмас эканлар-да? — сўради ворис.

— Улар билишади.

— Улар билади-ю, мен билмайман!

Валиаҳд бирдан тинчланди, лекин ранги ўчиб, нафратдан юзи буришди. Ҳамроҳининг қўлидан ушлаб, маҳкам қисганича шивирлади:

— Сўзларимни эшит! Отам ва онамнинг муқаддас бошлари билан қасам ичаман... Барча мавжуд маъбудлар номи билан қасамёд қиласман, мен ҳокимиятни қўлга олгач, коҳинлар менинг иродам олдида бош эгадилар ёки мен уларни янчиб таштайман!

Тутмос уни даҳшат билан тинглади.

— Мен — ёки улар! — гапини тугатди шаҳзода. — Мисрда икки ҳукмдор бўлмагай!

— Барча даврларда, — қўшимча қилди шаҳзоданинг йўлдоши, — фиръавн ҳукмрон бўлган.

— Менга содиқ қоласанми?

— Мен, барча таниқли зобитлар, қўшин сенга содиқ бўламиз.

— Яхши, — деди валиаҳд, — майли, ёлланган қўшинларни тарқатиб юборищсин, битимлар имзолансин, кўршапалаклар мендан беркинишсин. Майли, алдашсин. Вақтлар келади-ку... Ҳозирча сен йўлдан кейин дам ол, кечқурун эса хузуримда бўладиган базмга кел. Бу кимсалар мени тўр билан ўраб олдиларки, фақатгина кўнгилхушлик қилишим мумкин. Нима ҳам дердим, кўнгилхушлик қиласми. Лекин пайт келиб, Мисрнинг ҳукмфармоси ким эканини уларга қўрсатиб қўяман: улар ёки — мен!

Шу кундан бошлаб базми жамшиидлар қайтадан бошланди. Валиаҳд гўёки ҳарбий қўшиндан уялгандек, улар билан машқлар ўтказмади. Сарой киборлар, зобитлар, кўзбойлагич ва қўшиқчи қизлар билан тиқилинч бўлди. Тунлари маст-аласт ишратлар бошланди, чилторларнинг овозларини сархуш қичқириқлар ва аёлларнинг нозли кулгилари босиб кетди.

Ана шундай базмларнинг бирига Рамесес Камани ҳам таклиф этган эди, у рад жавобини берди. Валиаҳд хафа бўлди. Буни сезган Тутмос Рамсесдан сўради:

— Саррага меҳр қўрсатмай қўйганинг ростми?

— У яхудийни менга эслатма, — деди ворис. — Ўғлимни нима қилганини биласанми?

— Биламан, — деб жавоб қилди Тутмос, — лекин бу ишда унинг айби йўқ. Мемфисда эшитганимга қараганда, ҳурматли онанг, малика Никотрисса ва марҳаматли вазир Ҳерихор ўғлингни Исроил подшоҳи қилишмоқчи бўлишган.

— Ахир исроилликларнинг подшоҳи йўқ-ку! — эътиroz билдириди ворис. — Фақат давлатда руҳоний ва қозилар бор. Коҳинлар ҳукмронлиги уларнинг ҳам жонига теккан.

Валиаҳд менсимаган сингари қўл силтади.

— Фиръавн етакчилари унақа подшоҳчалардан, бунинг устига ҳали мавжуд бўлмаган Исроил подшоҳидан ҳам аълороқ.

— Ҳар ҳолда Сарранинг айби унчалар катта эмас, — деди Тутмос.

— Билиб қўй, коҳинлар билан қачондир ҳисоб-китоб қиласман.

— Бу ишда улар ҳам унчалик айбдор эмаслар. Марҳаматли Ҳерихор сенинг судоланг шаъни ва қудратини юқори кўтариш учун малика Никотрисса қўрсатмаси билан иш тутган.

— Ундан бўлса Мефрес нега ҳаётимга аралашади? Унинг вазифаси зурриёдимнинг келажаги билан шугулланиш эмас, балки мамлакатни муҳофаза қилиш.

— Мефрес қарип, болага ўҳшаб қолган. — Фиръавн саройидагиларнинг ҳаммаси унинг қилиқларидан кулишади. Гарчи ҳар куни ўша илоҳий одам билан қўришсам-да, унинг ҳақида ҳеч нима билмайман.

— Қизиқ-ку, у нималар қиласми?

— Айтишларича, ҳар куни эҳромнинг хилватроқ жойида ибодат қилар ва коҳинлардан ибодат пайтида маъбуллар уни ҳавога кўтараётганини кузатиб туришни талаб қиларкан.

Рамесес қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Бу воқеа шу ерда, Бубастда, ҳамманинг кўз ўнгидаги бўлса-ю, мен билмасам.

— Бу — коҳинлар сири...

— Мемфисда ҳамма билган сир! Ха-ха-ха! Томошада кўзбойлоқчи халдейнинг ҳавога кўтарилганини қўрганман.

— Мен ҳам кўрдим,— деди Тутмос,— лекин у — кўзбойлогич, Мефрес эса тақво билан ҳавода қанот қоқиб учмоқчи.

— Қулоқ эшитмаган масҳараబозлик! — деди шаҳзода. — Бу ҳақда бошқа коҳинлар нима дейишияпти?

— Бизнинг муқаддас папирусларимизда қадимда ҳавога кўтарилиш қобилиятига эга бўлган пайғамбарлар ҳақида битиклар бор. Ўзингга маълумки, Мисрда тобе одамлар бошлиқларига ишонадилар. Айрим руҳонийларнинг тасдиқлашларича, ҳақиқатдан ҳам Мефрес ибодат пайтида ердан бироз кўтариларкан.

— Ха-ха-ха! Бу улуғ сир-синоатдан барча сарой аҳли кўнгилларини чоғ этадилар, биз эса ишчилар ёки ер қазувчиларга ўхшаб кўзимиз олдида рўй берәётган мўъжизаларга ишонамиз. Миср тахти ворисининг қисмати қанчалар аянчли! — кулди Рамсес.

Тутмоснинг иккинчи бор қилган илтимосидан сўнг тинчланган шаҳзода Саррани чўрилар уйидан Кама биринчи куни яшаган саройга кўчиришга кўрсатма берди.

Валиаҳднинг чўриси жанобининг фармойишини қувонч билан қабул қилди. Барча оқсоқоллар, қуллар, ҳатто мирзалар ҳам Саррани янги яшаш жойига куй ва бақир-чақирлар билан кузатдилар.

Финикиялик аёл шовқинни эшитиб, нима бўлаётганини сўради. Сарранинг валиаҳд марҳаматига нозил бўлганини ва оқсоchlар уйидан яна саройга қайтганини айтишганида роҳиба қутуриб кетди ва Рамсесни чақиришларини тайинлади.

У келди.

— Мен билан шундай муносабатда бўляпсанми? — овозини баландлатди Кама, ўзини мутлақо бошқара олмай. — Бу қанақаси бўлди! Саройдаги биринчи малика бўлишимга ваъда қилган эдинг, лекин осмон ярим марта айланмай аҳдингдан қайтдинг. Эҳтимол, сен Ашторет фақат роҳибалардан қасос олиб, фиръави ўғилларини аяб ўтиради, деб ўйлаётгандирсан?

— Ашторетингга айтиб қўй,— деди Рамсес хотиржамлик билан,-у ҳеч қачон фиръави ўғилларига таҳдид қилмасин. Бўлмаса у оқсоchlар уйига тушиб келади.

— Тушунаман! — деб бақирди Кама.— Сен мени бу ерда, қамоқقا қўйиб ўзинг тунларни яхудий қиз билан ўтказмоқчидирсан. Сени деб маъбудлардан воз кечганим ва елкамда уларнинг лаънатини ... кўтариб юрганим, бирор дақиқа халоват билмаганим, ёшлигимни, ҳаётимни, ҳаттоки иймонимни паймол қилганим учун сен тўлаган бадалнинг қандай эканини энди билдим!

Кама шаҳзодани деб кўп нарсани қурбон берганини Рамсес кўнглида тан олди, юрагида афсус уйғонди.

— Сарра ёнида бўлганим йўқ, бўлмайман ҳам, — деди у. — Сен бекорга хафа бўляпсан. У баҳтсиз аёл боласига яхшироқ қарасин, деб куляй жойга ўтказиб қўйишиди.

Финикиялик аёл титради ва тугилган муштларини ҳавога кўтарди, соchlари хурпайди, кўзларида нафрат алантаси ёнди.

— Менга қайтарган жавобингми, бу?.. Яхудий қизи сен ҳайдаб юборганинг учун баҳтсиз, мен эса, гарчи маъбудлар ўз нурхонасидан ҳайдаб солган бўлсалар ҳам хурсанд бўлишим керакми? Кўз ёшлигига ва даҳшат гирдобига чўкаётган менинг — роҳибанинг кўнгли ўша яхудий боласидан устун турмадими? Унинг бошига бало чақирай десам, ундан бало ҳам йўқ.

— Унингни ўчир! — бақирди Рамсес, аёлнинг оғзини беркитиб. Роҳиба кўрққанидан бир чўчиб тушди.

— Ҳатто ғам-гуссаларимдан ҳам шикоят қилолмайман!.. Боланг ҳақида шунчалик ғамхўрлик қилар экансан, унда мени эҳромдан нега ўғирладинг?..

— Эҳтиёт бўлгин, — яна бақирди у, — Миср менинг тақдирим тўгрисида хабар топиб, сени босқинчига чиқармасин!

Валиаҳд қулимсираб бош чайқади. Ниҳоят, курсига ўтириб, деди:

— Аёллардан эҳтиёт бўлишим кераклиги ҳақида гапирган ўқитувчим ҳақ экан. Сиз аёллар чанқоқдан тили танглайига ёпишиб қолган одамнинг кўзи олдида пишган шафтолидек турасизлар. Кўринишдан шунақасизлар. Маъбуд кўрсатмасин, агар шу мевани эркак тишиласа борми, оғзинигина эмас, ҳатто юрагини ҳам яралайдиган ари галасига дуч келади.

— Яна таъна!.. Ҳеч бўлмаса мени таънадан ҳам халос қилолмайсан. Мен эса роҳибалик рутбасини, бокиралигимни сенга қурбон қилдим.

Ворис қулимсираб бош чайқади-да, кулиб давом этди:

— Дехқонлар болаларини ухлатиш учун айтиб берадиган эртаклар рўёбга чиқишини ҳеч қачон ўйламаган эдим, — деди у ниҳоят. — Уларнинг ҳаммаси ҳақиқат эканини энди билдим. Тингла, Кама, эҳтимол, ўзингта келарсан ва менинг эътиборимни буткул йўқотмассан.

— Чўпчак эшитгим йўқ. Сендан кўп эртак эшитганман, мана, оқибати нима бўлди...

— Лекин буниси, агар хоҳласанг ва тушунсанг, сенга фойда беради.

— Эртагингда яхудий болалари ҳам тилга олинадими?

— Унда коҳинлар ҳақида ҳам сўз боради. Фақат диққат билан қулоқ сол! Бу воқеа шу ерда, Бубастда жуда қадим замонларда бўлиб ўтган. «Бир куни Сатни деган бек Птаха эҳроми олдиаги майдонда чиройли аёлни кўриб қолибди. У авваллари бундай гўзал, айниқса, олтинлари кўп аёлни учратмаган экан. Аёл бекка жудаям ёқиб қолибди. Аёл Бубаст олий коҳинининг қизи эканини билганида, суворийси орқали қуийидаги таклифни юборибди: «Агар мен билан бир соатгина бирга бўлсанг, сенга ўнта олтин узук ҳадя этаман».

Суворий гўзал Тбубуига бориб, бек Сатнининг гапларини етказибди. У эса тарбияли қиз сифатида бу гапни одоб билан тинглаб, жавоб қайтарибди:

— Мен олий коҳиннинг қизиман ва бокираман. Агар княз мен билан танишмоқчи бўлса, уйимга борсин. У жойда ҳамма нарса таҳт қилинган бўлади ва қўни-қўшниларнинг маломатига ўрин қолмайди.

Шунда княз Сатни Тбубининг уйига бориб, юқорига қўтарилибди. Ўйнинг деворлари оч қўқ рангли кумуш лаппакчалардан қурилиб, оч яшил рангга бўялган экан. Хонадаги қўргина ўриндиқлар қимматбаҳо ёпқичлар билан ўралган, айлана хонтахталарга олтин қадаҳлар қўйилган экан. Шароб тўлдирилган қадаҳлардан бирини бекка тутиб, Тбубуи шундай дебди:

— Ҳаммасини ич, илтимос!

— Ахир биласан-ку, мен шароб ичиш учун келмаганман.

Улар безатилган дастурхон атрофида ўтиришибди, Тбубуи қалин матодан қўйлак кийиб, томогигача тутма қадаб олган эди. Бек ўпмоқчи бўлганида, қиз уни ўзидан узоқлаштириб деди:

— Бундан кейин шу уй сеники. Лекин унутма, мен оқила қизман. Агар сенга тобе бўлишимни хоҳласанг, менга содик бўлишга қасам

иначан ва мулкингни менга васият қиласан.

— У ҳолда мирзани чақиришларини буюр! — хитоб қилибди княз. Мирза келганидан кейин Сатни борлиқ пуллари ва ҳаракатдаги мулки, ер майдонларини Тбубуига ҳадя этгани ҳақидаги никоҳ гувоҳномаси тайёрлашини айтиби.

Бир мунча вақт ўтиб хизматкорлар унга пастда болалари кутиб турганини айтишибди. Тбубуи бошқа хонадан ҳарир кўйлак кийиб чиқиби. Сатни уни ўпмоқчи бўлиб яна интилиби, лекин қиз уни яна ўзидан йироқлаштириб дебди:

— Шу уй сеники бўлади! Лекин мен кўчада қолган аёл эмасман. Оқила қиз бўлганим учун сеники бўлишимни хоҳласанг, болаларинг мулқдан воз кечганинг ҳақидаги ҳужжатга имзо қўйишисин. Кейинчалик менинг болаларим билан судлашиб юришмасин.

Сатни болаларини юқорига чақириб, мулқдан воз кечганиклари ҳақидаги ҳужжатга имзо қўйишлини буюриби. Улар буйруқни бајаришибди. Бек энди қиз ёнида дадил бўлиб қолиби. Лекин қиз яна уни ўзига яқин келтирмабди.

— Шу уй сеники бўлади, — дебди у. — Лекин мен бузуқи аёл эмас, узоқни кўрадиган қизман. Агар мени севсанг, болаларингни ўлдиришга буюр, токи улар бўлажак болаларимдан мулкни тортиб олмасинлар...

— Жуда ҳам узун экан бу воқеа, — тоқатсизланиб деди Кама.

— Ҳозир тугайди, — деди ворис. — Шундай қилиб Сатни нима деганини биласанми?

« — Агар сен шуни хоҳласанг майли, қотиллик бўла қолсин.

Тбубуига гапни давом эттиришга эҳтиёж қолмабди ва бек болаларини чопиб ташлашни буюриби, нимталанган лошларни деразадан ит ва мушукларга ташлабди. Шундагина Сатни қизнинг хобгоҳига кириби ва фил суюгидан безак берилган тахтиравонга ётиби». (Асл манбалардан олинган.)

— Тбубуи эркакларнинг ваъдасига ишонмай тўғри қилиби! — ҳаяжон билан хитоб қилди Кама.

— Бироқ Сатни ундан ҳам яхши қилиби. Уйгониб кетса бу — туши экан... яхшилаб эслаб қол, Кама, эркакнинг севги уйқусидан уйғотишнинг энг мақбул усули унинг ўғлини қарғаш.

— Хотиржам бўл, жанобим! Энди ҳечам изтиробларинг ва ўғлинг ҳақида чурқ этмайман, — жавоб бериби Кама ғамгин ҳолда.

— Мен эса сени эркалайман ва сен баҳтли бўласан, — деб сўзини тутатди Рамсес.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Ливиялик ёлланма кўшин тўғрисидаги даҳшатли хабар Бубаст аҳолиси орасида ҳам тарқалди. Айтишларига қараганда, коҳинлар тарқатиб юборган лашкарлар ватанига қайтаётib, дастлабида тиланчилик қилишган, сўнг ўғрилик билан шуғулланганлар, пировардида эса Миср қишлоқларига ўт қўйиб, аҳолисини ўлдиришган. Бир неча кун ичida Мерид кўлининг жанубидаги Хононсу, Пи-Мат ва Каза шаҳарларига ҳужумлар бўлган. Уит-Мехе воҳасидан қайтаётган савдо карвони ва зиёратчилар ҳалок бўлган. Барча гарбий чегараларда хавф остида яшовчи аҳоли ҳам қоча бошлаган. Чунки бу ерларда гүёки баджаҳл доҳий Муссаваса юборган тўдалар денгиз томондан келган эмишлар. Муссаваса эса Мисрга қарши бутун саҳро бўйлаб муқаддас уруш эълон қилган.

Шунинг учун ҳар замонда Бубастнинг гарб томонида олов шафаклари кўриниб, аҳолига қўрқув солган. Шаҳар аҳолиси кўчаларда тўпланишар, лойтомлар ёки дараҳтларга чиқишар ва ўша жойлардан туриб Менуфа, Сахеми шаҳарларида ёнғин кўринаётгани ҳақида қичқирадилар. Ҳаттоқи, гарчи қоронғи бўлишига қарамай, қочаётган аҳоли ва қоп-қора шарпалардан иборат сафларнинг Бубаст томонга келаётганини кўрганлар ҳам бўлди.

Аҳолининг безовта бўлишига қарамай музофот ҳукмдорлари, марказий ҳокимият ҳеч қандай эътибор бермаганлари учун бирор ҳаракатга киришмадилар.

Рамсес шаҳардаги бесаранжомликни билиб, Бубаст раҳбарларининг бефарқлигини англади. Мемфисдан ҳеч қандай топшириқ келмаганидан жаҳли чиқди. Лекин Мефрес ва Ментесуфис давлатга хавф соловчи бу воқеа ҳақида у билан гаплашишдан ўзларини олиб қочганлари учун ўзи уларга бу ҳақда гап очмади, ҳарбий тайёргарлик билан ҳам шуғулланмади.

Алал оқибат у Бубаст остонасида турган қўшинга ҳам бормай, унинг ўрнига саройда киборларнинг ўғиллари билан базм қурди, кўнгилхушлик қилди. Шу билан коҳинларга бўлган нафратини ва давлат тақдирига бўлган безовталигини босди.

— Мана қўрасан, — деди у бир куни Тутмосга, — муқаддас пайғамбарлар бизни шундай ҳолатга соладиларки, Муссаваса Куйи Мисрни босиб олади. Биз эса Фивага, эҳтимол Сунага қочишига мажбур бўламиз. У ерда ҳам ҳабашлар бизни ҳайдамасалар бўлгани.

— Ҳақ гап, — деди Тутмос, — ҳукмдорларимиз ўзларини хоинлардек тутишяпти.

Атир (август-сентябрь) ойининг биринчи куни вориснинг саройида катта базм қурилди. Зиёфат кундуз соат иккита бошланиб, кун ботмасиданоқ ҳамма маст бўлган эди.

Ҳолат шу даражага бордики, эркаклар ва аёллар шароб тўкилган, идиш синиқлари ва гуллар ҳар томонга сочилган тўшамада ётардилар.

Рамсес бошқаларга ўхшаб ўта маст бўлмади. Оромкурсида икки соҳибжамолни тиззасига олиб ўтиради. Унга бири шароб ичира, бошқаси юзини мушк-анбар билан артар эди.

Шу пайт хонада Тутмос пайдо бўлиб, бир неча беҳуш одамлар тепасидан ўтди ва валиаҳдга яқинлашди.

— Мефрес ва Ментесуфис ҳазратлари сен билан шошилинч равища гаплашмоқ истайдилар.

Ворис тиззалиридаги раққосаларни туртиб юбориб, юзи қизарган, кийими шаробдан хўл бўлган ҳолда юқоридаги хонасига аста чиқди.

Уни бу ҳолда кўрган Мефрес ва Ментесуфислар бир-бирига қарашиб оддилар.

— Нима дейсизлар, муқаддас оталар? — сўради валиаҳд, оромкурсига ўзини ташлар экан.

— Бизни тинглаш ҳолатидамисан ёки йўқми — билолмай қолдик, — деди Ментесуфис хижолат тортиб.

— Э-Э! Мени маст деб ўйлајпизларми? — хитоб қилди шаҳзода, — чўчиманглар! Ҳозирда бутун Миср ақлдан озган ёки нодонлашганки, соғ одамларга қараганда мастлар каллани кўпроқ ишлатишга қодир.

Коҳинларнинг қовоғи солинди. Шундай бўлса ҳам Ментесуфис гапида давом этди:

— Подшоҳ ва олий ҳайъат йигирма минг ёлланма аскарни қўйиб юборганлари сенга маълум-ми?

— Айтайлик, маълум, — унинг гапини бўлди шаҳзода. — Сизлар бу ақдли фармон ҳақида менга айтишни нафақат эп кўрмадингиз, ҳатточи тўртта фавжнинг қувилгани ва қувғинда оч қолган аскарлар шаҳарларимизга ҳужум қилишаётганини ҳам билдирамдингиз.

— Сен олийҳазрат фиръавннинг иродасини муҳокама қилмаяпсанми? — сўради Ментесуфис.

— Фиръавнни эмас, балки отам ва фармонбардор бетоблигидан фойдаланаётган хоинлар давлатимизни ассириялик ва ливияликларга сотмоқчи бўлганидан мутаассирман.

Коҳинлар қотиб қолишиди. Коҳинларга бундай сўзларни ҳалигача ҳеч бир мисрлик айтмаган эди.

— Рухсат берсанг, шаҳзода, биз бир неча соатдан сўнг қайтиб келсак, — деди Ментесуфис.

— Бунга хожат йўқ. Фарбий чегараларимизда нималар бўлаётганини биламан. Тўғрироғи, мен эмас, балки ошпазларим, сайисларим, фаррошларим билишади. Балки энди, хурматли оталар, режаларингиздан хабардор қиласизлар!

— Ливияликлар исён кўтаришиди, — деди Ментесуфис, ийманмаган тарзда, — ва улар Мисрга ҳужум қилиш мақсадида одам тўпламоқдалар.

— Тушунаман.

— Онҳазрат ва олий ҳайъат иродаси ила, ҳукмдор, Қуи Мисрда турган кўшинни тўплаб, исёнчиларни мавҳ этиш вазифаси сенга тавсия этиляпти.

Ментесуфис қўйнидан муҳрлар билан тасдиқланган пергамент олиб, ворисга уздади.

— Демак, энди мен шу ҳудудда бош кўмондон ва олий ҳукмдорман, шундайми? — сўради ворис.

— Ори рост.

— Сизларни ҳарбий кенгашга чақиришга ҳуқуқим борми?

— Албатта, — жавоб берди Ментесуфис. — Ҳоҳласанг ҳозироқ...

— Ўтиргилар! — илтифот қилди шаҳзода.

Коҳинлар итоаткорона ўтиришиди.

— Режаларим шунга дахлдор бўлгани учун сўрайман, ливия фавжлари нима сабабдан тарқатилди?

— Яна бошқалари ҳам тарқатилади, — гапни илиб кетди Ментесуфис. — Олий ҳайъат фиръавн хазинаси учун йилига тўрт минг талантни тежаш мақсадида энг қимматга тушаётган йигирма минг аскарни тарқатиб юборишни зарур деб билади. Бусиз сарой қийин кунларга қолади.

— Гарчи шундай бўлса-да, мисрлик обрўсиз коҳинларга ҳеч нима таҳдид солмайди, — гап қистирди ворис.

— Коҳинни ҳурматсиз дейиш ножоиз эқанини унутдинг шекили, — деди Ментесуфис, унга жавобан. — Коҳинларнинг ҳеч бирига маблагсизлик хавф солмагани — бу уларнинг тежаб-тергаб яшаганидан.

— У ҳолда эхромларга келтирилган шаробларни маъбуллар ичиб, ўша тош маъбуллар хотинларини олтин ва жавоҳирлар билан безантирас экан-да, — истеҳзо қилди ворис. — Лекин сизларнинг нафсни тийишингиз бобида айтмай қўя қолай. Коҳинлар ҳайъати фиръавн хазинасини тўлдириш баҳонасида йигирма минг аскарни тарқатиб, Миср дарвозасини босқинчиларга очиб беришга бекорга уринмаган кўринадилар.

— Бўлмаса нима учун кўшин қисқартирилди?

— Ассирия шоҳига ёқиши учун. Мадомики, фиръавн Финикияни ассирийларга беришдан бош тортаётган экан, сизлар давлатни қайси ўйл билан бўлмасин заифлаштириш, ёлланган аскарларни тарқатиб, гарбий чегараларимизда уруш чиқаришни хоҳлайсизлар.

— Маъбудларни гувоҳликка чақираман, шаҳзода! Сен бизларни хафа қиляпсан! — баланд келди Ментесуфис.

— Фиръавнларнинг соялари Мисрнинг ўзида подшоҳ ҳокимиятининг кўл-оёқларини болагани, қандайдир халдейлик товламачи давлат тақдирiga таъсир этганини эшитсалар, янада кўпроқ ҳайрон бўлар эдилар.

— Қулоқларимга ишонмайман! — хитоб қилди Ментесуфис. — Қанақа халдейлик ҳақида гапиряпсан, шаҳзода?

Мулкдор коҳинларнинг юзига қараб кулди.

— Бероэс ҳақида гапиряпман. Агар сен, илоҳий ота, бу ҳақда эшитмаган бўлсанг, зоти олий Мефресдан сўра. Агар у ҳам эсдан чиқарган бўлса, у ҳолда улар Херихор ва Пентуэрдан сўрасинлар. Эхромларингизнинг улуғ сирлари — мана шу! Шубҳали келгинди Мисрга кириб олиб, ҳақоратомуз битимга олий ҳайъатни имзо кўйишга мажбур қиласди. Аслида бундай шартнома муҳорабаларда енгилиб, барча қўшини ва пойтахтидан айрилган давлатга хос. Бир одам, эҳтимол Ассирияning жосуси нималар қилганини қаранг. Бизнинг аҳийларимиз унга шунчалик ишондиларки, фиръавн Финикияни беришни таъқиқлаганида улар қўшин қисмларини тарқатиб юбориб, гарбий чегарада уруш чиқариш билан ўзларини рағбатлантиридилар. Қулоқ эшитмаган гап, — давом этди Рамсес, ўзини идора қилолмай, қўшинни уч юз мингга етказиш ва уни Ниневияга ташлаш керак бўлган бир пайтда обрўли нодонлар йигирма минг аскарни бўшатиб юбориб, ўз уйларига ўт қўйиш билан шуғулланмоқдалар.

Мефрес бу кинояларни ранги оқарган ҳолда жим туриб тинглади.

— Маълумотларингни қайси манбадан олганингни билмадим, ҳукм-дор, — деди у ниҳоят, — ўша маълумотлар олий кенгаш аъзоларининг юрагидек тоза бўлишини истар эдим. Сен ҳақсан, деб тасаввур ҳам қилайлик. Қандайдир халдейлик коҳин Ассирия билан тузилган оғир шартномани имзолашга кенгашни кўндиргандир. Гарчи шундай бўлса ҳам, ўша коҳинни Миср бошида турган хавфдан огоҳ қилиш учун маъбуд юбормаётганини қаёқдан биласан?

— Қачондан бери халдейлар ишончингизга кириб қолишибди?

— Халдейлик коҳинлар мисрлик коҳинларнинг катта оғалари, — деди Ментесуфис.

— Эҳтимол Ассирия подшоҳи фиръавнга ҳукмфармодир?

— Шаккоклик қилма, шаҳзода! — қатъий тўхтатди Мефрес. — Сен энг муқаддас сирларга доҳил бўлишга жаҳд қиляпсан. Бунинг учун сендан юқорироқ турган одамлар ҳам шафқатсиз чораларга дучор бўлишган.

— Яхши, сирларингизга тегмайман. Лекин қайси халдай маъбудлар элчиси, қайсиниси Ассар подшоҳининг айғоқчиси эканини қандай билиш мумкин?

— Мўъжизалардан, — жавоб қилди Мефрес. — Агар сен хонага киришинг билан ифор иси таралиб, кўринмас кучлар хонага кўтарганларида, биз сени ўлмайдиганлар тоифасидан деб билиб, маслаҳатингга қулоқ осар эдик.

Рамсес елка қисди.

— Мен ҳам бокира қизнинг қўллари билан ҳаракат қилувчи руҳларни сездим, томошада эса қулоchlарини ёйиб ҳавода муаллақ ётвучи кўзбойлоқчини кўрдим.

— Лекин унинг тўрт ёрдамчиси нозик ипларни тишларида тутиб турганига эътибор бермагансанг, — гап қистириб ўтди Ментесуфис.

Шаҳзода яна қулди ва Мефреснинг дуолари ҳақида Тутмос айтган гапларни эслаб истеҳзо қилди:

Подшоҳ Хеопс замонида бир олий коҳин нима қилиб бўлса ҳам ҳавода учишни хоҳлаб қолган экан. Ўзи дуолар ўқиган ҳолда тобела-рига кўринмас кучлар уни баландга кўтараётган ёки кўтармаётганини қузатишни буюрган экан. Буни қарангки, илоҳий оталару пайғамбарлар коҳиннинг бир бармоқ бўлса ҳам юқорига кўтарилаётганини тасдиқламаган кун бўлмаган экан. Сизга нима бўляпти, муқаддас ота? — сўради шаҳзода Мефресдан.

Ўзининг хуфия қилмишлари тўғрисидаги гапни эшитган коҳин чайқалиб кетди. Агар Ментесуфис уни ушлаб қолмаганида ерга юзубан йиқилган бўларди.

Рамсес ҳатто шошиб қолди, қарияга сув тутди. Сирка суви билан пешонаси ва чакакларини ишқалади, елпигич билан шамоллатди.

— Билишимча, кетсанк ҳам бўлади.

— Мен ҳам шундай фикрдаман.

— Мен нима қилишим керак? — деди ворис ёмон иш бўлганини сезиб.

— Бош қўмондон вазифасини бажаришинг керак, — совуқ жавоб берди Ментесуфис.

Икки коҳин тантанали равишда таъзим қилиб, хонадан чиқдилар.

Мулкдорни сархушлик тамомила тарк этган бўлса ҳам, юраги оғирлашгандай бўлди. У иккита каттагина хато қилганини тушунди: коҳинларнинг муқаддас сирларини билишини ошкор қилди ва Мефреснинг устидан раҳмисизларча қулди.

Агар уларнинг хотираларидан бу гапни ўчириб бўлса, бир йиллик умрини баҳшида этишга тайёр эди, бироқ энди кеч бўлганди.

«Нима ҳам қила олардим, — ўйлади мулкдор, — ўзимни билдириб қўйиб, ашаддий душманлар ортиридим. Қандайин ғам-ташвиш, бу! Кураш мен учун нокулай дақиқалардан бошланяпти. Лекин, барibir давом эттирамиз. Коҳинлардан бирорта маслакдоши бўлмаган фиръавилар ҳам уларни енган-ку».

Бироқ у ўзининг ҳолати шу қадар хавфли эканини яққол сездики, ҳатто бундан буён кўп ичмасликка муқаддас отасининг азиз боши билан қасамёд қилди.

Тутмосни чақиришларини буюрди. Қадрдони дарҳол ва ҳушёр кириб келди.

— Бизда уруш бошланди, мен энди бош қўмондонман, — эълон қилди ворис.

Тутмос ерга қадар таъзим қилди.

— Энди ҳеч ҳам ортиқча ичмайман, негалигини биласанми?

— Саркарда шаробдан ва масти этувчи хушбўй нарсалардан холи бўлиши керак, — деди Тутмос.

— Мен бу ҳақда унутиб, коҳинларга ортиқча гапириб қўйдим.

— Нимани? — сўради чўчиб кетган Тутмос.

— Уларни ёмон кўришимни ва мўъжизалари устидан кулишимни.

— Ҳечқиси йўқ! — ҳаяжонланди Тутмос.

— Энди бу ҳақда гапириш кеч, — деди Рамсес, — югурдакларингга айт, эртага эрталаб ҳамма ҳарбий раҳбарлар кенгашга тўпланишсин. Хавф-дан хабардор қилувчи аланга ёқишиб, бутун Қуий Мисрдаги барча қўшин гарбий чегарага тўплансин. Шунингдек, бошқа ҳокимларни ҳам огоҳ этишларини тайинла.

— Нилда каттагина қийинчиликлар бўлади, — огоҳлантириди Тутмос.

— Кўшиналарни дарёдан ўтказиш учун барча кема ва қайиқларни Нил тармоқларида ушлаб турилсин. Яна қўшимча фавжлар тайёрлашни ҳокимлардан талаб қилиш керак.

Шу пайтда Мефрес ва Ментесуфис Птаха эҳромидаги уйларига келар эдилар. Икковлон ёлғиз қолишлари биланоқ олий коҳин қўлларини ҳавога кўтариб хитоб қилди:

— Эй ўлмас маъбуллар, Осирис, Исида, Гор, Мисрни ҳалокатдан сақланглар! Дунё пайдо бўлганидан бери коҳинларни ҳеч ким мана шу гўдакчалик таҳқирламаган. Фиръавн дедимми, ҳатто Мисрнинг ҳеч бир душмани, ҳеч бир хетт, финикиялик коҳинлар дахлсизлигимизни инкор этмаганлар.

— Шароб одамнинг қулф диалини очиб юборади, — маъноли фикр билдириди Ментесуфис.

— Лекин бу ёш юракда илон қулча бўлиб олган. У коҳинлар тоифасини хақоратлайди, мўъжизалар устидан кулади, маъбулларга ишонмайди.

— Ҳайронман, Бероэс билан музокарамизни қаёқдан билди экан? Билиши аниқлигига қасам ичаман.

— Даҳшатли сотқинлик, — деди Мефрес бошини ушлаб.

— Қизиқ... Сизлар ўшанда тўрт киши эдингиз...

— Ҳечам ундей эмас. Бероэс ҳақида Исида эҳромининг катта роҳибаси, Сети эҳромига бориш йўлини кўрсатган икки коҳин ва дарвоза олдида кутиб олган яна бир коҳин. Тўхта! — шошиб қолди Мефрес. — Ўша коҳин димиқ ертёлада ўтирган эди... Агар у эшитган бўлса-чи?..

— Ҳар ҳолда у сирни гўдакка эмас, муҳимроқ бир кишига сотди.

Хонақоҳ эшигини Птаха ибодатхонаси олий коҳини муқаддас Сэм тақиллатди.

— Сизларга тинчлик ёр бўлсин, — деди у кира туриб.

— Қалбингни маъбуд ёрлақасин.

— Сизларнинг баланд овозда гаплашаётганингизни эштиб бирор нарса бўлғанмикин, деб кирдим. Ливиялик фаним билан уруш сизларни безовта қилмаяптими? — гап қотди Сэм.

— Шаҳзода — таҳт вориси тўғрисида қандай фикрдасан? — сўради Ментесуфис.

— Ўйлашимча, — деди у, — шаҳзода уруш бўлганига қувоняпти ва бош қўмондонлик лавозимидан қаноат ҳосил қиляпти. У — тугма жангчи. Унга қараб туриб Буюк Рамсеснинг шерини эслайман. Бу йигитнинг бир ўзи ливияликлар ўрдасига ҳамла қилишга тайёр ва тўдани тарқатиб юборади.

— Бу йигитча барча ибодатхоналаримизни яксон қилиб, Мисрни ер юзидан супуриб ташлайди, — деди унга жавобан Мефрес.

Сэм кўқсидағи олтин туморни олиб, пицирлади:

— «Ёмон кўзлар, саҳрога кетинглар. Йўқолинглар, гуноҳсиз одамларга азият етказманглар!»

— Нега бу сўзларни тақрорлайсан, — деди у сўнгра.

— Олийҳазрат Мефрес ҳақиқатни айтди, — гапга аралашди Ментесуфис. — Ўша йигитдан биз бугун эшитган ширк тўла сўзларни одам тақрорласа, боши билан қорни оғриб қолган бўларди.

— Ҳазил қилма, пайғамбар, — ўпкалади олий коҳин. — Рамсеснинг шаккоклигидан кўра сувнинг ёнишига, шамолнинг олов ўчиришига тезроқ ишонаман.

— У ўзини мастиликка солиб гапирди, — аниқлик киритди Мефрес.

— Шундай ҳам дейлик. Шаҳзоданинг ёнгилтаклигини ва Ҳатор эҳромидан қайтиб келганидан сўнг ортидан кузатмай қўйдик.

— Чунки олтинни аягансан, — деди Мефрес. — Бундай парвосизлик нималарга олиб қелишини кўрдингми?

— Хўш, нима бўлди? — сабри чидамай сўради Сэм.

— Кўп гапнинг кераги йўқ. Шаҳзода — тахт вориси маъбудлар устидан куляпти.

— О!

— Фиръавн фармойишини муҳокама қиляпти.

— Бўлиши мумкин эмас!

— Юқори кенгаш аъзоларини хиёнатчилар деб атаяпти...

— Нималар деяпсан?

— Ва кимданdir Бероэснинг ташрифи, ҳатто унинг Мефрес, Херихор ва Пэнтуэрлар билан Сета эҳромида учрашганини ҳам билибди.

Олий коҳин Сэм бошини чангллаганича хонақоҳ бўйлаб югурга бошлади.

— Мумкин эмас! — тақрорларди у. — Мумкин эмас! Кимdir бу йигитчага сеҳр-жоду қилган. Эҳтимол у эҳромдан ўғирланган финикиялик роҳибадир?

Бу тахмин Ментесуфисга ёқиб Мефресга қараган эди, у хафа бўлганича ўз сўзида туриб олди.

— Кўрамиз. Энг аввало тергов олиб бориш ва шаҳзода эҳромдан қайтгандан сўнг нима билан машғул бўлганини кунма-кун аниқлаш керак, — қатъий турди у. — Шаҳзода ортиқча эркинликдан фойдаланди, гайридинлар ва Миср душманлари билан ортиқча мулоқотда бўлди. Ва сен, ҳурматли Сэм, бизга ёрдам берсанг...

Эртасига олий коҳин Сэм одамларни Птаха эҳромида бўладиган тантанали ибодатга тўплашни буюрди.

Коҳинлар жарчиларга чорраҳага, майдонлар ва ҳатто далаларга бориб сурнай ва найлар билан халқни тўплаш учун иш тақсимлади. Тингловчилар керагича йиғилгандан сўнг Птаха эҳромида уч кун давомида ибодат ва юришлар ўтказилишини маълум қилди. Бу ибодатларнинг мақсади Мисрнинг курашига омад тилаш, ливияликларнинг мағлуб бўлиши, Муссавасага эса мохов, сўқирлик ва жиннлиқ тилашдан иборат эди.

Ҳамма нарса муқаддас оталар айтганидек кетаётган эди. Авом халқ эртадан кечгача эҳром деворлари ортида интиқ бўлди, бой шаҳарликлар эшик олдидан тўпландилар, маҳаллий ва қўшни вилоятларнинг коҳинлари Птаха маъбудига қурбонликлар қилдилар ва хилхонанинг ўзида дуо ўқидилар.

Ҳар куни уч маҳал тантанавор юришлар қилиб парда ичига қўйишиб, олтин қайиқقا ўрнатилган илоҳ ҳайкалини эҳром кўргонининг атрофида айлантиридилар. Одамлар ўз гуноҳларини барабалла айтиб, ерга юзтубан ётдилар, хаёли паришон пайғамбарлар уларга саволлар бериб, истиғфор келтиришларига ёрдамлашдилар. Ҳудди шундай ҳолат эҳромга кираверишда ҳам юз берди. Таниқли ва бой кишилар овоз чиқариб ўз гуноҳларини ўzlари айтишни ёқтиргмагани учун пайғамбарлар уларни четроқقا олиб боришиб, маслаҳатлар бердилар.

Куннинг ярмида ибодат амаллари тантанага айланаб кетди. Зеро, шу пайт гарбга отланган лашкарлар коҳинлардан дуо олиш ва душман зарбасини заифлаштирувчи туморлари кучини янгилаш учун келган эдилар.

Ҳар замонда эҳром узра момақалдироқ саси янграр, тунлари эса эҳром куббалари устидан яшин чақнарди. Бу ҳолат кимнингдир илти-

жосини маъбуд ё қабул қилгани ёки коҳинлар билан суҳбат қурганини билдирар эди.

Тантаналарнинг пировардида катта коҳинлар Сэм, Мефрес ва Ментесуфислар сомеларга рўпара келганларида аҳвол ойдинлашган эди.

Ибодатлар эҳромга қирқ талант даромад келтириди, олтмиш талантга яқин совғалар киборлар ёки юқори лавозимли ҳарбийларнинг қарзларини узишга сарфланди. Йигилган маълумотлар қўйидагича эди.

Одамлар орасида турли талқинлар ўртага ташланди. Гўё шаҳзода тахтга ўтириши билан Ассирияга уруш бошлайди, бу уруш унинг қатнашчиларига катта даромад келтиради, деганлар ҳам бўлди. Ҳар бир жангчи бу юришдан камида минг дирхамлик, балки ундан ҳам кўп ўлжа билан қайтади. Ниневиядан галаба билан келган фиръавн ҳар бир деҳқонга биттгадан қул ҳадя этади ва Мисрни анча йилларга солиқдан озод этади, деб пиҷирловчилар ҳам бўлди.

Киборларнинг тахминича янги фиръавн биринчи галда таниқли одамларнинг қарзлари ҳисобига эҳромларга ўтиб кетган мулкларини коҳинлардан тортиб олиб, эгаларига қайтаради. Ҳокимиятни бир ўзи, коҳинлар олий кенгашиз бошқаради, деган гаплар ҳам юрар эди.

Жамиятнинг барча қатлами орасида шаҳзода Рамсес финикияларнинг ёрдам беришлари учун Ашторет ҳомийлигига ишониб, унга сажда қиласди, деган тушунча ҳам йўқ эмас эди. Чунки шаҳзоданинг у эҳромга бориб, мўъжизалар кўргани ошкор бўлган эди. Ва ниҳоят, давлатманд осиёликлар орасида шаҳзоданинг эҳромга катта инъомлар ҳадя этгани, бунинг эвазига у ердан роҳибани олиб чиққани ва роҳиба мулкдорнинг ўз динига бўлган ишончини мустаҳкамлаши тўғрисида миш-мишлар тарқалган эди.

Ҳамма маълумотларни Сэм ва унинг коҳинлари тўплади. Муқаддас оталар Мефрес ва Ментесуфис унга Мемфисдан келган бошқа маълумотларни айтишди. Хабарга кўра халдейлик коҳин ҳамда башоратчи Бероэсни ертўлага коҳин Осохор олиб тушган. У яқинда қизини турмушга узатиб, келин-куёвларни қимматбаҳо буюмлар ва катта уй билан сийлаган. Авваллари Осохорнинг бунчалар катта даромади бўлмагани учун Бероэснинг мисрлик эҳром эгалари билан суҳбатини эшитиб, сўнгра шартнома сирларини финикиялкларга сотгани учун улардан катта маблағ олган, деган шубҳа уйгонди.

Олий коҳин Сэм бу гапларни тинглаб, деди:

— Агар Бероэс чиндан ҳам башоратчи бўлса сўраб кўринглар-чи, сирни Осохор сотмадимикан?

— Мўъжизалар кўрсатувчи Бероэсдан сўрадик, — деди Мефрес. — Бироқ ҳазрат бу ҳақда индамади, лекин, мабодо кимдир уларнинг музокарасини билиб финикиялкларга айтган бўлса ҳам на Миср, на Халдя бундан зарар кўрмаслигини, бинобарин, айбдор топилганида ҳам уни авф этиш лозимлигини айтиб ўтган.

— Муқаддас! Ҳақиқий муқаддас киши экан, — пиҷирлади Сэм.

— Шаҳзода — вориснинг ташвиши ҳақида қандай фикрдасан? — мурожаат қилди Мефрес Сэмга.

— Бероэс нима деган бўлса, мен ҳам шу гапни айтаман. Ворис Миср-га зарар етказмайди ва шунинг учун ҳам у билан муроса қилиш керак...

— Лекин бу йигитча маъбуллар устидан куляпти, мўъжизаларга ишонмаяпти, бегона эҳромларга боряпти, халқ исён қўтаряпти!.. Бу жиддий иш... — аламидан деди Мефрес, сидқидилдан бажарган машқлари устидан Рамсеснинг кўпол ҳазилини кечира олмай.

Олий коҳин Сэм Рамсесни хуш кўрарди. Шунинг учун мулойим кулиб деди:

— Мисрда қайси деҳқон оғир меҳнатни ёқимли бекорчиликка алмаштириш учун қулга эгалик қилишни хоҳламайди? Ер юзида солиқ тўламасликни орзу қилмаган одам бормикин? Ахир у хазинага тўлайдиган пул эвазига бола-чақасига кийим сотиб олиши ва турли имкониятлардан фойдаланиши мумкин-ку.

— Дангасалик ва исрофгарчилик одамни бузади, — деди Ментесуфис.

— Қандай жангчи, — давом этди Сэм, — жангни хоҳламайди ва минг дирҳам ўлжа олишини истаймайди? Ва яна сўрайманки, ҳазратлар, фиръавидан бошлаб қайси ҳоким, қайси таниқли зот ўз ихтиёри билан қарзини тўлагиси келади ва эҳромлар бойлигига кўз олайтирумайди?

— Гуноҳ фикрлар бу, — гудирлади Мефрес.

— Ва, охиргиси, қайси таҳт вориси коҳинлар ҳуқуқини чеклаб қўйишни хоҳламайди? Қайси фиръави ҳукмронликни бошлаган пайтда олий кенгаш таъсиридан кутулишни хоҳламайди?

— Сўзларинг донолик суви билан сугорилган, — жавоб қилди Мефрес, — лекин бу ишлар бизни нималарга олиб келади?

— Мақсад шуки, ҳеч биримиз ворисни олий кенгаш олдида айборд қилмайлик. Зеро, ундан суд йўқки, солиқ тўламасликдан хурсанд бўладиган деҳқон, урушни орзу қилмайдиган жангчи ҳақидаги масала устидан шаҳзодага айб қўядиган бўлсин. Аксинча, шаҳзодани кунмакун кузатиб бормаганингиз ва уни болаларча қилиқлардан қайтармаганингизни таъна қилиши мумкин. Ҳозир эса сизлар ҳеч қандай асоси йўқ айбларни унинг устига эҳром тошларида қалаштиряпсизлар. Бундай ҳолларда инсон ўзи мойил бўлган гуноҳларни қилиши, ёмонгина бўлиб қолмай, балки уни биз ўша гуноҳлардан огоҳ қилмаганимиз ёмон. Агар муҳандислар кеча-кундуз Нилни кузатмаганларида ота Нилимиз анҳорларни лойқага тўлдириб юборган бўлар эди.

— Биз билан сұхбатда шаҳзода хақоратли сўзлар ишлатгани ҳақида нима дейсан, ҳазрат? Наҳотки унинг мўъжизалар устидан кулишини кечирсанг? — сўради Мефрес. — Бу гўдак менинг тақводорлигимни кўпол равища да хақорат қилди.

— Маст одам билан гаплашган ўз обрўсими тўқади, — эътиroz билдириди Сэм. — Ҳушёр бўлмаган одам билан сизларнинг ҳатто давлатнинг муҳим ишлари ҳақида гаплашишга ҳам ҳақингиз йўқ эди. Шаҳзода маст бўлган пайтда унинг бош қўмондон бўлганлигини айтиб кўпол хато қилгансизлар...

— Доно фикрларинг олдида таъзим қиласман, — жавоб берди Мефрес. — Лекин барибир олий кенгашшга шаҳзода устидан шикоят қилишини маъқуллайман.

— Мен эса шикоятга қаршиман, — қатъий эътиroz билдириди Сэм.

— Кенгашга вориснинг хатти-ҳаракати устидан хабар кўринишида маълум қилиниши тарафдориман.

— Мен ҳам шундай фикрдаман, — унга қўшилди Ментесуфис.

Иккала коҳиннинг ўзига қарши бўлганини кўрган Мефрес талашибдан воз кечди. Бироқ хақоратланганини кечирмади ва аламини юрагига туғиб қўйди. У ақлли ва тақводор, лекин қасоскор ҳам эди. Коҳинлик рутбасининг хақорат қилинганидан кўра қўлининг кесиб ташланишини афзалроқ биларди.

Русчадан
Абдулла КОМИЛ
таржимаси

Евдокия ЛОСЬ

Белоруссия

Софинганман сени...

ЎФЛИМГА

Кани, ўғлим, жилмайиб тургил —
Кўзларинг оч тонг саҳар чофи.
Кумуш сўқмоқларда юргургил,
Авайлаб уз зарант япрогин.

Нурдан кўзинг қамашиб хушҳол,
Қалдирғочга қўл силкитиб қол.
Ўтлоққа чоп, жим-жит саҳарда
Салом бергин чучмомаларга.

Сайроқ қушлар билан хуш-хушлаш,
Алик олсин қарагай, қайнин.
Бўсағада кун-ла саломлаш,
«Ассалом» де менга энг кейин.

Ойижонинг бу хуш соатда
Ухлаб қолмиш, уйғонди кечроқ.
Майнахонлар қизғин суҳбатда,
Ўрмонзорга бошлайди сўқмоқ—

Бормоқдаман. Атрофда бир сир.
Кун ёйилиб, бўлибди чошгоҳ.
Майнахонлар, айтингиз, ахир,
Қайдан топай ўғлимни бу чоқ?

Юрагимда хавотир бир зум,
Майсаларда енгил-енгил из.
Ногоҳ арча ортидан маъсум
Жавдираиди бир жуфт бўтакўз.

О, бўтакўз мўлтирашлари
Менга нечоғ таниш, жонажон!

Белорус шоираси Евдокия ЛОСЬ (1929 — 1977) Витебск вилоятининг Эски Усач туманида тугилган. Минск Педагогика институти ва Москвалаги Олий адабиёт курсини тутатган. Белоруссиянинг Ўқув-педагогика нашриётида, кейин бир қатор газеталарда ишлаган. Ижодий фаолиятини 1948 йилдан бошлаган. Унинг “Март”, “Сахий одамлар”, “Довон”, “Олма шохи”, “Июль лирикаси”, “Кабиса йили”, “Она ташвиши” каби кўплаб шеърий тўпламлари чоп этилган.

Евдокия Лоснинг бир туркум шеърларини ҳавола қилиш барбарида, унинг асарларини тилимизга маҳорат билан ўтирган шоирамиз Ойдин Хожиевани кутлуг таваллуд айёмлари билан муборакбод этамиз ва у кишига узоқ умр, ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

Taxriuriyat

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Ана, бир ён ботинқалари,
Оёқяланг турибди ўлон!

«Вой, ойижон!
Тўнка ёнидан
Тутиб олдим шўх типратикон!
У жуда ҳам миттивой экан,
Ботинкамда ухлайди «меҳмон!»
Худди арча, қарағай билан,
Иссиқ жавзо, кўклам, май билан,
Онажонинг-ла қиқир-қиқир
Гурунглашган каби баҳузур —
Типратикон билан суҳбат қур!

Атрофингда гирдикапалак
Бўлсин меҳринг аҳил, иттифоқ.
Бўм-бўш бўлиб қолади Юрак,
Ўғлим, меҳр тугаб бўлган чоқ!

ЗВОНЬ ҚИШЛОГИ

Звонь узра турфа садолар,
Ложувард кўк — Звонь ортида.
Рўмолингни ўтлоқقا агар
Ташлаб қўйсанг, асалга ботар
Чучмомалар юртида.
Йўқdir балки ёргуламда
Нону тузга бундан бой қишлоқ.
Далаларда сайр этар дамда
Асалари ниш урса ногоҳ —
Ранжиб юрманг бу «шўхлиги»дан,
Билинг, бунда гул қўплигидан.
Чор атрофдан мусиқа оқар:
Асал куйи,
Мактабда эса
Мис қўнгироқ овозга кирап.
Мих пошналар «тақ-туқи» ёқар,
Кенг далада тўргай чулдирап.
Шовуллайди бўлиқ бошоқлар
Фаллакорнинг меҳнатин алқаб.
Куй-қўшиқли обод қишлоқлар
Тақдирига нону насибам —
Қўшилгандир абадул-абад!

* * *

Согинганман сени, эй дўсти дилдор,
Чорлайман интизор: суҳбатимга кел!
Тингла!
Эртаю кеч ер узра бедор
Сайру саёҳатда кўчиб юрар ел.

Тингла!
Деразамда ногора чалар —
Эрталабдан бери ёмғир миробдай.
Қара, халқоб сувда патин тозалар,
Чумчук чўмилади илиқ офтобда.

Айтгил, севаман деб айтмадимми, ёр,
Кўзинг мовийлиги, майнин овозинг!
Чулдироқ булоқ бўлгандим,
Ҳатто мажнунтолга кўнглимни изҳор айлаб
Шивирлаган эдим...

Қадамларинг теккан зинага айтдим,
Эшикларга айтдим — сен кирап фурсат!
Автобусга айтдим сен жўнар пайтинг,
Ўзингга ҳам айтдим — шу ўртар фақат!

* * *

Фимиirlайди булат осмонда,
Ёмғир ҳиди келар ўрмондан.
Гулхан ёқиб, ёмғир остида
На кутиб бўлади
ва на ўлтириб,
Хаёллар суриб.

Ёмғир каби ёғилар ерга
Юрагингда ётган тошдай ғам.
Кўнгил бўшар.
Афсус туғилар
Қалбингнинг қаър-қаърида бу дам.

Аргувоннинг япроқларидан
Томчи сачрар тупроқча чак-чак.
Яшил ўрмон титроқ ичинда.
Кўшиқ тинди. Бўлма эринчак.

Чодирни йиг, дўстим, бўл чаққон,
Гулхан сўнар, қош қораяр он
Кечки шафақ шуълаларида
Жунжикади юпун осмон.

* * *

Саҳар-мардон қуй бошлар ёмғир,
Уйгонади тонг қўзиқорин.
Майсаларнинг «қулоқлари»ни
Чўзиб қўяр шўх шивир-шивир.

Субҳидамда орзу қўз очар,
Иссиқ сўзлар нурини сочар
Замбуруғли шу ўрмонзорга,
Кўшиқ тўла она диёрга.

Ва раққоса, куйчи ёмғирга
Таъзим қиласай бу қувонч ҳақи:

Уйғондию күй билан бирга,
Қўзиқорин босди ҳар ёқни.

* * *

Бедана дув тўккан шабнамда —
Ёз лирикаси.
Замбууруғ туғилган хуш дамда —
Ёз лирикаси.
Ўтлоқда шигиллар чалғилар —
Ёз лирикаси.
Қайинлар оқариб кўринар —
Ёз лирикаси.
Боларилар эса физ-физон —
Ёз лирикаси.
Энг тоза асалли дастурхон —
Ёз лирикаси!

* * *

Очилади гуллар ўтлоқда
Очиқ кунда, булут бўлса ҳам.
Дунёдаги бор нарса ҳақда
Сўйлагим келади менинг ҳам:

Ҳар одамнинг ўз аршини бор,
Ўз бўйига ўлчаб тўн бичар.
Ким — бефарзанд,
Лекин баҳтиёр.
Ким бола деб жонидан кечар.

Бирор учун мансаб — катта баҳт,
Ўзлигини баҳт, дейди бирор.
Бу дунёда, санаса, беҳад
Баҳт, баҳтсизлик сабаби бор-ов!

Тезоб кунлар аро ҳаётда
Борарканман вақт-ла изма-из,
Мен ишонган ақидам содда —
Бу дунёда йўқ асло баҳтсиз!

ЙЎЛЧИ

Буғу ўтлаб кетган ўтлоқда,
Сурув каби тигиз қишлоқда
Кезиб юрар битта оқсоқол —
Мовий кўзли чол.

Тонг оқармай йўлда келади,
Ҳар нарсани билмоқ бўлади:
Чалғичилар борми ўтлоқда?
Келдимикан буғдой ўроқقا?

Янги қудуқ қурди ким бугун,
 Кимни қутиб олди тонг қишлоқ?
 Тоғдай баланд эмани нечун
 Қорайтириб кетибди чақмоқ?

Ким хафадир, күтариар күнглин,
 Аямас ҳеч кимдан маслаҳат,
 Ҳамма дилга топади йўлин,
 Ёрдам берар бобо беминнат.
 Қорагатлар шовуллаб ўсиб
 Соя солган чекка қишлоқда
 Ўтди бобо йўлимни кесиб,
 Эртак, достон кўтариб қопда.

* * *

Номсиз кўрфаз.
 Соҳил ҳувиллар.
 Тахта қўприк сувга урилар.
 Уфқларга тикилган кўйи
 Туради бир қизгина маъюс.
 Авзойидан қиз умр бўйи
 Сукут сақлар,
 Демайди бир сўз.
 Гувиллайди денгизда бўрон,
 Увиллайди бўридай шамол,
 Соҳилнинг бир четида ҳамон
 Қиз туради хомуш, паришон.
 Қайсар денгиз кўксини ёриб,
 Оппоқ қушдай уфқда оқариб
 Қанот ёйса у кутган елкан,
 Кела қолса бўлмасми экан...

* * *

— Навқирон шоввоз мерган,
 Овингдан кўнгилми тўқ?
 Навқирон шоввоз мерган,
 Кимга бугун уздинг ўқ?

Она оққушни отсанг,
 Оққуш мунгайиб қолар.
 Аскар бевасин отсанг,
 Сагири йиглаб қолар.

— Оққушга ўқ узмадим,
 Изламадим бир сабаб.
 Бевани қийратмадим
 Етимчасини аяб!

ҚАЙИН

Гавжум йўл бўйида турибди қайин
 Қалин чанг-губорга беланган кўйи.

Кумуш танасида на яшил виқор,
На зилол баҳорнинг шовуллаши бор.

Қолмиш яккам-дуккам шох-бutoқлари,
Шамолдан тўзғиган қош-қовоқлари.
Сафарга отланса қишлоқдан бирор,
Қайин ҳузурига шошади дарров.

Кимдир соясида бирпас ўлтирас,
Папирос тутатар ё хаёл сурар.
Кимдир шарбат сувин ичар кўкламда.
Азиз остонамга қараган дамда
«Ялт» этиб эсимга келар шу замон
Ватаншунослик сабогидайин
Шу кекса қайин.

Балки нотўгридир аскарлар факат
Ёшлигин туш кўрар деган ҳақиқат.

* * *

Дўстга элтар йўллар туюлмас узоқ,
Не етсин жўр бўлиб қўшиқ айтмоққа.
Кўм-кўк боғлар аро офтобдай порлоқ
Гўзал Украина қалқди оёққа.

Мудраб борар эдим очиқ кузовда,
Икки ёнда қайин, қарагай саф-саф,
Шундоқ ёнверимда сайрайди какку,
Узоқ умр тилар онамга ўхшаб...

* * *

Шу камтарин заминга севгим
Боболардан мерос, эҳтимол.
Боғу-роғлар юртида кезгум
Кўшиқ айтиб, яйраб bemalol.

Мойчечаклар базми ўтлоқда,
Олчалар тўй либосда — оқ.
Тўргай каби куним ўтмоқда,
Куй-кўшиққа бўлганча ҳамроҳ.

*Русчадан
Ойдин ҲОЖИЕВА
таржимаси*



Отажон ТОФОН

Бегона

Роман

24

Туркманлар қанча қўрқмас, ботир бўлсалар-да, тулки айёргигини қилиб, кундуз куни кўзга кўринмасдилар. Қоронги тушиши биланоқ, уйқусираган қоровулларнинг калласини олиб, қурол-яргини ўғирлаб кетардилар...

Жорж Блоквил

Жорж Блоквил ўтган кунларию келгусидаги толеининг қандай бўлиши ҳақида хаёл суриб, қанча кеч уйқуга ётган бўлса-да, бугун одатдагидан ҳам эрта уйғонди.

Чодир ичи у даражада иссиқ бўлмаса-да, дим ҳаво тепасидан босгандай туюлгани учун ташқарига чиқишини маъқул кўрди. Чодир эшиги ўрнига қокилган гулсиз гиламчани кўтариб қўйгач, икки қадам ташлаб, тўхтади. Ўз юртингда эрта тонгда ташқарига қарасанг — назаринг баланд иморатларга тушарди. Бу ерда эса бутунлай акси. Атрофга назар ташлаб, сахрони таърифлаш ҳам унга ҳозир қийин туюлди. Унинг фикрича, эгалари осуда, тинч яшаб юрган вақтларда ҳам европаликлар назарида Яқин Шарқнинг ушбу заминида ҳозирги кўринишда одамнинг эътиборини, кўнглини қўтарадиган ҳеч нарса ўйқ эди.

Кўхна дунёни навқирон йигит қилиб кўрсата оладиган ёз тонги ҳам бу ерда табиатга таъсир этмас экан. Блоквил бу ёқдаги ҳар бир кўрган нарсасини Франциядаги шунга менгзаш нусха билан қиёслашга мойил эди. Айтайлик, ҳозирги турган жойи қиёслаб қўрилса, Франция билан бу ер осмон билан ерча тафовут қилган бўларди. Бешафқат табиатнинг оташнафас ҳавоси ушбу диёр дараҳтларининг ям-яшил бўлиши лозим бўлган япроқлари рангини ҳам ўзгартирган эди. Табиат бу япроқларга офтобда куйган тупроқнинг кул рангдаги муҳрини босибди.

Лекин барибир бу ерларда ҳам инсонлар истиқомат қиладилар. Бу ерда ҳам офтоб чиқади, офтоб ботади. Блоквил бугунги бошланаётган саҳарнинг сана ҳисоби 1860 йил 28 июл куни эканлиги тўғрисида ўйлади. Киндик қони тўкилган она юртини тарқ этганига ҳам минг йиллар бўлгандай туюлди.

Форсларнинг туркман бош кенти Марвни битта милтиқ отмай босиб олдик деб ҳисоблаганларига ҳам бугун тўққиз кун бўлди. Ўтаётган кунларнинг ҳам сира қизиги йўқ. Эртанги куннинг эса бугундан ҳам маза-матрасиз бўлиши олдиндан маълум эди. Ушбу

Боши ўтган сонларда.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

76

тўққиз куннинг уч куни ғалаба тантаналарининг эпкини остида билинмай ўтиб кетган бўлса-да, қолган қунлар ниҳоятда зерикарли бошланиб, мана эндилиқда кун ҳам ҳеч ботмаётгандай, соатлар ҳам одатдагидан узоқ имиллаб юраётгандай эди. Ғалаба тантаналари оддий қунлар билан бирикиб, ўтмишга айланди.

Туркманларнинг бурчак-бурчаклардан кечаси қиласиган хужумларидан сақланиш мақсадида мингдан зиёд от, тuya, хачир, эшакларнинг шаҳар чегарасидан ташқарига чиқарилмаслиги, бошқа бир иши бўлмагач, йигирма икки минг навкарлик қўшин ҳам топганини кеча-кундуз еб-ичиб дуч келган ерда ҳид чиқарип ётиши натижасидами, июль ойининг дим, жазирама иссиғида ердан кўтарилилган ёқимсиз бадбўй ис одамларнинг нафас олишини жуда қийинлаштириб ташлаган эди.

Шахсан қора генералнинг буйруги билан, шамол йўналишидан келадиган сассиқ ҳидлардан бироз бўлса-да узоқлашиш мақсадида, саркарда ва сардорларнинг чодирлари Марвнинг гарбига — Қора Аҳмад қишлоғига борадиган йўл чеккасига қўчирилди. Блоквилнинг чодири ҳам уларнинг чодиридан таёқотим узоқлиқда тикланди.

Анча-мунча узоқлашган бўлишларига қарамасдан, шиптири ҳиди анқиб ётган шаҳар ҳавосининг таъсири бу ерларгача етиб келган эди. Бундай ҳолат Европанинг озодалигига ўрганган Блоквилга жуда ёмон таъсири қилди, уни зериктириб, қилган ишидан пушаймон этди. У кўзини юмса тош кўчали, боф-бўстонли жонажон Париж кўз олдида жонланар, қовоғини очганда кўзининг олдида чанг-тўзонли кенг сахро намоён бўлар, қожор қўшинларининг бўғизни ачитувчи ёқимсиз ҳидлари дарҳол бурнига уриларди.

Тонг билан ташқарига чиқиб, ёруғ оламни қўздан кечириб турган Блоквилни ҳозир бошқа бир нарса безовта қила бошлади. Маҳшаддан бу ерга келганларидан бери ҳар кун такрорланаётган тушунарсиз ҳолат бугун ҳам давом этмоқда. Эрон саркардаларининг ўзларини қандай тутишларига Блоквилнинг ҳеч ақли етмасди. Эронликларнинг Марв водийси тупроғига қадам босгандарига ҳам бир ойча бўлиб қолганди. Бироқ улкан қўшин саркардалари ҳанузгача бўм-бўш шаҳарни эгаллаганлари билан мақтаниб, шунга қаноатланиб юришибди. Улар шаҳарни ташлаб орқага ҳам чекинмас, шаҳарни ташлаб кетганларнинг устига ҳужум қилиб ҳам бормасдилар. Қайтанга кун сайин ботирлашиб бораётган туркманларнинг ўзлари қожорлар устига кетма-кет ҳужум қилаётгандилар. Олдинги кун пешинда бўлиб ўтган тўқнашувни ҳам шаҳарга яширин ҳолда яқинлашган туркманлар бошладилар. Ўша жангда қожорлар йўқотган навкарларнинг сони ўттиздан ортиқ эди. Блоквилнинг баҳо беришига кўра, вақт туркманлар фойдасига ишламоқда. Иссиқ жазирама ҳаво ҳам, оёқ остидаги қайноқ тупроқ ҳам туркманларга ёрдам бермоқда. Бу ҳолат шундай давом этаверадиган бўлса, унинг натижаси эронликлар учун яхшилик билан тугамаслиги аниқ.

Июль ойи ҳам охирлаб борарди. Қожорлар рақибларини тез кунларда бўйсундирмасалар, қишида бу ишларни амалга ошириш янада қийинлашади. Чунки қиши фаслининг бошланиши билан озиқ-овқат масаласи ҳам, мол-ҳолларни сақлаш масаласи ҳам ҳозиргисидан беш-баттар ёмонлашади. Француз капралининг фикрига кўра, такаларнинг Марвни ташлаб, Қораёпга чекинишлари эронликлар учун омад келтирмади. Бундай чекинишлардан сўнг, кўпинча курашда чекинганнинг голиб келганлигига тарихда мисоллар кўп. Бундан Блоквил етарли даражада хабардор эди. Айни чоқда у ўз юртдоши Наполеон

Бонопартни эслади — ўшанда ўрус аскарлари Москвани урушсиз ташлаб кетгандан сўнг французларнинг ҳолига маймунлар йиглаган эди. Бу воқеа бундан бор-йўғи эллик йил олдин бўлган эди-я!

Ким билади дейсиз? Балки Қора генерал писанд қилмаган Қўвшутхон ҳам ўрусларнинг Кутузовдай саркардаси сингари бирон-бир мақр-ҳийла ўйлаб қўйгандир?! Балки у ҳам ўзининг Ватани учун ана ўша Кутузовдай улуғ саркардадир?! Тарихда воқеалар ҳам, шахслар ҳам такрорланиб туради-ку, ахир.

Тонгги ўй-хаёллар билан айланниб юрган Блоквил теварак-атрофга назар ташлар экан, Эрон қўшинларининг ҳам уйгона бошлаганини кўрди. У ёқ-бу ёқдан пайдо бўлиб кўтарилаётган тутун эгри-бугри сўқмоқлар каби тонгнинг осуда ҳавосида кўкка ўрларди. Шундай бўлса-да, қўшиннинг асосий бўллаги ҳалиям уйқуда. Блоквилнинг назари етган масофадаги чодирлар атрофида хатти-ҳаракат кўринмади.

Эрон қўшинининг асосий қисми Марвнинг кўм-кўк осмони остида. Ҳаво иссиқ, дим бўлганлиги сабабли, сарбозларнинг кўпчилиги кўч-кўронини кўрпа-тўшакка ўраб, дуч келган жойда, очиқ майдонда ухлашга одатланганлар. Бу беташвиш навкарларнинг, бомдод намозини ҳам ўқимайдиган сарбозларнинг елкасини офтоб қиздиргачгина уйқудан уйғонадилар. Такаларнинг бош шаҳрини эгаллаган сарбозу навкарлар мана ҳозир ҳам маст уйқуда.

Асосий вазифаси — Марв вилояти ҳудудининг харитасини чизиш бўлган Жорж Блоквил аллақачон теварак-атрофни яхшилаб ўрганиб олганди. У ҳам шахсан бориб, ўз кўзи билан кўрмаган қишлоқларнинг қай бири қаерда жойлашганлигидан ҳам хабардор бўлиб улгурди. Жанубдаги қишлоқни Султониз деб аташаркан. Самандуқдан икки фарсаҳ чамаси юрилгач, дарё қирғоги бўйлаб ёйилиб ётган бөг-бўстонга бой якка бир қишлоқ бор, унга «Қўжиқнинг боғи» дейишидаи. Уни баъзан «Чўғди» деган ном билан ҳам атайдилар. Бироқ Чўғди бундан шарқ томонга чўзилиб кетади. Қўжиқ боғидан жануброқ тарафда Хўжаёп, ундан шимолда Маржон қишлоқлари жойлашган. Шу атрофда Ёзи, Мулкбукри, Мулкбахши қишлоқлари... Марвдан гарбда Кўкча деган бир қишлоқнинг борлиги ҳам французга маълум. Бурказ қишлоғи билан Кўкча орасини Мурғоб дарёси кесиб ўтади. Блоквил у томонларга ҳозирча ўтолгани йўқ. Бироқ у қишлоқларни таржимонлардан, бу ҳудудни яхши билганлардан, тутқунга тушган туркманлардан суриштириб юрибди. Буни ўзи учун уят ҳисобламасди. Ҳатто у саркарда ва сардорлар билмайдиган қишлоқ номларини суриштириб билиб олди. Унинг топган маълумотига кўра, Бурказ мулки билан Кўкча мулкининг ўртасидан оқиб ўтган Мурғоб дарёсининг ўнг қирғогида такаларнинг машхур саркардаси Қўвшутхон яшайдиган ҳовли ҳам бўлиши керак...

Бирдан тонг ҳавосининг тинчлиги бузилиб, Султониз қишлоғининг гарбida чанг-тўзон пайдо бўлди. Чанг-тўзонга сабаб тўрт нафар отлиқ эканлигини Блоквил дарров англади. Уйқудан уйғонмаган сарбозлар бу вақтда от чоптирмаслиги, ов-шикорга чиқмаслиги маълум. Овгашикорга чиққан пайтларда ҳам отларни бу даражада қаттиқ чоптиришнинг ҳожати йўқ эди. Хуллас, бу жуда сирли-галати чанг-тўзон эди.

Кўп ўтмай, тўғри узун йўналишни эгаллаб турган сарбозлар чодирларининг жануб томонида шовқин-сурон кўтарилди. Чала-яrim уйқули қожорлар устига туркманлар хужум қилган эди. Ана шу шовқин-суронга сабабчи бўлган тўрт отлиқнинг бир қадар яқин келганидан маъно чиқарган Блоквил саҳарги меҳмонларнинг қора телпакларини

бошига бостириб кийган туркманлар эканлигини англаб етди.

Отликлар яқинлашган сайин оҳ-воҳ овозлари, шовқин-суронлар Блоквилнинг қулоғига аниқ эшитила бошланди. Эндинга ширин ўйқуга кирган сарбозу саркардалар бу ақлга сифмас ботирликнинг қаршисида сеҳрлангандаи ухлаб ётиши ҳақиқатан ҳам танг қоларлик ҳодиса эди.

Блоквил ҳам жодулангандаи турган жойида қотиб, эндиликда янада яқинлашиб қолган тўрт отлиқнинг жасур ҳаракатларига томошабин бўлиб қараб қолганди. У кўзи олдидағи манзарага ишонмади — бу ишониб ҳам бўлмайдиган ҳолат эди: қўллари етганича гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга эгри қиличларини мўлжаллаб сермаб келаётган тўрт отлиқ саросимага тушиб қолган қўшин орасидан қаршилик кўрмай, истаган ишини қилиб отда ўтиб келишарди. Сарбозларнинг айримлари қотиб турганларича бу хил ўйинни томоша қилишарди. Уларнинг бошларини қимирлатиб туришлари умри давомида биринчи бор Марв тупроғида дуч келган жўхори деб номланган оқ бошли ўсимликни Блоквилнинг эсига солди. Ҳақиқатан ҳам ўзига хос бош кийимлари жўхори бошига ўхшаш сарбозлар бу пайтда қўлига яроғ тутган жонли одамга эмас, балки шамол қайси томонга эssa ўша тарафга қийшайдиган ўсимликка ўхшарди. Навқарлар кимни ўлдириб, кимни яралаб келаётган душманларга қаршилик кўрсатиш ўрнига, жодусехр таъсиридан энди чиққандай орқа-олдига қарамай қоча бошладилар. Сарбозлар рўй берадиган воқеани тушуниб, энди ўзларига келганларида отликлар уларнинг ёнбошидан ўқдай ўтиб кетдилар. Шу зайлда қинидан чиққан қожор қиличлари бўш ҳавода тебраниб, тўғрисидан ўтиб кетганларга шунчаки бир дўқ-пўписадай бўлди-қолди. Теварак-атрофни фақат қожорлар ўраб олганлиги сабабли, бундай вазиятда душман орқасидан ўқ ҳам отиб бўлмасди.

Шундай қилиб, тўрт нафар отлиқ деярли қаршилика учрамай, ўзларининг мақсадларига томон эгри қиличларини усталик билан сермаб йўлни тозалаб бораради. Сарбозлар эса уларнинг орқасидан шовқин-сурон қилганларича қараб қолишарди. Бу ҳол тўрт отлиқни руҳлантиргандан руҳлантириди. Отликларнинг чангига қолиб, энди қилич ёки тўппончага ёпишган сарбозлар оломон-тўполон бўлишиб, бир-бирларининг эркин ҳаракат қилишларига халақит беришарди. Кўкрак кериб, олдинга чиққанлар эса елдек чопиб келаётган отларнинг тагига тушиб қолишдан қўрқиб, ўз жонларини омон сақлаб қолиш учун икки томонга тирақайлаб қочишар, бу билан отликларнинг тўсиқсиз ўтиб кетишиларига имкон яратардилар. Тўрт нафар отлиқнинг тўртта қилич билан бундай кўп сонли душман қўшини ичига кириб, бостириб келишининг оддий ҳол эмаслигини фикр қилган қожорлар, уларнинг изидан мингларча туркман сарбозлари бостириб келишапти, деган ваҳимали ўйда эдилар. Хуллас, ўтиб кетган ҳақиқий хавф-хатар янги-янги хавотирларни юзага келтирмоқда эди.

Чодир ёнида туриб, ақл бовар қилмайдиган воқеани кузатаётган Блоквил афсусланиб, бошини чайқади. Бирданига ёнида Қора генерал қачон келганини ҳам сезмабди.

— Ие, муҳтарам генерал, сиз ҳам шу ерда экансиз?! Кунингиз хайрли бўлсин!

Қулоғи кар одамдай ҳанг-манг бўлиб турган Қора генералдан ўз вақтида жавоб бўлмагач, Блоквил сўнгги уч сўзни яна такрорлади. Бу сафар саркарда нималарнидир мингирлади. Сўнг шундай деди:

— Жаноб, сиз пичинг қиляпсизми? Ёки...

— Кунингиз хайрли бўлсин дейиш — пичинг бўладими, жаноб

генерал?! Блоквил шароитни ҳисобга олган бўлса-да, Қора генералнинг жавобидан чини билан ҳайрон қолди. — Улуг парвардигор кунингизни хайрли қилсин! — деб такрорлади.

Қора генерал олдинга — ғалати воқеалар бўлиб ўтаётган томонга қараб турар экан, ўзи билан ўзи сўзлашгандай пичирлади:

— Улуг Парвардигор кунимизни хайрли қиласидиган бўлса, бошимиз устида бундай тўс-тўполон кўтарармиди?! Томошани сиз ҳам кўриб турибсиз-ку, жаноб капрал.

Блоквил бу гал Қора генералга қарамай деди:

— Сиз шуни томоша деб ҳисобляйпсизми?

Қора генерал тонг ҳавосини ютоқиб ичига тортди.

— Томошадан ками йўқ! Мен, тўғриси, буни Аллоҳнинг икки кўллаб уриши деб ҳисоблайман.

— Аллоҳнинг бу воқеага нима дахли бор?

Қора генерал бу гал капралга олайиб қаради.

— Сиз мусулмон эмассиз-да, жаноб капрал. Аллоҳнинг дахли йўқ бўлса, шунча улкан қўшин ичига тўрт нафар отлиқ қандай қилиб кириб келади, ахир? Улар қутуриб кетганида ҳам, минг қилич тўртта қилични чилпарчин қилиб ташламайдими?

— Бу Қўвшутхоннинг уюштирган ҳийла-найранги, жаноб генерал.

— Бунинг нимаси ҳийла эмиш? Ажални ўз бўйнига олган тўрт нафар тентакнинг улкан қўшин ичига юборилиши ҳам найранг бўладими? Итни ҳам бос-бос деб олқишливерсанг, арслон устига сакрайди-да...

— Сакраса — яхши-ку!

Қора генерал қўзи косасидан чиққудай бўлиб, француза ўқрайди.

— Тушунмадим?

— Нимасига тушунмайсиз? Ити ўзидан юз баробар кучли йиртқичнинг устига сакрашни эплайдиган хонли юртдан эҳтиёт бўлиш керак демоқчиман. Ёки мен хато гапирияпманми?

Қора генерал эшитганлари тўғрисида ўйга чўмгандай жим бўлди. Шу пайт тўрт отлиқнинг орқароқда бораётгани бўйнига ип ташлангандай, отнинг саргиси устига қийшайди-ю, ерга ағдарилиб тушди.

— Ана, кўрдингизми итнинг аҳволини! — деди Қора генерал қизиқ ўйинни томоша қилаётган боладай қувониб. — Ҳозир унинг тит-питини чиқариб ташлашади!

Айтмоқчи бўлган жавоби генералга маъқул бўлмаслигини билса-да, Блоквил жим туришни истамади.

— Бироқ у тит-пит бўлмасдан олдин кўп қожорларнинг баданига тиш ботирган бўлса керак?..

Қора генерал бу ҳақиқатни тан олди.

— Гапингиз тўгри, жаноб капрал. Тўгри гапни тўгри деймиз-да.

Блоквил энди унинг кўнглини кўтармоқчи бўлди:

— Ҳақиқий генерал мана шундай бўлиши керак. Агар ҳақиқат ёқимсиз бўлса ҳам, яширмаслик керак, ғалаба шунда келади, жаноб генерал!

Бўлаётган воқеа тўғрисида Қора генералнинг бунақа фикр юритиши — тўрт туркман отлиғининг улкан қўшин ичидаги катта бир ишни бажариб юргандай жумбоқли эди. Блоквил яна ҳайрон қолди.

— Ёвнинг қаҳрамонлигига муносиб баҳо бериш ҳам мардликдан бир нишона! — деди у.

Бу сўзлар паст овозда айтилган бўлса-да, Қора генералнинг кулоғига етиб борди. Бироқ генерал ўзини яна бу сўзларнинг маъносига диққат қилмагандек тутди.

Блоквил учун тушунарсиз савол жаранглади.

— Қанақа ёвнинг қаҳрамонлигини айтяпсиз?

Блоквил гапирмоқчи эмасди. Бироқ қонидаги ўжарлик хусусияти унинг хоҳишидан устун келди.

— Бу тўрт отлиқ сизнинг дўйстларингиз эмас-ку, ахир?!

Қора генерал ўзини ўнглагандай ҳаракатланди, оёқларини у ёқ-бу ёққа ташлаб юрди. Тўсатдан бўғиқ овозда бақир-чақир қилиб шовқин кўтарди, чеккароқда турганларга бир нималар деди. Аммо унинг товуши қанчалик ҳайбатли чиққан бўлса-да, тўрт нафар отлиқнинг бостириб келиши билан кўтарилиган қий-чув овозлари ичida йўқолиб кетди.

Шаҳзодага тансоқчиликка сайланган сарбозлардан беш-ён нафарини ҳамон омон қолиб, қўшин орасига ваҳима солиб юрган уч отлиқнинг қаршиисига қўйишди. Бироқ улар ҳам ҳеч нарса қила олмадилар. Чунки уч отлиқ билан чодирлар орасида бир неча минг қизилбош бор эди. Бунинг устига чодирлар ёнидаги кўч-кўронлар, катта-катта сув идишлари, туя, от, хачир, эшак ва бошқа кўйлару қорамоллар учун ғамланган ўт-хашак, ўтин-чўплар орасидан ўтиб, душман олдига етиб бориш ўнгай иш эмасди. Сарбозларнинг-да қўлидан ҳеч нарса қелмай, уларнинг ҳам шароитга қараб иш тутишдан бошқа иложлари қолмади. Уч отлиқ ҳам шуни билгандай, бош чодирга томон юрмай, чап тарафга от солишиди. Ана шу фурсатда Блоквил уларни ўз кўзи билан бемалол кузатиш имкониятига эга бўлди, у оғизларидан оқ кўпик сачратиб олға интилаётган чиройли отларга, бошлари оқ рўмол билан ихчам ўралган уч қаҳрамоннинг кўрсатаётган жанговар ҳаракатларига қойил қолди. Шу вақтнинг ўзида эса довдираб, нима қилишини билмай кучли зарба олдида ожиз қолган қожор қўшини сарбозларининг дод-вой солиб кўтараётган бақир-чақир овозини, шовқин-суронини эшитиб улардан нафратланди. Сарбозларнинг уруш майдонида эмас, кир-чир майхоналар ичida маст бўлиб, дуч келган жойда тартибсиз думалаб ётишларига рұксат бериб қўйган саркардаларни ичida бўралаб сўқди. Сардору саркардаларнинг бундай шахсий гуноҳлари эвазига навкарларнинг худа-беҳуда ҳалок бўлиши уларнинг уруш санъати сирларидан мутлақо хабарсиз эканлигидан далолат эди.

Ҳануз унчалик узоқлашмаган уч отлиқ туркман ёвга қилич солар экан, энди «Ё Аллоҳ!» деган жанговар овозлари Блоквилнинг худди ёнгинасида эшитилгандай бўлди. Улардан қочиб, бири-бирининг устига йиқилаётган навкарларнинг ҳам «Ё Аллоҳ!» деб фарёд қилишлари эса мутлақо маъносиз туюлди.

Туркманларнинг дадил ҳаракатларини кузатиб турган Қора генерал тушкун илжайиб, француза қаради.

— Туркманларда «Қочган ҳам Аллоҳ дейди, қувган ҳам» деган мақол борлигини биласизми, жаноб капрал?

Блоквилнинг кулгиси қистади. Бироқ бу воқеадан жони ҳалқумига келган генералнинг хузурида кулиб ёки жилмайиб туришнинг ҳозир ўринсиз эканлигини эсга олиб, дарҳол ўзини тутди.

— Биринчи марта эшитяпман. Яхши нақл экан!

— Икки томон ҳам Аллоҳ дейди!

— Икки томоннинг ҳам Аллоҳи бир, бироқ мен унинг ким томонига ён босаётганига тушунмадим.

Қора генерал:

— Мен эса биламан, — деди-да, французнинг яна жаҳлини чиқарадиган гапини эшитмаслик учун икки қадам олға юрди.

Шу пайт Қора генералнинг қўзи тонг ҳавосида чала ҳилпираб

турган офтоб ва йўлбарс суратли Эрон қўшини байроғига тушди. Бу байроқнинг Марв қалъаси тепасида ҳилпираб туришига ишончи комил бўлган Насриддиншоҳнинг шахсан ўзи байроқни Ҳамза Мирзога топширган эди. Бу маҳал ушбу жанговар байроқ обрўсини қўриқлаши лозим бўлган улкан қўшин навкарлари тўрт нафар туркманга қарши чиқа олмай, ваҳимага тушиб қолганига генералнинг ори келди. У бир зум ҳозирги манзарани унугиб, галаба онларини — Техронда бўладиган дабдабаю асьасани кўз олдига келтириб кўрди. Ҳозирги воқеа-ҳодисалар хабарини эшитган шоҳ Насриддиннинг кинояли юзини кўргандай бўлди. Тўсатдан ўзига келган Қора генерал:

— Байроқни йиғиштиринглар! — деб қичқирди.

Бу пайтта келиб уч отлиқ туркманнинг яна бири отдан ағдарилди. Шундай бўлмаса-да, бош чодир ёнидаги байроқ билан уларнинг иши йўқ эди. Олдига қўйилган мақсадларига етган ботирлар, Эрон қўшинлари қароргоҳидан соғ-саломат чиқиб олишни мўлжалламоқда. Қожорларнинг байроғини юлиб олиш ҳозир уларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди.

— Қўшин байроғи ёв кўринганда йиғиштирилмайди! — деб, Блоквил яна тагдор сўз қилди.

Унинг гапини фақат ўзининг қаҳр-ғазабини келтириш учун айтилаётган варсақи гап деб ҳисобловчи Қора генерал французни гап билан чақиб олиш мақсадида ўткирроқ жавоб ўйлади. Топган жавобини айтишга энди оғиз жуфтлаган пайтда ўз чодиридан чиқсан Ҳамза Мирзога кўзи тушиб, шу заҳоти барча нарсани эсидан чиқарди.

— Кунингиз хайрли бўлсин, марҳаматли шаҳзодам! Ассалому алайкум!

Қўшин ичидаги қандайдир кўнгилсизликнинг пайдо бўлганлигини сезган шаҳзода алиқ олди-да:

— Нима воқеалар бўляпти, генерал? — деб тўнгиллади.

Шаҳзода томонидан савол берилган заҳоти тўғри ва қониқарли жавобни қайтариши лозим бўлган генерал бир муддат гапиролмай гудраниб қолди.

Шоҳнинг ҳузуридан бошқа жойда бирон марта берган саволини икки марта тақрорламайдиган Ҳамза Мирзо овозини баландлатди:

— Бу қанақа гап деяпман? Бу қандай ҳол?

Қора генерал ҳозир айтадиган жавобидан қўрқувга тушиб, кўлларини бир-бирига уқалади.

— Қоровуллар гафлат уйқусида қолишибди... Уч-тўрт нафар туркман...

Кўп уруш-жанжалли воқеаларни кўрган Ҳамза Мирзони ҳозир ташвишга солган нарса ўн-ўн беш нафар навкарнинг ҳалок бўлиши-ю, ўн-ўн беш нафар сарбознинг ярадор бўлиб қолиши эмас. Гап — чақирилмаган меҳмонларнинг тўрга чиқиб, қон тўкиб кетишларида! Бу ҳолат улкан қўшин учун қанчалар шармандалик иш ҳисобланса, бош саркарда Ҳамза Мирзо учун ҳам обрў-эътиборига раҳна соладиган қабоҳат эди!

Қора генерал шаҳзоданинг саволига жўяли жавоб қайтара олмай турганида юзага келган шароит унга ёрдам берди. Йўл йўналиши бўйлаб кетишиса, яна қисқа фурсатдан кейин Эрон қўшини ичидан эркинликка чиқиб оладиган икки нафар туркманнинг яна бирини сарбозлар отдан ағдаришди. Унинг оти қоқилиб, ўзи икки бора думалаб кетди. Омон қолган тўртинчи туркман қўшин ичидан чиқиб, кунботарга қараб от қўйди.

— Ана, туркман қочди! — деб, бола сингари чапак чалган Қора

генерал Ҳамза Мирзонинг кўзи билан кўриб турган воқеани баён қилиб, уни жавоб тарзида ишлатмоқчи бўлди. — Қувинг изидан!

Ҳамза Мирзонинг шошилмай юқори кўтарган ўнг қўли Қора генерал буйруғининг кучи бекор қилинганидан дарак берди.

— Устингизга келганда босолмаганингиз балони энди қочгандан сўнг тутамиз деб ўйлаяпсизми? Бекорларни айтибсиз!

Ҳамза Мирзо жуда зарур деб ҳисобламаса, бутун кўч-кўрони билан қалъя ичида ва ташқарида бош-бошдоқ бўлиб ётган қўшин бўлинмалари орасида ҳеч вақт пайдо бўлмасди. Бу гал эса у ёвнинг ақлга сифмас иш кўрсатиб кетганлиги сабабли, эрталабки нонуштани кейинга суриб, тепаликдан пастга тушди. Таклиф қилинмаса-да, Қора генерал ҳам шаҳзода изидан қадам ташлади.

Шу пайтгача қожорларнинг барча ҳаракатини кўз узмай кузатиб турган Блоквил одатдан ташқари воқеа рўй берганлиги учун бош саркарда бундай пайтда ўзини қандай тутишини кўргиси келиб қолди.

Отдан ағдарилган уч нафар туркманнинг иккитаси аллақачон ўлдирилганлигини Ҳамза Мирзога етказиши. Тирик қолган туркман ҳам ўттиз-қирқ ёшлар ўртасидаги сариқдан келган бақувват йигит экан. У олд оёқларидан бири синиб йиқилган қора отининг ёнига ҳеч кимни яқинлаштирмаслик мақсадида қўлидаги эгри қиличини у ёқ-бу ёққа сермаб ўйнатиб турарди.

Ажал устига ўз оёғи билан келиб, кўрсатган жасоратининг охири баҳайр тугамаслигини олдиндан билган йигитнинг ҳануз душман олдида қилич ўйнатиб туриши Блоквилни қойил қолдирди. Шу туришида ҳозир туркман йигити эртаклардаги паҳлавонни эслатарди.

Сарбозлар қўлга тушган туркманни бирпасда қушнинг қанотини юлгандай тинчтиб ташлашлари мумкин эди. Бироқ саркардаларнинг бири уни тириклай қўлга олишни буюрди.

Бош саркарданинг шахсан ўзи ва унинг яқин генерали шу ерда пайдо бўлиши туркманнинг атрофини ўраб олган сарбозларга янги рух, қувват бағишилади. Улар яна ҳужумга ўтмоқчи эди, аммо туркман билан шахсан ўзи савол-жавоб қилишни хоҳлаган Ҳамза Мирзо сарбозларга «Тўхтанглар!» деб ишора қилди.

Қаттиқ чарчаган ва ҳансира бўлған қисқа-қисқа нафас олаётган туркман эгри қиличининг учини ерга тираб, бир қўли билан манглайнинг терини артди.

«Терлашга арзигулик иш қилдинг!» — деб пичирлаб қўйди Блоквил ўзича.

Туркманнинг ўнг қулоги орқасидан қип-қизил қон сизиб, бўйини аралаш кўкрагига оқиб тушмоқда эди.

Яраланган, қулоқсиз, бурунсиз қолган ёки қилич зарби қалтисроқ тушиб озор чекаётган сарбозларнинг дод-войларини ҳисобга олмаганда, атроф жимиб қолди. Сарбозлар, сардорлар, ҳатто шаҳзоданинг ўзи ҳам ўпкаси оғзидан чиққудек ҳансира бтурган туркманни зўр қизиқиш билан кузатишарди.

Ҳамза Мирзо билан қисқагина маслаҳатлашиб олгач, Қора генерал тутқун туркмандан сўради:

— Отинг нима?

— Мен — Ортиқ арсариман!

— Шерикларинг кимлар эди?

— Шерикларимнинг иккаласи сизнинг йигитларингиз эрлигини кесиб ташлаган дўстларим эди. Улар ўзларининг туғилмай қолган фарзандларини деб, ёв бошини кесмоқ учун отга чиқиб курашишди. Улар мақсадларига етдилар. Армонлари қолмади...

Туркман айтган гапларнинг маъносига тушунмаган Ҳамза Мирзо ёнбошида турганларга саволомуз қаради.

Савол жавобини яхши англаған Қора генерал шошилди:

— Ёруғ жаҳонда яшагинг келадими?

— Ёруғ жаҳонда яшагим келгани учун ёвга қарши отга миндим.

Шу пайт чап қулоғининг ярми кесилган, уст-бошидаги қон томчилари қотиб қолган бир сарбоз қўпчилик орасидан ажралиб чиқдида, қиличини сугуриб Ортиқ арсарига ҳамла қилди.

Бу ердан энди тирик чиқа олмаслигини билган туркман қиличдан ўзини олиб қочмади. Қилич сермашда адашган сарбознинг зарби Ортиқ арсарига тегмай, қилич навкар қўлидан отилиб чиқиб ён томонга тушди. «Асири тириклай қўлга олинглар!» деган фармонни бажармоқчи бўлган сарбозлардан бири тушган қиличини қайта қўлига олган юртдошининг қуролини ўз қиличи билан уриб тагин ерга туширди.

Блоквил бошини чайқади: «Мен шу пайт Ҳамза Мирзонинг ўрнида бўлганимда бу мард туркманга қолган умрини совға қилган бўлардим. Инсон кўзи олдидан пашша учиб ўтса-да, ҳеч бўлмаганда киприклири билан кўзини юмид олади, бироқ очиқ қўймайди. Туркман эса қилич зарб билан унга урилаётганда ҳам киприк қоқмай тураверди...»

Ҳамза Мирзо «Хоҳлаганингизни қилинглар» дегандай, ҳеч қандай буйруқ бермасдан чодири томон юра бошлади. Тўсатдан унинг назари ярадор сарбозларга тушгач, орқасига қайрилди. Қора генерал, шаҳзода туркманга қандай жазо бериш лозимлигини айтиш учун қайрилди, деб ўйлади. Бироқ Ҳамза Мирзо қўпчиликнинг ичида обрўсини тўқмоқни истамагандай, Қора генералга қаради-да, паст товуш билан шундай деди:

— Тўрт нафар туркманнинг шунча тўс-тўполон кўтариб, сарбозларни қийратишига имкон бериб қўйганинг учун сени отга судратиш ҳам камлик қиласди!

Бош сарқарданинг бу сўзларини ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмаган бўлса-да, Қора генералнинг тузи ўзгариб кетди. Шу вақтнинг ўзида унинг миясига, «Туркманни отга судратиб ўлдириш лозим», деган фикр келди.

Сарқардаларнинг бирига шу ҳақда буйруқ берди.

Эрон қўшини ичидаги сардорлар, мингбошилар ичида Ҳамза Мирзодан бошқа ҳеч ким Қора генералнинг буйруғини икки қилолмасди. Шу сабабли ҳам шаҳзодадан эшитган нохуш сўзларнинг аламини Ортиқ арсаридан тезроқ олиш мақсадида, Қора генерал бош сарқардани чодиригача кузатиб борди-да, сўнг дарҳол изига қайтиди.

Икки ўрам арқон билан бир жуфт от келтирилгач, янгидан ўтказилажак «бекзода томошаси»ни олдиндан англаған Блоквил Эрон сарқардаларининг ишларига қаршилик кўрсатишига ҳақи бўлмаса-да, қалбининг тўрида пайдо бўлган умидли фикрни амалга оширишга интилди.

— Жаноб генерал! — деб, у Қора генералга шоша-пиша мурожаат қиласди. — Уруш шароитида душманингни авф қилиш йўли билан ўзингникиларни ҳам ўлимдан сақлаб қолишга йўл очилишини сиз яхши биласиз!

Қора генерал ёнидаги навкарбошига топшириқ бераетган киши бўлиб, вақтни ўтказа бошлади.

Бир томондан, французнинг шунчаки содда кўринган, бироқ генерал шошиб тургани учун бош оғритишини истамаётган бу фикри маъкул кўринса-да, бунга генерал бефарқ қаради. Унинг бу ҳаракатида

«хоҳласам омон қолдирман, хоҳламасам жазо бераман» дегандай маъно бор эди. Чунки генерал ўзини Блоквил билан аввал ҳам сұхбатлашган вақтларида французнинг ҳаққоний фикрларини кўпинча эътиборга олмаётгандай тутарди. Генерал бу гал ҳам ўзининг разилона қалбини яна бир марта очишни маъқул билди.

— Жаноб капрал, қани, йўқолинг бу ердан! Гапни айлантириб туришнинг нима ҳожати бор?! — вишиллади у.

— Мен мана шу асирини кечадан олдинги кундаги тўқнашувда туркманлар қўшинимиздан асирига олган эронликларнинг бири, балки икки нафари билан алмаштира оласиз, демоқчиман.

Қора генерал тиржайдими, қовоқ уйдими, француз тушунмади.

— Навкарларимиз ёвга арзимаган жароҳат солишгаям улгурмай асири тушдилар. Бу туркманнинг нималар қилганини сиз ўз қўзингиз билан кўрдингиз-ку, жаноб капрал!

Теварак-атрофга яна бир бор қараб қўйган Блоквил унинг фикрини тасдиқлаб бош қимирлатди:

— Бу сўзингиз, жаноб генерал, жуда тўғри. Тўртта туркман бутун бир қўшинга бало келтирди, саросимага солди. Лекин ўз одамларимизни ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Қора генерал Ортиқ арсарига нафратомуз тикилди.

— Уни бир асиримиз билан алмаштириб, жонини сақлаб қолсак, дўзахга кирадиган одамни жаннатга юборгандай бўлмаймизми?

— Бироқ сиз ўз сарбозларингизнинг бирини ўлимдан қутқариб қолсангиз, бу — қўшинни бир навкар билан қўпайтирган бўласиз, шуни ҳам ёддан чиқарманг! Ҳарбий ҳаракат вақтида бор бўлган барча имкониятлардан унумли фойдаланмоқ даркор, генералим.

Қора генералга сўнгги сўз айниқса ёқиб тушди. Аммо у французнинг берган оқилона маслаҳатини бир тийинга олмаслигини кўрсатиб қўйиш учун «бошланглар!» дегандай ишора қилди.

Қўли боғлиқ Ортиқ арсарининг ҳар иккала оёғига ҳам арқон қаттиқ тугиб боғланди. Арқонларнинг иккинчи учси эса иккита отнинг бўйнига илдирилди. Сўнгра отлар бир вақтнинг ўзида қаттиқ қамчиланди.

Ҳали Қораёпдан қожорлар томон қафанини белига ўраб келар экан, Ортиқ арсари ўзининг ўлими олдидан Қуръони каримдан сура ва оятлар ўқиб чиққани сабабли, ҳар қандай оғир жазони ҳам ҳеч иккиланмай кутиб олишга тайёр эди. Бироқ у ҳозир ўзига-ўзи берган бардош ва мардлик ваъдаси устидан чиқа олмади. Начора. Бу ерда дунёнинг энг мард кишиси ҳам, агар ақли-хуши ўзида бўлса, Ортиқ арсарини ожизликда айблашга ҳақи йўқ эди.

Ниҳоятда оғир жазоланиш туйфуси ҳозир туркманнинг эрк-ихтиёрини ўз измига олди. Ортиқ арсарининг инсонга хос бўлмаган даҳшатли қичқириғи Блоквилнинг вужуд-вужудини қаттиқ титратиб юборди. Бу товуш, ҳатто Ортиқ арсарининг чотини айириб, оёқларини гавдасидан юлиб ташлаш учун сағрисига қаттиқ қамчи урилган отларни ҳам даҳшатга солганди. Отларнинг кишинаб чиқарган мудҳиш овозлари шундан далолат берарди.

Фарб томонга чопқилаган тўриқ от Ортиқ арсарининг гавдасидан узилган бир оёғини ипга судраганча кўздан узоқлашиб кетди. Жазога тортилган туркманнинг фарёди энди бошқа эшитилмади.

Тўриқ отнинг изидан ҳар томонга қон сачратиб, чанг-тўзонда судралиб бораётган якка оёққа кўзи тушган Блоквил бундай даҳшатли қўринишга чидай олмай, икки қўли билан бошини тутганича ўтириб қолди.

Ҳар куни ўтин, молларга ўт олиб келиш учун саҳрога бориларди. Ҳар сафар ҳам хачир, от ёки одамлар ўғирланарди. Эндиликда ўқ-дорини ҳам эҳтиёткорлик билан сақлашининг иложи бўлмай қолаётган эди.

Жорж Блоквил

Ҳамза Мирзо Хешмуҳаммад Давланинг ўзини тутиши Мурғоб дарёси қирғоғида кўч-кўронли улкан қўшин билан Марв вилоятини бўйсундириш учун юборилган бош саркардага ҳечам ўҳшамас, шаҳзода дарё бўйига узоқ вақт дам олишга чиққан ишсиз-мушсиз одамга ўҳшарди.

Блоквилнинг эшитишига кўра, Ҳамза Мирзо — Насриддин шоҳнинг жияни эди. Шу сабабли француз унинг маъно-мақсадсиз ҳаракатларидан икки хил хulosага келди: биринчидан, йигирма минг қўшинга, минг-минглаб от, тuya, хачирга қанчадан-қанча сармоя сарф қилиб, кунини бемақсад ўтказса-да, шаҳзода ўз тоғасидан қаттиқ гап эшитмаслигини билади. Иккинчидан эса, Ҳамза Мирзо туркманларнинг кучини оқиз деб ўйлаб, уларга нописандлик билан қарайди. Ана шу иккинчи масалада Блоквил шаҳзоданинг фикрини айниқса нотўғри деб ҳисобларди. Блоквил улкан қўшинга қўмондонлик қилиб, галаба ва мағлубият, алам ва қувончларининг барчасини бошидан ўтказган кекса аскар эмасди. Нари борса, йигирма саккиз ёшли капрал душманнинг арзимас кучини нописандлик билан «шу ҳам кучми» деб қараб, буни урушга қуролсиз кириш билан баробар, деб ҳисобларди. Тўғриси, Блоквил така туркманларнинг қанчалик куч-қудратга эгалигидан ҳам бехабар. Бироқ ҳарбий ҳаракатларда галабани куч-қудрат эмас, балки ҳийла, жасорат, ҳарбий фаросат таъминлайди.

Туркманларда ҳийла ҳам, жасорат ҳам бор экан — Блоквил мана шуни яхши билиб олди.

Буни бугунги тонгги хужум ҳам исботлади. Бу хужум Эрон қўшини гавдасига битмас жароҳат сололмаган бўлса-да, ҳарҳолда туркманларнинг руҳига руҳ қўшиб, қожорларнинг қайфиятини туширгани аниқ.

Блоквилнинг бугунги тонг олдингилардан ҳам ноқулай кечажагини, жиддий воқеа-ҳодисаларга бой бўлажагини тахмин қилди. Эндиликда навкарлар Қораён томонга эмас, балки қўшиннинг асосий қисми жойлашган Пўрсиқалъа тарафга ўтин-чўп йигиши учун боришга ҳам қўрқиб қолгандilar. Марвдан ярим фарсаҳ нарига чиқадиганлар ҳам ёки ем-ҳашак, ўтин йигадиганлар ҳам ёнига фақат ярогли отлиқлар қўшиб қолмай, балки бир-иккита тўп ҳам қўшиб судрайдиган бўлдилар. Бу ҳам француз капралининг, Эрон қўшини руҳиятига раҳна етди, деган тахминининг тўғрилигини тасдиқларди.

Эрон қўшини қўмондони: «Қўвшутхон биз билан уруш қилишга журъат этолмайди, у албатта бизга таслим бўлади», деб ўйларди. Блоквил эса буни ҳаётда тасдиқ бўлмайдиган гумон, ҳавоий ҳаёл деб ҳисобларди. Ахир, қўл қовуштириб Эронга тобе бўлишга кўникадиган одам, яъни Қўвшутхон, йигирма олтинчи июлда Марв атрофида эронликлар билан дастлабки тўқнашувини ўтказармиди? Йигирма саккизинчи июль куни тонг саҳарда тўрт нафар фидойи туркман отлиғини уйқуда ётган эронликлар қўшини устига юборармиди? Улуғ хоннинг бу хил саъи-ҳаракатлари душман қучини текшириш, руҳий жанговарлигини синааб қўриш учун қилинган ҳарбий ҳийлалардан эди. Қўвшутхон охирги ҳарбий ҳаракат натижаларининг ўзи учун оғир гуноҳ бўлиб

қолмаслигини ҳеч қачон эсдан чиқармасликка ҳаракат қилаётган эди.

Жорж Блоквил така хони Қўвшутхоннинг ҳийласидан эронликларнинг тӯғри хulosса чиқармаётгандигига ҳайрон эди. Ҳамза Мирзо ҳам, Қора генерал ҳам Марв босиб олингандан бери туркманларнинг тун қоронфисида амалга ошираётган қисқа хужумларидан хulosса чиқармаяпти! Кундуз куни шаҳардан озгина чиқилса бас, такалар овоз чиқармай келиб, таппа босадилар, қарабсизки, шу тариқа йўқотилган навқарлар сони ҳам юздан ошиб кетди! Такалар икки дона сариқ тўпни ўқ-дорилари билан олиб қочсалар-да, Эронликлар яна тӯғри хulosса чиқаришмади. Аксинча, беклар, сардорлар, сипоҳилар ўзларини ёт тупроқда эканлигини буткул эсдан чиқариб, от чоптириб мусобақа уоштириб юришибди, ов қилишади, шикорга чиқишади, кайфу сафо қилиб юришади. Кунлар, ҳафталар, ойлар эса ўтиб борарди.

1860 йилнинг 8 сентябрь куни эрта билан Ҳамза Мирзо чодирининг теварагида ғимир-ғимир, гала-ғовур қўпайиб, одамлар тўплана бошлади. Нима гаплигидан хабари йўқ бош саркарда енгил кийим-либосларда баланд чодирдан ташқарига чиқди.

Қўшин бошлиқлари, беклар, мулла-муфтилар, ошпазлар — барчалари олдинма-кетин эгилишиб, шаҳзодага таъзим қилдилар. Улардан сал узоқроқда бир гуруҳ хизматкорлар тўдаси ҳам бор. Уларнинг ёнида узун қўйруклари ерга тегиб турган, қоринлари ичига ботган, шалпангқулоқ този итлар бир-бирларига сўйкалишиб туарди.

Тозиларга қўзи тушган Блоквил шаҳзоданинг яна Сайдносир қамишзорига ёки Пўпушқумнинг баланд қум барханларига қуён овлаш учун отланаётганини тушунди.

Хизматкорлардан бири бедов отнинг жиловидан тутиб, бири от ёлига ёпишиб, яна бири шаҳзода оёғи остидаги узангига айланиб, Ҳамза Мирзони кўлларида кўтаргандай отга миндиришди. Бироқ ҳайбатли оқ, бедов ҳали юриб улгурмасданоқ, туркманлардан элчи келганлиги тўгрисида хабар бўлди.

Ов сафари бошламай тўхтагани учун Ҳамза Мирзо бу хабардан жаҳли чиқиб отини ҳайдаса керак ёки туркман элчисининг бошқа бирор куни келишини айтиб, кетса керак, деб ўйлаганлар адашдилар. Тахмин бутунлай бошқача чиқди. Қайтанга ушбу хабарни эшитиб Ҳамза Мирzonинг кайфияти кўтарилгандай бўлди. У дарҳол отдан тушди. Оёғи ерга тегар-тегмас:

— Охири тақдирга тан беришибди-да! — деб қўйди. Унинг овозидан кайфи чоғлиги сезилди. Атрофдагилар енгил нафас олдилар.

Шаҳзоданинг ёнида турган Қора генерал ҳам кек билан тиржайиб:

— Куч-қудратларининг бас келолмаслигига ниҳоят ақллари етиб, тавбасига таянишибди-да улар — деб, бош қўмондонга ялтоқиланди. У Ҳамза Мирzonинг қўлидаги қамчини таъзим билан олди-да, хизматкорларга тутқазди.

Блоквил Қора генералнинг жадал ҳаракатларини кузатар экан, хаёлига дарҳол: «Битта гавдада икки одам жойлашса, жуда галати бўлар экан», деган фикр келди.

Ҳақиқатан ҳам Ортиқ арсарига жазо берилган вақтдаги хукмфармо Қора генерал билан ҳозирги Қора генерал — бутунлай бошқа-бошқа кишилар эди. Ўша вақтда соққасидан чиқай-чиқай деб турган ваҳший кўзлар ҳозир мўмин-мусулмоннинг кўзларига, ернинг юрагини ёраман деб ташланган ўша арслон газабли қадамлар бугун мушук одимига, ўшандаги тик қомат энди букри гавдага айланганди. Ҳатто генералнинг ўткир тиканакдай тиккайган қора мўйловлари ҳам энди шалпайиб қолгандай кўринарди.

Ҳамза Мирзонинг орқасидан чодир томон қадам ташлаган Қора генерал Блоквилнинг ёнидан ўтаётиб ўзи билан ўзи сўзлашгандай шивирлади:

— Ҳамза Мирзонинг сиёсати ана шундай натижага олиб келди, жаноб капрал. Мен бу тўғрида сизга кўп марта айтгандим.

Кўп вақт ўтмай, овга бориши ниятлари амалга ошмагач, тўдалашиб турган сипоҳио беклар орқасидан баланд бўйли, узун тўну белбогли, бошига қора силкма телпак кийган туркман пайдо бўлди. Унинг ёнида ёши элликларга яқинлашган яна бир одам бор эди.

Ов-шикор кийимларини алмаштириб, чодиридан ташқарига чиқкан Ҳамза Мирзо, элчини ичкарида қабул қилишга майли бўлса-да, меҳмонларнинг етиб келганини кўргач, ялтиллаб турган тўнининг зар белбогидан икки қўли билан тутганича гердайиб тураверди.

Туркман элчиси олдиндан танишдай тўғри Ҳамза Мирзо томонга юрди. У бош саркардага икки қадамча қолганда тўхтади-да, бошини эгиб, унинг ҳурматини жойига кўйди.

— Ассалому алайкум, улуғ ҳурматли шаҳзода!

Ҳамза Мирзо саломга алик олди.

— Мен туркман хони Қўвшутхоннинг ҳузуридан маҳсус келган элчиман, муҳтарам шаҳзода!

— Биламан, — деб Ҳамза Мирзо мулойим жилмайди. — Бундан бир ой олдин келармикансиз, деб ўйлаган эдик. Албатта, зарур ташвишларингиз чиқкан бўлса керак-да.

Бош саркарданинг киноя оҳангига ўзини тушунмаган одамдай тутган элчи бир-икки марта бош силкитиб қўйди.

— Тўғри айтдингиз, марҳаматли шаҳзода! Ростини гапирдингиз. Янги манзилга кўчдик. Уй-жой тикладик, ўрнашдик, мол-ҳол, қўй-эчки, от-туяларга қўралар қурилди, хулас, ташвишимиз ўзимизга етарли бўлди.

Бу жавоб бош саркардага маъқул келмади, ёмон таъсир қилди, шу сабабли у овозига куч бериб:

— Исли-шарифингни айт! — деди.

— Менинг отим Тожкўк сардор. Йўлдошимнинг исми мулла Эгамберди. Таржимонимиз бўлади. Иккаламиз ҳам Қўвшутхоннинг хос кишилариданмиз.¹

— Қандай хабар келтирдинг? — Ҳамза Мирзо бу саволни жим бўлиб турмаслик учун шунчаки айтди. Чунки, унинг фаҳмлашича, туркман элчиси олиб келган хабар, айтилмаса-да, тушунарли эди.

Тожкўк сардор жавобга шайланди. У чап кўлтиридан олган қоғозини таъзим билан Ҳамза Мирзога узатди.

Ҳамза Мирзо қоғозни олди-да, ёнбошида турган Қора генералга узатди:

— Ўқи!

Думалоқланган сариқ қоғозни дарҳол текислаган Қора генерал, бош қўмондон томон бошини қийшайтириб хатни ўқий бошлади. Унда шундай ёзилган эди:

«Така хони Қўвшутхон ибн Аваздурди номидан маълум бўлсинким, эй Ҳамза Мирзо! Эй Қора генерал! Эй шаҳзода ва сипоҳийлар! Сизлар Насриддиншоҳ қўшинига бош бўлиб, қанчадан-қанча маблағ сарфлаб, бизнинг юртимизга келибсиз. Сизлар бизга хабар юбормай, неча ойлаб кўхна харобалар ичида нима ишлар қилиб юрибсизлар? Агарда сизларда

¹ Атоқли адаб Берди Кербобоевдан эшитишимча, Ҳамза Мирзога Қўвшутхоннинг хатини элтган элчи — Туркманистон халқ комиссарлари советининг бошлиғи Қайғисиз Отабоев (1887 — 1937)нинг отаси бўлган экан (*Муаллиф изоҳи*).

урушмоққа мойиллик бўлса, келинглар, курашайлик. Ёки сизлар кўхна харобазордаги хачирларга мойиллик кўрсатиш учун келган бўлсангизлар, у вақтда бизнинг Марв юртимизнинг баракатини қочирманглар-да, келган томонингизга жўнанглар. Мақсадингиз хачирга мойиллик кўрсатиш бўлса, нима, сизнинг ўз юрtingизда кўхна харобалар йўқми?!»¹

Ҳамза Мирзонинг дами ичига тушиб кетди. Бундай ҳақоратомуз хатни баланд кўтаринки товуш билан ўқиган Қора генералнинг эса бутун вужуди титраб кетди. У олдин шаҳзодага, кейин эса Тожкўк сардорга тикилди. Унинг икки одамга қаравши ҳам икки хил кўринишида эди: шаҳзоданинг юзига кечирим сўрагандай ҳолатда, бечораҳол кўринишида қараган бўлса, элчининг юзига газаб ва нафрат билан қаради. Ичида эса: «Бундай мазмунда хат олиб келтиргани учун шаҳзода ҳозир элчининг бошини сапчадай юлиб ташлашга бўйруқ беради. Ҳақоратомуз хатни бунчалик баланд овозда ўқиганим учун мени ҳам тинч қўймаса керак...» деб ўйлади. Бироқ у ўзига қандай жазо берилишини олдиндан тахмин қилолмади.

Қора генерал қутган газабдор ҳаракатлар рўй бермади. Ҳатто Ҳамза Мирзо бу мактубнинг қаҳр-газаб кўзғаттанини ҳам ошкор қилмади. Қайтанга олдингидан ҳам мулоим оҳангда элчига савол берди:

- Кўвшутхон ўз ўлимини бўйнига олибдими, элчи?
- Тожкўк сардор жўнгина жавоб қайтарди.
- Аҳли одамзотнинг жони омонатдир, муҳтарам шаҳзода.
- Бу билан нима демоқчисиз?
- Бу билан демоқчиманки, фақат туркман хони Кўвшутхонгина эмас, дунёга келган аҳли банда жонининг омонатлигини бўйнига олмоги керакдур, муҳтарам шаҳзода! Ажал деб аталган нарса — Аллоҳ яратган барча жонли жонивору одамзотнинг бошига тушадиган қисматдир.

Элчининг сўзларига жиддий диққат қилмаган Ҳамза Мирзо:

— Кўвшутхоннинг хатига мактуб билан ҳурмат билдирайликми ёки оғзаки жавоб берайликми? — деди.

— Бизлар учун бунинг фарқи йўқ, муҳтарам шаҳзода. Мактуб берсангиз, мактубни олиб кетамиз, оғзаки жавоб айтсангиз — сўзингизни етказамиз.

Ҳамза Мирзо газабнок ички фикрини табассумга ўраб сиртига чиқарди. Бундай bemaza хат олиб келган элчининг қайта-қайта «муҳтарам»лаб туришига, зотан, мана шундай ўзига хос табассум билан баҳо беришни лозим топди.

Шундай бўлса-да, шаҳзода ўзини бир муддат ҳам осойиш тута олмади. Унинг лаблари титраб, яноқлари уча бошлади.

— Сен хатнинг мазмунини бу ерга келмасингдан олдин билармидинг, эй элчи?

— Билар эдим. — Тожкўк сардор тўғрисини айтди. — Бу хат ёзилаётганда мен ҳам тепасида турганман. Ҳурматли Кўвшутхон хатнинг ҳар сўзини кенгашиб, маслаҳатлашиб ёздириди.

Жавоб бош саркардага болга билан ургандай таъсир қилди. Демак, хатдаги бемаъни сўзлар биргина Кўвшутхоннинг ўз фикри бўлмай, балки бутун така туркманларининг Ҳамза Мирзога бўлган муносабатини англатар экан-да?!

- Бу хатни қўлтифингга согланингда хат ўрнига илон solaётирман,

¹ Кўштироқ ичидаги келтирилган хат Берди Кербобоевнинг «Қайғисиз Отабой» романидан олинди. Бу матн бизнинг халқ орасида юриб тўплаган материалларимиз билан сўзма-сўз тўғри келади (*Муаллиф изоҳи*).

деб ўйламадингми? Сен молбоқар ё подачи эмас, элчи бўлиб келдингку, ахир?!

— Бизнинг элда, «Элчига ўлим йўқ», деган ҳикматли сўз бор, муҳтарам шаҳзода. Шунинг учун ҳам...

— Маъқул! — деб Ҳамза Мирзо Тожкўк сардорнинг сўзини бўлди.

— Қўвшутхоннинг мактубига жавоб шундай бўлади: Хонингизга айтинг, эл-юртига, бола-чақасига раҳми келмаётган бўлса, мактубдаги сўзлардан сўнг курашга тайёрланиб, отига минаверсин!

— Туркман доимо от устида, муҳтарам шаҳзода!

— От устида бўлса, кимнинг қаерда хачирга мойиллик кўрсатишини мен ўзим айтаман, иншооллоҳ.

— Биз ҳам Аллоҳ деймиз...

— Аллоҳ деган бўлсангиз, Қўвшутхон ўзининг тепасида отларимизнинг чанг-тўзонини албатта кўради, элчи!

Ҳамза Мирzonинг сўнгги гапига ҳам муносаб жавоб беришга тайёр турган Тожкўк сардор бу гал хотиржам деди.

— От тепкисини от кўтаради, шаҳзода!

Қора генералнинг қўлида титраб-шитирлаб турган қофозни олган Ҳамза Мирзо Тожкўк сардорнинг «Элчига ўлим йўқ» деган сўзини эста олди шекилли:

— Элчини омон-эсон кузатиб қўйинг! — деди-да, шартта орқасига ўтирилди. Унинг гавдаси баланд чодир эшиги орқасида кўздан гойиб бўлди.

Қора генерал бўшашибанича:

— Худога минг бор шукур! — деб юборди.

26

Сафар ойининг 25-чисида полклар эшагу хачирларга озиқ-овқат юклаб, тўп ортилган 24 та аравани ҳам судраб, Марвнинг чеккасида ҳарбий ҳолатга келтирилди. Эртасига Эрон қўшини такалар қўргони томон ҳарбий юриши бошлади.

Сайд Муҳаммад Али ал-Хусайний

Туркманлар бир у ёғимиздан, бир бу ёғимиздан кетма-кет ҳужум қилиб, тинчлик бермай қўйишди. Улар бизнинг бир қанча навкарларимизни ўлдиришиб, 15 та туяга юклangan ўқ-доримиизни ўлжга қилиб кетишиди.

Жорж Блоквил

Қўвшутхоннинг Тожкўк сардор орқали юборган хати Ҳамза Мирзо Хешмуҳаммад Давланинг қалбини ари уясига айлантириди, алғодалғов қилиб юборди. Ҳаракатга келган заҳри қучли ариларнинг эндилиқда ташқарига отилиб чиқиши шубҳасиз эди. Уларнинг қачон, қаерга қараб унишлари ҳам маълум эди.

Туркман элчиси орқасига қайтиши биланоқ, Ҳамза Мирзо олдинги фикрини ўзгартириди. Шикор сафарини Қораёп юриши билан алмаштириди. Тўпу милтиқлар назоратдан ўтказилди, карнай-сурнайларнинг чангги артилди, отлару хачирларга ем-хашак берилиди, сугорилди.

Ҳамза Мирzonинг хулосасига кўра, Марвдан Қораёп оралиғидаги уч фарсаҳча йўлни омон-эсон босиб ўтган қўшин, такаларнинг қўргонини узоги билан икки соат давомида йўқ қилишгач, шомда ёки эртасига орқаларига қайтишлари керак эди.

Ўзини саранжом-саришта биладиган Қора генералнинг кўрсатмасига мувофиқ, қўшин учун зарур бўлган қўп кунлик қурол-яроқ, озиқ-овқат ҳам қўшин билан бирга олиб кетиладиган бўлди.

1860 йил ўнинчи сентябрда қожорларнинг улкан қўшини Қораёпга юриш бошлади. Марвда қолдирилган кўч-кўрон, озиқ-овқат, ҳарбий анжомларни қўриқлаш учун генерал оға Ризохон Ажданбоши раҳбар қилиб қолдирилди. Унинг қарамоғида иккита маҳсус полк ҳам бор эди. Қазвинарлардан иборат ёлланма сарбозлар ҳам ана шу иккита полкка ёрдамчи куч сифатида қолдирилди.

Оға Ризохон Ажданбошининг бурчи фақат қалъани қўриқлаш бўлмай, шомда ёки эрта-индин орқага қайтишлари кутилаётган сарбозларга иссиқ озиқ-овқат тайёрлаш, мол-ҳолга ем-хашак йигишнинг ташвиши ҳам топширилган эди.

Қўшин ҳаракатга тушиб, Марвдан чиқди. Унинг боши ҳам, кети ҳам кўринмас эди. Кўп вақтдан буён осмондан тушган намни кўрмаган тупроқдан кўтарилиган оқиши чанг-тўзондан навкарларнинг, ҳайвонларнинг юз-кўзи таниб бўлмайдиган даражага етди. Даражту буталарнинг ранги оқариб қолди. Йўл чеккаларида, ариқ бўйларида ўсиб ётган қовоқ ўсимлиги япроқлари устига тушган чанг-тўзонни кўтаролмай, шалпайиб қолди. Ҳатто қушу мусичалар ҳам уяларига биқиниб олишга мажбур бўлдилар.

Қожор қўшинлари аравада олиб бораётган йигирма тўрт дона сариқ тўпнинг силжиб бориши, айниқса, ваҳимали эди. Эронийлар унинг қора кучидангина эмас, балки баданга қўрқинчли титроқ соладиган, хавф түғдирадиган чанг-тўзонидан ҳам фойдаланиб, туркманларнинг кўнглига ваҳима солмоқчи эдилар. Марв тупроғи кўп замонлардан бери, балки Чингизу мўгуллар давридан сўнг бундай ҳайбатли воқеага шоҳид бўлмаган эди.

Икки юзтacha беквачча ва сипоҳийлар тўдаси қўшиннинг асосий бўлагидан товуш етадиган масофада узоқлашди. Уларнинг айримлари оқ бедов отли Ҳамза Мирzonинг олдинда бораётганига қарамай, бачкана ҳаракатлар қилишарди. Эрон қўшини важоҳатидан қўрқиб, бор нарсалари ҳам тўла йигиштирилмаган, шоша-пиша, чала-чулпа қилиб ташлаб кетилган қишлоқлар ичидан ўтаётгандан ҳам сарбозлар шунчаки ўтмас, ҳеч бўлмаганда, деворга илиниб турган, теридан тикилган қоп ёки эсдан чиқарилган сузмахалталарни пичноқ ва ханжарлар билан тилка-поралаб ўтишар, пахса деворларни тепиб, йиқитиб кетишарди. Гапнинг қисқаси, Марвни курашсиз эгаллаб, шуҳрат васвасаси ила гердайган сарбозлар жуда зерикканларидан ўзларини шу йўл билан совутишарди.

Марвга бостириб кирган куни Техронда ҳам, Ҳамза Мирzonинг тугилган жойи Хурсонда ҳам дабдабали тадбирлар ўтказилганлигини сарбозлар эшитган эди. Энди улар туркман тупроғида роса базм-байрам қилишиб, кайфу сафога берилдилар. Галаба нашидаси, галаба кайфияти ҳозир ҳам давом этаётганди. Гўё, олдиларида ўқ отиш, қилич сермаш билан машғул бўладиган рақиб учрамагач, сарбозлар ёнбошларидан энди мушук ўтса ҳам унга тиф теккизмасдан ўтмас эдилар.

Бироқ мусулмон давлатларининг барчасида ўчоқ, қозон, дастурхонга алоҳида ҳурмат-эътибор қаратилишини билган Блоквил Ҳамза Мирzonинг изидан илгарилаётган бир навкарнинг ўчоқ ёнида тўнтарилиб ётган қозонга милтиқдан ўқ отганини қўриб, ҳайрон қолди.

— Қозонга ўқ узиш гуноҳ эмасми, эй сарбоз? — деди. Навкар

саволни эшитмаганга олди. Капрал шунда: «Мусулмон мусулмоннинг қозонига эмас, нақ ўзига ўқ узмоқ учун тўп судраб боряпти, ахир!» деб, ўз саволига ўзи жавоб бериш билан қаноатланди.

Қўшин ҳаракатини бошқариб бораётган Қора генерал Блоквилни кўргач, от жиловини тортди. Қора генерал кечадан бери қўришмагани учун француз билан яхши кайфиятда саломлашди, ҳол-аҳвол сўради. Унинг руҳи кўтаринки эканлигини ҳаракатларидан ҳам сезиши мумкин эди. Қора генералнинг от устида ўзини тутиши ҳам ниҳоятда бошқача эди.

Эгригузар қишлоғида қимиirlаган жон йўқ эди. Ўлжадан маҳрум қолганини сезган генерал, молхона ёнбошида бўйини олдинги оёқлари устига қўйиб ётган итни кўргач, эски қилиғи бўйича:

— Анови ётган итни кўряпсизми, жаноб капрал? — деб сўради.

— Кўряпман, жаноб генерал.

— Унда, сизга бир саволим бор.

— Айтинг, жаноб генерал, билсам, жавобини бераман.

Қора генерал Блоквил учун мутлақо кутилмаган саволни топди.

— Ватан учун одам вафодорми, итми?

«Бу қанақа гап бўлди?» деб, Блоквил эшитган саволини фикран қайтариб қўйди.

— Саволингиз жўн кўринса-да, ниҳоятда мураккаб савол, жаноб генерал. Итнинг ҳам бевафоси бўлади, бироқ одамлар орасида итга нисбатан бевафолари кўпроқ учрайди.

Қора генерал берган оддий саволига европалик олифта жавоб беролмаганлигига жуда хурсанд бўлди. Шундан руҳланган генерал яна сўзида давом этди:

— Кўряпсизми, такалар юртига бевафолик қилишиб, киндик қони тўкилган жойларини ташлаб қочишиди. Бироқ ит эса туғилган маконига вафодор қолиб, уларнинг орқасидан ҳатто эргашмабди ҳам. Қандай таъсири воқеа, шундай эмасми?!

Блоквил бу ҳолатдан асосли маъно топмаган бўлса-да, ортиқча гапириб генералга ижикилашни истамади, унга қарши фикр билдирамди.

— Э, ҳайвон ҳайвон-да, жаноб генерал. Кетгиси келса кетади, бўлмаса ўрганган жойида ётаверади-да!

Жавобдан кўнгли тўлмаган бўлса ҳам, генерал французга эътиroz билдирамди. Бунинг ўрнига яна бир кутилмаган гапни бошлаб қолди:

— Ўша итни бир ўқ билан овозини чиқармай тинчитса бўладими?

Энди Блоквил генералнинг истагига қарши фикр билдиришни маъкул топди.

— Сиз ватанига вафодор деб мақтаган итга милтиқ ўқталишни мен ҳам нотўғри деб ҳисоблайман.

Қора генерал катта кўзларини ўйнатиб айёrona тиржайди.

— Мана, кўрдингларми, — деди у атрофидагиларга, — Европаликларнинг тушунчаси бизнидан бошқачароқ бўлади. Аникроқ қилиб айтганда, юзакироқ! — Генерал французнинг ўзига қараб сўзида давом этди. — Душманнинг ватанпарварлиги биз учун энг катта хавфдир. Сиз буни эсингидан чиқарманг, жаноб капрал!

— Э, ит ҳамма жойда барибир ит, жаноб генерал.

— Йўқ, жаноб капрал, мен сизнинг фикрингизга қўшилмайман.

Ёйининг или ҳам — душмандир!

Блоквил ҳеч нима демади.

Қора генерал қўшофиз фарангига тўппончасини белидан ечиб олди.

Шунчаки жўн бошланган гап маъносининг қонли фожиага

айлананаётганини фаҳмлаган француз бегуноҳ итнинг ўлдирилишини истамай:

— Нима қиласиз уни отиб?! — деди. — Аллоҳ ўзига бахш этган умрини ҳайвон яшасин-да!

— Отгим келяпти!

Блоквилнинг кўзи олдида оппоқ сочли генерал ўжар болага айланди-қолди.

Блоквил итни ўлимдан озод қилиш учун энг сўнгги илинжини ишлатди.

— У ҳатто ўзининг итлик бурчини бажариш учун биз томонга бир марта ҳурмади, отларимизни ҳам хуркитмади-ку!

Бу сўзлар Қора генералга заррача таъсир қилмади.

— Узининг итлик бурчини бажармагани учун ҳам у ўлимга маҳкумдир!

Бундан бошқа ёлвориш — ортиқча эди. Блоквил ўжару қайсар генерал билан даҳанаки баҳсини тўхтатди.

Ёнига келиб тўхтаган отлиқнинг важоҳати яхши эмаслигини сезгандай, ит ўрнидан турди, бироқ ундан узоқлашгани билан ҳам омон қололмаслигини сезди шекилли, қочмай, жойида қотиб қолди.

Қора генерал тўппончасини ўқталди.

Бегуноҳ итнинг ўлишига жони ачиған Блоквил яна ўзини тутолмади.

— Олдинда катта жанг турибди, ит учун ўқ сарфламак...

— Ёгийнинг итини йўқ қилмоқ ҳам зафардир! — Ўз жавобидан кўнгли тўлган генерал ваҳшиёна қилигини амалга оширди. Тўппонча варанглаб овоз чиқарди.

Манглайни мўлжалга олиб узилган ўқ итнинг думига бориб тегди. Ит тумшуғини юқорига чўзиб, оғриқдан қаттиқ ангиллади. Кейин ўзини қийнаганни таниб олмоқчи бўлгандай отлиқларга томон раҳм-шафқат истаб қаради.

Ҳайвоннинг назари билан қўзи тўқнашган Блоквилнинг вужуди титраб кетди. Итнинг қўзлари гўё инсон тилида сўзлай бошлади: «Сиз одамлар ўзаро уришиб-талашасиз. Мен бегуноҳ итда нима қасдингиз бор? Мен сизлардан қўрқиб, жойимда ҳатто ҳурмасдан ётдим. Нима сабабдан мени отдингиз? Ёки сизлар бегуноҳни зор-зор қақшатишни касб қилиб олганмисизлар? Сизлар қачон инсон бўлар экансизлар, эй одамлар?! Сизларга қачон ақл киради? Ҳозир сизлар менинг баданимдаги азобли оғриқдан озгина тотиб кўрсангиз эди...»

Шу билан биргаликда, итнинг азоб-уқубатлар акс этган кўзлари ўз душмани бўлган одамлардан ярасига малҳам истарди... «Э-воҳ, сен ишонувчан ҳайвон! Дардингга малҳам бўладиган инсон ичингга оловни тиқдими?» Итнинг кўзларига кўзи тушиб, унинг нигоҳидаги зорни ўқиган Блоквил: «Сени отган мен эмас. Сени яралаган Қора генерал!» деб бақириб юборишига сал қолди. Бироқ ярадор итнинг яна бор овоз билан чинқириши Блоквилнинг овозидан олдин чиқди.

Ит сўнгги дами-нафасини олиб, бутун кучини йиғиб ўз душманидан қасдини олмоқчими? Ҳа, шунга ўхшайди. У қонларини оқизганича, Қора генералнинг отига қараб сакради. Қўрқиб кетган от бирданига орқага тисарилди-ю, генерал эгардан учеб кетди. Бироқ у йиқилган жойида ётганича, итга қаратса янада бир марта ўқ узди.

Итнинг овози дарҳол ўчди. Жонивор бандидан юлингандай узилиб, отнинг бўйнидан сирғалиб ерга ағнади.

Ит сўнгги нафасида ўзининг қасдини олишга ултурган экан. Қора генералнинг тўриқ оти ақлдан озгандай турган жойида тўхтамай

айланба бошлади. Бор кучи билан сакраган итнинг ўткир тирноқлари отнинг икки кўзини ўйиб олган эди.

Одам иккита бегуноҳ жониворни ҳам бир-бирига душман қилишга улгурди. Кўзлари ёруғ дунёни кўришдан маҳрум бўлган от турган жойида айланар экан, ўз эгасини босиб кетишига озгина қолди. Бош кийими билан тўппончасини қўлига олган Қора генерал отнинг қучли түёқлари остида майиб бўлишидан ўзини зўрга олиб қочди.

Тўппонча товушига югуриб келган тўрт-беш нафар сарбоз ўлиб ётган итни кўриб ҳайрон қолишиди. Улардан бири отдан сақраб тушдида, Қора генералнинг бедовини ушламоқчи бўлди. Юз-кўзи қора қонга бўялган от жиловига қўл теккандан чўчиб, ён томонга сапчиди. У яна эгасини босиб олишига сал қолди.

Бўлиб ўтган ҳодисаларга ўзи гуноҳкор бўлганига қарамай, генерал сарбозга газаб билан тикилиб уят сўзлар айтиб сўкинди. У чўзилиб ётган ит ўлигига олайиб қўз ташлади.

— Буларнинг итлари ҳам эгаларига ўхшаган экан-а!

Блоквил бу гапга нима деб жавоб айтишни билмади.

Қора генералга бошқа от келтиришиди. У француз билан ёнма-ён от ҳайдаб борар экан, яна олдингидек, қайсарларча фикрини давом эттириди.

— Кўрдингизми, жаноб капрал?! Бояги итнинг нима учун ўлдирилганига энди ақлингиз етгандир?..

Блоквил яна сукут сақлади.

27

Туркманларнинг қўргони дарёning ўнг томонида эди. Ундан берироқда қейин қурилганлиги аниқ қўриниб турган яна бир қўргон бор эди. Ўша баландликнинг устига 1855 йилда Сарахс жангиди Муҳаммад Аминхондан ўлжа олинган икки дона сариқ тўп чиқазиб қўйилган эди. Асир тушган такалар ва қўргонга кириб олган «тил»¹лар берган маълумотларга кўра, қожорлардан ўлжа олинган бошқа тўплар нариги асосий қўргоннинг олд томонида бўлиши керак эди. Такаларнинг нима учун бундай қилганликларининг сабабини эса қожорлар тушунмадилар.

Блоквил шундай тахмин қилди — биринчи қўргондаги тўплар қўлга тушса-да, иккинчи қўргондаги эронликлардан ўлжа олинган тўплардан отиб, ҳимояланиш мумкин. Туркманлар шуни ўйлабдилар-да...

Туркманларнинг қўргонига Мургоб дарёсининг чап қирғоги томонидан қараб турган Қора генерални Ҳамза Мирзонинг ҳузурига шошилинч чақиришиди. Генерал бош саркардадан қилинажак ишлар борасида янги буйруқ олиб, дарҳол изига қайтиб келди.

Ҳамза Мирzonинг буйруги қуидагилардан иборат эди: август бошларида туркманлар Марв теварак-атрофига ўтин-чўп йифишга борган сарбозлар қўлидан икки дона тўпни ўлжа олиб қолган, энди ўша тўпларни такалардан тортиб олиб орқага қайтариш керак, вассалом! Тўғри, уруш тамом бўлгач, бу тўпларни қурбонсиз қайтариб олса ҳам бўларди. Бироқ, Ҳамза Мирзо фикрича, такалар қўргони ўққа тутилганда, бу тўпларга ҳам зарар этиши мумкин эмиш. Бундан ташқари, эронликлардан ўлжа олинган тўплар туркманларнинг қўргонида уларнинг руҳига руҳ қўшиб турмаслиги шарт! Учинчидан эса, уруш бошланмай туриб икки дона тўп орқага қайтариб олинса,

¹ Т и л — айгоқчи, жосус.

туркманлар кайфияти тушиб, урушга кирмасликлари ҳам мумкин.

Бош саркарда туркман тупроғида аллақачонлар мангу мозордан жой олган уч юзга яқин навкарнинг, бўлажак жангда ҳали қанчасининг дунёдан ўтиши номаълум сарбозларнинг жони учун ҳисобот сўрамаса-да, сариқ тўплар учун Насриддиншоҳ олдида жавоб беришига тўғри келишини биларди. Шу сабабли урушга кирмасдан олдин энг ботир ва қаҳрамон навкарлардан маҳсус гуруҳ тузиб, тўпларни дарёнинг нариги томонидан ўзлари тарафга олиб ўтиш гамини емоқда эди.

Дарёнинг чап қирғогида эронликларга қарши қанча куч оёққа турганидан, қўргон ва сариқ тўплар кимлар томонидан, қандай қўриқланётганидан ҳеч ким етарли хабардор эмасди. Сарбозлар йиғилгунча, Қора генерал офтоб ва йўлбарс қиёфаси акс этган байроқни ҳам ўз ёнига ола келишларини буюрди. Унинг нима мақсадда бундай қылганини ўзидан бўлак ҳеч ким билмасди.

Бироз ўтиб, Ҳамза Мирзонинг буйругини амалга ошириш мақсадида ширин жонидан кечишга тайёр турган кўнгиллилар гуруҳи саф ростлади. Улар қирқ нафарга яқин сарбозлар эди. Қирқ нафар одам билан мингларча туркманнинг устига ёпирилиб бориши осон ишми? Агар туркманлар қўлида чўпон таёғидан бўлак яроқ бўлмагандада, уёққа боргандарнинг омон-эсон орқага қайтишларига ишонч борми? Демак, ўйлади Блоквил, бу кўнгиллилар бутун кўшиннинг руҳини кўтариш учунгина ўлимга юборилган бўлиши мумкин! Бош саркарданинг кўнгли ва сўзи учунгина кўнгиллилар қучоқ очиб турган ажал комига кетаётган экан, дарёнинг ўнг қирғогидаги улкан қўшин ҳам миқ этмай урушга киради. Фалаба эса ҳамиша руҳи баланд қўшин томонидадир!

Аслида Қора генерал офтоб ва йўлбарс қиёфаси акс этган байроқни кўнгиллилар руҳини кўтариш учун олиб келтирган экан. Олий буйруқни амалга ошириш учун кўнгилли сарбозлар мазкур байроққа сажда қилиб, йўлбарс сингари йиртқич, офтоб каби куйдирувчи бўймоқни бўйинларига олиб ўлимга боришлари зарур эди.

Кўнгиллилар ҳақиқатан ҳам танланиб-сарапланган жангчилардан иборат эди. Бош раҳбарнинг олиймақом буйругини ерда қолдирмай ижро этган ботирлар ҳамма жойда ҳам улуғ шон-шавкатга мушарраф бўлади. Эронда ҳам, шундай эди албатта.

Устига-устак, қоп-қора мўйловли, пакана, озгин қожор гуруҳга етакчи қилиб юборилаётган баҳайбат гавдали сарбознинг ёнбошида, сафда иккинчи бўлиб турди. Ундан кейин турган навкар ҳам етакчи каби бақувват бўлганлиги сабабли, икки улкан гавдали сарбоз ўртасидаги ҳалиги қожор ниҳоятда ночор-нотавон кўринарди.

Қора генерал урушдаги ҳарбийларга хос дадил қадам ташлаб, етакчи сарбознинг ёнига борди-да, қўлидаги байроқни унинг юзига теккудай яқин келтирди.

— Муҳтарам Ҳамза Мирзо Хешмуҳаммад Давланинг олиймақом буйругини кўнгилли бўлиб бажаришга кетаётган сарбоз, сенинг исминг нима?

— Ислим Ҳасан, жаноби олийлари! — Бирданига етакчи бўлиб бораётган одам учун бу номнинг қисқароқ эшитилишини англаған сарбоз олдинги жавобини яна тўлдирди. — Ҳасанхон Маҳмуд Машҳадийман!

— Ҳасанхон Маҳмуд Машҳадий, мен бу байроқни нима учун сенинг олдингга олиб келдим?

— Муҳтарам генерал! Сиз буюк байроқнинг обрўйини тўкиш мумкин эмаслигини бизларга таъкидлаш учун олиб келдингиз!

Байроқ олдига келмасиданоқ, қорни думалоқ сарбоз гапира бошлади:

— Мұхтарам сардоримиз! Мен Нусратул Али Шаҳобилхон Хуросонийман. Буюк Эроннинг юқсак байроғи жаҳондаги ҳеч бир кучнинг, ҳеч бир қудратнинг амри билан ўз жойидан туширилмайди. Ҳеч ерда, ҳеч маҳал юртнинг юз-кўзига иснод келтирилмайди. Бу байроқ борган жойида доимо голиб бўладиган энг ботир сарбозларнинг руҳига руҳ, кучига куч қўшадиган бекиёс кароматли байроқдир! Бундай улуғ байроқ остида курашга кирган сарбоз унинг руҳий кучи билан метиндай қалъя, тогдай баланд биноларни олишга...

«Иш қилишинг ҳам сўзлашинг қаби бўлса, сендан ниҳоятда кўп яхши нарсаларни кутса бўлади!» деб пицирлади Қора генерал. Байроқни унинг олдидан олиб, аллақачон учинчи навкарнинг қархисига боргандан кейин ҳам, қорни думалоқ пакана қожор ҳамон вайсаща давом этмоқда эди. Етакчи сарбоз «бўлди!» деб туртиб қўймаганда, у сайрашини ҳамон давом қилдиравериши мумкин эди.

Воқеани четда томоша қилиб турган Блоквил ўзини кулгидан зўрга тийди.

Эрон давлатининг юқсак байроғига ўзларининг вафодорликларини бир неча марта такрорлаган кўнгиллилар бош саркарданинг амалга оширилиши қийин топширигини бажариш учун дарё томонга юриш бошладилар. Ўлкан ва новча сарбозлар ичida уларнинг бир қадамини икки одимлаб босиб бораётган кичкина қожор изидан тикилиб қолган Блоквил энди кулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмай қолди.

Навкарларни жўнатгандан сўнг ҳарбийча ҳаракатдан эркин ҳолатга ўтган Қора генерал бирдан шалпайиб қолди.

Блоквил унинг ёнига келди.

— Туркманлар Эрон тўпларини яшириб, навкарларимизга ўз тўплари билан хужум қилишмоқчими, жаноб генерал?

Дарё томонга қараб турган генерал кулимсиради.

— Мана шу жойга олиб келган йигирма тўрт дона тўпимизни текин берганимизда ҳам уларга тўпдан фойда йўқ, улар тўп отишни билмайди!

— Нега бундай деяпсиз?

— Бунинг сабаби шуки, туркманлар бизнинг тўп қаердан ўқланишини билмайдилар.

Блоквил ҳам дарё томон тикилар экан, деди:

— Улар иккала тўп оғзини биз томонга ўгириб қўйишлирига қараганда, бу масалада ҳам саводлари борга ўхшайди. Агар билишмаса эди, ўлашимча, тўпларнинг оғзини биз тарафга тўғрилаб қўймаган бўларди!

Қора генерал яйраб қулди.

— Тўпнинг қаеридан ўқланишини билмасалар ҳам, ўқнинг қаердан чиқишиларини билишади-ку, ахир. Уларни гирт саводсиз деб ўйлаш тўғри эмас, жаноб капрал.

— Тўплар отилмас экан, ташвиш чекишининг нима ҳожати бор? Сиз танланган сарбозларингизни ажал комига шунчаки юбормаган бўлсангиз керак, жаноб генерал?

Қора генерал французга мугомбirona тикилди.

— Жаноб капрал, мен баъзан сизга қараб туриб, «билимлими ёки билимсиз кучлими бу одам?» деб ўйланиб қоламан. Ахир, тўп судраб келишда қурол кучини кўрсатиш эмас, балки бунда сиёсат кучини кўрсатиш устунроқ. Зоро, бу майдонга кураш майдони деб қўйишибди.

Бу суҳбатдан икки соатча вақт ўтар-ўтмас, туркманлардан ўлжа

олинган сариқ тўпларни қайтаришга кетган навкарлардан бири орқасига қайтиб келди. У қорни думалоқ, пакана қожор эди. Ўтган икки соат мобайнида бутунлай ўзгариб қолганга ўхшарди. Қоп-қора соқоллари ҳам оқаргандай, ўзи эса олдингига нисбатан шалпайиб, кўзларининг ўти ҳам ўчгандай, кексайиб қолгандай эди.

Бироқ у якка ўзи эмас экан. Икки дона сариқ тўп ўрнига у қорачадан келган бир туркман йигитини асирга олиб келганди. Қўли орқасига боғланган, йигирма беш-йигирма олти ёшлар атрофидағи ориқ туркман думалоқ қоринли қожор ўнг томонга буюрса ўнгга, чап томонга буюрса, чапга бурилиб келарди. Қожорнинг уни қандай йўл билан қўлга олганини худо билсин, бироқ қорача туркман сарбознинг барча буйругини сўзсиз бажариб келарди.

Кўнгилли сарбозлардан бирининг орқага қайтиб келганини эшитган Қора генерал барча ишларини бир четга қўйиб, келаётгандарнинг олдига ўзи пешвоз чиқди.

Қора генерал улардан:

— Тўплар қаерда? — деб сўради.

Жавоб ўрнига пакана сарбоз хўнграб йиглай бошлади. Унинг бу хотинчалиш йигиси кетган навкарларнинг орқага қайтиб келомаслигидан, ўзининг ҳам ўлимдан зўрга қочиб кутулганидан хабар берарди. Хуллас, у тўплар борасида бирон-бир хабар бера олмади. Кетганларнинг биттасида бошқа ҳеч ким орқага қайтмаганлиги эса сариқ тўплар қисмати қандай ечим топганлигига сўзсиз жавоб бўлди.

Қора генерал ҳам бунга яхши тушунди шекилли, тўп ҳақида бошқа савол бермай, асир туркманни сўроқ қилмоқчи бўлди.

Қора генерал аввал паканадан шуларни сўраб олди:

— Тўп ўрнига олиб келганинг шуми?

Сарбоз бош қимирлатди.

— Узинг тутдингми?

— Дарёдан ўтишимиз биланоқ, ҳаммамиз биргалиқда тутдик.

— Молларга хашак йигиб юрган эдим, булар қўлга олишиб, — деб, гапиргиси келгандай атрофга назар ташлаган туркман ўзига берилмаган саволга жавоб қайтарди.

Туркманни ёнбошдан кузатиб турган Блоквил ўйланди: «Тўп судраган ёғий бостириб келганда моллари учун хашак йигиб юрган одам — қанақа одам экан ўзи? Душманинг бир тарафи жанг олдидан ов-шикорга боради, иккинчи тарафи эса жанг олдидан моллари учун ўт-ем йигади. Тавба, ҳар юртнинг, ҳар бир касбнинг ўзига хос сирсиноати бор экан-да!»

— Отинг нима? — деб Қора генерал асирга қаради.

— Бир қошиқ қонимни кечсангиз айтаман.

Қора генералнинг кулгиси қистади. «Исмингни айтганинг учун мен сенинг қонингдан кечайми?»

— Айт!

— Исимм Жиянгелди. Мен туғилганимда Тажанда яшаётган Отамурод жияннинг катта ўели Юсуфберди жиян Тожжамол жиян билан бизникига меҳмонга келишган экан. Ўша вақтда улар қовун қоқи ейишга келишган экан. Шу сабабли менинг исиммни Жиянгелди деб қўйишган.

Асирнинг ҳовлиқиб-ҳовлиқиб сўзлашига Қора генерал ҳайрон қолди.

— Кўвшутхоннинг ҳол-аҳволи қалай?

— Бир қошиқ қонимни кечсангиз айтаман.

Охирги гапнинг тез-тез такрорланиб туриши Қора генералнинг

жаҳлини чиқарди. Бироқ «тентакнинг минг сўзидан бири керак» деган нақлга итоат қилиб уни тинглади. Жиянгелдининг маза-матрасиз гаплари ичидан бир муҳим маълумот чиқиши мумкин эди.

— Қонингни кечдим, сўзлайвер!

— Шу десангиз, жаноб, мен Қўвшутхон деган одамни яқиндан кўрган эмасман. Лекин олдинги кун эдими ёки ундан ҳам олдинми, унинг ёнига ахалли қариндошлардан чопар келди, дейишганди...

Генерал ҳушёр тортди.

— У қанақа чопар экан?

— Бир қошиқ қонимни кечсангиз айтаман.

— Ҳой, кечдим, дедим-ку!

Кечтан бўлсангиз, гап шу, жаноб. Ахалли қариндошларимиздан чопар келди. Йўқ, адашдим. Ахалли қариндошларимиздан чопар келгани йўқ. Қўвшутхоннинг Ахалга юборган ўз чопари қайтиб келди. Чопар — чопар бўлади-да, жаноб. Отлиқ борилади. Йўлнинг эса, ўзингиз биласиз, боши-охири кўринмайди...

Жиянгелди вайсаганича сухбат йўналишини бошқа томонга буриб юбориши аниқ бўлач, Қора генерал уни дарҳол тўғри йўлга бурди.

— Чопар қандай хабар олиб келибди?

— Чопарми? — бу гал Жиянгелди бир қошиқ қонининг кечиришини сўрамасдан жавоб қайтарди. — Чопарнинг исми Муҳаммадомон. Муҳаммад дегани Муҳаммад пайгамбар бўлади. Омон эса омон бўлсин дейилгани. Туркманларнинг исми ана шундай, бошдан-оёқ, жуфт-жуфт, қўша-қўша бўлади.

— Менга унинг номи керак эмас, қариндош! — Фигони чиққан Қора генерал дарров Жиянгелди билан қариндош бўлиб ҳам олди. — Нурбердихондан қанақа хабарлар бор?

— Нурбердихондан хабар йўқ. Лекин Ялқоб сардорнинг икки юз отлиқ навкари билан Тажан дарёсидан биз томонга ўтганини биламан...

— Ялқоб сардор деганинг ким у?

— Ялқоб сардор Боми такаларининг бош ботири...

— Тушунарли. Яна нима гаплар бор?

— Бошқа гап-сўз йўқ деса ҳам бўлади. Ҳа, айтганча, Нафас шоир одамларга газал ўқиб беряпти.

Керакли маълумотларни олдим деб ўйлаган Қора генерал асирининг орқасига боғланган қўлларини бўшатишга буйруқ берди.

— Ҳозир энди сенинг қандай хоҳишинг бор, Жиянгелди?

— Ҳозирми? — деб, асири терисига ип қаттиқ ботган қўлларини уқалар экан. — Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, айтаман.

Қора генералнинг қошлари чимирилди.

— Кечдим.

— Йиғиб кўйган ўтларимни молларимга элтишни истайман.

— Уруш бўлаётган шароитда мол, ҳашак тўғрисида ўйлаш шартмикин?

Жиянгелди юзларини буриштириди.

— Дарёning нариги томонида битта аҳмоқ хон, бу томонида битта аҳмоқ хон урушса-ю, шуларни деб менинг молларим оч қолсинми? Улар урушсалар урушаверсинлар. Бир-бирларининг кўзларини чўқийверсинлар. Менга нима?

— Сен нима учун нариги хон ҳам, бу хон ҳам аҳмоқ деб ўйлайсан, Жиянгелди? «Бир қошиқ қонимдан кечинг!» деявермасдан гапир энди!

— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, айтганингизни бажараман, жаноб. Дарёning орқасидаги хоннинг ақли бор бўлса, дарёning бу

ёғидаги хоннинг ҳам ақли бор бўлса, уруш бўлмасди, ахир. Ақли, эсли-хушли инсонлар урушмайдилар. Мана мен, ҳеч қачон ҳеч ким билан уришмайман. Чунки аҳмоқ эмасман! Мен сиз билан ҳам уришмайман!

Юзи-кўзи галати бу туркманинг гап-сўзлари тузсиз, маъносиз бўлганлиги учунми, Қора генерал теварак-атрофдагиларнинг ҳеч бири ўйламаган қарорини эълон қилди:

— Асири озод қилинглар, кетаверсин!

Шундай деб, Қора генерал туркманни масхаралаб тиржайди.

— Жиянгелдининг моллари оч қолибди. Уни кўйворинглар!

Қўли ечилиб, ўзи озод бўлса-да, асир ҳаяжонланмади. Аксинча, у чин кўнгилдан Қора генералнинг юзига тикка қаради-да, охирги илтимосини айтди:

— Менинг ўроғимни энди қай биринг тўлашни бўйнингизга оласизлар?

— Қанақа ўроқ экан?! — бу сафар асири ушлаб келган қорни думалоқ пакана қожор гапга кирди. — Биз сени тутганимизда қўлингда ўроқ йўқ эди-ку, ахир. Туҳмат балосидан, Аллоҳим, ўзинг сақлагайсан!

— Ҳашак, ўтишиб юрганимда ўроғимни қўлимдан олмадингизми? Нега ёлғон сўзлайпсиз?

Қаерда турганини эсидан чиқарган ёки шароитга фаҳми ҳамон етмаётган Жиянгелди қорни думалоқ қожорга қараб дўқ-пўписа қилди.

— Нима, сенингча, ўроқ деган иш қуроли ҳар қадамда топиладиган нарсами? Аллоҳнинг бандаси қўлидаги ўроғини зўрлаб олиб, сувга ташлаган одам — уни тўлаши керак! Бу дунёда қайтармасанг, у дунёда қайтарасан, эй пакана! Дўзах бор, пулсиrot дегани бор, ахир.

Асири кузатиб, унинг сўзларини тинглаган Блоквил, «Жиянгелди ўзини овсарликка солиб, барчанинг устидан куляяпти», деган хulosага келди.

Асирининг гап-сўзи жонига теккан Қора генерал бундан ортиғига чидай олмаслигини билдириб, қўлини силкиди.

— Тулкининг ови ҳам керак эмас, ҳиди ҳам!.. Тезроқ йўқол!

Блоквил Қора генерал айтган мақолнинг маъносига ета олмади.

Бу орада Жиянгелдини дарё томонга кузатиб қўйишиди.

28

Александр Невский, Кўвшутхон сингари энг улкан иккита урушда голиб чиққан саркардалар тарихда сийракдир...

Курбон Ваҳимиий

1860 йилда Кўвшутхон ибн Ўроздурди сардор¹ қирқ бир ёшга қадам қўйган эди.² Унинг кекса падари бузруквори доимо: «Ишонмагин молингга, маймун бордир йўлингда», деган гапни қайтарар экан. Шу сабабли Кўвшутхон маймун йилидан хавфсираб яшаган. Уша йил келганда юртда ёки шахсий ҳаётида қандайдир бир нохушлик бўлса

¹ Кўвшутхоннинг ушбу тўлиқ номи унинг муҳрига ҳам ёзилган эди.

² Кўвшутхоннинг тугилган ва вафот этган вақти аниқ эмас. Оқсоқол туркман ёзувчиларидан Б. Кербобоев, Х. Деряев, Б. Султонниёзов, Д. Холдурудиларнинг муаллифга берган маълумотига кўра, у 1819 йилда тугилиб, 1878 йилда дунёдан ўтган. Таниқли турк тарихчиси доктор Мехмет Саройнинг илмий изланишлари бўйича Кўвшутхон 1819 йилда тугилиб, 1877 йил июль ойининг охирги кунларида дунёдан ўтган (*Муаллиф изоҳи*).

керак, деб иккиланар экан. Бироқ шу пайтгача маймун йили бошқа йиллардан фарқ қилмаган, омон-эсон ўрнини бошқа йилга бўшатиб берган.

Қирқ ёш инсон учун навқирон ёш бўлиб, бу вақтда унинг ақли тўлишган, ҳар қадамини ўйлаб босадиган даври ҳисобланади. Бироқ сон бўйича ўзиникидан бир неча баравар ортиқ бўлган ёғий кучини енгмоқ учун фақат ақл-фаросатнинг ўзигина етарли эмас. Ёғийнинг қора кучи ақл-фаросатдан эмас, ўзига бас келадиган кўп сонли кучдангина орқага чекиниши мумкин. Бундан ташқари, галабадан умидвор бўлиш учун душманнинг ўз ичидан ҳам тарафдор топиш керак эди.

Қўвшутхон бундан беш йил олдин бўлиб ўтган Сарахс тўқнашувида ҳам жуда хавотир олган эди. Бироқ у вақтда Муҳаммад Амин қўшини сафида саккиз минг нафар ёвмут туркманларига бош бўлган саркарда Омонниёз сардор бор эди. Омонниёз сардор Қўвшутхон маслаҳати билан ўз йигитларини гўё енгилди ҳисоблаб, жанг майдонидан қочган, бу билан Муҳаммад Амин қўшинининг жанговар руҳини тушириб, асосий кучнинг белини синдирган эди. Бироқ бугун қожор қўшинлари ичida Омонниёз ёвмутнинг тадбиркорлигини такрорлайдиган, бу ишга бош қўшадиган бирорта ҳарбий раҳбар йўқ.

Қўвшутхонга етиб келган маълумотларга кўра, Марвга ҳужум қилаётган ёғий қўшини ичida ҳатто ҳозир хурносонлик туркман қабилалари — ҳазратлар, туморларнинг ҳам ҳеч бири қатнашмаётганди. Улар Марв юришида иштирок қилишдан мутлақо воз кечишган. Шунинг учун бу сафар Қўвшутхоннинг олдида фақат бир йўл қолган — бу ҳам бўлса, оз куч билан улкан кучни енгиш! Бундай галабани орзу қилиш осон-у, аммо амалга ошириш мушкул. Фалаба орзусининг хаёлий лаззати-ю, ҳақиқий аҳволнинг жабр-ситамлари орасида қаттиқ сиқилган Қўвшутхон энди бўлажак ҳаракатларини ҳисоб-китоб қилиб кўрди. Унинг кўз ўнгидан туғилган юрти Ахал, болалик йиллари ўтган Этрек қальласи, киндик қони томган қишлоғи, навқирон йигитлиги ўтган Сарахс шаҳри бирин-кетин жонлана бошлади. Яхши кунлари эста тушганда чиройи очилди, ёмон кунларни эслаганда эса қошлари уюлди.

Бир пайт у «Астагфуруллоҳ!» деди-ю, ўзи билан ўзи гаплаша бошлади. «Инсон деган бандай мўмин ўлимидан олдин болалигини эста олар эмиш, ўтмишини кўз ўнгига келтирадар эмиш дейишар эди, балки бугун мен ҳам...»

Дарҳақиқат, бу кунлар — Қўвшутхоннинг умридаги охирги муддати бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Зеро, шароит ҳам шунга томон етакламоқда. «...Сен дунёдан ўтганинг билан туркман қавми дунёдан изсиз йўқолмайди. Бегуноҳ бола-чақалар умри узоқ бўлади, иншооллоҳ...»

Шу кунларда қожорларнинг туркман тупроғига энг даҳшатли ҳужуми юз беришини Қўвшутхон ички бир туйгу билан сезмоқда. Бугун хоннинг ҳам, бутун така уругининг ҳам орзу-истаклари ушалиб ғалабага умид уйгониши ёки қисмати номаъқул рўй бериб, ғам-ҳасрат оламига тушиб қолишилари мумкин. Чунки туркманларни шу ҳолатга туширадиган ёғийнинг йигирма тўрт дона сариқ тўпи Мурғоб дарёсининг чап қирғогидан ўнг қирғоққа олиб ўтилади, ҳозир улар такалар устига ажал уругини сочиш учун буйруқ кутмоқда эди.

Қўвшутхоннинг асосий мақсади — ёғий билан оралиқдаги бош чегара бўлган Мурғоб дарёсининг ўнг қирғогини эронликларга бермаслик. У тўп ўқларининг ушбу чегарани бузмаслигига чора

тополмаса-да, Эрон сарбозларининг дарёдан ўтишларига қарши куч топа оламан, деб ўйларди. Шу мақсад асосида уч катта гурухга бўлинган така қучларининг улкан қисми дарё қирғоғига яқин ерда жойлаштирилганди.

Улуг хон кенгашчилари ва тансоқчилари билан сарбозларнинг жанговар ҳолатини кўриб чиқди. Хива хонидан ўлжа олинган икки дона сариқ тўп турган жойгача боришди. Қўвшутхон бу тўпларни ҳар куни бир марта шахсан ўз кўзи билан кўриб, текширмаса, кўнгли жойига тушмасди.

Хива хонидан қолган бир жуфт тўп Қўвшутхоннинг маҳсус кўрсатмаси билан бунёд этилган узун қум тепаликнинг устига ўрнатилган эди. Ушбу сунъий тепаликнинг баландлиги беш-олти кулочга teng эди.

Икки тўпнинг ҳам сақланишига боши билан жавоб берадиган — бу Чебшек ботир Қурбонменгли ўғли. Унинг ёнида тўп отиш усулини маҳсус ўрганган зеҳни ўткир йигитлардан ўттизга яқини бор. Қожорлардан эса фақат икки тўп эмас, харвор-харвор¹ дори, тўп ўқлари ҳам ўлжа тушди. Бу тўплар ва ўқ-дорилар бебаҳо ахалтака отлари сингари кўз қарачифидай кўриқланмоқда эди.

Қўвшутхон сариқ тўплар турган тепаликка ҳали этиб ултурмаёқ, шоша-пиша, тез-тез юриб келаётган йигит тансоқчилардан ўта олмаслигига кўзи етгач, уларга яқин жойда тўхтади-да, баланд овоз билан:

— Хон оға, тўққиз нафар қожорни қўлга туширдик! — деб қичқирди.

Бу ҳабарни эшитган улуг хон тансоқчиларга қараб қўлини силкиди:

— Йигитни ўtkазib юборинглар!

Хон ёнига боришга рухсат берилган бўлса-да, ҳабар келтирган йигит беш-олти қадам оралиқда тўхтади. Қўлга тушганлар — «Қожор тўпларини орқага қайтариб келинглар!» деган буйруқни бажариш учун келган сарбозларнинг бир қисми эканлиги, улар ўзларининг қандай мақсад билан келганини бўйнига олганлигини йигит улуг хонга билдириди.

— Қўлга тушган эронликларнинг етакчисини ўзимиз билан бу ёққа келтиридик! — деди йигит орқа томонга ишора қиларкан хон ўша томонга қараб:

— Асиран сўра-чи, ораларида тўпчи бор эканми?

Қўвшутхоннинг саволи форсчалаб сарбозга, унинг жавоби туркманчалаб, улуг хонга етказилди.

Қўлга олинганларнинг орасида уч нафар тўпчи бор экан.

Қаноатланган Қўвшутхон:

— Жуда яхши! — деди. — Худойим деганга Худонинг ўзи етказар экан!.. Чебшек ботирни бу ерга чақиринглар!

Чебшек ботир етиб келди.

— Аҳволинг қалай, ботир?

— Ҳаммаси кеча кўрганингиздай, хон оға, тайин! Зарур фурсат келса гумбурлатаверамиз!

Хоннинг юзи жиддийлашди.

— Чебшек ботир! Менга ширин ёлғондан аччиқ ҳақиқат керак. Қўнгилга шунчаки таскин берадиган гапларни чеккага улоқтири... Йигитлар сенга ёрдамчи олиб келишибди. Сени шунинг учун бу ерга чақиридим.

¹ Х а р в о р — бир эшак кўтара оладиган юк, таҳминан 300—350 кг. (*Муаллиф изоҳи.*)

— У қанақа ёрдамчи экан, хон ога?

— Хув анави бақуват қожорни кўряпсанми? Ўша сарбоз тўпчи экан. Яна унинг иккита шериги ҳам тўпчи эмиш. Сен уларнинг сирасорларини текшириб кўр-да, яна бир бор ўз тайёргарлигингни ҳам кўздан кечириб кўй. Иш маррага келганда «воҳ» деб тиззангга уриб турма.

— Фаҳмладим, хон ога!

Чебшек ботир асир олинган эронликлар томон жўнади.

Қожор тўпларининг Хива хони тўпларидан тафовути йўқ эди. Шунга қарамай ҳушёрликни қўлдан беришни истамаган Қўвшутхон уларни қожор тўпчилари қўллари билан ҳам текшириб кўрмоқчи эди...

Қораёпга қочқин бўлиб келган Марв ҳалқининг барчаси қалъанинг ичиди эмасди. Чунки қалъада уларнинг ҳаммасига жой ҳам етмасди. Жой бўлган тақдирда ҳам одамларнинг асосий қисмини қалъада йиғиш фикрига бутунлай қарши бўлган Қўвшутхон бунга асло йўл бермасди. Зотан, улуғ хон кўрсатмасига мувофиқ қариялар, бола-чақа, жангда ёрдами тегмайдиган хотин-қизлар Қораёпдан узоққа, душман оёғи етмайдиган Қорақумнинг етти барханидан нарига жўнатилган эди. Уларни қўриқлаш, ичимлик суви билан таъминлаш учун маҳсус кишилар тайинланган эди.

Шу тариқа ичкарида ҳам, ташқарида ҳам ёғийга қарши қураша оладиган такалар қолган Тангрибердибек қалъаси бутунлай ҳарбий кўрғонга айлантирилди.

Барча жанговар чиникишлар, ҳамма тайёргарликни оз ҳисоблаган Қўвшутхоннинг буйруги билан ҳали қожорлар Қораёпга келмасиданоқ қалъанинг атрофига ҳовуз қазилди. Мингларча одамнинг кеча-кундуз қўлда белкурак билан ишлаши натижасида қазилган ҳовузнинг чукурлиги одам бўйича, эни эса ўн қадамдан иборат эди. Асосий қум ва тупроғи қалъа девори томон чиқарилган ҳовуз икки кун олдин сув билан тўлдирилди.

Душман ўз ҳужумини шу кун ичиди амалга оширса керак, деб тахмин қилинди. Шу сабабли эрта тонгдан оёққа қалқиган такалар бир неча юз метр узунлиқдаги ҳовуз сувига сомон сепишни бошлаган эдилар.

... Тўпчи йигитлар ёнида Омонсахат сардор ҳам бор экан. Айланиб келиш сардорга маҳсус топшириқ қилиб топширилмаган бўлмасада, унинг бу ерда эканлигини кўрган Қўвшутхон ниҳоятда хурсанд бўлди.

Хол-аҳвол сўрашилгандан кейин, шундай қылгани учун кучи янада ортадигандай, улуғ хон сариқ тўпларнинг зирҳини кафти билан сийпалаб чиқди. Оғир хаёлга чўмди. Унинг бир нуқтага тикилганча жим бўлиб қолганидан ташвишланган Омонсахат сардор:

— Хаёл отига миниб қолдингизми, хон ога? — деди.

Хон жавобга шошилмади. Узоқ фикр қилгач:

— Тўғри айтдингиз, сардор! — деди бошини қимиirlатиб. — Оч товуқ тушида ҳам дон кўриб чиқар эмиш...

— Бу билан нима демоқчисиз? — деб хоннинг кўнглида нима хаёл борлигини билишни истаган сардор унга савол назари билан қаради. — У дондан биз ҳам татийлик!

— Э, бу тушга кирса-да, оғзингизга кирадиган дон эмас, сардор. Ўтмишни бир эсга олдим-да...

— Масалан? — Омонсахат сардор қўлларини бир-бирига ишқалади.

— Ҳали Нодиршоҳ таҳтга чиқмасдан олдин Марвда иккита тўпхона бўлган экан, сардор. Тўп ясадиганлар писта ёғочини, дараҳтнинг

шохларини ёқиб, мис эритишган. Тўпга ўҳашаш ва туюнинг хўвудига¹ боғлаб отиладиган ўзига хос яргни эскилар ясашган. Номини ҳам «Сопбўзан» деб аташган. Кичкина тўп бўлган-да...

— Ҳозирги ҳам ўша сопбўзандан бўлса эди, деб фикр қиляпсизми? Улуг хоннинг юзи қизариб кетди.

— Тўгрисини айтсанм, ҳозир ўша қуролдан ҳам ўн дона бўлса эди деб орзу қилгандим, сардор.

— Афсусланманг, хон оға! Аллоҳ бизни қўлласа, боримиз билан бозор қилаверамиз!..

Тўпларнинг ёнидан қайтган Қўвшутхоннинг йўли қалъанинг жанубий қаноти томонида ишлаб юрган «сомончи»ларнинг ёнидан ўтди. Қоп-қоп келтирилиб турган сомонни паншаха билан сув устига сепиб юрган қария қўлидаги қуролини ерга санчди-да, хон билан саломлаши.

— Таканинг молини бу йил қиши гамидан маҳрум қилдинг-ку, хон ўслим, — деб қария қулимсиради.

Қўвшутхон ҳам унга жилмайиб жавоб берди.

— Таканинг жони омон бўлса, моли учун қишки ем-хашагини, албатта, топади, оғам! Туркманинг чўли кенгdir. Аллоҳ ўзимизни омон қўйса, молимиз ҳам омон қолади.

— «Фарқ бўлаётган хашакка ёпишар» қилар экансан-да, бизни унда? — деб, қария синиқ овозда гапирди.

Унинг бу сўзи хонга ёқмади. Улуг хон юзи дарҳол жиддийлаши.

— Йўқ, оғам, туркман хашакка ёпишмайди. Ишни сомон тагидан сув юборгандай қиласи.

— Бу гапинг рост сўз бўлди, хон ўслим, — деб, қария бошини қимиirlатди. — Сомон тагидан сув юборилса, ками қолмайди...

Шу пайт кутилмаганда юз берган бир воқеа одамларнинг дикқатини ўзига тортди. Дунё ташвишини, одамларнинг гап-сўзларини сезищдан маҳрум бир ҳангى эшак ўзининг ҳаром нафсини қондириш мақсадида дарё тарафдан олдига урочи эшакни солиб қалъа томонга қувлаб кела бошлади.

Қочиб келаётган эшак худди Қўвшутхонлар турган жойга, ҳовуз чеккасига етди-да, ё олдида юзи сомонли, таги сувли ҳовузнинг борлигини сезмади, ё сезса-да, ўзини ёнбошга ололмай, хуллас, сомонли сувга ағдарилиб кетди. Уни қувалаб келган эшак эса таққа тўхтаб қолди. У ёнбошга ўтди-да, тумшуғини осмонга қаратганча, кенг майдонга чопқиллаб кетди.

— Ҳай, тушмагур! — деб, Қўвшутхоннинг ёнида турган қария бошини қимиirlатди. — Эплай олмадинг-ов!

— Ўзингиз ўшанинг ўрнида бўлсангиз, нима қилардингиз? — деб Қўвшутхон қария бу вақт мутлақо кутмаган савонни берди. — Изингизга қайтармидингиз ёки «Ё сув, ё сомон!» деб сакрармидингиз?

— Эй, хон ўслим, ўзим ҳам ўша ҳангى эшакдайман-да! — деб, тўгрисини айтган қария астойдил хоҳолаб кулиб юборди. Сувга йиқилган эшак гоҳ чўмиб, гоҳ чиқиб, ҳовузнинг бу қирғоғига етди. Бироқ тикка қирғоққа тирмаша олмади. Қанча ўжарона ҳаракат қилмасин, натижа чиқара олмай сувга қайта думалайверди.

Кулоқлари, бўйни, боши нам сомонга булганиб, сувда бўккан сичқонга ўҳшаб қолган эшак уруш ташвишлари билан қошлиари уйилган, қовоқлари солинган одамларнинг бирваракай қаҳқаҳасига сабабчи бўлди. Жўшқинли йигитлар текин ҳангомага томошабин

¹ Х ў в у д — тўп юклаш учун ясалган гилдиракли мослама.

бўлиб, шовқин-сурон солиб кула бошлаши. Ниҳоят, эшак бўйнига ҳалқасимон ип илдирдилар ва уни биргалашиб сувдан қиргоқча чиқаришди. Бутун танаси сомон ва суюқ лой илашган ҳамда сув сирқиб турган эшак бирмунча вақт томошабоп маймундай жим турди.

Халқ қаторида кулгига қўшилган Кўвшутхон гапирмай тура олмади.

— Сомон тагидан юборилган сув қанақа бўлишини кўрдингизлар-а?!
Мазза қилдингизларми?

Хоннинг ёнидаги қария соқолини сийпалади.

— Балки, қожорларга ҳам шундай маза берар?!
— Илоҳим, фаришталар омин десин! — деб, хон ўз йўлига юрмоқчи бўлганди, қария унга деди:

— Бояги ҳайвондан кўрдикки, ниятимиз ҳосил бўладиганга ўхшайди. Одамдан амал-тадбир қочиб қутулмайди, дейишарди, рост чиқди-ёв, хон ўғлим.
Кўвшутхон:

— Аллоҳнинг иши ҳам шайтонсиз битмаган, оғам, — деди.

Узоклаша бошлаган хон кўрмаса-да, қария унинг фикрини маъқуллаб бошини қимирлатиб қолди.

— Ҳа, шундай. Шайтонни унинг мақр-ҳийласидан фойдаланиш учун яратишган. Бошқа нима ҳам яратиш мумкин...

Қалъя ичига кирган Кўвшутхон бир нарсаларни болгалагандай тарақа-турӯқ овоз чиққан томонга юра бошлади. Яқин борган хон бир гуруҳ болға тутган одамларнинг ўз ишлари билан қаттиқ банд эканлигига гувоҳ бўлди. Эркакларнинг ёнида аёллар ҳам бор. Аҳвол мушкуллиги маълум эди. Усталар, болғали темирчилар қуролсизларни яроғлантиromoқда. Улар ясадиган қуролнинг нималардан иборатлиги хонга олдиндан маълум — қўй жунини оладиган маҳсус қайчи, гиламчиликда ишлатиладиган пичоқ, учи ўтқир темир паншаха. Хуллас, қаттиқ урганда қон чиқадиган қуроллар.

Бир устанинг ёнидан ўтаётганда Кўвшутхон тўхташга мажбур бўлди. Уста турмушга чиқмаган ёш қизларга атаб ясалган дўпписимон кўринишли кумуш бош кийимдан найза тайёрлаётган эди. Унинг олдида юзи-кўзи жиддий, қовоғи солиқ ёш келин турарди. Кўвшутхон кумушсимон бош кийимини шу келинчак олиб келган бўлса керак, деб ўйлади. Яна бир неча дақиқалардан кейин бош кийимининг нимага айланishiни кўз олдига келтирган хоннинг юраги орзиқиб кетди. Учи ўтқир кумуш оддий таёққа ўрнатилгандан сўнг — найзасимон яроққа айланарди.

Буни кўрган Кўвшутхоннинг «Тўхтанг, уста!» деб юборишига сал қолди. Аммо юрак амрини ақл тўхтатди. Ҳа, олдин қора соч устида турган қиз-жувонлар тақинчоги — бугун ўша чиройли қора сочли бошларни ўлимдан олиб қолишда қурол бўлиб душман кўксига санчилажак!

Шуларни ўйлаган Кўвшутхон тақинчоқни қуролга айлантираётган устанинг ҳам, тақинчогига қараб юраги эзилаётган келиннинг ҳам ёнидан нафасини чиқармай ўтиб кетди. Қадам ташлар экан, улуг хон ўзининг ёшлигини кўз олдига келтирди. Тақинчогини уруш қуролига айлантирган ёш келин ҳозир уни тақиб юрган баҳтли кунларини ўйлаётган бўлса ҳам ажаб эмас...

Олдинда яна бир гуруҳ аёллар ва ўн уч-ўн тўрт яшар ўсмирлар тўдаси кўринди. Уларнинг барчалари қўлида юпқа дока ушлаб олишган эди. Улар, Калхон капала тили билан айтганда, «чанг-тўзончилар» деб аталарди. «Чанг-тўзончилар» юпқа дока билан юз-кўзларини ўраб, душман ҳужум қилганда уларнинг олдида чанг-тўзон кўтаришлари

керак эди. Бу — Кўвшутхоннинг олдин бўлиб ўтган жангларда синалган ҳийласи: жадал югуриб келаётган отлар чанг-тўзонга киргач, оёқларини қаерга, қандай босишларини билмай, карахт бўлиб, бир-бирларини уриб-босиб кетишлари учун...

Ўша ерда Кўвшутхон Панжибой билан тўқнаш келди. Бой улуг хоннинг саломини жавобсиз қолдирмади. Бироқ саломга олдингилардай алик олмаганлиги бойнинг товушидан сезилди. У ёшининг анча улуғлигига қарамай ҳол-аҳвол сўрашини насия қилиб, ўз йўлига юрмоқчи бўлганида хоннинг ўзи ундан яна аҳвол сўради.

— Бой оға, қаттиқ ҷарчаган кўринасиз? Тинчликми ўзи?..

Панжибой тўхташга тўхтади-ю, хоннинг юзига қарамай сўз бошлади:

— Шу маҳалда тинч ётган такани топиб бўларканми?!

Кўвшутхон саволининг ўринисиз бўлганини тушунса-да, қулай фурсатдан фойдаланиб қолмоқчи бўлди:

— Ўнгдан-чапдан келган гап-сўзнинг ҳийласига алданиб, ўша куни сизни сал ранжитгандай бўлдим, бой оға?

— Шуни тан олганингиз ҳам мардлик, улуг хон. «Ҳечдан кўра кеч яхши», деган нақл бор.

— Мен-ку гуноҳимни бўйнимга олдим, энди сиз ҳам ўша гуноҳни кечсангиз бўларди, бой оға?

Панжибойдан кўп вақт садо чиқмади. Ниҳоят, суҳбатдошининг юзига қараашни яна хоҳламагандай ёнбошга қараб гапирди.

— Юрт бошлиғи бўлган одам ўнгдан-чапдан келган гап-сўзни эсиб ўтаётган шамол, деб қабул қилиши керак эмасми, улуг хон?

— У гал бир шундай бўлди, — деб, Кўвшутхон айтмоқчи бўлган фикрини тополмаётгандай чайналди. — Ҳа демасдан ҳам отга чиқиш мумкин, бой оға. Бу ҳам бир қисмат... Энди сиздан хафа бўлиб кетсан, ёки сиз мендан рози бўлмасангиз, яхши бўлмайди-да, бой оға.

Шу пайтгача бир қанча баҳс-мунозараларда қатнашиб келган Панжибойни хоннинг бу сўнгги сўзлари ўйга толдирди. Отга мингандан омон кетиб, орқасига қайтариб келтирилган йигитлар унинг кўз олдида жонланди. Ана шу ҳам бойнинг юраги бўшашмоғига сабаб бўлди.

— Бир гуноҳдан эр киши ўлмас, улуг хон! Ишларингизда ривож бўлсин! Аллоҳ барчамизни, хусусан, такага бош хон бўлган сизни паноҳида асрасин!

Кўвшутхоннинг руҳида енгиллик пайдо бўлди.

Қалъя ўртасидаги тепалик устида турган ўн-ўн икки нафар ёшулли такалар атрофига мингларча одам жамланганди. Муллалар, ботирлар, оқсоқоллар навбатма-навбат тепаликка чиқиб, дилида борини тўкиб солишар, Аллоҳга ҳамду санолар айтишар, йигитларни ота Ватан, она юрт тупроғини қўриқлашга чорлашарди.

Кўвшутхон тепаликка яқинлашганда, кимдир шеър ўқимоқда эди:

... Қожсорбекдек, Дурди хондек полвонлар,
Сизларга зўр достон ёзгандир кўнглим!

Бу сатрларни ўқиётган ёқимли овоз — шоир Мулланафасга тегишли эди.

Кўвшутхон тепаликка чиқмоқчи бўлганида унинг ёнида Чебшек ботир пайдо бўлди.

— Хон оға, буюрганингизни бажардик, — деб, у хонга ахборот беради. — Қожор тўпларининг махфий сири йўқ экан. Ўша

ўзимиз билгандай оддий тўп экан. Аммо, тўпчи асиirlарнинг айтишига кўра, бугун пешиндан сўнг ёки эрта тонг билан эронликлар ҳужумга ўтишар эмиш...

Қўвшутхон:

— Менинг тахминим ҳам шундай эди, — деганича тепаликка чиқа бошлади.

Тепалиқдагилар бош хон келиши билан, унга хурмат сақлаб, бир томонга сурилдилар. Қўвшутхон олдин Тожкўк сардор, кейин Абдулла эшон билан алланималар тўғрисида пичирлашиб олишди. Шундан кейни бошдан-оёқ оппоқ кийинган Эсон охуннинг ёнига борди.

Хоннинг кейинги ҳаракати Абдулла эшонга ёқмади шекилли, унинг юзларида ўзгариш пайдо бўлди.

Сайдмуҳаммад эшон дунёдан ўтгач, мулла-муфтилар ичидаги Қўвшутхонга энг яқини Абдулла эшон бўлиб қолганди. Катта йигилишларда, оқсоқолларнинг долзарб масалаларни ечадиган маслаҳатларида Абдулла эшон ҳамиша бош хоннинг ёнбошида ўтиради. Бироқ Муҳаммад Амин билан бўлиб ўтган урушдан кейин Эсон охуннинг Хива туркманлари орасидан қайтиб, такалар ичидаги ўрнашиб қолганлиги Абдулла эшонга маъқул келмади. Икки нафар диний ва дунёвий билимлар бўйича моҳир устоз бўлган бу одамлар орасида кўзга кўриниб тургудай зиддият бўлмаса-да, Эсон охун пайдо бўлган жойда Абдулла эшоннинг юзи-кўзи ўзгариб кетаверарди.

Бундай ҳолатнинг аниқ сабаби бўлмаса-да, охуннинг тарафдорлари бунинг сирини Эсон охуннинг билим даражаси Абдулла эшоннидан бироз баланд бўлганлигига, деб билардилар.

Абдулла эшон тарафдорлари эса, бу зиддиятни Эсон охун Муҳаммад Аминхон қарамоғида яшагани, унга ёрдам берганлиги билан боғлашарди. Айрим тили ботирлар: «Эсон охун — Хиванинг Марвга маҳсус жўнатилган хабарчиси», деган маълумотни ҳам тарқатишган.

Нима бўлганда ҳам, Қўвшутхон Эсон охун ва Абдулла эшон иккаласига ҳам баб-баравар муносабатда эди. Ҳар иккаласининг хурматини эл-юрт олдида баланд тутарди. Шундай бўлса-да, Абдулла эшоннинг нафаси билим даражаси юқори бўлган Эсон охундан пастроқ эканлигини хон назарга олганга ўхшарди. Чунки хон Куръон, дуо ўқишида илк навбатни Эсон охунга берарди.

Эсон охун ва Абдулла эшон Қўвшутхонга жамоа олдида сўзлашга ижозат берганликларини имо-ишора билан билдиришди. Қўвшутхон фақат шундан кейин турган жойидан сал олдинга силжиди. Хон олдинга силжигани билан сўз бошлашга ултурмади. Пастда одамларга белбоғлик тарқатиб юрган уста Бозиргоннинг тепаликка яқинлашганини кўрган Қўвшутхон:

— Уста Бозиргон, бизнинг ҳам сарпо улушимизни бермайсизми?
— деб юқоридан ҳайқирди.

Қўнғир рангли ипак рўмол тўла тугунни қўлтиқлаган уста Бозиргон тепалик устида ҳозир бўлди.

— Белбоғдан юз ўғирган борми? — деб, Қўвшутхон унга яна савол берди.

— Юз-кўзи, қўл-оёғи соғ одамлар ичидаги ҳозиргача белбоғдан юз ўғирганга дуч келмадик!

Биринчи навбатда урушга кирадиган такалар белларига ўша белбоғни боғлашлари керак эди. Улашилган белбоғларнинг барчаси бир хил рангда. Бу усул душман билан жангда аралаш-қуралаш бўлиб кетганда ёки юзма-юз қиличбозликка киришганда ўзингникларни душмандан фарқ қилиш учун ишлатиларди.

Уста Бозиргон ипак белбоғларнинг бирини хоннинг қўлига тутқазди.

— Қиличингиз кескир бўлсин, эй улуг хон!

Уста Бозиргон тепалик устида турган одамларнинг бир нечасига белбоғ улашди. Қўвшутхондан сўнг белбоғ Мулланафастга ҳам етди. Энг охирги белбоғни уста Бозиргон ўз белига боғлади.

Чап қўлида белбоғ тутган Қўвшутхон қуи эгилди-да, ўнг қўли билан ердан бир сиқим тупроқ олди. У тупроқ тутган қўлини баланд кўтариб жамоага қаради.

— Ҳурматли жамоа! Азиз эл-юртим одамлари! Насриддиншоҳ навкарлари мана шу она тупрогимизни қўлимиздан тортиб олмоқ учун бизнинг устимизга тўп судраб келди. Кимда-ким шу тупроқни қўлимиздан чиқишини истамаса, қиличга ёпишсин! Кимда-ким ота юртини етим қўйишни истамаса, қиличга ёпишсин! Ватан деб аталган туйгу — инсоннинг ўзири, оёги тагидаги тупроқдир, инсоннинг ору номусидир! Кимда-ким ўзини, тупрогини, ору номусини, онаси-синглисини, хотин-қизини қўриқлашни истаса, қиличга ёпишсин! Сиз мени душмандан ҳалос қилманг, Ватанни ёғийдан ҳалос этинг! Кимда-ким мендан гина-кудуратли бўлса, ҳисоб-китобини эртага қўйсин. Ҳеч кимнинг Ватандан гина қилишга ҳаққи йўқ. Ватанга гина сақловчи — номард кишидир!

Эй, азиз одамлар! Биз бирорнинг тупрогини топташ учун отга чиқмаяпмиз. Биз инсон боласининг бошини олиш учун қиличга ёпишмаяпмиз. Биз она тупрогимизни душманга бермаслик учун отга миняпмиз. Биз бола-чақамизнинг бошини омон қолдириш учун қиличга ёпишяпмиз. Така туркманларига хон қилиб сайлаганингиз мен — Қўвшутхон ибн Ўроздурди сардор, шу тупроқ учун қора бошимни фидо қиласман деб, сизларни ишонтираман. Шу азиз тупроқ учун бошини жон фидо қилишга барча така баҳодирларининг ҳам тайёр эканлигига мен ишонаман! Марднинг жойи — жаннат, номардники — дўзах бўлсин! Номард кишини эл-юрт лаънатлайди, бола-чақа лаънатлайди. Номардни она юрт тупроғининг оху-фарёди жазолайди! Мард бўлинг, ботирларим, мардона бўлинг, сарбозларим!

Хоннинг жўшқин сўзидан кейин кўп минг кишилик жамоа ҳам ҳаракатга келди. Қўнғир рангли белбоғлар одамларнинг белига ўралди.

Эсон охун Абдулла эшонга қараб, боши билан имо қилди. Абдулла эшон ҳам ўз навбатида оғир курашда туркман ботирларига Яратгандан куч-қувват тилаб, дуо қилиб, қўли билан «Омин» ишорасини қилди.

Эзгу тилакка қўшилган мингларча қўллар Абдулла эшоннинг ҳаракатини такрорлади.

29

Бугун форслар 1500 марта, туркманлар эса 200 марта тўп отдиilar. Мен умрим давомида бундай ҳаёт-мамот жсангини кўрмаган эдим. Икки томондан ҳамто қўли яргисиз одамларнинг ҳам муштлашувга кирган фурсатлари бўлди. Аёвсиз кураш қуёш ботгунча давом этди.

*Саид Муҳаммад Али ал-Ҳусайнӣ,
«Марв жсанги» асаридан*

Форсларнинг туркманлар орасидаги жосусининг хабари тўғри бўлиб чиқди. Ўн бешинчи сентябрь куни такалардан элчи келди. Элчилар гуруҳига Сафаракхон раҳбарлик қиласарди. Сафаракхон ёнида олдин

қожорларда асирикда бўлган бир неча оқсоқол ҳам бор эди. Мұхаммад Ҳасанхон ҳамда Новвот Ҳасан ал-Султонлар билан илгаридан яхши муносабатларда бўлиб қелган оқсоқоллар улардан раҳм-шафқат умид қилиб келишган эди. Бироқ бошланган урушнинг шафқатсиз олови раҳм-шафқат дараҳтини томир-томиригача куйдирив ташлаган эди.

Эрон томонининг Сафаракхонга берган жавоби қисқа бўлди. Элчиларни қабул қилган Ҳасанхон туркманларнинг ваъдаларига асло ишонмаслигини билдириди. У, агарда такалар Эроннинг асосий шартига тўла рози бўлмасалар, Мурғоб дарёсини юқори қисмдан бўғиб, сувини саҳрода оқизишга киришишини уқтириди.

Агар бу иш амалга ошса, чучук сувдан маҳрум бўлган такалар мол-ҳоллари билан ҳалокаттаги гирифтор бўлардилар. Шу сабабли улар ёки шартга рози бўладилар, бўлмаса, Хива хонлиги томонга қўчишга маҳкум бўлардилар. Сўнгги шарт ҳам такаларни қаноатлантирумасди. Охир-оқибатда шу нарса маълум бўлдики, даъвонинг чўзишишини бир йўл — уруш йўли билангина ҳал қилиш мумкин эди.

1860 йилнинг 16 сентябрь куни тонгги соат тўртларда Эроннинг улкан қўшини олга қараб қўзгалди. Қожорлар дарё қирғонини ёқалаб такалар қўргонига яқинлашиб келдилар. Қўшиннинг олдинги сафи тўхташи лозим бўлган чегарага етиб келди. Бу жой Жайронтепанинг ёнгинаси эди.

Қожорлар Жайронтепага ўрнашиб, қўргонни тўп ўқига тутишлари керак эди. Шу билан уруш ҳам ниҳоясига етиши кутилаётганди.

Йигирма тўрт дона сариқ тўпнинг қудрати туркманларни ер билан якson этиш керак эди. Ёки бўлмаса, осмондан ёғдирилган, кўз кўриб-қулоқ эшитмаган даҳшатли тўп ўқларининг портлашларидан сўнг, агар тирик қолса, Кўвшутхоннинг шахсан ўзи така оқсоқоллари билан Эрон давлати кўйган барча шартларга кўниб, таъзим билан келиши шарт эди.

Учинчи йўл йўқ эди.

Сариқ тўплар гоҳ кетма-кет, гоҳ ҳаммаси бирданига наъра торта бошлади. Теварак-атроф тоғ дарасига айланиб, ўша дарадаги ҳамма йўлбарслар бўкираётгандай овоз оламни босиб кетди. Тўпларнинг оғзидан чиқиб, осмонга қўтарилган қора тутун тоғ қояларигача қоплаб олди. Йўлбарслар ўкириги қояларга урилиб, қўрқинчли акс садо бера бошлади. Ёруғ оламдаги тирик жонзотларнинг ҳаммаси оч йўлбарсларнинг ўткир тищлари остида парчаланаётганга ўхшарди. Тўп оғзидан чиққан қора тутундан кўзи ачишган тўпчиларнинг қорачиғи ёшга тўлди, қулоқлари том битиб, ҳеч нарса эшитмайдиган ҳолга келди. Тўп даҳшати икки соатча давом этди. Дарёнинг нариги томонидан тўхтовсиз чанг-тўзон кўтаришлар, буйруқ ва даъват, бақириқ-чақириқ саслари чанг-тўзондан ҳам, тўп овозларидан ҳам баланд эди.

Кўзини аччиқ тутундан, қулоғини, миясини — қақшатқич қалдироқдан, бу товушлар ичидаги янграган «Ё Али!» деган ингичка-йўғон овозлардан ўзини сақлашга ҳаракат қилган Блоквил қовоқларини бир амаллаб очди. Очди-ю, олдинда тоғдай тутун босган қоронгиликни, қоронгилик ичидаги Машҳаддан Марвгача ўтган қирқ беш кунлик йўл давомида ҳар куни кутган хавфли жангга шу бугун, худди ҳозирининг ўзида дуч келганлигини англади. Ҳозир хаёлида, тушларига кириб чиққан қип-ялангоч жинлар, ажиналар сариқ тўплар гумбурлаши тўхтагач, қора тутунлар ичидан чиқиб келадигандай эди. У шу даражада гангиди, ҳолдан тойган эдикни, Марв жангини қоғозда жонлантириб тасвирилаш учун Франциядан кўтариб келган асбоб-анжомларию қоғоз-дафтарини боши тагига қўйиши билан, шу лаҳзада

пинакка кетди...

Артиллерия саркардаси Наввоб Жаҳонсўзниң берган ҳисоботи бўйича икки соат давомида харвор-харвор ўқ-дори ишлатилган, атрофни ларзага солиб бир минг беш юз марта сариқ тўплардан ўқ отилган. Бироқ бу ўқлар, пахтавон ўқлар сингари, нишонга бориб етмаган. Дарҳақиқат, қузатувчиларниң айтишича, тўп ўқи тезлигини синаған мутахассисларниң олдинги тахминлари ҳаётга татбиқ қилинмаган, яъни тўплар фақат ваҳимали овоз чиқарган, холос, шундан бошқа нарсани амалга ошира олмаган. Бир минг беш юз марта отилган тўп ўқларининг биттаси ҳам такалар қўргонига бориб етмаганлиги офтоб чиққанидан сўнг аён бўлди.

Эрон тўпларининг қуруқ ҳайбатидан сўнг, нариги қиргоқда такаларниң жанговар кўтаринкилиги сезила бошлади. Қўргон олдиғаги баландликка қўйилган бир жуфт тўп атрофида такалар ғимирғимири кучайгандан-кучая бошлади.

30

Туркманлар сағга туришини билмасалар-да, бир-бирларини тез ва аниқ тушунишарди. Улар таваккалчилик қилишимас, яқин масофада туриб жсанг қилишидан қочишарди. Така туркманларининг уруши ҳийлаларига қарши эронликлар ҳеч қандай чора тополмасдилар.

Жорж Блоквил

Эрон саркардалари туркман тўпларига нописандлик билан қарасалар-да, дастлабки улкан омадсизликдан сўнг эҳтиёткорликни қўлдан бермасликка ҳаракат қилишарди. Асосий умидлари бўлган йигирма тўрт тўпнинг самарасиз ҳаракати қўшинга албатта салбий таъсир қўрсатмай қолмади. Офтоб чиқар-чиқмас қўшинга эътибор қилган Ҳамза Мирзо фақат сарбозларнинггина эмас, балки катта-кичик бошлиқларниң ҳам жанговар руҳи паст эканлигини пайқади. У сирдош бўлган саркардаларга ўzlari учун, шунингдек, навкарларга атаб ҳам тўп ўқидан панағоҳ — траншея, ертўла, окоп қазиш кераклигини буюрди.

Бугун ҳам ҳаво эрталабдан қизий бошлади. Офтоб шуylаси остида ер ковлаган қўллари белқуракли мингларча сарбозлар ёнбошдан назар соглан Блоквилга далада дехқончилик қилиб юрган дехқонларни эслатди.

Қўшиндаги бўлим командирлари ўzlari учун ер ковлашмасди. Улар учун ҳам чукур қазиган сарбозлар ертўлаларниң гарб томонидан уйча қолдиришарди. Блоквил қум-тупроқ аралаш уйларниң энини йигирма сантиметрдан қалин бўлмаса керак, деб тахмин қилди. Болалар ўйнайдиган уйларга ўхшаётган уйчалар унинг кулгисини келтирди.

У навкарлар қилган ишларни кузатиб юрганида овшарлар уруғининг катхудоси Юсуфхонга рўбарў келиб қолди. Блоквил Юсуфхонни олдиндан яхши биларди. Баъзи сұхбатларда Юсуфхон ўзининг шажараси қожорлардан кўра туркманларга яқин эканлигини эсга олганди.

— Жаноб Юсуфхон, бундай уйчалар тўп ўқидан бизни сақлай оладими, нима дейсиз?

— Худо мадад берса сақлайди, бўлмаса йўқ, — деб Юсуфхон Яратганга ишонмагандай кулиб юборди.

Блоквил хоннинг кулгисидан, қазилган чуқурларни мазах қиляпти, деган маъно чиқарди. Аммо Юсуфхон сўзини давом эттирганда бундай эмаслиги маълум бўлди.

— Бундай ўқпаноҳларнинг бизга асло кераги йўқ, жаноб капрал. Такалар устимизга ёпирилиб келишса, қиличбозлик бошланади. Шу чуқурларнинг ичида туриб қилич ўйнатамиз деб ўйлаяпсизми? Албатта бундай эмас. Бироқ буйруқ муҳокама қилинмайди, чунки у — буйруқ!

— Бу чуқурлар тўп ўқидан сақланиш учун қазилмоқда-ку, ахир??

Юсуфхон яна қулимсиради. Бу сафарги кулгининг мазхараомуз эканлиги ошкора билинди. Унинг сўзлари ҳам шуни тасдиқлади.

— Эй, жаноб капрал, яхиси сиз мени гапиртирганг! Шаҳзоданинг буйруғи қанақа эканлигини ўзингиз ҳам яхши биласиз, ахир...

Кутилмаган вазият Юсуфхоннинг сўзини бўлиб қўйди. Туркманларнинг тўплари гумбурлай бошлади.

Бирин-кетин вақт оралатиб бир жуфт туркман тўпларининг ўқлари Ҳамза Мирзонинг баланд чодири тикилган жойга етиб бормаса-да, эронликлар қўшини ичида гумбурлаб ёрилди. Яқин атрофдан оҳвоҳлар эшитила бошлади.

Блоквил Юсуфхоннинг юзига қаради. Унинг назаридан ҳайронлик аломатини уқсан Юсуфхон ҳам бошқа сўз топа олмай:

— Бу қанақаси бўлди? — деб қўйди.

— Сизлар отилмайди деган тўплар ҳам гумбурлай бошлади! — деб, сұхбатдоши кинояли гапни хоҳламаса-да, Блоквил тўғрисини айтиб қўя қолди.

— Уни биздан туркманларга асир тушганлар отишмоқда, — деб, Юсуфхон такаларнинг тўп ота олмаслигини исботламоқчи бўлди. Бироқ унинг топган жавоби тўп ўқидан ҳимояланмоқ учун бир қарич қалинликда қурилган деворли ертўлалар сингари кулгили эди.

— Туркманлар бизларнинг асирларимизни тўпнинг ёнбошига ҳам яқинлаштиrmайди, жаноб Юсуфхон, — деб Блоквил ўзини ҳам уларга яқин тутиб ва Юсуфхоннинг ўзига-да ёқадиган жавоб берди.

Юсуфхон бу сафар мардларча жавоб қайтарди.

— Бу сўзингиз ҳам тўғри.

— Бу ерда энг кулгили нарса — бизлар отган тўплар ўқининг туркманлар кўрғонига етмаслиги-ю, туркманлар отган тўп ўқининг эса бизларнинг устимизга келиб тушаётганлиги!

— Мен эса ҳозир бошқа нарса тўғрисида ўйлай бошладим.

— Қани, айтинг-чи!

— Сизларнинг ўқ-дориларингиз билан ўзларингизни отишмоқда. Ана шуниси кулгили. Машҳаддан Марвгача ўз елкангизда ўқ-дори келтирдингиз. Унинг ҳам ўз тўпнинг билан ўзингизга қарши ишлатилиши ҳақиқатан ҳам кулгили.

Юсуфхон ушбу сўзларнинг ҳақиқатлигини бу гал ҳам тасдиқлашга мажбур бўлди.

— Ҳа, тўғри гапирдингиз, бу ерда бир қаромат борга ўхшайди!

Тўп ўқлари янада яқинроққа келиб ёрила бошлади.

Юсуфхон ўқпана ахтаргандай теварак-атрофга аланглади. Ўқпана деб қурилган уйчалар кишини тўп ўқидан қўриқлай олмаслигига кўзи етгач, бегона бир кимсанинг олдида ўзини мард кўрсатишга ҳаракат қилган хон турган жойидан қўзгалмади.

Шу вақт осмондан оғат бўлиб ёғилаётган тўп ўқларининг бири Юсуфхон билан Блоквилнинг нақ ёнидан етти-саккиз қадам нарироқда турган семиз хачирнинг устига тушди ва уни ағдариб ташлади. Хачир оёқлари дир-дир титраганча бирпасда жон берди.

Хачирга томон хавотир ила назар ташлаган француз суратга муҳрайдиган асбоб-ускуналарини қўлига олди.

— Бу ердан тезда узоқлашмасак, кейинги нишон иккаламиз бўламиз, жаноб Юсуфхон!

Тили дудукланиб турган французнинг тахмини шу онда ҳақиқатга айланди. Агар Блоквил кескин, чаққон ҳаракат қилмаганида, семиз хачирнинг куни Юсуфхоннинг ҳам бошига тушиши аниқ эди.

Даҳшатли овозда қичқириб юборган француз Юсуфхонни елкаси билан уриб юборди-ю, зарб кучидан Юсуфхон уч-тўрт қадам нарига йиқилди. Блоквилнинг ўзи ҳам нақ унинг оёғи тагига ўмбалоқ ошиб тушди.

Бош кийимини ердан олиб, ўрнидан турган Юсуфхон орқасига қаради. Қумлоқ ерни анчагина ўйиб, ўпириб ташлаган тўп ўқи Юсуфхоннинг олдин турган жойида қорайиб ётарди. Омон қолганига энди фаҳми етган хон қувонганиданми, ўлимдан қутулганигами, юзи ўзгариб кетди. Бир оздан сўнг ўзига келиб, ўнг елкасини чап қўли билан силар экан, бошини қуи этганча:

— Жаноб капрал, сизнинг қучингиз тўпдан чиққан қора ўқникидан кам эмас экан, — деб жилмайди. У яна бир гал тўп ўқига қаради. — Сиз мени тўғри келган ажалдан қутқардингиз. Мен сиздан умрбод қарздорман. Уни қандай узаман? — деди.

— Жанг майдонида олиш-бериш ҳисоб қилинмайди, жаноб Юсуфхон...

Тўп овозлари босилгач, туркманлар қўргонидан тўрт-беш юзтага яқин одам дарё томонга юришди. Улар икки гуруҳга бўлиндилар-да, ўз ишларини бажаришга астойдил киришдилар.

Блоквил туркманларнинг ўзларини тутишларини ҳайрон қолиб кузатди. Улар дарё томонга улкан тўнкаларни, узун-калта ёғочларни келтириб ташлашарди. Орқасига қора милтиқ осиб олган, қўли ўроқли такалар дарё қирғонидаги қамишзордан даста-даста қамиш ўриб, боғлашарди. Блоквил аввалига уларнинг нима мақсад билан ушбу ишни қилаётгандарига тушунмади. Бироқ ҳозирги ҳаракат — асир тушган Жиянгелдиники каби молга ўт йиғиш ташвиши эмаслиги маълум. Воқеани кузатиб турганлардан бири «туркманлар дарёга кўприк курмоқчи бўлишяпти», деб тушунтириди.

Шундан кейин Блоквилнинг ҳайрати янада ортди. Биринчидан, уруш давом этаётган экан, ҳеч нарсадан ҳайиқмай туркманларнинг кўприк қуришни бошлашлари ҳам хаёлга сифмайдиган жасорат эди. Иккинчидан, агар кўприкнинг қожорлар устига ҳужум қилиш мақсади билан қурилаётганидан бошқа маъноси бўлмаса, эронликларнинг туркманлар ҳаракатига бефарқ қараб туришлари — ақлга сифмас иш эди.

Худди аксига олгандек, қўшиннинг бир қисми ҳалок бўлганлар, ярадорларнинг ташвиши билан банд бўлса, қолган асосий қисми тушлик овқатнинг ташвиши билан ўралаша бошлади.

Блоквил Техронга келган кунидан бошлаб Шарқ одамларининг беҳафсала, беташвиш хусусиятларга эгалиги, бугунги ишни эртага қўйишга баҳона қидиришта мойиллиги ҳақида кўп ўйланарди. Бугун ҳам улар ажал билан юзма-юз келишларига қарамай, биринчи даражали ишни иккинчи даражага ўтказишларини кўриб, ҳайратга тушди. Унинг сабаби нимадалигини ҳеч тополмасди. Саркардалар йигирма тўрт дона сариқ тўпнинг икки соат мобайнida бетўхтов ишлаб, факат ўзларигагина ҳисобсиз зарар келтирсанлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасдилар. Ушбу хато ва янглишувларни қандай тўғрилаш борасида эса улар ўйлаб ҳам ўтиришмади. Аксинча, Блоквилга маълум бўлишича, айрим саркардалар шаҳзодага ҳозирча ҳужумни тўхтатиб,

орқага чекиниш, янги куч тўплаб, ундан қейингина Қораёпга яна бошқатдан хужум уюштириш маслаҳатини берган эмиш.

Агар қожорлар биринчи натижасиз ҳужум билан чекланиб, ўзларини ростлаб олиш учун Марвга чекинсалар, бу бутун юриш улар учун самараисиз тугаганлигини англатарди. Бу уруш тактикасидан, сирларидан бехабар одамга ҳам тушунарли эди.

Бироқ Эрон қўшини раҳбарлари орасида ўzlари учун бегона бўлган Блоквилдан ўзга ҳеч ким бу ҳақда фикр юритаётганга ўхшамасди. Улкан қўшиннинг Ҳамза Мирзо Хешмуҳаммад Давла каби бош саркардасидан тортиб, оддий сарбозигача фақат ўз жонини сақлашнинг ташвишини қиласди.

Блоквил сўнгги тахминининг ҳақиқатга унчалик ҳам тўғри келавермаслигини фаҳмлади. Чунки ўз жонини қутқаришни истаган одам ўз жонига хавф солган душманни енгиш фикри билан яшаши, курашиши керак эмасми, ахир!

Ўн олтинчи сентябрь куни тушдан қейин соат учларда янги курилган кўприқдан ўқдай отилиб ўтган мингга яқин туркман қожорларнинг устига ёпирилиб келди. Ҳужум билан биргаликда, отлиқлар келаётган томондан шунақсанги чанг-тўзон кўтарилди, Блоквил бунинг фақат от туёғи остидан кўтарилган чанг-тўзон эмаслигини фаҳмлади. Чанг-тўзон бутун режани, кўринишни ўзгартириб юборди, чанг бир отлиқни юз отлиқ, бир қилични юзта қилиб қўрсатди. Чанг-тўзон ичидан отилиб чиқаётган отлиқларнинг охири тугамайдигандай эди. Бу ҳам етиб келаётган хавф-хатарнинг ҳайбатини орттириб юборди.

Кўприқ қурила бошланганиданоқ шундай ҳолат юз беришини олдиндан сезган Блоквил ҳужум қандай тамом бўлиши борасида ҳали маълум бир қарорга кела олмаган эди. Чунки унинг бу тўғрида узоқ фикр юритишга имконияти ҳам бўлмади. У ўзининг янги юртларни кўриш, яхши халқларни билиш мақсадини амалга ошириш ниятида розилик берган ушбу сафарининг эндиликда қонли саёҳатга айланадиганлиги ҳақида ўйлашга мажбур бўлганди. Бугунги кун — Блоквил учун ёш умрининг энг сўнгги куни бўлиши ҳам мумкин эди. Узоқдан кўринган ва ўткир қуёш нурлари билан тўқнашганда оловдай ялтираган мингларча эгри қиличларнинг бири унинг умр томирини чўрт узиб ташлаши мумкин эди.

Ҳужум қилиб келаётган отлиқлар орани қисқартирган сайин барча нарса: уларнинг кийимлари, юз-кўзлари, жанговар ҳаракатлари ошкора кўрина бошлади. Ёйиннинг кучини қирқиши учун кетма-кет гумбурлаган тўплар ҳайбати кутилган натижани бермади. Тўп ўқлари ҳужум қилиб келаётган отлиқлар устидан ошиб, дарё қирғоғидаги қамишзорга бориб тушарди. Тўплар овози туркман отлиқларининг «Урҳо-ур»ларига қўшилиб, етиб келаётган такаларнинг ваҳимасини янада кучайтиromoқда эди.

Сариқ тўплардан яна натижа бўлмагач, саркардалар навкарларни қиличбозлик жангига ўтиш учун тайёрлай бошладилар. Сиртига офтоб ва йўлбарс шакли туширилган байроқ юқорига кўтарилди, қиличлар қинидан чиқарилди. Рўй берадиган хавфни сезган отларнинг бурунлари пириллаб, пишқира бошладилар. Икки томондан кўтарилган жанговар ҳайқириқ, шовқин-сурон атрофни ларзага солди.

Тўппончасини гилоғидан сугурган Блоквил уни қачон отишни ҳам билолмай қолди. Чунки у довдираб, ўзини йўқотиб қўйган эди. Бостириб келганлар орасида эронликлар билан юзма-юз курашаётган хотин-қизлар ҳам бор эди. «Ана, ўшалар арвоҳлар, ургочи шайтонлар бўлса керак! Ҳа, худди ўшалар! — деб, Блоквил ўзи билан ўзи гаплаша

бошлади. — Улар ахири мени топиб, олдимдан чиқди!»

Туркманлар ичидә ҳар жой-ҳар жойда қилич солишаётган аёллар кўзга ташланарди. Улар отга мингандарида халақит бермаслиги учун узун қўйлакларини белларигача шимарип, бир томонини маҳкам боғлаган эдилар. Уларнинг белларига боғлаб олган оқимтирип белбоғлари французнинг кўзига оқ бут бўлиб кўрина бошлади.

Блоквилнинг хаёлига тўсатдан шундай фикр келди: «Мен қисмат қонунига бўйинсунишм керак. Мен уларга қарши ўқ отмаслигим лозим. Яратган эгамнинг ўзи бу қонли саёҳатни менинг толеимга битган. Йўқ, шу пайтгача француз капралининг аёл кўлида ўлгани тарихда бўлганми? Тарихдаги дастлабки бундай шармандалик менинг манглайимга ёзилган экан. Барибир қисматдан қочиб бўлмайди...»

Яраланган отларнинг жонҳолатда кишнашлари, отдан ағдарилаётган сарбозу навкарларнинг фарёду нола-фифонлари ҳам ургочи шайтонларнинг овозига айлангандай, теварак-атрофни босиб кетди.

Бироқ Блоквил қаршисидан келаётган ургочи арвоҳнинг ўз бўйнига қилич согнанини кўролмади. Ҳа, у ургочи арвоҳ қиличидан эмас, бошқа бир отнинг устида кўринган туркмандан ўзини чеккага олиш учун ўрнидан турганда, отларнинг жонҳолатдаги кишнаши ҳам, ярадорларнинг оҳу нолалари ҳам, арвоҳларнинг юракни ларзага соладиган чинқириқлари ҳам бирданига эштилимай қолди.

Унинг учун кураш ҳам, саёҳат ҳам тамом бўлди. Унинг қалбидағи кўркув ҳисси бирдан йўқолди. Блоквил ором дунёсига шўнгиди. Кейинги ярим йилда унинг ҳозиргидай роҳатланиб-лаззатланиб ётган вақти бўлмаган эди...

Чуқурнинг ичидә қум-тупроққа беланиб ётган Блоквил кўзини очганда, атроф осуда, чанг-тўзон йўқ, арвоҳларнинг қичқириқлари эштилмасди. У бошини зўрга кўтарди-да, тўғри дарё томонга назар ташлади. Дарёнинг ўнг қирғоғидаги туркманлар кўрғон атрофида хотиржам айланиб юришарди.

Блоквил юзини, манглайини, бош-юзларини сийпалаб кўрди. Танасида қон оқиб турган ёки яра-чақа бўлган, ҳатто оғриётган жой ҳам йўқ. «Бояги бало-оғатлардан қутулган бўлсан, энди менинг пешонамда ўлим хавфи йўқ!» — деб, чин юракдан қувонди Блоквил. Шу лаҳзада онасининг Парижда кўрган тушини эсга олди-ю, яна капалаги учиб кетди.

— Шошма, Жорж! — деди у ўзига-ўзи. — Сен ҳозиргина бир ўлимдан қолдинг-ку! Туркман элчисининг айтишига қараганда, инсон ҳар қадам ташлаганда бир ўлимнинг ёнбошидан ўтар экан. Қайси қадамингда унинг устидан босишинг сенга маълум эмас...

Блоквил ўзининг думаланиб-эзилиб ётишидан уялди. Ўрнидан туриб, кийим-бошларини тозалади, икки ўқидан биттаси ҳам отилмаган тўппончасини топиб, филофига солди.

У чуқурдан чиққанда туркманларнинг бугунги ҳужумида ҳалок бўлган қожор навкарларининг жасадлари ҳали ҳам йиғиб олинмаган эди. Жасадлар турли ҳолатда — юзтубан, чалқанча, буқчайганича қотиб қолган бўлиб, уларнинг орасида туркманлар ҳам бор эди. Блоквил уларни кийимидан таниди. Лекин ҳалок бўлган туркманлар орасида ярим яланғоч ургочи арвоҳлар кўринмади. «Худога шукур! Мен арвоҳларнинг жасадидан ҳам жирканаман... Ёки уларнинг ичидә бирортасининг ҳам паймонаси тўлгани йўқмикан? Ҳа, айтганча, ургочи арвоҳларга ажал ҳам тегмайди-ку!».

Блоквил ўзи истамаган ҳолда бош саркарданинг баланд чодири томон юрди. Чодир эски жойида эди. Демак, туркманлар ҳужумга

ўтганларида қўшин ўртасига киришга ҳаракат қилишган, бироқ бош чодир жойлашган ерга ета олмай орқаларига чекинган экан-да.

Блоквил йиқилиб ҳушини йўқотган жойидан эллик қадам чамаси юрганида фалати воқеанинг устидан чиқди: ўн беш-ўн олти ёшлардаги қорача ориқ ўсмири ўқпана учун қазилган чуқурнинг чеккасидаги қум устида чўкка тушиб ўтиради.

Эрон қўшини ичидаги навкарларга берилган пулни олиш учун олтмиш ёшдан ошиб хизмат қилаётган мўйсафидлар ҳам, ўз ихтиёри билан келган ёки кимдир ўрнига хизматга юборилган ўн тўрт-ўн беш яшар ўсмирлар борлигидан Блоквил хабардор эди. Улар билан кўп марта юзма-юз учрашган ҳам.

Бироқ чўкка тушиб ўтирган нозик йигитча анча ёш кўринар, шу ўтиришида у бир нарсалар билан банд эди.

Блоквил от туёқларининг янги излари тўлиб кетган майдон ёнида бу йигитча нима билан машғул бўлаётгани билан қизиқди. Йигитча кийган шимнинг олд томони жиққа хўл эди. У пешобини тута олмайдиган бемормикин? Йигитча пешобидан лой қилиб, узун чундукли тўпга ўхшатиб нимадир ясади. Энди эса ортиб қолган лойдан тўп ўқи ясашга киришган экан.

Блоквил унинг ишини томоша қиласкан, ёнига келган одамга мутлақо бефарқлигини пайқади... Бечора йигитча тўпларнинг қаттиқ гумбурлаган овозидан, шовқин-сурондан, туркману эронликларнинг бир-бирларига аёвсиз қилич солаётганларидан қўрқиб, эси оғиб қолган эди.

— Испинг нима, сарбоз? — деди у аста йигитчага.

Сарбоз йигитчадан садо чиқмади. У французнинг юзига гўдакларча бир қаради-ю, Блоквил йигитчанинг ўз номини ҳам эсидан чиқарганини англади. Сарбоз кутилмаганда Блоквилга қараб гапира бошлиди:

— Мен тўп ясадим, жаноб! Энди унга ўқ ясамоқчиман, жаноб. Лекин ясаган тўпимнинг ранги сариқ бўлиб чиқмади, қора бўлди. Қаранг-а, бу — Исфаҳон тўпи. Туркманлар билан уруш бўлса, мен шу тўпимни майдонга олиб чиқаман. Эҳ, аттанг, кўп ўқ ясаш учун пешобим камлик қилди. Мен яна ўқ ясашим учун сиз пешобингиз билан бу лойни хўлланг, жаноб! — Йигитча ҳали яхши лойга айланиб ултурмаган бир ҳовуч нам тупроқни Блоквилга узатди.

Йигитчанинг ҳолига ичи ачинган Блоквил унинг ёнидан нари кетди. «Ҳа, сизларнинг мисдан қуйилган тўпларингиз нима каромат кўрсатди-ю, энди лойдан ясамоқчи бўлган тўпинг ҳоли не қечади?»

Ҳамза Мирзонинг баланд чодирига яқинлашган Блоквил туркманларнинг сўнгти ҳужуми қожор қўшинига бекиёс талафот етказганлигини билди. Чодирнинг атрофида бир неча жасад қатор аганаб ётарди. Француз баланд чодир атрофига фақат саркардалар жасади тизилганини фаҳмлагач, бирор танишим бормикан деб, уларнинг юзига қараб чиқди. Ҳалок бўлганлар орасида у яқиндан таниганлардан ҳеч ким йўқ. Шундай бўлса-да, чеккароқда ётқизилган тўртинчи жасадга яна бир бор қаради. Юзи оқариб кетган жасаднинг пора-пора қилинган кўйлаги этагидан қонга бўялган ичаклар кўриниб турарди. Кўзга кўриниб турган ваҳшийлик оқибатининг устини бекитиб, ёпиб қўйиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди.

Блоквил теварак-атрофга қаради. Баланд чодирнинг атрофидаги бош саркардага энг яқин ҳисобланган мулоғимларнинг юzlари ерга қараган. Француз чодирнинг ичидаги чуқур хаёлга ботиб ўтирган Ҳамза Мирзони кўз олдига келтирди. Шаҳзоданинг ҳозир нима ҳақда фикр қилаётганлигини билса бўладими? Бироқ бундан нима фойда? Ҳозир бош саркарда эмас, ёнидагилар ҳам Блоквилнинг саволига жўяли жавоб

беролмайди. Бунга ақли етган Блоквил яна орқасига — ўзининг қумтупроқ босиб қолган чодири томон шалпайиб қайтиб келди.

31

Жайронтепада икки томон ўртасида қонли тўқнашув юз берди. Овшар полки билан Фараҳон полки навкарлари «Ё, Али!» деб олға отилишиди. Пистирмада турган туркманлар уларни ўқ ёмғири билан кутиб олдилар. Етмиши нафар навкар ўлдирилди... Улар лойга ботган Ҳасанхоннинг ҳам бошини кесишиди...

Саид Мұхаммад Али ал-Хусайний

Бизнинг оёғимизга маҳкам ёпишган туркманлар орқамиздан ўқларни ёмғирдай ёгдеришарди. Мен бир кенг چұқурликдан ўтаётганимда отим билан ағдарилиб тушибим...

Жорж Блоквил

Қожорлар қўшинидаги энг обрўли саркарда ҳисобланган Ҳасанхоннинг ўлдирилиши ва артиллериянинг таниқли сартиб (генерал)ларидан бирининг туркманлар қўлига асир тушиши сарбозларнинг чўккан руҳини баттар тушириб юборди. Қожорлар томонидан уюштирилган ҳужумларнинг туркманлар томонидан осонгина бартараф қилиниши ва бунинг устига, такалар тарафидан асирга олишлар, катта ўлжаларнинг қўлга киритилиши Ҳамза Мирзодан шароитга бошқача муносабатда бўлишни талаб қиласди. У маслаҳатчиларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиб, кетма-кет юз берган мағлубиятлардан сўнг Марвга чекиниб, жиддий ҳарбий тайёргарлик кўргандан кейингина Қораёпга бошқатдан ҳужум қилиш керак, деган холосага келди.

Шундай қилиб, 1860 йил иккинчи октябрдан учинчи октябрга ўтар кечаси «қожорларнинг Қораёпдаги барча қўшин турлари ҳарбий кўч-кўрони билан Марвга чекинсин» деган бўйруқ пайдо бўлди.

Блоквил саркарда Ҳамза Мирзо раҳбарлик қилган қўшиннинг орқа томони хавфсизлигини таъминловчи иккинчи гуруҳ ичida эди.

Бир неча минг навкар, сон-саноқсиз от, тuya, хачир ва эшаклар ҳаракатини тун қоронғисида ҳам кўздан яшириб бўлмасди. Бетартиблиқ илиа кўча бошлаган қўшиннинг шовқин-сурони кўкка кўтариларди. Қожорлар эндингина бир фарсаҳ чамаси йўл юрганларида кутилмаган воқеа рўй берди. Ёғийнинг орқага чекинганидан хабар топган туркманлар қўшин бораётган йўлнинг икки томонидаги пистирмалардан чиқиб, «Ё, Аллоҳ!» деб ҳужумни бошлаб юборишиди. Такалар чала уйқули ва ҷарчаган қўшиннинг икки чеккасидан яшин тезлигига кучли зарба беришарди-да, дарҳол орқага чекиниб, кўздан гойиб бўлишарди.

Бундай ҳолат кети узилмай такрорланиб, ҳар сафар бир неча навкарлар от-хачирлардан ажralиб, ўқ, қилич зарбидан ағдарилса-да, улкан қўшин чекинишда давом этарди. Қўшин кетма-кет таёқ зарбини сезмаган қари фил сингари аста-секин силжиб бораарди. Қўшиннинг олд қисмida бўлаётган воқеалардан олди қисми бехабар эди. Хабардор бўлганлар ҳам чекиниш ҳақидаги бўйруққа итоат қилиб, фақат бор кучи билан орқага интиларди.

Икки томондан қовоқари талагандай таланса ҳам, қўшин асл макони томон қадам босарди. Қўшин турган жойдан Марвгача бақирса

овоз етгудай масофа қолди. Бироқ ўша масофани ўтиш қожор қўшини навкарларига юз фарсаҳ йўл ўтгандан ҳам қийин бўлди. Уларга Марвда қолган генерал Оға Ризо Ожедонбош қўшинига етиб қўшилмоқ насиб этмади.

Туркманлар Қораёпдан қайтган асосий қўшиннинг Марвда қолган қисм билан бирлашмаслиги учун ўзларида мавжуд бутун имкониятни қўллашган эди. Дарё томондан худди уясидан отилиб чиққандай қўқисдан пайдо бўлган отлиқлар бу гал қўшиннинг олдинги қисмига зарба берди. Блоквилнинг тахмин қилишига кўра, охирги ҳужумда қатнашган туркманларнинг сони 1500 дан оз эмасди. Икки орада қиличбозлик уруши бошланиб кетди. Худди шу вақт дарё тарафдан етиб келган бошқа отлиқ туркманлар қожор қўшинининг иккинчи бўлаги устига ёпирилди.

Блоквил туркман қиличи етадиган жойдан узоқда эди. У Эрон саркардалари гуруҳига яқинроқ бўлганлиги учун ўзининг қўриқланишини яхши биларди. Саркардаларга тансоқчилик вазифасини бажараётган, маҳсус тайёргарликдан ўтган сайланма сарбозлар такаларни яқин масофага келтирмайдиган жанговар ҳолда эдилар. Шу сабабли Блоквил учун туркманларнинг уруш сирларини ўз кўзи билан кузатиши имконияти пайдо бўлди. Унинг кузатишича, туркманларнинг қожорлардан асосий фарқи — уларнинг ҳаддан ташқари тез ҳаракат қилишларida эди. Туркманларнинг отлари ҳам бардошли, чопағон эди. Улар ўқдай отилиб келишар, орқага қайтганларида ҳам худди шундай тез югуради.

Блоквил туркман отлиқларининг Эрон қўшини ичига аралашмай, фақат чап томондан ҳужум қилишларининг маъносини ўзича тушунди. Туркманларнинг асосий мақсади уларни қириб ташлаш эмас, балки ҳаракат йўналишини ўзгартириш эди.

Ҳужум қилган туркманлар орасидан ажralган қора телпакли бир йигит, қаттиқ чопаётган отини бошқара олмай қолди, шекилли, қожорларнинг ёнбошидан ҳужум қилиб, шартта орқасига қайтиш ўрнига, куч билан урилиб қўшин ичига кириб кетди.

Туркманнинг қўлидаги қуроли — бир ярим қулоч узунликдаги маҳкам ходанинг учига ўрнатилган ўткир аёллар тақинчоги эди. Офтоб шуъласи остида ялтираган учи ўткир кумуш тақинчоқ Шарқни унча яхши билмаган европалик кўзига нотаниш гаройиб бир яроғ бўлиб кўринди.

Гаройиб қуролли туркман йигитининг оти қожор қўшини қаторларини кўндалангига кесиб ўтолмади. Тўрт томондан ҳаракатга тушган қожор навкарларининг қиличи отнинг ўнг оёгини қаттиқ яралади. От мункиб кетди-ю, унинг устидан думалаб тушган туркманнинг телпаги бошидан ерга учиб тушди. Шунда бу ботирнинг аёл эканлиги маълум бўлди. Қора телпак ичига яхшилаб йигилган ўрим қора соч қумга ёйилди.

Шу томонга қараб, оғзи очилиб қолган Блоквил: «Кўп сонли улкан қўшиннинг оз сонли қўшиндан чекинишининг сабаби энди маълум бўлди, — заифа аёллар шундай урушиб билса-я?» — деб пичирлаб қўйди... Француз капрали уруш деб аталмиш қора тошюрак қучнинг яна бир қилган ваҳшийлигига шунда гувоҳ бўлди. Уруш бегуноҳ гўдакнинг ипакдай соchlарини силайдиган фаришта қўлларига кескир яроғ бериб, бу қўлларнинг эгаларини тошюрак, берашм бир кучга айлантирган эди.

Бешафқат қожор сарбозининг ўткир қиличи ҳали ўрнидан туришга ултуролмаган заифанинг бошига зарб билан урилди. Қоп-қора зулфлар

билин ўралган гўзал бош қумга думалаб тушди. Ёш аёлдан ҳеч бир овоз эшитилмади. Уруш деб ном олган ваҳшатнинг қора кучи аёл гўзаллиги, хотин-қизлар заифалиги олдида ҳам юмшамаган эди.

... Туркманлар Қўвуштхон ўйлаб топган ҳарбий ҳийлани амалга ошира билдилар. Қўшиннинг олдинги қисми қархисидан така отлиқларининг пайдо бўлиши билан Марв томонга йўли тўсилган қожор қўшинлари туркман отлиқлари йўқ тарафга — жануби-шарқ томонга қараб йўналишини ўзгартирди.

Туркманларнинг қон тўкиб, жон бериб нима сабабдан ўз душманларини бораётган йўлдан бошқа томонга ўзгартира олганликлари туб сабабини Блоквил кейинчалик билди.

Марвга борилмасдан, шаҳарнинг жанубидан шарққа юришга мажбур қилинган қўшин яна бир фарсаҳ чамаси йўл юргандан кейин Сайдносир деб аталмиш манзилга бориб етди. Блоквил бу атрофларни яхши биларди. Саркардалар ов овлаш учун шикорга чиққанларида француз уларга қўшилиб бу жойларга келган, теварак-атрофни кўп марта айланиб чиққан эди.

Сайдносирдан юқорида Попушқ, кейин Самандук деган манзиллар бор эди. Ундан юқорироқда қожор қўшинларининг асосий қисми қолдирилган Пўрсиқалья жойлашган. Марвдан қайтишга мажбур бўлган саркардаларнинг эндиги мақсади — ўша жойга етиб олиш ва жонларини сақлаш эди.

Сайдносир тўгрисидан бироз ўтилгач, сув бостирилган йўлларни, узоқда кенг майдонни эгаллаган пастликдаги қалин қамишзорни кўрган Блоквил эронликлар учун кутилмаган нохуш воқеа энди юз беришини сезди. Чунки уч ой олдин ўтганларида бу жойдаги ерлар сувсизликдан қовжираб ётарди. Куз фасли бошланиши билан сув янада камайиб, сувга муҳтожлик ниҳоятда кучайган эди. Осмондан бутун ёз фасли давомида бир томчи ҳам ёмғир ёғмаганига Блоквилнинг ўзи гувоҳ. Сув қаҳат бўлиб турганда, бўм-бўш пастлик майдонга нима сабабдан кўллатиб сув юборилган? Блоквил бу ҳийлани сўнг билиб олди.

Узоқда янги қазилган ариқлардан чиқазилган тупроқ-қум уюмлари тепа-тепа бўлиб кўзга ташланарди. Булар шунчаки қазилганга ўхшамасди. Чаппарастасига тортилган марзаларнинг сон-саноғи йўқ. «Бошга иш тушганда зудлик билан чора-тадбирлар топишга уста бўлган Қўвуштхоннинг маккорона тузоқ қурганлиги Блоквилга ошкора кўриниб туради. Чунки бундай кўз илғамас кенг майдонни ботқоқзорга айлантириш, от-арава ўта олмайдиган жаҳаннам қилиш учун улкан, катта куч ва вақт лозим бўлади-да. Бундай оғир меҳнат талаб қиласидиган иш бемақсад, айниқса, уруш бўлиб турган вақтда, шунчаки кўнгилхушлик учунгина амалга оширилмайди.

Йўлнинг икки томони куз фаслининг тилла рангига бўялган қамишзор эди. Қўшин ўтиб бораётган йўлнинг сувга бостирилган бўлаги тезда тамом бўлар, деган умид билан бораётган эронликлар анча йўл босишиди. Тўсатдан икки томондаги қамишзорнинг орқасидан баданни жунжиктириб юборадиган шовқин-сурон кўтарилиди. Блоквилнинг тахминига кўра, икки томондан отилиб чиққан туркман отлиқлари сони уч мингдан оз эмас эди. Улар қий-чувлашиб, «урҳо-ур» деб шовқин-сурон кўтариб, эронликлар устига ёпирилишиди. Қожорлар нима бўлганини тушунар-тушунмас, такаларнинг эгри қиличлари ёйини қийрата бошлади. Уларнинг бир бўлаги устига тўп юкланган оғир араваларни итариб келаётган тўпчиларнинг атрофини куршаб олди. Бу ерда тўқнашув ҳам юз бермади. Блоквил тўп юкланган

араваларнинг аллақачон орқага ўгирилганини, сарбозлар хачирларни қамчилаб, ортга юра бошлаганини кўрди.

Мингбошилар ўз навкарларини тинчлантириш учун қўлларидан келганича ҳаракат қилишарди. Бир гуруҳ сарбозларнинг орқага қоча бошлаганини кўрган асосий бўлимнинг навкарлари ҳам шунда қочишга мойиллик кўрсата бошлади.

Таниқли мингбоши отини олдинга чоптириб қочаётган бир навкарнинг изидан қувиб етди. Куч билан унга қилич солди. Эгаси эгардан ағдарилган от узоққа бормай орқага қайтиб келди.

— Қочоқнинг жазоси шундай бўлади! — деди ҳайқириб мингбоши.

Таниқли мингбошининг бу сиёсати ҳақиқатан ҳам сарбозларга туздай таъсир қилди.

... Қиличбозлик ярим соатдан узоқ давом этмади. Ўз ҳийлаларини амалга оширган туркманлар учун қилич билан урушмоқ ниҳоятда омадли бўлди. Чунки бир томони сув босган шўрликка тиralган қожорлар учун қочиш-қувиш имконияти йўқ эди. Туркманлар эса факат олдинга ҳаракат қилиб, ёғийни ўша сув босган шўрликка томон сиқиб боришиди.

Ҳамза Мирзонинг атрофини қўриқлаган сарбозлар туркманларни унга яқинлаштирмаслик учун қаҳрамонларча жанг қилдилар. Шаҳзоданинг теварагида отдан ағдарилган туркман йигитларининг сони кўпайгандан кўпайиб бораради. Ботқоқзорда қолганига қарамай, шаҳзоданинг атрофини ўраб олган сарбозлар туркманлар қиличига қилич билан жавоб беришнинг уддасидан чиқишиди. Ҳар бир қадами ўлимга баравар бўлган мاشаққатли йўлни қийинчилик билан ўтган сарбозлар йўналишни аввалги ўзанга солиб, Марв томон силжидилар...

Ёғийга қарши ўқ отмоқдан воз кечган Блоквил отига устма-уст қамчи урарди. Бироқ тўпиқдан пасти ёпишқоқ шўр лойга ботган от ҳар қанча ҳаракат қилмасин, босаётган йўли баракасиз эди.

Бирданига ботқоқлик қамишзор тугаб, қочиб қутулишга озгина умид пайдо бўлгандা, шароит яна ёмонлашди. Блоквилнинг оти баланд марзага чиққанида, олдда ичи сувга тўлган чуқурлик пайдо бўлди. Сув тўла чуқурлик марзанинг шундоққина тагидан бошланарди. Нима қилишини билмай қолган Блоквил атрофга аланглади. Теварак-атрофни тўс-тўполон, қий-чув босган эди. Эронлик сарбозлар «турган тутилади» деган ваҳимада турли томонларга қочишарди. Ўларнинг қаршилик кўрсатмай қочишлиридан руҳланган туркманлар энди қочоқларни қувлашга киришдилар.

Блоквил Фарб томонга қараб, Эрон тўпларининг ҳаммаси қўлга олинганини фаҳмлади. Тўпларни кўз қорачигидай қўриқлаётган туркманлар сони беш юздан кам эмасди. «Қўшин руҳига мадад бўладиган тўплар туркманларнинг қўлига тушган бўлса, масала узилкесил ҳал бўлди ҳисоб» деб билган Блоквил ўша қийин фурсатда ҳам шароитга ўзича баҳо берган бўлди.

Орқадан қилич тутган икки туркман кела бошлади. Олдинда — ичи сувга тўла чуқурлик. Олд томонда ҳам ажал бор, орқадан келган ажал эса ундан ҳам қўрқинчли эди. Орқадан келаётган ажалдан қочишига ҳеч қандай умид йўқ. Олдиндаги ажалдан эса, ҳар ҳолда омон қолиш имконияти бордай туюлди. Блоквил шу умидли йўлни танлади — отини марзадан сувга сакрашга мажбурлади. От ичи ёпишқоқ лойга тўла сувнинг ўртасига бориб тўхтаб қолди. У қанча уринмасин, нариги иккинчи қирғоққа чиқа олмади.

Тепада қўлида эгри қиличли туркманлар пайдо бўлди. Энди икки ажал бирлашган эди. Улардан қочиб қутулишга чора қолмади. Блоквил

тўппончасига ёпиши. Бироқ бу — эркак кишининг ўзини ожиз кўрсатмаслик умидида қилган ҳавоий ҳаракати эди. Лойқа сувга ботган тўппончанинг бу маҳал отилмаслигини француз жуда яхши биларди.

Юқоридан узаниб келган қора панжа Блоквилнинг ёқасидан маҳкам тутди. Бир ўлим уни бошқа бир ўлимдан халос қилди. Блоквил бошқа қаршилик кўрсатишга ожизлик қилди.

Иккинчи туркман французнинг қўлга олинишини иш деб ҳам ҳисобламади, шекилли, бошқа томонга кўлини силкиди-да:

— Тўплар қўлга тушди! — деб жилмайди. Бундай дейиш билан у барча тўплар¹ қўлга олингани ҳамда такаларнинг ўз мақсадларига етганини шеригига хабар берганди. Чунки тўпларнинг қўлга олингани — уруш жиловининг туркманлар қўлига ўтганини билдиради...

32

Туркманлар бундай улкан қонли ов тутмаз деб кутишмаган экан. Чунки асиirlарни боғлаш учун занжир, кунда ва бошқа асбоблар етишмас эди. Тунлари эса бизларни бир тўда товуқларнинг оёгини жамлаб боғлашгандай иккита, учталаб қўл-оёқларимизни танғиб ташладилар.

Жорж Блоквил

Блоквил олдида фақат тақдирга тан бериш йўли қолган эди. Уни уришмади ҳам, тепкилаб эзишмади ҳам. Фақат бир туркман отининг орқасига қўтариб қўйгандай мингзиши. От юрганида Блоквилнинг бурни эгар устида маҳкам ўтирган, боши рўмол билан танғилган туркманнинг энсасига тегиб-тегиб кетарди. Туркманнинг бўйнидан анқиб турган аччиқ тер ҳиди французнинг кўнглини айнита бошлади. У қўли орқасига маҳкам боғланганлиги сабабли, юзини тез-тез ўнгдан-чапга ўгирап, тўқнашувнинг қувди-қочдиларида қатнашган отнинг сагриси, қорни, бутун вужудидан таралаётган оғир ҳид ҳам кўнглини баттар айнитаётган эди.

Блоквилнинг бутун уст-боши лойга беланганди. Этик кўнжидан кириб товонигача бориб етиб оёқларини хўллаган лойқа сув сабабли у ўзини ҳали ҳам шўр ботқоқ ичиде тургандай сезарди. У ўз бошига тушган бу кулфатларни гўё тushiда қўраётгандай, атрофида бўлаётган воқеалар ҳам тushiда рўй бераётгандай эди.

Кўзи олдида ҳамон бояги қочиш-қувлаш ҳаракатлари давом этарди. Ботқоқда ботган отларини ташлаб чиқсан шалаббо сарбозлар қаёққа қочаётгандарини ҳам фаҳмлашмасди. Ҳар ким ўз қора бошини ажалдан кутқариш ташвиши билан банд. Блоквил қожорларнинг бошига тушган бу кунни Худо берган жазо деб ҳисоблади. Сон ва куч жиҳатдан бир неча ҳисса ортиқ ҳисобланган қожорлар қўшини туркманларга деярли қаршилик кўрсатишга ҳам ҳоллари қолмаган эди.

Сариқ тўпларни судраб кетган туркманлар эса аллақачон кўздан гойиб бўлгандилар. Француз тўпларни қўлдан олдирган қўшинни шу пайтда негадир бели чопилган илон билан қиёслади. Энди бу илоннинг заҳари қанчалик кучли бўлмасин, чўпон таёғи билан ҳам янчса бўлаверади. Илон энди қочиб ҳам кутулолмасди, оғзига ўзингни тутмасанг чақа

¹ 1860 йилдаги урушда қожорлардан ўлжа туширилган 33 дона сариқ тўп Кўвшутхон буйруги билан Марв шаҳаридаги Мурғоб дарёси қирғозидаги махсус жойда қозонилган галабанинг натижаси деб эл-юртга кўргазма сифатида қўйилган. Бу тўплар XX асрнинг 30-йилларигача шу жойда сакланган. Туркманларнинг қаҳрамонона ҳаракатига намуна сифатида сакланган ушбу тўпларнинг кейин қаерга гойиб бўлгандилиги маълум эмас (*Таржимон изоҳи*).

ололмасди ҳам. Тулки маккорлигини яхши эгаллаган туркманлар эса ўлик илоннинг оғиз томонига бормаслигини Блоквил яхши биларди. Бундан ташқари асосий таянчлари бўлмиш сариқ тўпларнинг барчаси душманга ўлжа бўлганини кўриб, узил-кесил жанговар руҳдан ажралган Эрон саркардалари ҳам урушиш эмас, балки қочиш, жон асраш ҳаракатига тушган эдилар.

Блоквил ботқоқзордан омон чиққан ўн-ўн беш нафар сарбозлар орасида Қора генералнинг борлигини кўриб қолди! Уларнинг барчаси отларининг сағрисига қамчи туширишарди. Душман билан олишишга майли йўқ бу гуруҳ ҳам Марв томон от югуртириб қоча бошлади. «Саркардаларнинг ўzlари ҳам қочишни бошлашган бўлса, демак, уруш тамом бўлибди-да!» — деб ўйлади Блоквил, шароитга узил-кесил баҳо бераркан.

Сувга бостирилган майдон, қамишзор ботқоқликдан чиқишигандан кейин вужудга келган аҳвол французнинг ўйлаганидан ҳам бешбаттар аянчли эканлиги тезда маълум бўлди. Асир тушган сарбозларнинг олтмиш-етмиш нафарини алоҳида бир гуруҳ қилиб ҳайдаб боришаради. Улар худди ўша қисматга олдиндан тайёр бўлган тутқунлардай, ҳеч қанақа қаршилик кўрсатишмас, ўzlарини қамишзорга уриб қочишга ҳам ҳаракат қилишмасди. Уларнинг ҳолатини тушунса бўларди. Улкан кўшиннинг асосий таянчи бўлган сариқ тўпларнинг кўйдан кетиши, саркардалар бошини ўлимдан халос қилишга рози бўлиб, кўшинни ўз ҳолича ташлаб қочишлари ҳаддан ошиқ дабдаба билан бошланган улуг Марв юришининг қожорлар учун шармандали тарзда тугаганидан далолат бермоқда эди.

Мана ўша Саидносир — шикоргоҳ масқан. Сал нарида Маржон қишлоғи, ундан кейин Султоннинг мулки бор. Булар бари французга таниш қишлоқлар, таниш номлар. Блоквилнинг кўз тахминлари билан чамалаб ер ўлчагани-ю, олдин нотаниш сўзларни билганлардан сўраб-суриштириб, харитага ўтказган азобларининг барчаси бир тийин бўлди. У доимо ўзи билан кўтариб юрган ишига оид асбоб-ускуналарининг қайси марзада, қайси чуқурликда бўйнидан тушириб қолдирганини эслай олмади. Унинг кўз олдида қолгани, хотирасидан ўрин олган манзаралар бу — ҳозирги бораётган таниш йўллар эди, холос. Бироқ у аввал бу ерлардан Марвга томон ўтиб бораётганида озод, эркин инсон эди. Энди эса асир сифатида олиб кетиляпти.

Блоквил «асир» деган сўз тўғрисида ўйланди. Унинг ўйлашиба, асирлик — ўлимдан ҳам жирканч бир ҳолат. Асирикнинг ҳар бир куни энди Яратган эгамнинг сенга атаб қўйган улушигагина боғлиқ. Тақдиринга ёмон кунлар битилган бўлса, асирик инсонни номуссизликка, итдан баттар ожизликка етаклаб бориши мумкин. «Йў-ўқ, қисматимда қандай қабоҳатлар бўлса-да, номардликка йўл қўймаслигим керак. Ўлим инсонни фақат ёргу оламдангина жудо қилмайди. Балки ўлим инсонни эртага қилиши мумкин бўлган ҳаракатларидан ҳам маҳрум қиласди. Эртага рўй бериши мумкин бўлган номардликни бугун ўлим билан алмаштириш ҳам тақдирининг сенга бера оладиган обрўли насибасидир». Бироқ, ҳозирги ҳолатида Блоквил ўлмоқчи бўлса-да, ўломасди. Сабаби — ҳозир у тутқун, кўли ҳам орқасига боғланган. Бу аҳвол унинг ўзини ўзи ўлдириш ниятини чиппакка чиқаради. Французнинг фақат нафас олишигина ўз ихтиёрида, холос. Шундан бошқа қиласиган ҳаракатларининг барчаси бошқа бир одамнинг кўлида. Қаранг-а, Блоквилнинг ўзигина эмас, ҳатто унинг ўлими ҳам ҳозир асир эди. Унинг тириклиги, ҳаёти туркманларнинг кўлида.

Ёнбошдан отини тасир-тусур ҳайдаб келган қора мўйловли, кўриниши

ёвуз туркман от жиловини тортиб-тортмай, Блоквили орқасида эргаштириб бораётган туркманга нималардир деб, асирга тикилиб-тикилиб қаради. Француз савол-жавобнинг ўзи ҳақида бораётганини фаҳмлади. Тўсатдан кўриниши ёвуз туркман форс тилида:

— Сен эронийларнинг ичида келаётган француздисан? — деб сўради.

Ҳақиқатни ишонтириб айта олсанг, яъни туркманларга душманчилик қилмаган ҳолингга ёғий ҳисобланган асирининг гуноҳи енгиллаштирилар, деган ўй-фикрга қаттиқ ишонган Блоквил бу саволга бир неча марта бошини қимиirlатиб «Ҳа, ҳа» деб жавоб қайтарди.

Шунда важоҳати ёқимсиз туркман чала кулимсиради-да, яна уни эргаштирган такага бир нималар деди. Ўзи эса отдан тушди.

Туркманнинг кулимсирашини шафқат белгиси деб фаҳмлаган француз, қаттиқ боғлангани учун увишиб қолган қўлларимнинг ипини ҳозир ечишса керак, деб умид қилди.

Уловидан тушган туркман отининг бўйнига боғланган ингичка иғдан бир қулоч чамаси узунлиқда кесиб олди-да, асирга яқинлашди. Икки туркман яна бир нарсалар тўғрисида сўзлашишди. Блоквил сухбатнинг маъносига тушунмаса-да, қилинадиган ҳаракатдан энди ёмонлик кутмади. Чунки ёвуз туркманнинг кулимсирашидан сўнг унинг юзидаги даргазаблик тарқаб кетганди. Аммо Блоквилинг истаги тез орада насиб этавермади. Ҳали ҳам кулимсираб турган туркман қўлидаги ипнинг бир учини французнинг чап оёғида турган балчили этигига боғлагач, ҳаммаси аниқ бўлди. Асирининг қўллари боғлиқ эканлигини оз деб билган туркман унинг оёқларини ҳам отнинг қорни тагидаги ипга қаттиқ боғлади. Шундан кейин қавмдошига кўп нарсалар айтиб, тушунтиргач, отига миниб жўнади.

Блоквилинг шўрига шўрва тўкилгандай бўлди. Олдин эркин ҳолда қимиirlab келган оёқлари энди қаттиқ боғлаб ташланганди. Ўтириши ҳам, қимиirlashi ҳам қийинлашди. «Буларнинг ҳушёрлигини қара-я! Қўл-оёғимни боғлашмаганида ҳам қаерга қочар эдим? Ёки булар мени ноёб бир мутахассис ёки саркарда деб ўйлаштаётганмикан?» Ўзининг ахволини ўйлаган сайин Блоквилинг кулгиси қистади. Агар Ҳамза Мирзо, Қора генерал, бошқа ҳарбий бошلىклар туркманлар қўлига тушмай, қочиб қутулган бўлсалар, унда ўта ҳушёрлик билан қўриқданаётган битта одам Блоквил эканлиги аниқ.

Блоквилинг назари тушган жойлардаги асиirlарнинг биттаси ҳам отга миндирилмаган, лойли оёқларини судраб пиёда боришарди. Қаршилик қўргазган ёки қаршилик кўрсатмоқча мойиллиги сезилган асири эронийларнинг қўллари боғлаб ташланган эди.

Қожорларни Марв томонга ҳайдаб бораётган туркманлар бошларини тик тутиб, атроф-теваракка магрур қараб боришарди. Ҳатто уларнинг осталаридағи отлар ҳам ғалаба эпкинидан сармаст бўлгандай енгил қадам ташлаб борарди.

Блоквил билан уни қўлга олган туркманнинг оти устида жуфт киши ўтирганлиги учун бошқа отлардай енгил ҳаракатлана олмаса-да, йўргалашлари биланоқ кайфияти чоғлигини билдириди: учига супурги боғлагандай узун думи дамба-дам француznинг этиги қўнжини ёки думғазасини супуриб бормоқда.

Блоквил қўлга тушган тутқунларнинг биринчиси эмас экан. Ҳали Марвгача етмай турибок, бугдойи ўрилмай қолган, от туёқлари тепкилаб сомонли лойга айланган кенг майдон бир пасда асиirlар билан тўлди. Даастлаб Блоквили ҳам ўша ерга олиб бориб ташлашди. Бироқ уни асиirlар оломонига қўшмай, чеккароқда қурилган қаровсиз хароба уйнинг ёнида отдан туширишди. Хароба олдидаги улкан якка дарахтга

ип билан боғлашди. Блоквил шундан сўнгтина бошқа тутқунларга эътибор билан қарай бошлади.

Туркманлар нима учундир асиirlарнинг барчасини битта жойга тўплашмоқда эди. Уларнинг бошини жамлаб, бир жойда узоқ сақламаслик учун оқсоқоллар, отлиқ йигитлар тутқунларни ўн беш-йигирма нафардан гурухларга бўлиб, турли қишлоқларга қараб ҳайдай бошлади. Шу тарзда туркман ёшуллари асиirlарнинг энди хавф тугдиришининг олдини олишмоқда эди.

Блоквилнинг ўзи аллақачон томоша марказига айланаб улгурди. Ҳозирги вақтда ташвишлари қанча кўп бўлмасин, ўтиб бораётган туркман отлиқми, пиёдами — барчаси фаранг йигитига қарамасдан ўтмасди.

Қаердандир пайдо бўлган ҳассали букри ёшулли ҳам Блоквилнинг ёнида тўхтаб, унга чақалоққа қарагандай узоқ тикилди. «Вой-бўй, шу йигит экан-да ўша етмиш иккита тил биладиган фарангি, — деб букри ўзича шивирлади. — Етмиш иккита тил билса ҳам ташқи кўринишидан оддий одамлардан унчалик фарқ қилас мас экан-ку. Тавба, яратган Эгамнинг назари тушса, одамни нималар билан сийламайди?!»

Букри ёшуллининг назари бирдан бошқа томонга бурилди. У диққат қилган ҳолат етмиш иккита тилни биладиган асиirdan ҳам гаройиб бўлиб кўринди. Пакана ҳамда думалоқ бир туркман ўзидан уч-тўрт қарич баланд, бақувват бир сарбозни олдига солиб келмоқда эди.

Кулги-шодлик ҳозир кўнглига сифмаёттанига қарамай, бақувват гавдали асиir билан уни олдига солиб келган кичкина туркманга кўзи тушган Блоквил ҳам беихтиёр кулиб юборди. Асиir сарбознинг девдай қадам ташлаб, бошини мағур тутиб келишини кўрган Блоквил уни сипоҳий ёки бекзодалардан бири бўлса керак, деб тахмин қилди. Кўли орқасига боғланган дейилмаса, ўзи асирга ҳам мутлақо ўҳшамайди. Худди сайрга чиққан, орқасига ҳурмат билан қоровул қўйилган, юқори мартабали бир раҳбар дейсиз.

Ўзига ярашиб турган бағбақаси, қимматбаҳо мовутдан гавдасига мослаб тикилган кийим-кечаги унинг зодагон оиласа мансублигидан дарак бериб турарди.

Сийрак соқоли ерга теккудай титраб-титраб кулган букри ёшулли унга масхараомуз гап отди.

— Эй, хон ўғил, сен бу сарбозни якка ўзинг тутдингми ёки аҳли қавм-қариндошларинг билан биргалашиб тутдингларми? Кичкинагина гавданг билан бундай улкан сарбозни ушлашга нечук жазм этдинг, ахир?

Қариянинг бу гапи пакана туркманнинг жаҳлини чиқарди шекили, у димогини шишириб кеккайди:

— Гап одамнинг гавдасида эмас, ёшулли! Гап менинг қаҳрамонлигимда. Мен бу навкардан бошқа яна беш-олти нафар қожорнинг калласини ҳам сапчадай узиб ташлаганман!

Букри қария эгилиб-эгилиб қулди.

— Эй, хон ўғил, бу сўзингта менга ўҳшаган бели буқчайиб қолган бандаси ишонар-у, Яратган эгамнинг ўзи барибир ишонмайди-да!

Тутқунни олдига солиб келган туркман ўзининг айтганлари тўғри эканлигига чолни ишонтириш учун тутқун қожорнинг орқасига тепиб юборди.

— Тезроқ юр, деяпман сенга!

Тутқун сарбоз буйруқни бажариб, қадамини тезлатди.

Буйруги ижро этилганидан мамнун бўлган пакана туркман олдинги ҳолатидан ҳам бурнини баландга кўтарди-да, қилган ҳаракатини яна бир бор такрорлади.

— Тезроқ юр!

Тутқун сарбоз бу гал тез юриш ўрнига тўхтаб қолди.

— Нега тўхтадинг?! — деб кичкина туркман вожоҳатли чийиллади.

Тутқун тўсатдан орқасига айланди-да, газаб билан катта қўзларини пакана туркманга тикди.

Пакана туркманинг ингичка товуши сунъий дағдағага эврилди.

— Калтак емоқни истамасанг, тез қадам ташла, қожор! Топдинг, сенинг ўжарлигингга кўнадиган одамингни! Менинг сўзимга қулоқ солмай сен ўзинг ким бўлибсан?! Ҳе, сенинг...

Кўзиқориндай пакана одамнинг маза-бемаза дағдағаларини эшитиш тутқуннинг ҳам жонига теккан эди. Айниқса, унинг охирги гапи қожорнинг газабини қайнатди. Ҳақорат эшигтан қожор қип-қизил бўлиб, бир чиранган эди, қўлларига боғланган, эшилма ип узилиб ерга тушди.

Қожор юз кўриниши кескин ўзгарганидан туркман ҳайқди, қочмоққа ҳозирланди. Аммо рўй берган воқеага диққат билан эътибор қаратиб турган бели буқчайган қариянинг ўткир назари унда яна музafferлик туйгусини уйғотди.

— Нима қиляпсан, энди ажалингга тезроқ этиш учун шошиляпсанми?

— деди туркман яна дағдаға билан.

Тутқун қожор, ор-номусим куйгунча имоним куйсин дедими, ўнг қўлини куч билан бир силкитган эди, пакана туркман ерга ағдарилиб тушди. Асири қожор бошқа ҳеч қанақа ҳаракат қилмади.

— Ҳа, насибангни олдингми?! — деб, буқчайган ёщулли темирни қизифида босгандай сўзида давом этди. — Бундай бақувват қожорни якка ўзинг қўлга ололмаганинг кўнглим сезганди!

Пакана туркман икки оловнинг ўртасида қолди. Номусга теккан сўзга яна жавоб берайин деса, иккинчи бор бошига тушадиган улкан муштдан кўрқади. Ҳеч қандай ҳаракат қилмайин деса, яна изидан иззат-нафсига тегадиган сўзлар айтилади.

Пакана туркман шоша-пиша ўрнидан турди, тутқун қожорга яқинлаша олмади-ю, бироқ тилига эрк берди.

— Барибир, бу эронликни якка ўзим асирга туширдим!

Тутқун бу гал мушт билан эмас, сўз билан дўппослади:

— Мени сен асирга олганинг йўқ, эй аҳмок! Сенингдай олтовлон туркман ҳам мени қўлга ололмайди. Мени бу ҳолатга туширган сизларнинг бола-чақаларингизнинг кўзёши бўлди...

Шу гапни айтгач, тутқун қожор асиirlар тўпланаётган томонга ҳеч қандай буйруқ кутмай, ўз ихтиёри билан юриб кетди.

Сийрак соқоллари силкиниб турган буқри қария анча вақтгача бу воқеани эслаб, кулиб турди. Бироқ гала-ғовур ичиди пакана туркманинг қай томонга гойиб бўлганини чол кўрмай қолди.

Давоми бор

*Туркман тилидан
Музaffer АҲМАД ва
Машариф САФАРОВ таржималари*



Ёш таржимонлар ижодидан

Дэвид ХЮМ

Шубҳапараст

Файласуфларнинг барча нарсани қамраб олувчи умумий хулосала-рига доимо шубҳа билан қараганман. Уларга ишонишдан кўра, таҳлил ва танқид қилишга майлим кучли. Аксар файласуфлар йўл қўядиган хатолар шундаки, улар табиий ўзгаришларнинг ҳар бири ўзига хос бўлишини эътибордан соқит қилиб, ўз мезонларини барча нарсаларга беистисно бирдек тадбиқ этадилар. Аксар ҳолларда файласуф кўпгина табиий жараёнларни қамраб олишга қаратилган муайян қоидаларни шарҳлаганда, у бу қоида амал қиласидаги соҳани бутун мавжудликка ёйиб юбориш ва барча ҳодисаларни фақат биргина ана шу қонун ёрдамида – бемаъно ва саёз мuloҳазалар асосида тушуниришга, беҳуда уринади. Ақлимиздаги ноқислик бизга ўз тушунчага-ю фаразларимизни табиатдаги барча турфа хил нарса ва ҳодисаларга нисбатан тадбиқ этиш имконини бермайди. Фақатгина тафаккуримизда бўлгани каби табиатдаги барча ўзгариш ва ҳаракатлар ҳам чекланган деб фараз қилишимиз мумкин.

Файласуфларнинг заифликлари инсон ҳаёти ва баҳтга эришиш йўллари борасидаги фикрларида кўпроқ қўзга ташланади. Бунда улар ўз тушунчаларининг торлигидан ташқари, ўzlаридағи эҳтиросу майллар сабабли хатога йўл қўядилар. Деярли ҳар бир инсон ўз ҳаёти мобайнида баъзи тўхтамлар билан бўлса-да, муайян бир нарсага кучли майл сезади ва барча эҳтиросу истакларини айни ўша майлга бўйсундиради. Бундай вазиятда унинг учун мутлақо аҳамиятсиз бўлган нарса бошқаларга завқ бағишлиши, унинг эътиборидан четда қолган нарса кимларнидир ўзига мафтун этиши мумкинлигини англаш осон бўлмайди. Унинг наздида ўз машғулотигина энг жозибали; эҳтиослари йўналган обьектлар энг қадрли; у тутган йўл баҳтга элтувчи ягона йўлдир.

Бироқ бу мутаассиб мутафаккирлар бир мuddат ўз камчиликларини очиб берувчи далилу мисоллар қанчалар бисёр экани тўғрисида чукурроқ ўйлаб кўрганларида эди, ўз фикрлари ва мезонларини анчагина мукаммаллаштирган бўлардилар. Улар кишиларнинг машғулот ва майлла-

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳурматли Йортбошимиз ёшларимизнинг билим ва дунёқарашини янада кенгайтириш, уларни ҳар жиҳатдан баркамол авлод бўлиб вояга етишлари учун Фарб фалсафаси ва адабиёти намояндлари асарларини чукур ўрганишни ва уларни таржима қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратиш кераклигини таъкидлаган эдилар. Шу муносабат билан “Жаҳон адабиёти” журналида А.Шопенгауэр, Ф.Нитше, Ж.П. Сартр, Ж.Жойс, Ф.Кафка, К.Юнг, Ю.Борев, X.O. Гассет, Н. Бердяев каби кўплаб Фарб мутафаккирларининг фалсафа, дин, санъат, тарих ва адабиётга доир рисолалари, янги таржималари, ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинди.

Навбатда сизга тортиқ этилаётган асар муаллифи Фарб фалсафасида ўзига хос мактаб яратган шотландияли олим Дэвид Хюм (1711-1776) қаламига мансуб.

Мазкур рисола умилли ёш таржимон Хуршид Йўлдошев томонидан инглиз тилидан таржима қилинган. Хуршид ҳали ёш бўлишига қарамай, гоя ва мазмуни, шакли, услуб ва тили бир-мунча мурakkab бўлган мазкур асарни таржима қилишга жазм этгани бизни қувонтириди. У ҳар бир жумлага ижодий ёндашишга, таржимада аслиятдаги маънони имкон қадар ифода этишга, қолаверса, файласуф услугини сақлаб қолишига эришган.

Биз ёш ижодкорнинг бу эзгу ҳаракатини қўллаб-куватлаб, ундан мазкур йўналишдаги янги таржималарни кутиб қоламиз.

Taxririegat

ри қанчалар хилма-хил эканини кўрмайдиларми, ҳар ким ўз танлаган ҳаёт тарзи билан қониқиши, қўшниси юрган йўлдан бориш унинг учун катта баҳтсизлик бўлишини билмайдиларми? Наҳотки улар истак-майлнинг ўзгариши баробарида муайян пайтда ёқимли бўлган нарса бошқа пайтда разил нарсага айланиши мумкинлигини ўз турмушларида ҳис қилиб кўришмаган бўлса! Ёки қачонлардир муайян бир нарсага мафтун қилган дид ва ҳаваслари ёқимсиз бўлиб қолганини эслай олишмаса? Жамоавийлик ёки ёлғизлик, кайфу сафога тўла ёки қизғин фаолиятга бой ҳаёт, қишлоқ ёки шаҳар турмушини афзал билишдек умумий қизиқишу интилишлардаги фарқнинг маъноси нима? Гарчи кишилар ўзаро турфа майлларга эга бўлсалар-да, ҳар ким ўз ҳаётий тажрибаси ёрдамида тури яшаш тарзлари ўз ўрнида маъқул экани, ана шу турфа хил ва омихта шаклларнинг мавжудлиги мақсадгага мувофиқ эканига амин бўлади.

Бу масала ечимини ҳар кимнинг ўзига қўйиб бериш қеракми? Киши қайси ўйл афзал экани ва саодатга элтишини ўз ақлига ёки майлу кайфиятига таяниб аниқлаши қеракми? Бир кишининг хулқ-автори бошқаларнидан фарқли эмасми?

Мен бу саволга ўртада катта фарқ бор, деб жавоб бераман. Ўз майлу эҳтиросига ён берган киши ҳаёт йўлини танлашда айни шундай феъл-авторли ва айни мақсадга интилган бошқа бир кишидан кўра ишончлироқ воситани ишга сола билиши мумкин. Бойлик орттириш барча истакларингизнинг пировард мақсадими? Ўз касбу корингизда моҳир бўлинг; ўз фаолиятингизда шижоатли бўлинг; дўсту танишларингиз доирасини кенгайтиринг; ортиқча кайфу сафо ва харажатлардан қочинг; хаддан зиёд сахий бўлманг, тежамкорлик қилганингиздан кўра кўпроқ фойда кўришга кўзингиз етса сахий бўлинг. Одамларнинг хурмату иззатини қозонмоқчимисиз? Меъёрдан ортиқ мағрур ёки сермуозамат бўлишдан сақланинг. Ўзгаларнинг иззат-нафсига тегмайдиган тарзда ўз қадрингизни билишингизни намойиш қилинг. Агарда меъёрни бузсангиз, ўз такаббурлигингиз билан ўзгалардаги мағрурликни кучайтирасиз ёки ортиқча мутелигингиз ва ўзингизни паст қўйишингиз билан одамлар олдида қадрингизни йўқотасиз. Сиз буларни ҳар бир ота-она ўз фарзанди онгига сингдирадиган, оқил ҳар бир киши ўз танлаган ҳаёт йўлида амал қиладиган оддий ҳақиқатлар дерсиз. У ҳолда бундан ортиқ яна нимани истайсиз? Ёки файласуфни афсунгар ҳисоблаб, ундан сехру жоду кучи билан амалга ошадиган қандайдир нарсаларни ўргатишини сўрайсизми? Ҳа, биз файласуфдан мақсадга эришиш воситасини эмас, балки мақсадни қандай қилиб белгилашни ўргатишини сўраймиз. Биз қандай истакларни маъқуллашу қандай эҳтиросларга берилиш ва яна қандай зарурату эҳтиёжларга бўйсунишимиз кераклигини билишни хоҳлаймиз. Қолган пайт эса, ўз хулқ-авторимизни тарбиялашда соғлом ақлга (common sense) бўйсунадиган умумий меъёрларга асосланамиз.

Ўзимни файласуфдек тутаётганимдан хижолатдаман, зероки, сизнинг саволларингиз жуда мураккаб. Агарда жавобим қатъий ва совуқ бўлса, ақидапараст ва расимятчи сифатида ва аксинча осон ва қатъиятсиз бўлса, ахлоқсизлик ва ёвузликка даъват қилувчи сифатида кўринишдан хавотирдаман. Шунга қарамай, кўнглингизни қолдирмаслик учун, айни масала юзасидан ўз мулоҳазаларимни баён қиласай. Сиз бу мулоҳазаларга у қадар жиддий оқибатларга олиб бормайдиган фикрлар сифатида қарашингизни истайман. Зеро, ўзим ҳам уларни шундай қабул қиласман. Айни шу орқали сиз уларни кулгили ёки ғазабни қўзғатади деб ўйламайсиз. Биз файласуфона мушоҳада орқали кашф қилинган меъёрларга суюнишимиз мумкин. Фикримча, улар аниқ ва муқаррар деб қаралса-да, ўз ҳолича олганда қимматли ёки қимматсиз, маъқул ёки номаъқул, гўзал ёки хунук эмас. Бинобарин, бундай хусусиятлар инсондаги эҳтирос ва ҳиссиятларнинг муайян ҳолати ва кайфиятидан келиб чиқади. Бир ҳайвон учун мазали бўлган емак бошқа бири учун ёқимсиз; бирини завқлантирган нарса, бошқа бирида ўнғайсизликка сабаб бўлади. Бундай ҳол

тана сезгиларининг барчасига тааллуқли. Бироқ масалани янада чукурорқ ўргансак, онг тана билан мувофиқ фаолиятда бўлганда ва ундаги ҳиссиётлар жисмоний истаклар билан қоришиб кетганда ҳам айни вазият кузатилади.

Эҳтиросли ошиқдан ўз маъшуқасини тасвирлаб беришини сўранг. У ўз маъшуқасининг шаклу-шамойилини таърифлашга сўз тополмаётганини тан олади ва ўз навбатида сиздан ҳаётингизда бирор илоҳа ёки фариштага йўлиққанмисиз, деб сўрайди. Агарда “йўқ” деб жавоб берсангиз, у яна шундай давом этади, “у ҳолда сиз менинг маъшуқамдаги каби илоҳий гўзалликни – шу қадар мукаммал шакл, ўзаро уйғун хусусиятлар, мафтункор чехра ва шўх-шаддодликни ҳеч қачон тасаввур эта олмайсиз”. Унинг бу гапларидан бечора йигитнинг муҳаббат ўтида қовурилаётгани-ю табиат барча жонзодларга ато этган жинслар ўртасидаги умумий боғлиқлик унда ўзи учун ёқимли сифатларни муйян объектда кўриш майлини пайдо қилганинигина англайсиз, холос. Ваҳоланки, у илоҳийлаштирган хилқат нафақат бошқа жонзотлар, балки ўзга инсон учун ҳам шунчаки муваққат бир нарса сифатида кўринади, бинобарин, бутунлай бефарқлик билан қабул қилинади.

Табиат барча жонли мавжудотларга ўз зурриёти учун ғамхўрлик қилишдек англанмаган майлни ато этган. Мурғак гўдак дунё юзини кўргач, гарчи бошқа мавжудотлар учун жирканч ва ёқимсиз туюлса ҳам, отонаси болани ўзгача меҳр билан бошқа мукаммалроқ ва тугал мавжудотлардан афзал кўради. Инсон табиати ва кайфиятидан келиб чиқувчи эҳтиросгина (passion) энг аҳамиятсиз нарсаларга ҳам қадру қиммат бера олади.

Айни кузатувни давом эттирасак, инсон онгги мустақил тарзда маъкулловчи ва инкор қилувчи ҳиссиётни вужудга келтира олиши, бир объектни хунук ва беўхшов, бошқа бирини эса гўзал ва ёқимли деб қабул қилишига амин бўлишимиз мумкин. Айтишим жоизки, айни вазиятда ҳам ўша хусусиятлар объектда мавжуд бўлмай, балки онгдаги маъкулловчи ва қораловчи ҳиссиётларга (*sentiment*) боғлик бўлади. Бу нұқтаи назарни англашга ҳафсаласиз кишилар учун ишонарли ва очик-ойдин тушунтириб бериш қанчалар мушкул бўлишини тахмин қилияпман. Зоро, табиат тана сезгиларимида эмас, онгимизда кўпроқ бир бутун (*uniform*) ҳолатда бўй кўрсатади; инсоннинг ташқи сезгиларидан кўра ички оламида нисбатан яхлит бирликда акс этади. Маънавий дидимиз шундай ўзига хос меъёrlарни шакллантиргани учун ҳам ошпаз ёки парфюмерлар эмас, балки танқидчи(эстет)лар мавзуни ишончлироқ таҳлил ва муҳокама қила олади. Шунга қарамай, табиатнинг бир бутун ҳолда намоён бўлиши уларнинг гўзаллик ва моҳиятни ҳис қилишда турлича ёндашишлари мумкинлигини инкор қилмайди. Таълим, одат, хурофоту майллар ва кайфият дидимизни мудом ўзgartириб туради. Итальян мусиқасини тингламаган, унинг ички мураккабликларидан беҳабар кишини бу мусиқа шотланд мусиқасидан афзал эканига ишонтира олмайсиз. Бунда ўз фикрингизни асослаш учун ўз дидингиз чиқарган ҳукмдан бошқа бирорта ҳам далилингиз бўлмайди. Баҳслашувчи учун ҳам унинг ўз диди энг ишончли далиллар. Агарда сизлар бу борада оқилона йўл тутсангиз, иккингиз ҳам қарама-қарши томоннинг фикрлари тўғри бўлиши мумкинлигини тан оласиз. Диднинг ранг-баранг бўлишига етарлича мисоллар топилгандан иккингиз ҳам гўзаллик ва моҳият нисбий табиатга эгалиги ва у муйян объект томонидан маълум бир онгда ўша онгнинг ҳолат ва тузилишига кўра пайдо қилинган ёқимли ҳисдан бошқа нарса эмаслигини эътироф этасиз.

Инсонларда кузатилувчи ҳиссиётларнинг турфа хиллиги орқали табиат эҳтимол ўзининг улуғворлигини намойиш қилиш ва ташқи оламдаги нарсаларда эмас, балки руҳиятдаги эврилишлар орқали кишиларнинг ҳоҳиш ва ҳиссиётлари қандай ўзгараётганини кўришимизни истар. Оддий инсон шу фикрнинг ўзи билангина кифояланиши мумкин. Бироқ тафаккур эгалари бу билан чекланмай, нарсанинг табиати ҳақида янада

ишончлироқ, жуда бўлмаганда умумийроқ исботни шакллантиришга иштиёқманд бўладилар.

Мулоҳаза юритиши жараёнида онг нарсаларни ўзидан бирор нима кўшмай, улардан ниманидир олиб ҳам ташламаган ҳолда, улар гўё реал мавжуддек кўриб чиқади. Агар мен Птоломей ёки Коперник тизимларини ўргансам, бу билан мен сайёраларнинг реал ҳолатларини билишга интиламан. Бошқача айтганда, мен сайёралар фазода ўзаро бир-бирларига қандай муносабатда бўлсалар, айни муносабатни доимо диққат марказида тутаман. Онг бу фаолиятида афтидан инсонларнинг билиш имкониятларидағи тенгсизлик сабабли ўзгариб турувчи ҳақиқат ёки ёлғон тасаввурлар билан эмас, нарсалар табиатидаги қандайдир реал, бироқ номаълум қолиплар билан доимо мувофиқ ҳаракат қиласди. Ҳатто барча инсонлар қўёш ҳаракатланади ер эса ҳаракатсиз бўлади деб ўйласалар-да, қўёш бир қарич ҳам жойидан жилмай тураверади ва бундай ишонч доимо ёлғон ва хато бўлиб қолади.

Бироқ гўзаллик ва хунуклик, мақбуллик ва манфурлик сифатлари борасидаги вазият ёлғон ва тўғрилик масаласи каби эмас. Биринчи ҳолатда онг нарсаларни ўз ҳолича, қандай бўлса шундайлигича кузатиш, муҳокама қилиш билангина қаноатлана олмайди; у бу кузатув орқали завқ ёки домангирлик, маъқуллаш ёки қоралаш ҳисларини ҳам түядики, бу ҳислар обьектга гўзаллик ёки хунуклик, мақбуллик ёки манфурлик сифатларини беришга ундейди. Демак, бу ҳиссиёт (*sentiment*) онгнинг муайян ҳолат ва тузилишига боғлиқдир. Айнан онгнинг тузилиш ва ҳолати муайян шаклнинг у ёки бу тарзда юзага келиш имконини туддиради; онг ва унинг обьектлари ўртасида умумийлик ва мувофиқликни келтириб чиқаради. Онг тузилиши ёки ички аъзоларни ўзгартирсангиз ташқи нарсалар ўз ҳолича сақланса-да, ҳиссиёт айни шаклда қолмайди. У (ҳиссиёт) ташқи обьектлардан фарқли бўлиб, нарсаларнинг сезгиларга таъсiri туфайли вужудга келар экан, у ҳолда сезгилардаги ҳар қандай ўзгариш ҳиссиётларга ҳам таъсир кўрсатиши керак. Айни обьект турлича хусусиятга эга бўлган икки кишининг онгида айнан бир хил ҳиссиётни вужудга келтира олмайди.

Ҳар ким нарса ва ҳиссиёт яққол фарқланиб туришини чуқур фалсафий тафаккур ёрдамисиз ҳам била олиши мумкин. Ким инсондаги эҳтирослар сабабли муайян аҳамият касб этувчи, ўз ҳолича олганда матлуб ҳам, марғуб ҳам бўлмаган ҳукмронлик, шон-шуҳрат ва кимдандир қасос олиш каби ҳиссиётлардан таъсирланмаган? Бироқ аксар кишилар гўзаллик масаласига келганда, у хоҳ табиий, хоҳ ахлоқий бўлсин, вазият бошқача тус олади, деб ҳисоблайдилар. Мақбул сифат ҳиссиётда эмас, нарсаларнинг ўзида бўлади ва ҳиссиёт обьектни идрок қилиш ва ўзи ўртасидаги фарқни пайқамаслик қадар мубҳам ва бетизгин эмас, деб ишонилади.

Шунга қарамай, озгина мулоҳаза қилиб кўрсак, уларни осонгина фарқлай оламиз. Ҳар ким Коперникча тизимдаги эллипсларни ва Птоломейча носимметрик ҳаракатларни аввалгиси кейингисидан гўзалроқ эканини ҳис қилмасдан ҳам била олади. Евклид айлананинг барча хусусиятларини унинг гўзаллиги тўғрисида бир сўз ҳам айтмай изоҳлаб берди. Нима учун шундайлиги аён: гўзаллик айлананинг сифати эмас. Гўзаллик ундаги марказдан бирдай узоклиқда ётган чизикда ҳам эмас. Гўзаллик шу каби ҳиссиётни пайдо қилувчи онгнинг тузилиши ва кайфияти маҳсули, холос. Уни сезги ва математик мулоҳазаларни ишга солиб, айланадан, унинг сифату хусусиятларидан қидиришдан фойда йўқ. Вергилийни ўқиб завқ олмаган математик Энейнинг саёҳатларини харитадан текшириши ёки буюк шоир ишлатган лотинча ҳар бир жумлани муқаммал тушуна олиши мумкин. Оқибатда эса у ўқиганларидан мутлақо ўзгача таассурот олади. У достонда тилга олинган жуғрофик жойлардан хабарсиз одамларнидан фарқли ҳисларни туди; достондаги ҳар бир нарсани тушунса-да, унинг гўзаллигидан бебахра қолиши мумкин. Чунки гўзаллик, очиғини айтганда, шеър ёки достонда эмас, балки ўқувчининг

дид ва ҳиссиётидадир. Қаердаки, киши мазкур ҳиссиётни туғдирадиган кайфият назокатига эга бўлмаса, у гарчи фариштанинг ақлию билимига эга бўлганда ҳам гўзалликдан бебаҳра қолиши аниқ.

Келтирилган барча мулоҳазаларимизни шундай хулосаймиз: инсон интиладиган завқ-шавқ нарсаларнинг моҳияти ва аҳамиятидан эмас, балки ўша интилишга ундовчи эҳтирос ва айни интилиш сабабли қўлга киритиладиган муваффакиятдан келиб чиқади. Нарсалар ўз ҳолича ҳеч қандай қадр ва аҳамиятга эга эмас. Улар ўз аҳамиятини эҳтиросдан олади. Агарда у (эҳтирос) кучли, қатъий ва муваффакиятли бўлса, инсон мамнунлик түяди. Рақс мактабидаги кечага янги либос кийиб борган қизалоқ ҳис қиласидиган завқ нотикнинг ўз таъсирчан маърузаси билан минглаб тингловчиларнинг эҳтиросдан ва фикрларини бошқаришидан оладиган қони-қишибалик бўлади, деган гапга шубҳа билдириш мушкул. Кишилар ҳаётидаги барча фарқлар уларнинг эҳтирос масрур ҳисларидан келиб чиқади. Айнан мана шу фарқ баҳт ва баҳтсизлик ўртасидаги улкан масофани пайдо қиласиди.

Баҳтли бўлишда эҳтироснинг тийиксиз ҳам, суст ҳам бўлмаслиги жуда мухим. Биринчи ҳолатда онгимиз доимий тифизлик ва бетартиблик куршовида бўлса, кейинги ҳолда эса ғафлат ва ҳафсаласизлик ичидаги бўлади.

Баҳтли бўлиш учун эҳтирослар дағал ва шиддаткор эмас, мулойим ва дилкаш бўлмоғи лозим. Дағаллик ва шиддат туйгуларимиз учун маъқул сифат эмас. Ким ҳам нафрат ва адоварат, ҳасад ва қасоскорликни дўстлик, мулойимлик, муруввату миннатдорлик туйгуларига қиёслай олади?

Баҳтли бўлиш учун эҳтирос масрур ва қувноқ бўлиши, тушкунлик ва умидсизликдан йироқ турмоги лозим. Ҳақиқий бойлик умид ва ишончга, қашшоқлик эса кўркув ва ғазабга мойилликдадир.

Баъзи эҳтиросу майллар бошқа туйгулар каби ўз обьектига нисбатан қатъий ва изчил бўлмайди, давомли завқ ва қониқишига олиб бормайди. Масалан, фалсафага ихлос шоирнинг илҳоми каби кўтаринки рух, ажойиб эрмак, кучли истеъдод, ўқиш ва фикрлашга бўлган одатнинг муваққат ҳосиласидир. Бироқ, шунга қарамай, табиий дин тасвирлагани каби кўринмас, мавхум обьект онгни узоқ вақт машғул қилолмайди, ҳаётнинг муайян даври учун асос бўлолмайди. Эҳтироснинг давомли бўлиши учун тасаввур ва сезгиларимизга таъсир этувчи қандайдир усулни топишимиз, илоҳий олам тўғрисида муайян фалсафий ва тарихий изоҳ, тушунчаларни қабул қилишимиз лозим. Оммалашган ирим-сиримлару маросимлар айни масалада аскотиб келади.

Гарчи кишиларнинг кайфияти турлича бўлса-да, дангал айтиш мумкини, завқу шавққа йўналган ҳаёт амалий фаолиятга йўналган қизғин ҳаёт сингари узоқ давом этмайди; у кўнгилга тегиши ёки нафрат уйғотиш мумкин. Давомли қизиқишилар одатда, ўйин ва ов каби кучли қунт ва эътибор туфайли юзага келади. Умуман олганда, меҳнат ва ижодий фаолият инсон ҳаётидаги катта бўшлиқни тўлдиради.

Инсон ҳаёти тўғрисидаги мазкур қисқа ва нотугал баёну таҳлилиминиздан келиб чиқадики, онгнинг энг баҳтли ҳолати бу унинг фазилатли бўлиши, бошқача айтганда, бизни фаолият ва машғулликка ундейдиган, бизга ижтимоий ҳис-туйгуларни англатадиган ва юрагимизни тақдир зарбаларига тайёрлайдиган, ҳиссиётларимизни мўътадиллаштирадиган, ўз ўй-хәёлларимиздан завқ олишга ўргатадиган, туйгуларимиздан кўра кўпроқ ўзгалар билан сұхбат қуриш ва дилкашлиқдан ҳузурланишга бўлган майленимизни орттиришга қодир бўлишидир. Бошидан оғир кунларни ўтказаётган аксар саёз фикрли кишиларга шу нарса маълум бўладики, онгнинг барча ҳолатлари баҳтли бўлиш учун мақбул эмас; муайян ҳиссиёт ёки кайфиятнинг бўлиши қанчалар маъқул кўрилса, бошқаси шунчалик қораланишга сазовор. Дарҳақиқат, ҳаёт шароитлари ўртасидаги фарқ кишиларнинг онгу тафаккурига боғлиқ. Ҳолбуки, ўз ҳолича олганда турли вазиятлар (ҳаётий шарт-шароитлар) ўзаро бир-биридан афзал эмас. Эзгулик ва ёвузлик – у хоҳ табиий, хоҳ ахлоқий бўлсин – инсоннинг ҳиссиёт

(sentiment) ва эхтиросига (affect) тамоман боғлиқдир. Агарда инсон ўз ҳис-туйгуларини бошқара билганда эди, ҳеч ким баҳтсизликни ҳис қилас, Протей каби ўз шаклу шамойилини ўзгаририб, тақдирнинг барча зарбаларига чап бериб кета оларди.

Бироқ табиат ўзидаги етарлича мавжуд мослашувчанлик қобилиятидан бизни маҳрум қилган. Онгимизнинг тузилиши ва асоси бизнинг танловимиздан кўра кўпроқ жисмимизга бўйсунади. Кўпгина кишилар онгимиздаги ўзгариш биз учун қанчалар заруриги ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас. Дарё ўз ўзанидан чиқиб кета олмай ҳаракатлангани каби инсониятнинг жоҳил ва мулоҳазасиз қисми ўзларининг нафсоний майлларига қул бўладилар. Улар фалсафа – онгимиздаги иллатларга қарши туро оладиган малҳамдан мосуводирлар. Шундай бўлса-да, табиат доно ва мулоҳазакор кишиларга ҳам ўз ҳукмини ўтказади. Ўз феъл-атворини тўғрилаш ва маъқул фазилатларга эга бўлиш учун мукаммал моҳирлигу шижоат билан ҳам инсон ўзи устидан тўла ҳукмронлик қила олмайди. Фалсафий тафаккур эса жуда оз кишиларга берилган. Ҳатто фалсафанинг ўзи ҳам бу масалада анчагина ожиз ва чекланган. Кишилар фазилатларнинг аҳамиятини билсалар ва унга соҳиб чиқишга интилсалар-да, улар ўз истакларига эришишда доим ҳам комил ишончда бўлавермайдилар.

Кимdir холислик билан инсон хатти-ҳаракатини кузатса, у жисмоний тузилиш ва кайфиятига бўйсunaётгани, умумий мезонларнинг таъсири озлиги ва асосан ҳиссиёт ва дид билан чекланганига гувоҳ бўлади. Агарда киши жўшқин, аммо мўттадил ор-номус ва эзгулик туйгусига эга бўлса, унинг ҳаракатлари доимо ахлоқ меъёрларига мувофиқ келади. Мўттадилликни йўқотганларнинг тубан кетиши жуда тез ва осон. Бошқа томондан, инсонийлик ва эзгуликка бегона, ўзгаларга ҳамдард бўлолмайдиган, ўзгаларни қадрлаш ва олқишлиашни хоҳламайдиган, табиатан бузуқ, шафқатсиз ва ҳиссиз руҳият билан дунёга келган кишини даволаб бўлмайди. Ундейлар учун фалсафадан малҳам излаш бефойда. У тубан ҳиссий нарсалар, заарли эхтиросларга берилешдан хузур олади; ўзидаги бузуқ майллардан халос бўлмаганидан афсусланмайди. Унда муносиб феъл-атворга ундовчи дид ва туйгунинг ўзи йўқ. Ўзимга келсак, бундай кишиларга қандай муносабатда бўлиш кераклигини, уларни қандай тарбиялаш мумкинлигини билмайман. Агарда унга инсоний хатти-ҳаракатлар, беғараз севги ва дўстлик, комил хулқ-атвор ва ҳурмат-эътибордан юзага келадиган мамнунлик ҳисси тўғрисида гапирсам, у “бундай туйгулар ким учундир қадрлидир, эҳтимол, аммо менинг ўз қизиқиши ва майларим бор”, деб жавоб беради. Қайтараман, бундай вазиятга менинг фалсафам даво бўлолмайди. Бундай ҳолда унинг ачинарли аҳволига куюнишдан ўзга бирор нарса қўлимдан келмайди. Унга бошқа бирор фалсафа ёрдам бера оладими? Бирор таълимот орқали кишиларни, гарчи табиатан ахлоқсиз бўлсалар-да, эзгуликка ундаш мумкинми? Тажриба аксини кўрсатади... Шу нарса аниқки, фан ва нафис санъатга берилган эътибор феъл-атворни юмшоқ ва инсониyroқ қилади, ҳақиқий эзгулик ва ор-номусга пайванд бўлган нафис туйгуларни тарбиялайди. Диҳли ва ўқимишли кишининг носамимий ва ахлоқан заиф бўлиши камдан-кам учрайди.

Ўқиб-ўрганиш ва тиришқоқлик кайфият ва феъл-атвордаги сезилмас ўзгаришлардан ташқари яна бир қанча натижаларга ҳам сабаб бўлади. Таълимнинг улкан таъсири бизга шуни кўрсатадики, онг бутунлай ўжар ва букилмас нарса эмас, аксинча, ўзининг бошланғич ҳолатига бир қанча ўзгаришишларни кирита олади. Кишига ўзи учун маъқул бўлган феъл-атвор намунасини ишлаб чиқишига имкон беринг. У ўз хулқидаги ўша намунадан оғиш ҳоллари ҳақида хабардор бўлиб борсин; ўз ўзини мудом кузатиб борсин ва давомли файрат ва шижоат билан ўз онгини иллатлардан фазилатларга томон бурсин. Шубҳа йўқки, вақт ўтиши билан у ўз хулқида ўзгариш бўлаётганини пайқайди.

Одат онгни ислоҳ этиш, унда фазилат ва яхши майлларни пайдо қилиш-

нинг яна бир кучли воситасидир. Доимо ҳушёр ва мўътадилликда яшаган киши ғалеёну бетартиблиқдан нафратланади; агарда муайян амалий фаолият ёки илм билан шугулланса, дангасалик унинг учун жазо; одамларга ёрдам бериш ва дилкашликни одат қилса, манманлик ва зўравонликнинг барча кўринишларидан жирканади. Қачонки киши фазилатли ҳаётнинг афзаллигига ишонса ва муайян муддат ўз нафсини зўрлаб бўлсада, ислоҳ қилишга қарор қилса, у ўз ҳаракатларининг натижасидан ноумид бўлмаслиги лозим.

Фалсафа ҳақида билдирилган нозик мулоҳазаларнинг бошқа бир нокислиги шундаки, улар нафақат ёвуз туйғуларни йўқ қиласди, балки бунга кўшимча айни жараёнда эзгу эҳтиросларни ҳам камайтириб юбориши ва онгни дангаса, фаолиятсиз қилиб қўйиши мумкин. Бу мулоҳазалар аксар ҳолларда жуда умумий бўлиб, барча эҳтиросларимизга бирдек таалуклидир. Уларнинг таъсирини бир томонгагина йўналтиришга уринишимиш фойдасиз. Агарда изчил таълим ва тафаккур орқали шу мулоҳазаларни ўзимизга татбиқ этсан, уларнинг таъсири кенгайиб, онгимизда ялпи муроқликни келтириб чиқаради. Асаб толаларини йўқ қилиш орқали инсон танасидаги оғриқ билан бирга лаззат хиссини ҳам барбод этамиш.

Ўша фалсафий мулоҳазалардаги – улар хоҳ қадимий, хоҳ замонавий бўлсин – камчиликларни биргина назар ташлаш билан билиб олиш осон. Етказилган жароҳат ва зўрликлар, – дейди файласуфлар, – сенда ғазаб ва нафрат уйғотмасин. Маймуннинг ёмонлиги ёки йўлбарснинг шафқатсизлигидан ғазабланасанми?¹ Бу мулоҳаза бизда инсон табиати ҳақида салбий фикрлар туғдиради ва, аниқки, ижтимоий туйғуларни йўқ қиласди; ҳатто инсонни ўз қилган жиноятини оқлашга олиб боради. Зоро, у ёвузлик ёввойи ҳайвонлардаги инстинктлар каби инсонга табиий берилган деб ҳисоблай бошлайди.

Барча бахтсизликлар мутлақ мукаммал бўлган борлиқдаги тартибдан келиб чиқади. Сен ўз манфаатинг йўлида шундай илоҳий тартибни бузасанми? Мени қийнаётган барча муаммолар ўзгаларнинг ҳусумат ёки адолатсизликларидан келиб чиқаётган бўлса-чи? Инсоннинг барча ёвузлик ва иллатлари борлиқдаги тартибнинг узвий бир қисмидир.

Инсон бахтсиз бўлиш учун туғилган. У ўзининг толесизлигидан ҳайрон бўлиши керакми? Еки бирор фалокат учун ачиниш ва ғам-андуҳга йўл бериши керакми? Ҳа, у ҳақли равишда ўзининг бахтсиз бўлиш учун дунёга келганидан қайгуради. Сиз берган тасаллиларингиз аҳволини юмшатмоқчи бўлган кишининг учун юзлаб мушкулотни пайдо қиласди.

Инсон табиатига хос бўлган иллатлар – ўлим, касаллик, қашшоқлик, сўқирлик, қувғин, тұхмат ва тубанлик ҳамма вақт кўз олдингизда туради. Агарда булардан бирортаси сизнинг чекингизга тушса ва бунга аввалдан тайёр бўлсангиз, унга мардонавор қарши тура оласиз. Мен бунга шундай жавоб бераман: агарда инсон ҳаётининг муаммолари ҳақидаги бизни тақдир зарбаларига қарши тайёрлашда ёрдам беролмайдиган умумий, мавхум мулоҳазалар билан ўзимизни чеклаб қўйсак; агарда ҳаловатимизни заҳарлаб, абадий бахтсизликка йўлиқтирувчи ҳақиқий оғу бўлмиш диққатли ва кескин мушоҳада орқали уларни (мушибатларни) ўзимизга яқинлаштирасак хато тасаввур ва мулоҳазаларимиз ғаму кулфатларимизнинг бosh сабабчисига айланади. (Хюм бу ерда прагматизмнинг асосийояларидан бирини ифодалаб бермоқда. – Тарж.)

Азобу уқубатларингиз фойдасиз, улар тақдирни ўзгартира олмайди. Тўппа-тўғри, айнан шундай сабаблар туфайли. Афсусдаман!

Цицероннинг карларга берган насиҳати эса янада қизикроқ. Сиз тушунмайдиган қанча тил бор? – сўрайди у, – Пунча, испанча, галча, юононча ва ҳоказо. Буларнинг барчаси учун мисоли бир карсиз. Улар сизни безовта қилмайди. Яна бир тил учун ҳам кар бўлсангиз шу ҳам бахтсизликми?

Антитр Кирениакнинг донолигига тан бераман. Баъзи аёллар унинг

¹ Plut. de ira cohibenda.

кўрлиги учун юпатганларида, у: Нима! Қоронғуликда лаззат бўлмайди деб ўйлайсизми? – деб жавоб берган...

— Қувғинлик, – дейди Плутарх бадарга қилинганд бир дўстига, – ёвузлик эмас. Математикларнинг фикрича, бутун ер юзи коинотга қиёсланганда бир нуқта, холос. Юртни ўзгартириш бир кўчадан иккинчисига бориб яшащдек гап. Инсон ўсимлик эмаски, ернинг муайян нуқтасида илдиз отса. Барча мамлакат ва иқлиmlар унга мос келади. Бу фикрлар қувғинликда сарсон бўлиб юрганлар учун фойдали. Бироқ, улар жамоат хизматидагиларнинг онгига пайдо бўлиб, уларни ўз она юртларига боғлаб турган барча ришталарни узид ташласа, нима бўлади? Ёки улар фирибгар табибининг дориси каби қант касали ва истисқога бирдек даво бўладими?..

Фалсафага доир адабиётларда инсон фаолиятини сиртдан кузатиш ва кундалик ҳаёт икир-чикирларидан келиб чиқсан мухим аҳамиятга молик икки тур хулоса учрайди. Ҳаётнинг қисқа ва ўзгарувчанлиги тўғрисида ўйлаганимизда баҳтга бўлган барча интилишларимиз қанчалар аянчли кўринади-я! Қизиқишлиримиз доирасини шахсий ҳаётимиздан кенгроқ миқёсга олиб чиқиб, буюк қонунлар, таълимотлар, асарлар ва салтанатлар аста-секин инсоният ҳаётидаги ўзгариш ва инқилоблар туфайли тошқин дарёда шитоб билан оққандек материянинг чексиз уммонига фарқ бўлиб кетаётганини ўйласак, олдимизга қўйган қамровдор, улкан мақсадларимиз хаёлпарамтиқдек кўринади гўё. Шу қабилдаги ўй-фикр биздаги барча эҳтиросларни сўндиради, бироқ у инсон ҳаёти қандайдир аҳамиятга эга деган фикрга ишонтирувчи табиатнинг найрангига қарши аксиламал бўла олармикан? Шу ўй-фикрлар эҳтиросли фикрат эгалари куролига айланиб, бизни шижоат ва эзгулик йўлидан ялқовлик ва кайфу сафо йўлига бошламасмикан?

Фукидиднинг ёзишича, Афинада ўлат тарқаб, ҳар ерда ўлим шарпаси кезиб юрганида, тийиксиз ишратга берилиш, ҳаёт экансан, ўйнаб қол, қабилида иш тутивчи кишилар ўртасида ҳам туттасил давом этади. Боккачо ҳам Флоренцияда тарқалган ўлат билан боғлиқ айни йўсингидаги воқеани кузатади. Аскарларни уруш даврида фалаён ва талончиликка ундейдиган ҳам айни мана шу тамойилдир. Ҳозирги лаззат ҳаммасидан мухимроқ; бошқа барча нарсанинг аҳамиятини пасайтирувчи нимаики бўлса, унинг таъсир ва қимматини оширади.

Эҳтиросларимизга тез-тез таъсир ўтказувчи иккинчи хулоса ўз ҳолатимизни ўзгаларники билан солиширишимиздан келиб чиқади. Бундай солишириш кундалик ҳаётимизда ҳам муттасил давом этади. Бундаги ачинарли ҳолат шуки, ўзимизни қўйироқдагилардан кўра юқоридагилар билан қиёслаймиз. Файлусуф бу табиий камчиликни тақдир инъом қилган шароитга қўнишиб учун эътиборини бошқа томонга қаратиш орқали тўғрилайди. Бундай хулосадан таскин топишга мойил бўлмаганлар жуда оз бўлса-да, ўзга инсонларнинг мусибатлари ҳақида ўйлаш эзгу табиатли кишида кўпроқ қайфу-ҳасратга сабаб бўлади. Уз баҳтсизлигидан ачиниш ўзгаларнинг қисматига нисбатан изтиробни пайдо қиласди. Энг яхши фалсафий таскинлардаги ноқислик ҳам мана шунда.

Мавзуни шуни қайд этиш билан хулосалайман: гарчи фазилат ва эзгулик, башарти эришиш мумкин бўлса, энг яхши амал бўлса-да, бу ҳаётда инсон фаолияти шундай мужмал ва бетартибирки, ундан баҳту бад-баҳтликнинг мукаммал ва изчил уйғунилигини кутиб бўлмайди. Нафақат моддий бойлик ва жисмоний имкониятлар (бу иккиси ҳам аҳамиятли) эзгулик ва ёвузлик ўртасида, айтишим мумкинки, нотекис тақсимланган, шу билан бирга ҳатто онгу тафаккуримиз ҳам муайян даражада бу тартибсизлика иштирок этади; энг яхши феъл-атвор ҳам эҳтирослар туфайли юксак ҳузур-ҳаловатдан бебаҳра қолади.

Маълумки, гарчи жисмоний оғриқ тана аъзоларидаги муайян бузилишдан келиб чиқса-да, у ҳар доим ҳам ўша бузилишга мутаносиб бўлавермайди. Бироқ заарарли таъсирсига учраган аъзонинг таъсирчанлигига кўра кучлироқ ёки кучсизроқ бўлиши мумкин. Тиш оғриғи сил ва истисқ-

ога нисбатан кучлироқ таъсирга эга. Онгнинг ҳолати масаласида ҳам иллатлар заарли экани, аммо безовталик ва оғриқ иллатнинг даражаси билан ўлчанмаслиги, ташки нохушликларга эътиборсиз, юксак фазилатли инсонни ҳар доим ҳам энг баҳтли деб бўлмаслигини кузатишимиш мумкин. Фикримизча, тушкунлик ва умидсизлик иллат ва номукаммаликдир, албатта. Гарчи улар ҳаётни аччиқ қилиб, унинг таъсиридаги инсонни баҳтсиз кимсага айлантириб қўйса-да, у бъязан ҳалоллик ва номус туйғуси билан қўшилиб келиши ҳам мумкинки, бу – маъқул феъл деб хисобланади. Бошқа томондан, худбин нобакор бир инсон фазилат бўлмиш жўшқин, мослашувчан кайфият ва қалб масрурлигига эга бўлиши ҳам мумкиндики, аксар ҳолларда ундаги бу хусусият керагидан ортиқ баҳоланади. Айниқса улар (жўшқин кайфият ва масрур қалб) ўзга иллатлардан келиб чиқадиган надомат ва ноқулайликларни енгиллаштирганда буни яққол сезиш мумкин.

Шуни ҳам қўшимча қилиш мумкинки, номукаммаллик ва ёвузликка мойил шахс, кўп кузатиладиган муайян фазилатларга ҳам эга бўлса, мутлақо ёвузларга нисбатан ўзини баҳтсизрок ҳис этади. Мусибатларга таъсирчан бўлган бундай юмшоқ табиатли кишилар агарда ўзгалар учун ғамхўрлик қилишдек дўстлик ва саҳийлик хислатларига эга бўлсалар турли фалокату тақдир ўйинлари қаршисида ўзларини йўқотиб қўядилар. Ахлоқан номукаммал феъл-атворли кишида уят туйғусининг бўлиши яхши нарса, албатта. Аммо у бъязида ноқулайлик ва пушаймонликларга ҳам сабаб бўладики, мутлақ нобакор киши уларни ҳис қилмайди. Севига мойил бироқ, эзгуликни ҳис этолмайдиган қалб севги ва айни пайтда садоқатли қалба нисбатан баҳтиёр, зеро у (қалб) кишини ўз эҳтироси-нинг қулига айлантириб қўймайди.

Нафсилаамрини айтганда, инсон ҳаёти ақлдан кўра кўпроқ тасодиф томонидан бошқарилади; унга жиддий машгулотдан кўра, зерикарли ўйин-дек қараш маъқул; инсон ҳаёти умумий тамойиллардан кўра кўпроқ муайян кайфиятдан таъсиранади. Шундай экан унга эҳтиросу ҳадик билан муносабатда бўлишимиз керакми? У бунчалар хавотирга арзимайди. Юз бераётган нарсаларга нисбатан бефарқ бўлайликми? У ҳолда ўз совуқ-қонлигимиз ва эътиборсизлигимиз туфайли ўйиннинг лаззатидан бебаҳра қоламиз. Биз ҳаёт ҳақида ўйлаётганимизда у бизни тарк этади. Ўлимга ҳар ким ўзича муносабатда бўлса-да, у омию мутафаккирга бир хил қарайди. Ҳаётнинг ягона бир қоида ва усулларга мослаштиришга уриниш мashaққатли, аксар ҳолларда фойдасиз. Бу эса ўзимиз интилаётган мукофот қийматини жуда-жуда ошириб юбораётганимизни исботламайдими? Ўз умрини ҳаёт тўғрисида бош қотиришга сарфлаётгандар учун мазкур машғулот ўта қизиқарли бўлса-да, у ҳақда чуқур мулоҳаза қилиб, энг тўғри тасаввурни шакллантириш ҳам аслида унинг аҳамиятини бўрттиришдир.

Инглизчадан
Хуршид ЙЎЛДОШЕВ
таржимаси



Марсель АРЛАН

Франция

Аёл – уйнинг чироғи

- **К**алайсан, Гастон?
- Яхши, ота!

Гастоннинг овози қўнгироқдай жаранглаб чиқди. Айниқса, “ота” деганда янада жаранглаб кетарди. Ўзининг ҳам истараси иссиққина эди. Кўринишдан бир оз олифтароқ бўлса-да, бироқ фарзандни ўз отасидан бошқа яна ким ҳам яхшироқ биларди? Илгарилари зим-зиё қиши оқшомларида Гастон мактабдан қайтаётиб, ўзига далда бериш учун баралла ҳуштак чалиб келаётгани узоқдан эшитилиб турарди. Уйига яқинлашгач, ҳуштак овози ҳам ўз-ўзидан тинарди. Эшиги тагига етиб келганида қоронгилигу ваҳимадан кутулганидан хурсанд бўлиб, юзлари ёришиб кетарди. У ҳали ҳам ўша-ўша Гастон эди. Гастоннинг ёши ўттизга яқинлашиб қолганди. Қирқинчи йилларда унинг акаси ҳалок бўлди, бу гамни кўтаролмай, онаси ҳам оламдан ўтди, у ўз яқинларидан жудо бўлишдек оғир дардни бошидан ўтказди. Бироқ бу айрилиқлар ҳам, Германиядаги узоқ йиллар чўзилган тутқунлик ҳам унинг қаддини бука олмади. Қани, ота ўғил Гастон Лоррен, қадингни кўтар ва отингни қамчилади! От ҳам отасига ўхшаб уйку нималигини билмасди. Отдан кўнгли тўқ: унинг қулоқлари динг, енгилгина қалтироқ унинг тим-қора юнглари устидан тўлқин-тўлқин бўлиб югуриб ўтарди. Мана шу жарликка оёқ босдингми, тамом, ҳамиша ўша-ўша бир хил машмашага дуч келасан. Нега бундай бўларкин? Балки бу салқиндандир, балки жимжитликдан, балки қалампирмун-чақнинг ёки яна алланималарнинг униқкан ҳидидандир. Бу ер бутунлай ўзга олам. Ҳа, бу ердан энди Дампьер ҳам, унинг текис дала-ларию, ёнгоқзорлари ҳам анча олисада.

— Бу ерда қушларнинг сайраши ҳам эшитилмайди... Ота, сиз буни пайқадингизми?

Ўғли анойи эмас. Лекин Вивье Лоррен буни ўғлидан аввалроқ се-заб ултурганди. Бу дегани, қишлоқда қушларнинг сайрашига эъти-

Марсель АРЛАН (1899-1986) машҳур француз ёзувчиси. У тил ва адабиёт мутахассислиги бўйича дастлаб Сарбонна университетида таҳсил олган. Марсель Арлан биринчи навбатда адабий танқидчи ва ҳикоянавис сифатида шуҳрат қозонган; унинг бир неча ҳикоялар тўплами нашр этилган: “Ҳаётимизнинг ажаб лаҳзалари”(1937), “Ўз ерим” (1938), “Оламлар қаердан пайдо бўларкин.” (1947) ва бошқалар. Таъкидлаш лозимки, Марсель Арланнинг “Одат”(1929), “Антарес”(1932) романлари ва “Аёл – уйнинг чироғи” ҳикояси унинг охирги “Сув ва олов”(1956) номли тўпламида эълон қилинган. Арлан бадиий асарларининг услуби реалистик прозанинг энг яхши анъяналаридан ва инсоннинг энг нозик туйгулар ифодасидан усталик билан фойдаланишида намоён бўлади. Унинг “Одат” романни Гонкур мукофотига сазовор бўлган.

**Русчадан
Дилдора
АЛИЕВА
таржимаси**

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

133

бор беришади дегани эмас. Чиндан ҳам на отнинг дўпири ва на қўш отли араванинг тарақ-туруги эштиладиган бундай тор жарликка қадам босишинг билан бу ерларда нимадир етишмаётганини дарров сезасан.

— Қани, Тюрко, чаққонроқ қимирла. Ҳали байрам қилишга сенга этра.

— Ҳа, майли,— деди отаси уни менсимай, — ўша ерга бугун бўлмаса, эртага етиб борар. У ерга фақат угина эмас, бошқалар ҳам етиб олар.

Ота-бола кулишди. Бу ерларга қушларнинг сайраши ярашмаганидек, кулги ҳам фалати туяларди. Атрофи қалин ўрмон билан қопланган тепаликлар қуршовидаги эгри-бугри бу сернам жойларда уларнинг кўнгиллари бехузур бўлаётганди. Ота-бола бу етии ёт бегона оламда оз муддатгагина бўлишлари керак эди, холос. Ҳозир бу деворлар очилади-да, бепоён текисликка чиқиб оламиз деб ўйлашларидан фойда йўқ эди: овозлар бўғилиб, ҳаракатлар чеклана бошлади, гўё бирор кор-ҳол юз берадигандек, юрак ҳовучлаб борардилар.

“Бу хатарли ишга ўхшаяпти, — деб ўйлади чол, — ишқилиб, охири баҳайр бўлсин-да! Бу ёлғиз Яратгангаю Шайтоннинг ўзига аён”. Улар бу ғалвани азбаройи беташвиш қолганларидан ўйлаб топганлари йўқ. Нима қилиш керак? Ахир умр деганлари сувдек оқиб ўтаётган бўлса: онасининг вафотига ҳам, мана, ҳаш-паш дегунча саккиз йил бўлиб қолибди. Оёгини зўрга судраб босаётган кайвони Фанни ни ҳисобга олмаганда, рўзгорга қарайдиган ҳеч ким йўқ, Гастон ҳам улгайиб, қорин қўя бошлади... Унга қолса, ҳали-бери уйланай демасди. “Ота, ташвишланманг, уйланиш бўлса қочиб кетмайди”. — “Қочиб кетмайди, дейсанми? Шартта отангдан айрилиб қолсанг-чи, ахир унинг юраги чатоқ-ку! Майли, айтганингдек, уйланиш қочиб кетмас ҳам дейлик, бироқ биринчи учратган аёлинг сени алдаб кетсанчи, унда нима бўлади, буни юрагинг кўтара олармикан?” У йигит эмас, нақ олтиннинг ўзи, қалби пок, меҳнаткаш, қолган бошқа масалаларда бўлса, худди ўн икки яшар боладек гўл. Отаси: “Етар, Гастон, энди ҳадеб пайсалга соловерма, деб у билан жиддий гаплашиб қўйишига тўғри келади. Мен бугун борман, эртага йўқ, Фанни нинг-ку аҳволи ўзингга маълум. Хонадонга бека, аёл зарур!”

Июнь ойининг шанба қуни эрта тонгда ота-бола аравага ёнма-ён жойлашиб ўтириб олишди-да, ўз кулбаларига бека излаб йўлга тушишди. Отасининг эгнида кулранг кўйлак, ўғли эса тўқ қўқ рангли янги костюм кийиб, қизил галстук таққан. Қўшиларга, Клермонга кетяпмиз, бир айланиб келамиз, деб қўя қолишди. Уларни кузатаётган Фанни буришиқ оғзи билан мийифида кулди-да: “Йўл бўлсин, нима, қариндошларни йўқлагани кетяпсизларми?” — деди. — “Ҳа, Фанни, байрамга, Клермонддаги байрамга кетяпмиз, энди тушундингми?” — “Тушунганда қандоқ, уларнинг қизларига мендан салом айтиб қўйинглар!”

— Нимани орзу қиляпсан, ўғлим?

— Менми? Йўқ, шунчаки ўйлајпман, холос.

Ҳа, ўйлашга арзирли ишлар тўлиб ётибди; бундай муаммоларни ҳал қилиш, отасига бутунлай суюниб қолган боласидан кўра, кекса отасининг зиммасида кўпроқ эди.

— Биласанми, Гастон, улар меҳр-оқибатли қариндошлар. Бизни ҳеч унутишмаган. Сен асиридалик пайтингда, онанг вафот этганида, онангни сўнгти йўлга кузатишда иккала холаваччанг ҳам шу ерда бўлишган.

— Улар оқибатли, меҳрибон қариндошлар, буни биламан, ота.

Бунинг устига, барака топкурлар диёнатли, меҳнатнинг қадрига етадиган одамлар, улар ҳаётда озмунча заҳмат чекишган дейсанми! Сабр-бардошларининг эвазига ҳозир еганлари олдинда, емаганлари кетида, улар бунга муносиб. Лекин, шундай бўлса-да, бу одамлар гердайишни ўзларига эп билмадилар, ўша-ўша оддий инсон бўлиб қолавердилар.

— Қизнинг ота-онаси унга доим ўрнак бўлишган.

— Бўлмасам-чи, ота.

— Ҳа, у чиндан ҳам боши ғам-ташвишу меҳнатдан чиқмаган ота-онаси каби ўсиб-улгаймади. Ҳозир замон ҳам бошқа.

— Ҳа, бутунлай бошқа.

— Шунга қарамай, бу қиз рўзгор ишларига пишиқ-пухта, уйни бошқаришни ҳам бемалол эплайди. Бунинг устига, соғлом, яна хушбичимлигини айтмайсанми, а, нима дединг?

— Ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Эсимда, урущдан қайтганимда, бошда уни дарров танимадим. Ойимқиз деб чақирдим. Ү ҳам менга холавачча деб мурожаат қилди. Сўнг мен ҳам уни холавачча деб чақира бошладим. Шундай бўлса-да, сенсирашга ўтмадик.

Ўнгур тобора торайиб борарди. Йўл қиргоқ ёқалаб давом этарди. Қиёқ ва қамишларга бурканиб ётган сой деярли кўринмасди: уни фақат ёнингдан оқаётганининг сезардинг, холос. Вивье Лоррен ўғлини зимдан кузатарди: Гастоннинг кўзлари дум-думалоқ, оч-ҳаворанг, бўшашганроқ юзлари лўплигина, лаблари беғубор табассум қилиб турарди, бурни эса болалигига аргимчоқдан ийқилиб расвоси чиққанча, ўша-ўша пачоқ ва беўхшовлигича қолиб кетганди. Бу покланиш маросимининг илк кунида содир бўлганди: бундай қўпoldан-қўпол бурун Гастоннинг юзини устомон ва савлатли қилиб кўрсатарди. Бу эса унинг юз ифодасига мутлақо мос тушмаганидан унинг ёқимтойгина чехраси кулаги кўринарди... Бундай куёвга кўзи тушган қиз нима деркин? Қизнинг ота-онаси қизларининг ҳали бирор қарорга келмаганини, лекин йўқ ҳам демаганини ва розилик ҳам бермаганини ёзишиб, келаверинглар-чи, бу ёғи бир гап бўлар, деб қўйишганди.

— Мана кўрасан, Гастон, ҳаммаси яхши бўлади.

— Ота, сиз шундай деб ўйлайсизми?

— Жин урсин, бўлмасам-чи, ўғлим. Сенинг бошқалардан қаеринг кам?

— Буни биламан. Лекин Роза...

— Нима — Роза! Жуда маликамиди у? Лорренларнинг Гийомлардан кам жойи борми?.. Бунча оғзингни очмасанг, Гастон!

— Бурним битиб қолган, нима қилай! Қаёқдаги гапларни гапиравиз-да, ота...

“Яна жаҳл қиласи-я бу тирранча! Хотин эмас, энага керак унга, она сути оғзидан кетмаган гўдак. Мен ҳам қачонлардир аравада эмас, велосипедда совчиликка борганман, — хотирлайди Вивье. - Ўзимга ишонмасам-да, аммо кўринишинга гап йўқ эди”.

Ҳа чиндан ҳам унинг кўриниши чакки эмасди. Қишлоқда уни бекорга Вивье-Бақироқ дейишишмасди. Ҳали фурзигитлик чоғлари ўрмон кесиши тўғрисида ўгринча тил бириктиришаётгандан, у ҳокимга бутун халқ олдида ҳамма гапни очиқ-ойдин айтиб, ўзига шундай лақаб ортириб олганди. (Буни эслай туриб Вивье жилмайиб қўйди.) Ўшандан келаси йилнинг ўзидаёқ Вивьени кенгашга аъзо қилишганди. Бир йил ўтиб, бари жонига тегди ва ҳокимиятдан жўнаворди. Ўшандан бери қанча сувлар оқиб ўтди! Ўз яқинларидан айрилиб, ўзлари тўла

ажину хаста юрак билан қолган бу собиқ Бақироқ энди анча ювош тортиб қолганди.

— Орзуларга берилаётган мен эмас, ота, ўзингиз!

“Гастон қек сақлашни билмайди. У ажойиб инсон. Насабдан қолган ягона ёдгорлик”.

— Онангта қандай совчи бўлиб борганим эсимга тушиб кетди.

Гастон ўгрилди-да, отасига тикилди (“Оғзингни ёпсанг-чи!”) ва бирдан қаҳ-қаҳ уриб юборди:

— Ҳа, тўғри, ота! Ахир сиз ҳам қачонлардир уйлангансиз-ку!

— Намунча оғзингнинг таноби қочмаса! Бунинг нимаси кулгили? Сенинг онанг бамисоли фаришта эди.

Гастон бирдан лабларини бир-бирига босганди, оғзининг икки чети осилиб тушди; Гастон фаришталар у ёқда турсин, ҳатто хушрўйгина оддий қизга ҳам ўзини нолойиқ ҳисоблашини унинг хижолат тортган юз ифодаси айтиб турарди.

— Мен холаваччангни ерга урмоқчи эмасман,— дея сўзида давом этди отаси. — Ҳар бир инсоннинг ўзига яраша яхши томонлари бўлади. Роза ҳам бундан мустасно эмас, буни ҳали ўзинг кўрасан...

— Бўлмасам-чи, — хўрсинди Гастон. — Бироқ...

— Яна қанақа “бироқ”? Тағин нима ёқмай қолди?

— Ҳар хил миш-миш гаплар тарқаганидан хабарингиз бор-ку, ахир. Айтишларича, унга аллақандай клермонлик йигит ёқар эмиши.

— Миш-миш тарқаганимиш! Одамларга қўйиб берсанг, улар нималар демайди. Бу гаплар аллақачон эскириб бўлган. Бунинг устига ота-онасининг ҳам у йигитга кўнгли бўлмаган. Кейин қиз ҳам ўз шаънига дод туширадиган бирон ножоя иш қилмаган. Наҳотки мен ўз жигаргўшамга қандайдир бир суюқоёқни раво кўрсам.

“Мана, Гастон ҳам енгил тортди. Намунча тез енгил тортмаса. Бу ёшларнинг қўйдан нима фарқи бор: сал туртиб қўйсанг борми, тамом, тўрттала оёғи билан олдинга ташланади, яна озгина ипини тортиб қўйсанг, бутунлай бошқа томонга йўргалаб қолади. Бундай беозор одамларни ҳамиша Яратганинг ўзи қўллади.”

Яна юз қадам — сўнг йўл ҳам, дарё ва жарлик ҳам ортда қолади. Мана, текислик намоён бўла бошлади, устига тунука қопланган черепица заводи ҳам кўзга ташланди. У ёғи — Манса вокзали. Ундан сал нарида, Дампьер ва Клермон оралигининг қоқ ўртасидаги йўлнинг ёқасида эркаклар ва отлар нафас ростлашлари мумкин бўлган битта уй бор эди, у ҳам бўлса қаҳвахона. Манса водийсида қўшлар кўринмайди деб ким айтди? Оқшом тушишига ҳали эрта бўлса-да, бир гала чуғурчуқлар баҳорги ёмғирдек шовқин-сурон кўтариб, арава устидан учиб ўтди ва яна қаергадир узоқларга гойиб бўлди.

* * *

“Черепица заводи” — бу қуруқ номгина холос, гап у ердан на фақат черепицанинг ўзини, балки тахтани ҳам, цементни ҳам, оҳакувишт ва ҳатто қабр тошини ҳам сотиб олиш мумкин бўлган завод ҳақида кетяпти. “Ҳаммаси — бинокорлик ишлари учун, тирикларга ҳам, ўликларга ҳам асқотади”, — жилмайиб деди Шантом. У ўзи камдан-кам куларди, лекин буни аслида табассум деб ҳам бўлмасди: унинг буғдоиранг озгин башараси шунчаки бир оз бурушиб кетарди, холос.

— Бу қанақа одам ўзи, сира билиб бўлмайди, ўлай агар, — пи chir-

лади Гастон. — Ваҳиманинг ўзи-я. Кесса қон чиқмайди.

— Лекин унинг калласи жойида. Уйланганидан сўнг вокзалдаги қаҳвахонани сотиб олганида ҳамма уни тентакка чиқарганди. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, вокзалда қаҳвахона! Поездга чиқиш олдидан бир шишагина пивони ютиб оласан, устига-устак, поезд ҳам кошки серқатнов бўлса. Унинг ишлари аллақандай бошқача юришарди. Бошда, поезд келишидан олдин одамлар бирров кириб чиқишаради, сўнг шунчаки кўнгилхушлик учун кирадиган бўлишди, бориб-бориб бу одатга айланди. Ҳатто бу ҳам Шантомга камлик қилаётганди. У яна омборхона ҳам очиб олди. Дастреб харидорлар кўп бўлмади, энди бўлса, учталаб-тўртталаб вилоятлардан атайлаб келишарди, бу айтишга осон, холос. Унда бошқаларга қараганда унча арzon бўлмасада, ишончли мол бўлиши ҳақиқат эди.

Шантом уларнинг ёнига худди одимини ўлчаётгандай, тез ҳам эмас, секин ҳам эмас, катта-катта қадам босиб келарди.

— Сизда ҳамиша тоза мол бўлади, — деб гап бошлади Вивье Лоррен, — шуни ўглимга айтиб тургандим.

— Бари ўз манфаатим учун.

Шантомнинг овози узук-юлуқ чиқар, кўзи хиёл ўйнаб туарди, ўзини оғир-вазмин тутса-да, бир дақиқа бекор ўтириш унга азоб эди гўё.

— Анави тахталарни нима қиласиз, ўзингиз билан ола кетасизми ё ўзим жўнатиб юборайми?

— Шантом, яххиси жўнатиб юборақолинг, бизга шуниси маъкул. Арава кичиклик қиласи. Бунинг устига, биз тунда қайтамиз.

— Биз Клермондаги байрамга кетяпмиз, — тушунтирид Гастон. — Жаноб Шантом, нима, сиз у ерга бормайсизми?

Гастоннинг акли бало! Ўн беш йиллик турмушлари мобайнида на Шантом ва на хотини бирон марта Клермонда бўлмагандилар.

Бошда одамлар бу тўғрида нималар дейишмади: “У хотинини уйдан эшикка чиқармайди, ҳатто қариндошларини кўргани юбормайди...” ва ҳоказо. Агар ўзида хоҳиш бўлмаса, ким ўн беш йил мобайнида қаҳвахона кассасида бир аёлни ушлаб тура оларди? Чиндан ҳам унинг бундай бандиликка ўз ихтиёри билан рози бўлиши бемаъниликтан бошқа гап эмасди. На фақат рози бўлганди, балки шунга эришиш учун ҳатто ўзи ҳам ҳаракат қилганми дейман, ким билсин? Дунёда зап ишлар бўляяпти-да! Бу одамга бир қаранг-а — ундан ниманидир сўрашди, майли, гарчанд бемаврид бўлса-да, барибир сўрашди, у бўлса ўзини эшитмаганга солаяпти. Бутун бошли кўриниши билан унинг қимматли вақтини олаётганини намойиш этиб, ярим ўгирилганча омборхона эшигидан кўзини узмасди.

Вивье Лоррен ўзини қўлга олди-да:

— Реннинг аҳволи яхшими? — деб сўради.

— Дуруст.

Эҳтимол Шантомнинг овози одатдагидан дағалроқ чиққандир.

— Ҳалиям ўша-ўша кассадами?

Кутилмаганда Шантом ошкора, деярли ёвқарашиб билан суҳбатдошига тикилди-да:

— Бошқа қаерда ҳам бўларди! — деди.

Йўқ, бунақаси кетмайди!

— Шантом, мен Ренни деярли гўдаклигидан яхши билганим учун унинг ҳол-аҳволини сўраяпман.

Унинг лаблари ҳатто қилт этмади ҳам, чинакам табассумнинг кўланкаси Шантомнинг бир нафасгагина ачиниш зоҳир бўлган оз-

гин юзлари устидан соя ташлаб ўтди, холос.

— Лоррен амаки, уни сиз чиндан анчадан буён биласиз-ку, у ахир сизнинг Клермондаги қариндошларингизнида ҳам бўлган, уларнинг қизалоқларини яхши кўрарди...

— Қизалоқ! — бақириб юборди Гастон. — Яна қанақа қизалоқ, у ҳадемай ийгирма учга тўлади! Роза бўйи етиб қолган кап-катта қиз.

Шантом ўзининг маъносиз кўриниши билан:

— Бўйи етиб қолгани албатта тушунарли, биродар, — деди уни камситиб.

Айёрлигини қаранг бунинг! Сизни пайқамагандай бўлиб туюлса-да, лекин дарров фахмлади. Гастон унинг юзига қизиллик юргурганини сезди. Бахтига бу ёқдан отаси ҳам кўмакка етиб келди:

— Ўғлингиз-чи, ҳалиям коллежда ўқияптими?

— Ҳа, бу йил иккинчи йили. Қолганларини айтмагандай, латиш ва грек тилларини, яна немис тилини ҳам ўрганяпти.

— Қисқаси, ишлар бошдан ошиб ётиби!

Айиқ ҳам чамамда охири қўлга ўрганди. Шантом худди нотага қараб гапираётгандек деди:

— Бугун тонгда келди. Троица байрамига душанбагача жавоб беришибди.

— Унча узоқ қолмас экан.

— Бироқ ҳали ақл-идроқдан кўп сабоқ олиши керак.

— Буни ўзи хоҳлайдими?

— Хоҳлайди...

Бирдан сергак тортган (бу овозмиди ёки шохнинг қарсиллаши-ми) Шантом сарой ичкарисига йўл ола туриб, сўз қотди:

— Дангасалик қилмаса, эплайди.

У қабр тошлари уйиб ташланган чоғроққина ёндош бинога олиб чиқувчи эшикни ланг очиб юборганди, эшик бир қизалоқ ва ўғил болага урилиб кетди:

— Жан, бу ерда нима қилиб юрибсизлар?

— Ҳеч нима, дада. Биз станциянинг ёнидан ўтиб кетаётгандик, Жанни менга...

Қизча шоша-пиша унинг сўзини бўлди:

— Мен ҳеч нима демадим. Бу сен ўзинг...

Йигитча аввал унга, сўнг отасига қаради-да, бошини қуи солди.

— Дарсинг нима бўляпти? — сўради Шантом.— Латиш тилидан уйга нима вазифа беришди?..

— Дада, мен ахир...

— Қани, жўна бу ердан. Ўзингни оқламай қўяқол. Бу ерда лақиллаб юришга бало борми.

— Энди нима дейсан? — айёрлик қилди Жанни. — Мен сенга нима дегандим?

Гастон хўрсинди-да, ўзича минфирлаб:

— Ҳа, бундай феъли тор одам билан яшашнинг ўзи бўлмайди.

— Бундай ҳаёт ўзига ёқармикан? — тўнгиллади отаси, — буни жуда билишни истардим. Унга бир қарагин-а.

Болалар жуфтакни ростлаб қолишганди, Шантом эса тарвузи кўлтиғидан тушган одамдек ҳамон эшик олдида қабртошлардан кўзини узмай тик туради.

— Қизик, — давом этди Вивье Лоррен, — у ўзи нимадан бунча кўзини узолмай қолди?

Улар Шантом билан хайр-хўшлашиб, ўзларини анча енгил ҳис қилишди.

— Энди бир тамадди қилиб оламиз ва бирйўла Рен билан ҳам ҳолаҳвол сўрашиб чиқамиз. Шантом, сиз билан яна қаҳвахонада кўришиб қолармиз-а?

— Балки. Яна ким билади.

Омбордан қаҳвахонагача дала бўйлаб чўзилиб кетган ёлғизоёқ йўлдан қизча олдинда, йигитча орқада юриб борардилар.

— Жанни!

— Нима дейсан?

— Мени омборхонага боришни хоҳляяпти, дедингми?

— Нима, хоҳламаганмидинг?

— Бўлмасам-чи. Бу гап мендан чиқмаганини ўзинг яхши биласан-ку.

— Балки, сендан эмасдир...

— Унда нега бундай дединг?

— Шундай дейиш менга ёқсан бўлса-чи? Айтгим қелганди, айтдим!

Ана, холос! Демак, коллежда йиллаб орзу қилганларингнинг бари

— самимилик, хушмуомалалик, бир-бирингни тушуниш, юрагингнинг туб-тубида бир-бирингга талпинган, лекин буни тан олишга ботинолмаган ўша ажойиб лаҳзаларингнинг бари сароб экан. Устигаустак, мана шундай зориқиб кутишлардан сўнг эснашдан ўзингни аранг тийиб турла олишинг мумкин бўлган инжиқликлару таҳқирилашдан бўлак ҳеч нимага эришолмас экансан.

— Жанни!

— Нима дейсан!

— Яххиси, сен гапира қол...

У ўгирилмади-да, елкаси оша сўз қотиб қўя қолди:

— Нима, фақат қизлар гапирсину, йигитлар эшитсин экан-да?

У ҳақ. Қаҷонки, ўзининг суқут сақлашию сұхбати ва ҳатто лоқайд-лигидан тортиб, эмин-эркин қадам ташлашигача ўз парвойи фалаклигини барчага кўз-кўз қилиб турган бир пайтда унга бирон нима деб кўринг. Жанни, ўтган йилнинг таътил давридаги қизчадан энди юzlари нақш олмадек қип-қизил, болдиrlари тўлишиб, (эҳтимол бир оз семизроқ ҳамдир), кўйлагини бир оз кўтарган кўкраклари дўлпайиб қолган, аллақандай хушбўй ис таралганидан ёнида туришга юрак дов бермайдиган ойимчага, бежирим қадди-бастли ҳақиқий жувонга айланиб улгурганини қани айтиб боқинг-чи.

— Нима, қиз бола тағин олдинда юриши ҳам керакми? — сўради Жанни.

Бу сафар ҳам у ҳақ. Бунинг иложи осон: икки қадам сакраса кифоя, қарабсанки, йигитча олдинда-да. Қайтанга шуниси қулай — бемалол ўгирилаверасан, гапирганингда ҳам сұхбатдошингнинг юзи сенга яхши кўринади.

— Қарагин, — деди у.

— Қаёққа?

У жуда яқин келиб қолганди, деярли унга тегиб турарди. Бола ўзини орқага олди.

— Намунча ўзингни олиб қочмасанг?

Ярамас қиз!

Нима қилсанг ҳам ёки қилмоқчи бўлсанг ҳам ҳафсалангни пир қилиб, оғзингга уради-кўяди-я. Мана, марҳамат, худди айтганимдек:

— Отангдан хўп қўрқдинг-да!

Бундай гаплар елка қисишдан бошқасига ярамаса-да, одамга барабири қаттиқ тегар экан. У отасидан қўрққан тақдирда ҳам, бироқ,

отаси станция бошлиғи бўлган, ҳозирда бир неча йиллардан бери бева Жаннидек қизни мазах қилишга унинг нима ҳаққи бор?

— Менга эса сенинг отанг ёқади, — давом этди Жанни. — У ҳақиқий эркак.

Инсон қалби мўъжизанинг ўзи: биласанми, унга озор етказишса ҳам, барибир, қалб деганлари сени хурсанд қиласверади — яқинларинг ҳақида мақтov эшитиш эса янада ёқимли.

Жан яна олдинга ўтиб олди ва у орқасидан келаётган оёқлари ингичка қизнинг нигоҳини пайқаб қолди. Майса узаман деб энгашган эди, қиз қиқирлаб кулди.

— Жанни!

— Ҳа!

Қиз қовоқлари остидан мугомбirona қараш қилди-да, масхараомуз товушда:

— Намунча оёқларингни кермасанг? — деди.

Ўн уч яшар қизга шундай дейиш ярашадими!

Йигитча қизаринқиради, унинг сабр косаси тўлганди.

— Ҳей... сен қулоқ сол! Жонга тегдинг-ку, бас қил деяпман сенга!

— Нима жонингга тегди?

— Нима бўларди, гоҳ олдинда, гоҳ орқада юриш-да!

— Майли, унда ёнма-ён юра қол!

Ҳа, бу энди бошқа гап! Чиндан ҳам сўқмоқ жуда тор, майса устидан юрсанг оёғинг сирпаниб кетиб, ҳамроҳингнинг гоҳ елкасига, гоҳ тиззасига тегиб кетишингга тўғри келарди.

Ҳамроҳи жим эди, лекин, айтидан, худди ҳозир бирдан қаҳ-қаҳ уриб қулиб юборадигандек, ҳиқилдоги бориб-келиб турарди.

-- Коллежда ишлар қалай, кетяпти? — сўради Жанни. — Сенга ёқяптими?

Хайрият, бунақа ақлли гапларни қачон эшитар эканман деб тоқати тоқ бўлди-ку, ахир, мана энди дилдан суҳбатлашса бўлади.

— Сенга семинария тўғри келишини, — давом этди қиз, — ҳеч ўйлаб кўрганмисан?

Жан қоққан қозиқдек туриб қолди, у эса хотиржам йўлида давом этарди. Жан олдинга қараб отилди-да, Жаннинг етиб олиб, унинг тирсагидан ушлади ва қўлини қаттиқ қисди. Мана, ниҳоят орзу ҳам ушалди! Энди улар худди катталардек қўл ушлашиб боришарди.

— Ва ниҳоят, — аста гапирди Жанни. — Бунча қўпол бўлмасанг!

— Сен шунга муносибсан! Шунақа. Энди қочиб қутулиб бўпсан.

— Шу алпозда мен билан дунёning нариги чеккасига боришга ҳам тайёрмисан?

— Ундан ҳам нарига деявер, Жанни!

Агар Шантомнинг боғи дунёning нариги чеккасида эди десак, унда Жан ўз сўзининг устидан чиққанди. Жан уйнинг эшигини оча туриб ҳам ҳамроҳининг қўлини қўйиб юбормади. Ҳатто хира ёруғ даҳлизда ҳам у ҳамон Жаннининг қўлидан тутиб турарди. Жан астасекин унинг қўлини янада қаттиқроқ, қиса бошлади. Қиз жимгина ниманидир кутарди. У ҳатто қиз нимани қутаётганини ўйлашга ҳам юраги дов бермасди. Боланинг қўллари бежиримгина кўкракнинг тафтини ҳис эта бошлади. Гёё барি хотимасига етаётгандек, юрак қинидан чиққудек урарди! Жанни орқага тисарилди.

— Йўқ, мен бу таҳлит қоронгуликни орзу қилмаганман! — деди қиз.

Қизча яна олдинга ўтиб олди-да, эшиклари ойнаванд қаҳвахона танобийисидан наридаги омборгача улар шу алпозда етиб олдилар. Ромб шаклида ишланган тўқ-қизил рангдаги ойнадан ташқари, эшикдаги

бошқа ойна нурсиз ва хира эди. Жанни ана шу ойнали эшикка яқин борди.

— Кетдикми?

— Шошма, кўриб олай, — деди қиз. — Вой-бў, худди оловдек ёнишини... йўқ... худди анор сувига чайиб олгандек. Шунчалик ҳам гўзал бўладими!

Ҳақиқатан ҳам танобий олов ичига жойлашгандек эди. Унинг деворлари ҳам, ундаги мармар столчалар ҳам, дераза олдида мижозу пештахтани артиб-суртаётган официант бола ва кассада савлат тўкиб ўтирган Жаннинг онаси — Рен Шантом ҳам бамисоли ёқутдай товланиб кўринардилар.

— Бунчаям сулув бўлмаса! — шивирлади Жанни. — Биласанми, уни ҳар сафар кассада ўтирганини кўрганимда, мени шундай мафтун этади, шундай мафтун этадики, гўё ундан гўзал аёлни умримда учратмагандекман.

Онангга маҳлиё бўлишса, бу қанчалар кишига хуш ёқади, бироқ нега энди Жанни онасини сулув дейди ахир!

— Кетдик! Бўлмаса бу ерда эканимизни билиб қолишади!

— Шошмасанг-чи. Онанг бизни кўрмаяпти. У ҳеч кимга қараётгани ҳам йўқ.

Тим қора соchlарини силлиқ қилиб тараб, йигиб олган, ҳайратомуз даражада келишган Рен Шантом қимиirlамай, қаддини тик тутиб, атрофга бепарво назар ташлаб, бамайлихотир касса олдида ўтиради.

— Нақ маликанинг ўзи дейсан! Худди боғдаги от ўйинга келган гўзал аёлнинг суратига ўхшаб ўтиради ўзиям.

— Бу ёққа юр, Жанни. Юр, жой топиб ўтирайлик, мен сенга коллеждаги китобларни, альбомдаги маркаларни кўрсатаман.

Қиз истамайгина кўзини ойнадан узди-да, хўрсиниб:

— Қани энди, мен ҳам унга ўхшасам. Фақат, шубҳасиз, — Жанни ўша заҳоти тўғрилади-да, — ундан ёшроқ ва қувноқроқ, нега деганда, у жуда бахтсиз кўринади.

— Юр!

— Менга қара, Жан, нима, отанг тез-тез жанжал чиқариб турадими, дейман? Қундузи эмас, қундузи улар кўришишмайди, мен ке-каси деяпман? Бундан сенинг хабаринг бўлиши керак-ку! Отанг уни урадими?

— Бўлмаган гап! Ҳеч қачон, эшитяпсанми, ҳеч қачон, у ҳатто онамга кўлининг учини ҳам теккизмаган!

— Бақирма менга! Отанг қўл кўтариш тутул, унга ҳатто овозини ҳам баланд кўтариб гапирмаслигини ҳамма билади... Бу билан мушкул осон бўлиб қолмайди-ку!

Йигитчанинг сепкил босган ажуба юзи бирдан оқариб, ўқувчилар либосидаги жуссаси шундай ачинарли аҳволга тушдики, буни кўрган Жанни гапирганига пушаймон еб, унга азбаройи раҳми келганидан лабининг бир чеккасидан чўлпиллатиб ўпиб қўйди. Энди қизнинг ўзи Жанни залга олиб борувчи эшик томон итарди.

— Юрсанг-чи, тентаквой.

* * *

Шантомнинг қаҳвахонасига на фақат ошна-оғайнилар билан ебичиб гурунглашиш учун киришарди: қаҳвахонанинг ўзи одамларни жалб этарди. Вокзалдан юз қадам ва шу яқин ўртадаги қишлоқдан

икки чақирим нарида жойлашган бу қаҳвахонани унчалик ҳам шинам деб бўлмасди. Баланд танобийси ҳам унчалик қулай ва файзли эмасди. Киришингиз ҳамоноқ ўзингизни нокулай ҳис эта бошлардингиз. Қаҳвахонанинг силлиқ деворларига асалари уясининг расми бор гулқоғоз ёпиширилганди, мармар қурсилар эса жийини топиб мослаб қўйилганди. Магур ва ўта расмий кўринувчи кассанинг сайқалланган пештахтаси кумушдек ярқиради. Намунали саранжом-сариштилик гўё ўз устунлигини намойиш қилаётгандек алоҳида ажralиб турарди. Хуш келибсиз, бироқ ўз уйнингизда эмаслигингиз ёдингиздан чиқмасин. Бошда бу сўзлар сизга қаттиқ ботади, кейин эса бунга ўзингиз ҳам кўнишиб қоласиз. Уйимда эмаслигим — нур устига аъло нур. Сиз бу ерда ўзингизни яккаланиб қолган оламга киргандек ҳис этасиз ва қаҳвахонадаги совуқдан-совуқ иззат-икром, энди сизнинг ҳам бунга алоғангиз бўлган ўзгача бир вазминликнинг белгиси эканидан дарак бериб турарди.

— Бизнинг томонларда жуда камнамо эдингиз, отахон Лоррен...

Вивье Лоррен ва унинг ўғли худди енгил аравага ўтиргандек, чарм қопланган ўриндиқقا энди ёнма-ён жойлашиб ўтирган ҳам эдиларки, анча наридаги столдан бир одам даст ўрнидан турди-да, улар томонга кела бошлади.

— Мени танияпсизми?

— Сизни танимай бўладими?

Пюмелдек нусхани ёддан чиқариб бўлармиди. Бирин-кетин икки хотинни аллақачон бошига етиб, гўрга тиққан, чўриларини эса бой хотиндек эркалатиб, янги хотинини оқсоқдан баттар хўрланиб яшашга маҳкум этган саллоҳ ва кўнчилик хунарининг устаси бу одамни, хотинбоз Пюмелни ким танимайди, дейсиз. Ҳатто яшаб турган уйигача сингиб, ҳар қадамда унга ҳамроҳ бўлувчи бадбўй, ўлакса ҳид Пюмелнинг ўзи кўринмай турганда ҳам юз қадам наридан унинг келаётганидан дарак бериб турарди. У ҳозир тери шилувчилик хунарини ташлаган. Уруш, мурдалар, ҳарбий асиirlар, айниқса, немислар унинг жонига ора кирганди. Ҳозир ҳам унинг мислсиз бойлиги — данфиллама уйию қўша-қўша машинаси, олтин узуғи бўлишига ва афт-ангорини покизалаб, соchlарини худди йигитлардек калталатганига қарамай, қўзни юмид бўлса-да, унинг Пюмель эканини билиб олиш қийин эмасди.

— Мен сизни дарров танидим. Эсимда, бу ерга хотинингиз билан киргандингиз.

— У вафот этган.

— Ўғилларингиз-чи...

— Битта ўғлим қолган, холос.

— Ҳа, бундан хабарим бор, тушунаман, сизга осон эмас.

— Нима ҳам қиласардик, шунисига ҳам шукур.

Пюмель буни тушуна олармикан?

— Ҳалиям ўша-ўша икки отли аравада юрибсизми, отахон Лоррен? Сизга шуниси қулай, шекилли?

— Ҳаммаям машина ололмайди-ку.

Наҳотки қоп-қора, қалин қошлиар остида ўйнаб турган бу ёвуз кўзларни ундан узиш шунчалик мушкул бўлса?

— Ўзинг бу ерларда тез-тез санқиб турасанми? Бурунлари немисларга мол сотиб юрардинг, ҳозир бу хунарингни ташлагандирсан-а?

— Ҳа... Энди қўлимиз чиқиб кетмасин деб оз-моз эрмак қилиб турмиз...

У буқаникidek бесёнақай бўйини бурди-да, ияги билан касса

томонга ишора қилди ва қалин лабини бужмайтириб:

— Бекани бу ерга Худонинг ўзи етказди, лекин бундан баттарига ҳам жон-жон дегувчилар топиларди.

Пюмелнинг йўғон ва истеҳзоли овози Рен Шантом эшитадиган даражада баланд эмасди. Рен Шантомнинг ҳам унинг овозини қўнгли тусаб турган жойи йўқ эди.

У етимхона тарбиясининг сўнгти ютуги бўлмиш қўлда альбоми билан танобийнинг ичкарисига жойлашиб олган ўспиринга, пештахтани ялаб-юлқаб тозалаётган нимжонгина йигитчага, азбаройи зерикканидан барини — қаҳвахона хизматини ҳам, отхонани бошқаришни ҳам уддалаётган йигитчадан кўзини узмай қараб турарди. Рен Пюмелга кўз югуртириди ва хиёл табассум билан Лорренга нигоҳ ташлади.

— Лекин ҳозир, — давом этди Пюмель, — гап бунда эмас. Гап шундаки, мен эълон орқали излаб топиб, ёллаган қизчам соат бешдаги поездда Бельфордан келиши керак. На фақат эълоннинг ўзи билан, — айёrona кўз қисди у Гастонга, — расмини ҳам кўриб, сўнг ёлладим. Бўлмасам-чи! Барининг тагига етиш керак-да!

Худди бир нимага фаҳмига етгандек Гастон ҳингирлаб кулди. “Бу шарти кетиб парти қолган бетамизнинг баланд дорга осилганига ўласанми”, — ўйлади отаси... У Шантомларникига келиб бекор қилди. Бу саллохга йўлиқиши-йўлиқмасидан қатиъ назар, барибир бекор қилди. Гап Рен Шантом уларни қандай кутиб олганида эмас, аёлнинг қўнгли нимани тусайди ва унинг калласидан қандай ўйлар кечяпти, буни қандай аниқлаш мумкин? Авваллари у яхшигина димоғдор эди: бой оиланинг эрка, сулув қизи бўлганди. Нима ҳам дердик, бир сафаргини инобатта олмаганда, чиндан ҳам у димоғдор бўлганди, лекин, тўгрисини айтганда, бари аллақачонлар унугилиб кетганди. Ҳозир кибру ҳаводан асар ҳам қолмаган; лекин барибир ўша-ўша гўзал ва оғир-босиқ, уни кўрган одам қовоғидан қор ёғяпти деб ўйлади, қиёфасидаги жиддийлик ҳам ўта жумбоқли эди.

— Йигитча троица байрамини сиз билан бирга нишонлашидан хурсанддирсиз? — сўради Вивье.

— Бўлмасам-чи.

— У ёқимтой бола.

— Ҳа, чакки эмас.

Бошқа бирон оғиз ҳам сўз бўлмади.

— Мана, ҳозир Бельфорники ҳам келиб қолиши керак, — маълум қилди Пюмель. — Мен қизчани кутиб олишга кетдим.

Э, менга деса ундан нарига йўқолиб кетмайсанми! Енгил нафас оладиган пайт ҳам келар экан-ку. Йўқ, Гастон ҳали ўз таассуротлари билан ўртоқлашиб, қўнглини бўшатмаса бўлмайди.

— Ҳа, бу Пюмель деганлари уччига чиққан фирибгарнинг ўзгинаси!

— Сен эса, Гастон, ўтакетган аҳмоқсан.

— Қаердаги гапларни гапирасиз-да, ота...

— Нега энди бор гапни айтмаслигим керак? Сен овозингни ўчирда, мана бу қовоқ миянгни ишлат... Одамлар лагерларда, яна аллақа-ерларда бир пайтлар очликдан тирракдай қотиб ўлиб қолаётганларида, бу абллаҳ бойлик кетидан қувган, энди бўлса думини ликиллатиб, кишнаб, бизни калака қиляпти, сенга ўхшаган меровлар оғзини очиб, анграйиб уни эшитиб ўтириби.

— Ҳали менми унинг гапларини анграйиб эшитган?

— Ҳа, нима, эшитмадингми?

— Эшитган бўлсам бордир, лекин ҳамма гап нима деб ўйлаганимда...

— Ҳали эшитганинг етмагандек, яна ўйлаб ҳам кўрмоқчимисан, етар Гастон, валдирашни бас қил. Пивонг илиб, алланиманинг пешобига айланмасидан бурун, яхшиси тезроқ ичиб ол!

— Тортмаётган бўлса-чи?

— Э, тортмаяптинг нимаси, бурнингдан чиққунча ичиб олавермайсанми!

Бурунги Вивье-Бақироқ тилга кирди... Нимани ҳам ўзгартира олардинг? Асли дунё шундай яралган бўлса. Сен, Вивье, ёшлигиндан ҳеч кимга ёмонлик қилмай, меҳнатда эзилиб ўсдинг. Бамисоли фариштадек аёлингдан ҳам ажрадинг. Уни бекорга авлиё аёл Жаннанинг исми билан аташмасди; хотинингнинг кетидан ҳамманинг ҳаваси келадиган тўнгич ўғлинг ҳам сени ташлаб кетди. Ўзинг бўлса, кўзлари қизариб, юзлари сўлиган олмадек буришиб, заҳил тортиб кетган, юраги хаста дардисар бир чолга айландинг-қолдинг. Эндики бирдан-бир тилагим бегуноҳ фарзандим бу ёруғ дунёда якка-ёлғиз қолмасин дейман. Мана шу боис биз ўғлимнинг бошини икки қилиш илинжида йўлга отландик. Лекин, нимагадир, туппа-тузук аёлларнинг ҳам, бўлмагурларининг ҳам кўнгиллари айнан Пюмелъ қурғурдек кимсаларни тусайди.

Сукунат. Фақат пештахта устида сиргалаётган латтанинг бир текис ҳаракати ва баъзан болалар жойлашиб олган бурчакдан келаётган шивир-шивир овозлар ёки Жанни варақлаётган саҳифанинг шитирлашигина қулоққа чалинарди, холос. Рен Шантом гўё ҳисоб-китобга муккасидан кетгандек, қаламни лабига босиб ўтиради. Рен эса ўша-ўша дамдўз ва сирли.

Чиндан ҳам ундаги баъзи фикрларини уқиб олиш унчалик қийин эмасди, бироқ бу аёлнинг ор-номусли эканига тан бермай илож йўқ эди.

Вивье ўрнидан турди-да, касса томонга кета бошлади, Гастон боё-қиши бўлса, стаканни қайта-қайта тўлдириб, бугунги ва эртанги кун учун бурнидан чиққунча отиб ётарди.

— Рен, анави аглаҳнинг нима деганини эшитдингизми?

— Бўлар-бўлмас гаплардан бизни Худонинг ўзи сақласин ... — хотиржам жавоб қайтарди Рен.

— Ҳа, сақласин... Бироқ кўнглинг тусаганини эшитиш ҳар доим насиб бўлавермас экан.

У гўё бу сўзларда очиқдан-очиқ ишора борлигини фаҳмлагандек ёки буни фаҳмлашга чўчигандек Вивьега журъатсиз тикиларди. Вивье томогини қириб қўйди-да, хижолат тортиб тескари ўгирилди: дорга тортилган одамнинг уйида аргамчи тўғрисида гапиришга не ҳожат! Барча кўргиликларга рўбарў келган бу аёл дунёning қанчалик бешафқат яратилганини бошқалардан кўра яхшироқ ҳис этарди. Эри билан ўтказган ўн беш йиллик турмуш ҳам, бой қаҳвахонасию омбор ҳам, ҳатто ўелининг коллеждаги ўқиши ҳам унинг ҳаётига мазмун киритолмади... Ўн беш йил муддат, Рен, бу озмунча туну озмунча кун эмасди.

Рен, сен Клермонда ўтадиган байрамнинг энг гўзал қизи эдинг, энди бўлса маглуб эканингни сезмасликлари учун у ерларда қорангни ҳам кўрсатишни истамайсан. (Вивье эса унда магрурликдан асар ҳам қолмаган, деб нотўғри хulosага келганди.) Рен, сен умрингни кун бўйи касса ёнида ўтказасан ва зинапоядан унинг ёнига кўтарилаётганингда кўринишинг гўё ҳаётдан қочиб, бу ерга беркиниб олгандек

таассурот қолдиради кишида. Сен барибир гўзал чехранту сийнанг, келишган оёқларинг қадрига етасан. Балки бу сенинг чиройингта сира тўймайдиган, беёхшов бичимли одамга шафқат юзасидандир, балки шунчаки кўничишга айланиб қолган ўз-ўзингга садоқатинг важидандир, ёки бўлмаса бунинг бошқа бир пинҳона сабаби бордир. Диний байрам бўлмиш троицанинг рамзи бўлган оқ атиргуллар касса ёнида турарди, сен эса қимир этмасдинг, атрофни эса ўзгача бир шиддат, ўзгача бир жаранг-журунг билан тўсатдан, гумбурлаб жўнаб кетган поезднинг ўрнига бостириб келган ва бир лаҳзагина давом этиб, жонжонингдан ўтиб, деярли тишингни-тишингга босиб чидашга мажбур этадиган сукунат бутқул эгаллаб олганди! Энди сенинг давринг келди, Рен: ҳаётдан барибир қочиб кутуломайсан.

Оёқ товушига биринчи бўлиб Жанни бош кўтарди, унинг кетидан ё эзмалигидан, ё кам гапирганидан хижолат бўлган Вивье Лоррен шунчаки, номига бош кўтарди. Эшик очилиб, Пюмель кўринди. Лекин ёнидаги ким бўлди экан?.. Нима бало, нариги дунёдан келган арвоҳми? Остонада турибоқ Пюмель бақира кетди:

— Қизча келмади. Куруқ келмай, ўзим билан биттасини етаклаб келавердим. Қани, Рен хоним, топинг-чи, бу ким экан?

— Бундай бўлиши мумкин эмас... — мингирилади Вивье.

Саллоҳ елкасидан тутиб турган бу одам аввалидан анча чўккан, оёғини ҳам аранг судраб босарди (ўша, эски жароҳат!), башараси улгаймай қолган гўдакникига ўхшарди, тарсиллаб ёрилиб, заҳил тортиб кетган териси эса унинг бедаво жигар дардига мубтало бўлганидан дарак бериб турарди. У қанчалик ўзгармасин, сен уни таний олдингми, тамом, демак бу ўша.

У кириб келди-да, икки қадам босар-босмай, пештахтага суюнди (оёғи панд бердими ё шунчаки мастиди?) сўнг уни ё итараётган, ёки унга кўмаклашаётган Пюмель ёрдамида Рен Шантом ўтирган касса ёнига етиб борди.

— Рен хоним, уни сира кутмовдингиз-а? Мана буни совға деса бўлади!

Реннинг жим туришидан у кириб келган кимсанинг кимлигини танимади деган хаёлга ҳам бориш мумкин эди. Лекин унинг юзлари докадек оқариб, томогига бир нима тиқилгандек бўйни қотиб, тирсаклари стул суюнчигига тирагиб қолди, ичига ботиб кетган кўзлари эса келгиндини кузатарди.

Яқинлашган кимса эгилди-да, зўр-базўр гарифона жилмайди. Шапкасини (итоатсиз қоп-қора жингалак сочли бу собиқ барно йигитнинг, маълум бўлишича, энди боши деярлик тозаланиб бўлганди) олди-да:

— Салом, Рен! — деди.

Унинг чўзилиб, атиргулга тегиб, қотиб қолган қўллари қалтиради. Аёл бу кутилмаган учрашувдан саросимада унга тикилди, унинг ҳам қўллари ўзига бўйсунмай қолганди.

— Ҳа, майли, — мингирилади келгинди, — бўпти.

Унинг қўллари ўрмалабгина яна орқага қайтди. У атрофда ҳозир бўлганларнинг барини, ўзича алланималарни мингирилаб юрган, уни танийдигандек кўринган кенг кўйлакдаги мўйсафидни, оғзини очиб яқинлашаётган бақалоқ меҳмонни, пештахтани артиб-суртаётган официант болани, ва ҳатто танобийнинг энг чеккасига бориб жойлашиб олган ўсмирлар — бир бурчакка тиқилиб олиб, бекордан-бекорга саросимага тушган болакайни ва совға илинжида кўзлари чақнаб турган қизчани гўё гувоҳликка чақираётгандек эди.

— Рен, сенга нима бўлди? — тақрорлади у. — Ахир бу менман... Бу ёруғ оламда нималар бўлмайди дейсан...

У ўрни бўлмаган жойда ҳазил қилаётганди. Ренning лаблари атро-фидаги ажинлар тобора чукурлашиб бораётганди. Ҳазил чўзилган сайн иш қалтис тус олиб борарди. Пюемель барини сезиб турарди. Муросали, лекин ҳамон ўшандай истехзоли оҳангда:

— Рен хоним, бу нимаси? — дея саволга тутди у яна.—Наҳотки, менга айтадиган биронта гапингиз бўлмаса?.. Наҳотки, Денини, мўйсафид Генинг ўғли Клермондаги ўша Денини танимаётган бўлсангиз? Авваллари ахир сиз ундан бошқасини билишни ҳам истамасдингиз-ку.

“Ҳа, бу ўша зиёфатга келган Дени эди, — ўйлади Вивье, — лекин, Рен, сен ўшанда ўзга бир тақдирни танламоқчи бўлгандинг, бироқ сенга бошқаси насиб этди. Дени деганлари қалби тоза, кўркам йигит эди. Ҳозир неча ёшда экан? Ўттиз олтидами? Шу туришида унга қирқ, ҳатто ундан ҳам каттароқ ёш бериш мумкин. Дарвоқе, энди у ёшини ҳам билиб бўлмайдиган, ёши номаълум кимсага айланниб улгурганди. Парвоналар ўзларини чироқقا қандай урсалар, қизлар ҳам унга шундай интилишарди, Денининг эса бундан парвойи палак эди. Қаерда бўлмасин, ўзини эркин тутарди, барчанинг эркатоий бўлиш унга ҳузур бағишларди, одамларни эса ўз табассуми билан сеҳрлаб қўярди, у шундай, эсанкираш нима билмайдиган, тили бурро йигит эди. Буларнинг барига яна қўшимча қиладиган бўлсақ, у бир ҳавои, такасалтанг, майшатпараст ҳам эди. Ҳамёни доим ошнالари хизматига шай турарди (ахир пулни у топмасди-да) — гапнинг қисқаси, Дени Реннинг бутунлай акси бўлган бачкана, юзаки бир йигит бўлганди, шунга қарамай, Рен уни, айнан уни танлаган бўлса, нега энди бунга ҳайрон бўлиш керак”.

— Дадилроқ, Шантом хоним! (Буни ҳамон Пюемель айтарди.) Ге билан сўрашсангиз-чи. Ахир у озмунча йўл босиб, бу ерларга келдими. Қани, Дени билан саломлашинг, сизлар аввал...

Лекин Дени Ге:

— Бўлди бас, шунча вайсадинг, етар. Мен сенга аллақандай мас-харабоз эмасман, — деди-да, уни силтаб ташлади.

У яна ёш жувонга юзланганди, аёл энди ундан кўзини олиб қочди. Унда нимага тикилиб ўтиради? Балки атиргулгадир, балки ёнидаги бир варақ қоғозгадир, балки уларнинг Клермондаги уйида бўлган зиёфатда йигитлар борми, қизлар борми, барчага, шу жумладан унинг ўзига ҳам очиқ ҷеҳра билан кўнглини хушлаётган йигирма ёшли навқирон, эҳтимол, унинг хотирасида жонлангандир... Рендаги журъатнинг ҳам боиси балки шундадир... Буни ҳақиқий эсдан оғиш деса бўларди.

У ҳозир ҳам ўша жилмайишни тиклашга уринарди (ёқиб қолишга бўлган истак ҳамон уни тарк этмаганди). Бу жилмайишга бўлған уринишда тишлари саргайиб кетган оғиздан тортиб, ёқимсиз бўртиб чиқкан ёноқлару, ажиндор қабоқ остидаги филай қўзлар ва бутун бошли қарибашара гўдак зўр бериб иштирок этарди (“Каламушнинг ўзи-я”, — ичиди таъриф берди унга Вивье).

— Пюемель ҳақ, Рен. Қайси маънода бўлмасин, мен чиндан ҳам жуда олислардан қайтдим. Биринчидан, узоқ юртлар бўлмиш Африканинг киндиги Дақардан, иккинчидан эса...

— Турмадан, — хўрсинди Гастон бош чайқаб...

— Занжи қизлар, — гап қистирди Пюемель.

Нимжон бу одам бирдан қутуриб кетди (ичиб олса, аввал ҳам у худди шу кўйга тушарди):

— Мени ўз ҳолимга қўясанларми-йўқми, ярамаслар!

Ундаги бундай газаб жунбиши авваллари тез ўтиб кетарди. Бу ҳам ҳадемай ўтиб кетади: мана, саросимага тушганини юзи ҳам айтиб турибди.

— Қораялоқ қизлар билан овунсанг-да, турма барибир сенга ёлғизликни раво кўради, Пюмель. Ҳа, бу бор гап. Чунки бундай балога мен ҳам учраганман.

Барибир ширақайфлиги билиниб туарди: елкаси билан кассага суюнди, овози йигламсирагандек чиқарди.

— Менга қара, Рен, ахир мен сени унугтаним йўқ. Балки хато қилиб, дилингни оғритгандирман? Нега бундай бўлди, Рен, билишни истайсанми? Мен гўр ва уқувсиз бўлсам-да, сени ҳам, ўзимни ҳам яхши билардим. Сенек қиз менга увол эди. Шу боис барини ичимга ютдим-да, кетдим. Лекин эртаси қуни, эшитяпсанми, эртаси қуниёқ...

Рен энди буни эшитмадим дея олмасди. Аёлнинг бор вужуди — ҳолсизликдан ўзини ташлаб юборганидан тортиб, қўлларининг қалтирашию жонсарак нигоҳи — бари ундаги изтиробдан дарак эди, у вахима билан ниманидир кутарди.

Шу ерга келганда Вивье орага тушди. (“Вой мараз, вой шум-еї, — хаёлидан ўтказди Вивье. — Бундай беҳаё, суллоҳ нусхаларни яхши биламан, ҳаётда бундайлар ландовурликдан бир қадам ҳам нарига ўтломайдилар”.)

— Қани, Ге, овозингни ўчир-да, бу машмашани йифиштир!

— Мен наҳотки... наҳотки, мен сен билан гаплашаётган бўлсам, қария?

— Сен гаплашмасанг, мен гаплашяпман сен билан. Гарчанд ёшим олтмишда бўлса-да, майли, қарилгимни пешлаб мени ҳақорат қила-вер, лекин билиб қўй, танобингни тортиб қўйишга ҳали кучим ета-ди.

Танобийнинг ичкарисидан илтижоли товуш эшитилди:

— У ерга борма, Жанни. Шу ерда қол.

— Нега бундай деяпсан?

— Ахир сенинг бу билан ишинг йўқ-ку.

— Сенинг ҳам, йифлоқи.

Жаннининг қўнглидаги мудраб ётган савқи табиий исён кўтариб, бу машмашалар уларга ҳам тегишли эканини ёдга солди. Жанни боланинг қўлидан қутулиб кетишга уринарди.

— Мана бу бегуноҳларга бир қара, Дени, сен уларни эшитяпсанми? — ўшқирди Вивье Лоррен. — Болалардан уялмайсанми?.. Сен-чи, Пюмель, намунча тишингнинг оқини қўрсатиб тиржаясан? Наҳотки виждонинг қийналмаётган бўлса?

— Шовқин солманг, отахон, ҳа, энди жойи келганда қуламиз-да! Бўпти, қулмасак-қулмабмиз, унда отиб қўя қоламиз, нима дединг, Дени? Қани, кетдик, ошна!

— Эртаси қуниёқ! — такрорлади Дени. У ҳамон Ренининг ёнида эди, аёл эса унинг жилмайиб, маъюс боқаётган йифлоқ башарасини қўриб туарди.

— Ҳа, ҳа, эртаси қуниёқ, буни ҳамма эшитган, аллақачон айтгансан. Энди ўтири, сенинг хотираларинг шарафига озгинадан оламиз.

— Унинг шусиз ҳам кайфи тароқ-ку? — деди Вивье.

— Кайфи тароқ? Шундай йигит-а? Дени, нима, сен мастмисан?

— Йўқ...

— Эшитдингизми? Ҳой официант, латтандек супрадек ёйиб олиб, намунча бақраймасанг? Қани, тезда бу ёққа шишадан олиб кел-чи!

— Йўқ, — аралашиб Вивье, — у сизларга ҳеч нимани олиб келмайди.

— Нима, меҳмонлар ҳали ичишдан маҳрум қилинганми, Шантом хоним? Бу ерда меҳмонларга ичиш ман этилганми?

Официант гоҳ Пюмелга, гоҳ Вивье Лорренга, сўнг касса ёнида фужанак бўлиб ўтирган бекага қаради.

— Хўш, бизга хизмат кўрсатиладими, йўқми? Мен ўзим тўлайман. Ёки пулларимдан ҳазар қиляпсизларми? Ахир буортма ўзим учун-ку.

— Сизга хизмат кўрсатилмайди.

Одатда ўзини тута билган (қув, доголи!) Пюмель бирдан эсанкираб қолди-да, газабдан қизариб-бўзариб отахон Лорренга томон ташланди.

Шу заҳоти танобийнинг ичкарисидан кимнингдир аниқ-равшан қилиб:

— Сизга хизмат кўрсатилмайди, — деган хотиржам овози эшилди.

Леон Шантом танобийга кириб келганди. Жаннинг бўғиқ овози Жаннининг ўксик йигиси билан қоришиб кетганди. Катталар ҳётига илк бора дуч келган бу болалар ўпкаларини босолмай юм-юм йиглардилар.

Афтидан, Шантом танобийдан кириб келаётганида ўзини босиб олишга ултурганди: у ҳеч қачон анқовлардек бундай аста қадам ташламаганди. Кейинчалик Гастон: “У гўё ёғочоёқда юргандек эди,” деб хотирлайди буни. Ҳозир эса Гастон яқинлашаётган ва тўхтаб, ўшаша хотиржам ва совуқ оҳангда, бундан ҳам паст оҳангда:

— Қани, Пюмель, бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол-чи. Бу ерларда бошқа қорангни ҳам кўрмайин, — деяётган Шантомга эсими ийқотиб тикилиб турарди.

— Мени ҳайдашга нима ҳаққингиз бор?

— Йўқол дедим! Ҳатто уруш тугаганига беш йил бўлса ҳам сени панжара ортига тиқиши учун менда далиллар етарли, шуни ёдингдан чиқарма!

Афтидан, бу саллох гап нима ҳақда кетаётганини жуда яхши тушунди; у қўлларини мушт қилди-да, олдинга энгашди, лекин бу туришда унинг мағлублиги баттар сезилиб турарди.

— Бўпти. Кетганим бўлсин. Кўрқманлар, энди бу ерни елкамнинг чуқури кўрсин! — Бироқ у эшик тутқичини ушлаган ерида орқасига ўгирилди-да: — Сен ҳам қолишмайсан, Шантом! Турмага тиқаман деб одамларга дағдага қиласан-у, лекин қаҳвахонангнинг ўша ердан нима фарқи бор?

Дени Гега нима бўлди, нима, у шарпа-парпага айланиб қолдими? У юз берәётган воқеаларни хомуш кузатиб турарди. Ренning эри унинг ёнига келганида, мақтанибми ё одоб юзасиданми:

— Сиз мени эслаяпсизми? — деб сўради.

— Бўлмасам-чи, сенинг турқингдақасини унутиб бўлармиди?

— Жин урсин! Сизларга нима ёмонлик қилдим, мендан нима истайсизлар ўзи?

Бу дард-алам фарёди эди: бакувват қўллар Денининг елкасидан олди-да, уни маҳкам қисди.

— Мен узил-кесил нимани исташимни сенга айтаман. Агар яна бир марта мана шу жирканч сиёҳингни бу ерларда кўрсам, уни уриб ёришим турган гап! Сен мени тушундингми, Ге!

— Елкамдан қўлингизни олинг! Оғритиб юбордингиз!
 — Мени тушундингми? “Тушундим”, деб кетимдан такрорла. Такрорла деяпман сенга!
 — Худо шоҳид, мени бундай силтайверманг, оёғимгача зирқираб кетаяпти.

Можаро юракни эзадиган тусга кириб борарди. Ҳатто иродасиз, ожиз кимса бўлганда ҳам бундай пайтда кўра-била туриб одамни қандай ҳимоя қилмай ташлаб қўйиш мумкин?

— Бас қилинг, Шантом! Қўйиб юборсангиз-чи уни! Эсингизни йиғиб олинг!

— Қўйиб юборинг уни, жаноб Шантом! — отасининг гапини маъкуллади Гастон.

Шантомнинг важоҳати қўрқинчли тус олганди: унинг жағлари қисилиб, кўзлари бақрайиб қотиб қолганди, у бақувват қўллари билан ҳамон ўлжасини силтаб, ларзага солишдан тийилолмасди. Қўққисдан қандайдир бегона қўл уни ушлади-да, ўлжадан маҳрум қилди-қўйди. Энди бошқа ҳеч ким парво қилмай қўйган Рен, шу пайтгача қоққан қозиқдек жойидан қимир этмай ўтирган ўша Ренга қаердан-дир жон кирди-ю, кассани ҳам ташлабоқ ўша гунг Рен:

— Эсингизни еғанмисиз? — дея овозининг борича бақира кетди.

Денининг гавдаси салгина қўлдан чиққанди, тебрана-тебрана стулга қуллади. Боёқиши найрангбоз. Латтачайнар. Бечора энтикиб йигланча йиглоқ қарибашара гўдак афтини Ренга ўтирги ва оҳ-воҳ қилганча қайт қилиб юборди.

Рен юзини бурди. Шантом эса ҳам адоват, ҳам севинч, ҳам алам аралаш товушда:

— Нима, яна ўша нусхами? — деди-да, оғриқнинг зўридан тиришиб-буришиб, типирчилаб, ҳиқичноқдан сапчиб-сапчиб тушаётган одамга қўзи билан ишора қилди.

Ренning шундай қўркам чехраси бу даражада қаҳрли тус олиши одамнинг ақлини шоширади; овози ҳам худди шундай қаҳрдан холи эмасди; у дарра зарбидек қарсилдоқ товушда:

— Ҳа, бошқа ким ҳам бўларди? — дея жавоб қайтарди.

Ҳаётда ҳамиша ўзини тута билган, эллик ёшга борган бир одамнинг бундай можароларни келтириб чиқаришига сира ақл бовар қилмасди. Косовдек қўллари билан аёлнинг гўзал юзига узлуксиз тарсаки туширади. Тарсаки туширап экан, унинг қон бўлган юрагидан отилиб чиқаётган аламли нидолар қулоққа чалинарди.

— Мана сенга, суюқоёқ, мана! Ўн беш йил чидадим — етар!

Уларнинг сой ёқалаб кетаётганларига чорак соат бўлиб қолганди — уйқудан уйғонган Гастон атрофга ажабланиб аланглади... Кутилмаган соғ ҳаво, хушбўй ялпиз иси, қиялиқдан пастга қараб тушиб бораётган йўл, ҳар икки томондан қўзга ташланаётган тепаликлар...

— Ота, бу яна нимаси...

— Уйкуга тўйдингми, ўғлим?

— Мен ухламадим, чиндан ҳам қўзим илинмади. Бу нимаси? Нахотки биз... қайтиб кетаётган бўлсак?

— Кўриб турибсан-ку.

— Дампъергами? Нима, Клермонга бормаймизми?

— Нима, сенинг у ерга боргинг келаётганмиди?

— Демак, шундай...

— Сен бунга қаршимисан? Тўхта, Тюрко, тир-р...р...

Вивье Лоррен аравани тўхтатиб, жиловни боғлади ва Гастонга қарди-да:

— Қани, гапир-чи, нима, бунга қаршимисан? — деди.

Отасининг кўзлари шодликдан чақнаб кетди ва энди бир оз мулойим, дўстона оҳангда:

— Нима дейсан, Гастон, қаршимисан? — деди.

— Нима десам экан, умуман олганда... Ростини айтсам, қарши эмасман.

Бу ҳам етмагандек Гастон қаддини ростлади-да, бемалол оёқлари ни узатиб, ўзини орқага ташлади ва тирсаклари билан ўриндиқча суюнганча:

— Эсингиздами, ота, урушдан аввал байрамлар ҳам бинойидек бўларди.

— Мен, ўғлим, байрамни назарда тутмагандим, — деди Вивье.

— Бошқаси бўлганда-чи, ота, энди мен ҳаётда уни-буни бошимдан кечирдим ва ўзим учун хulosалар чиқардим.

Гастон уйдан жўнашларидан аввал орқага қайтишни орзу қилганди. Энди хавф-хатар ортда қолди. У ҳозир деярлик шод кўринади.

— Қани айт-чи, ўғлим, бундай фикр сенда қачон пайдо бўлди ўзи? — сўради отаси.

— Буларнинг маъносига дарров етолмаганим менга анчадан бери азоб берарди. Мен ўшанда қаҳвахонада ўз эрига бегонадан ҳам бешбагтар муносабатда бўлган аёлни кўриб ҳайратдан ёқа ушлагандим. Тўгри, эри ҳам ўзига етгунча ўжар одам эди, лекин аёл ўғлига бир қайрилиб қарай демасди, ахир у она-ку. Шунда мен хонадонимиз чироги бўлмиш аёл деганлари ҳали шунаقا бўладими! — деб хаёлдан ўтказгандим. Кейин анави ташриф буюриб, ўрталаридағи тўполон авжига чиққанда, жоним шундай ҳиқилдоғимга келдики, асти қўяверинг. Яна бари бир пайтнинг ўзида, тушуняпсизми? Мана сизга, кўнгли бошқада бўлган хонадон бекаси қандай бўлади, балки бу аёл ҳозир ҳам севар...

— Ҳа...

— Орқага қайтиш хаёлимга ҳам келмаганди. Буларнинг бари мени гангитиб қўиди. Яхши, бунга ўзингизнинг ақлингиз етиби.

— Буни аввалроқ фаҳмлашим лозим эди...

Арава қўзгалди. Эртароқ... Вивье Лоррен ҳеч нимадан камчилиги йўқ — хотини, ўғли, мол-дунёси бўла туриб, ўзини баҳтсиз сезадиган кимсадек бокаркан, энди у “Черепицали завод” тўгрисида ўйламасди ҳам. Башарти обдон, пухта ўйлаб, қандайдир режани каллангда пишишиб, сўнг уни бажаришга киришиш учун йўлга отландингми, ундан осонгина воз кечиб кетолмайсан. От қўшилиб, Гастон аравага жойлашиб олиб, ҳаммаси шай бўлгунча ҳам Вивье шубҳадан ўзини тиёлмаётганди. Ҳаётда тинмай ўзгариб турадиган фикрларимиз нимага боғлиқ бўлиши мумкин? Тақдирдан сўраганлари, ҳатто-тан олишга ҳам ноқулай бўлган жиндек, арзимаган нарса эди...

Воқеа бундай бўлганди: Вивье орани очиқ қилиб олиш мақсадида қаҳвахонага қайти. Танобий бўм-бўш бўлиб, касса ёнида официант, йиғлаётган ўғил бола ва унга астойдил:

— Бунақа йиғлайвермасанг-чи, сени ёмон кўриб кетяпман. Уввос соловерсанг, кетиб қоламан, — деб пичирлаётган қиз бола бор эди, холос.

— Ҳеч ўзимни тўхтата олмаяпман. Ўтинаман сендан, мени ташлаб кетма! Ахволим жуда оғир.

— Эҳ, ҳеч отангга тортмабсан-да. Отанг ўзини қандай тутганини кўрдингми, нималар деганини эшитдингми?

— Жим бўл...

— Онангни-чи, кўрдингми? Тарсаки еганда ҳам йигладими? Ҳатто оғиз ҳам очмади. Тўгри, у кассанинг, атиргулнинг ёнига қайтиб бормади, ўз хонасига кетди, лекин шундай бўлса-да, унинг на бир оёқ товуши ва на нафас олгани эшитиларди... Эҳ, Жан, у тирикми, йўқми, ҳатто билиб ҳам бўлмасди.

— Ўтинаман сендан, бас қил...

Касса, атиргуллар... Шундай деб туриб, Жанни уларга меҳр билан назар ташлади. Сўнг кассага яқинлашди-да, ҳазиллашгандек, зина-поянинг биринчи погонасига оёгини қўйди, оёгини у ердан олиб, иккинчисига қўйди ва мана қарабсизки, у гердайиб яна ўз кассаси олдида пайдо бўлди. Жойида ўтирганча энгашди-да:

— Айт-чи, Жан, сен аёл кишига қўл кўтара олармидинг? —деди қиз.

Боланинг сепкил босган юзи маъюс тортди. Жанни айёrona меҳрибонлик билан янам кўпроқ энгашди-да:

— Бўлди, азизим, ҳиқиллайверма, бурнингни арт... Барибир, қани, айт-чи: агар иккимиз эр-хотин бўлганимизда, мен бошқани севсам ва у менинг ёнимга қайтиб келса, сен менга қўл кўтарармидинг?

... Бўлди, тамом. Шунинг ўзиёқ ҳамма масалани бирёқлик қиласди. Гап нима ҳақда экани шундоқ ҳам равшан бўлса-да, бу ерда кўрганларимизнинг барига қарамай, Рен Шантом, майли, ҳисобга кирмасин, лекин бу зиёнкор кичик хонимча... “Етар! Қани Тюрко, юр угга, ўзингнинг отхонангга...”

— Менга қаранг, ота!

— Нима дейсан?

— Э, нима бўлганда ҳам ўзимизнинг Дампъердаги эски уйимиздан қўймасин... Нима дедингиз?

— Бу ҳам ҳолва.

— Фаннининг ҳали бизга овқат пишириб беришга қуввати етади-а, тўгрими?

— Ҳудо хоҳласа.

Яна, вақт-соати келиб, ўғлига ақл киргунча, отанинг хаста юраги ҳали уриб турари деб ҳам умид қиласми, ўшанда Оллоҳнинг марҳамати билан қовурилган тайёр какликни осмондан ташласа, ажабмас.

— Гастон, сенга нима бўлди, намунча тюленга ўхшаб пишилламасанг?

— Қаҳвахона ёдимга тушиб кетди. Элликка борган шундай боборў, бамаъни одам нима жин уриб... ҳеч ақлимга сифдиrolмайман.

— Ахир ўз қулоқларинг билан эшитдинг-ку: бўлиб ўтган воқеалар унга ўн беш йил тинчлик бермаган. Бошқага кўнгил қўйган аёл билан у ўн беш йилдан бери яшаб келган. Ўша бошқани хотинининг ёдидан ўчириб ташлаш учун у нималар қиласми: тер тўқди, пул жамгарди, аёлини кўз-кўз қилиб бўлса-да, кассага ўтқазиб қўйди ва ўғли улгайгач эса анави даф бўлиб кетган безбетдек ўқишини орзу қилиб, айнан ўша саводини чиқарган коллежга ўқишга берди. Фаҳмлашимча, Шантом нимага қўл урган бўлса, ўша, ўзганинг аламидан қиласди. Бу пайтда ўша, “ўзга”си тўкин-сочин ҳаёт гаштини сураётганди. Еб-ичиб, вақтини чоғ қилиб бутун меросни кўкка совуриш билан машғул эди. Шунаقا гаплар. Сўнг уруш бошланди ва у гёёки бехосдан ўз оёгини ўзи яралаб қўйди; ўзидан сўрасанг — у сира кўрқоқ бўлмаган, уруш эса шунчаки аҳмоқлар учун, холос. Кейин эса Париж, бир тасаввур қилиб кўр-а. Сариқ ҷақасиз у ерда яшаб бўладими. Шу боис ҳам у колонияга йўл олади. Йўлнинг ўзи етаклайди, дейишади-ку.

— Баҳархол Шантом уни шу аҳволда кўрганида, ўзига шундай деган бўларди...

— У ўзига нима ҳам дерди? Фақат айтадигани, тўйидан то ҳозиргача қўзидан нари бўлган ва хотини икковининг ўртасида турган, тушуняпсанми, ҳали-ҳануз ораларидан кетмаган бошқасини қаршисида кўраётгани. Балки хотини уни ҳозир севмас. Шундай бўлса-да, барибир у туну кун уларнинг ораларидан кетмаган. Ҳудди қўшиқдан сўзни чиқариб бўлмагандек. Етар, шунча валақлаганимиз.

— Ҳа... Ота, сиз шундай ўхшатиб гапирдингизки.

Ҳа, Вивье-Бақироқ бундай ўхшатиб гапиришда ном чиқарганди...

— Мен чиндан ҳам ҳаётда кўп савдоларни бошимдан кечирдим, ҳозир ҳам кўздан қолганимча йўқ. Намунча типирчиламасанг? Менга ишонмаяпсанми?

— Йўқ, ота, ундай эмас. Ҳалиги, шунчаки қистаб қолди, холос.

— Э, шундай демайсанми! Бор, бора қол. Бу ерлар одамлар назаридан нари.

— Мана, ёлғиз қолишнинг каромати. Ҳатто аёлнинг энг олийжаноби бўлганда ҳам унинг ёнида бундай бемалол, тап тортмай сўзлашиб бўлармиди?

Оқшом ажойиб, салқин, аммо совуқ қотмайсан. Шабада ҳам йўқ. Афтидан, Клермонда ҳаво булут, ундан узоқлашган сари осмон тинқлашиб бораверади. Кексалар: “Клермонда ҳавонинг авзойи бузилса, Дампьерда албатта очиқ бўлади” деб бежиз айтишмаган. Ҳозир эса улар қоқ ўртада турибдилар. Яна пастқамлик, кескин бурилишларсиз равон йўл эса икки қатор тизилиб турган тепаликлар орасидан ўрмоннинг қоп-қора соябони остида олисларга жадал кетиб борарди; анави ерда ялпиз, мана бу эса майса, оқишроғи — қиёқ, сойнинг олдига кичкинагина осмон парчаси...

— Қаранг-а, — деди Гастон. — Анави ерда кимдир борга ўхшайди. У ерда биронта одам бўлишини энди кўришим.

Маълум бўлишича, у ерда юкини ўриндиқча қўйиб, яқинлашаётган аравани кутиб бир аёл, аникроғи, бир қиз ўтиради. “Тўхта, Тюрко, тир-р!” Нима? У нима деяпти?

— Айтинг-чи, Манса станциясигача ҳали узоқми?

— Манса? Яна уч километрча бор, — жавоб берди Вивье. — Ҳали анча юриш керак, тағин шунча оғир юқ билан!

— Вой худойим-ей, — хўрсинди қиз. — Назаримда, у ерга сира етиб боролмайман, шекилли.

Унинг лаблари буришиб, ҳўнграб йиглаб юборишдан ўзини аранг тийиб турарди.

— Ҳали вақтингиз борми? — деди Гастон. — Лекин соат тўққизгача поезд бўлмайди.

Қиз маъюс бош чайқади.

— Менга поезд керак эмас.

— Сиз поездга тушмайсизми?

— Йўқ, мени вокзалда кутишади... Аникроғи, у ерда мени кутишлари керак. Энди бўлса, билмадим...

— Фаҳмляяпман, — деди Вивье Лоррен. (“Тушунарли, демак, ановинга оқсоқ бўлиб энди мана бу қиз ёлланаяпти”.) — Айтинг-чи, мабодо сизни Пюомель кутмаяптими?

— Сиз уни кўрдингизми? У сизга айтганмиди?

У Жюссенинг ўзидаёқ Мансани сўраб-суришира бошлаганини, унга учинчи бекатда тушишини ва у айнан учинчи бекатда тушиб қолганини, лекин перрондан чиқаверишда, поезд жойидан қўзғалиб

ултурганда, бу ер Манса эмаслигини, Манса кейинги бекатлигини билиб қолгани ҳақида зорланибми, жаҳли чиқибми, тўлиб-тошиб сўзлай кетди.

— Қанақасига? Нимага?

Нимага десангиз, у бекатларни жуда тиришқоқлик билан эътибор бериб санаганди. Поезд чиндан ҳам роппа-роса уч маротаба тўхтаган, лекин йўл ёпиқ бўлгани боис поезд иккинчи марта тўхташига тўғри келган ва қиз избурувчининг уйини бекат деб ўйлаган. Шундан сўнг оқшомгача поезд бўлмаган ва қиз жаноб Пюмелъ уни ҳалигача кутиб турганига унча ишонмаса-да, юки билан яёв кетаверишга мажбур бўлган. Яна тагин ким билиби?

— Сиз жаноб Пюмелни кўрдингизми ўзи? У кетиб қолмадимикан?

— Пюмелъ, Пюмелъ! Қимматли хоним, ўйлайманки, сиз бекатни адаштириб панд емадингиз, бундан кўнглингиз тўқ бўлсин.

— Ахир жаноб Пюмелъ мени ёллади-ку!

— Ким бўлиб ёлландингиз?

— Оқсоч бўлиб...

— Иш танлаб ўтирамайдиган оқсоч! Тўشاқдаги иш — энг асосийси, шундайми. Сизгача бўлган оқсоchlар бажаргандек.

— Ота, — гапга қўшилди Гастон, — ошириб юбордингиз. Ойим-қиз кўринишдан бундай... ишларга қўл урадиган қизларга ўхшамайди!

— Ҳамма қизларга ўхшаган қиз, лекин Пюмелдек нусхаларнинг ҳайвондан фарқи йўқ ва шундай бўлиб қолади. Нима, гапим нотўғримиё?

Гастоннинг таъби хира бўлди, чунки отаси бор гапни лўнда қилиб айтиб қўя қолганди; у йўловчи қизга қаради-да, хўрсинди: боёқиши қиз тузукроқ иш топиш илинжида олислардан келса-ю, бошини қаерга уришни билмай, кечкурун йўлнинг ўртасида бир ўзи ёлғиз қолиб кетса, бу ерларда юкига қўшилиб йўқолиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

— Ота-онангиз қандай рухсат беришди?

— Менинг фақат холам бор, холос.

— А-а... Биринчи марта ёлланишингизми?

— Ҳа. Мен аввал оз-моз тикиб-чатиб турардим, бироқ қуруқ тикиш-чатишнинг ўзи билан кун ўтказиб бўлмайди-ку.

— Тушунарли.

Суқунат. От бағоят хотиржамлик билан бошини кўтарди-да, тумшуги билан салқин ҳавони тўйиб симириди... Нима ҳам дея оларди? Ўзингники бошингдан ошиб ётганда, бировга нима деб маслаҳат берса олардинг?

— Кулоқ сол, қизим. Нимани истасант, шуни қилавер, бу сенинг ишинг. Агар шу иш сенга маъқул бўлса, унда станция ёнида сени Пюмелнинг олдига элтиб қўядиган машиналарни тополасан. Йўқ десанг, мен сени бир оз айланиш бўлса-да, келган жойинг, яна ўша бекатга элтиб қўяман ва чиптангни ҳам олиб бераман, тинчгина холангнинг бағрига жўнайвер. Тагин бир гап: агар менинг қизимми, жиянимми бўлиб, қўлма-қўл бўлиб кетадиган бўлса, уларни ўз қўлларим билан ўлдирардим. Буёғи ўзингга ҳавола.

У нимани кутяпти? Қиз қўзларини ерга қадади, юкига қаради, сўнг йўлга ва эркакка назар ташлади.

— Қани, кетдикми? — сўради Гастон.

Қолган ишлар ўз-ўзидан бўлиб кетаверди. Энди, назаримда, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди.

Манса бўйлаб ярим соатлик йўлни шошилмай босиб ўтгунларига қадар, қизнинг уларнинг ўрталарида ўтириб кетишининг ўзи кифоя эди. Бир-бирларининг гапларини эштиб, сухбатлашиб боришиди. Уларга, ҳатто жимжитлик ҳам малол келмасди. Вақти-вақти билан албатта гоҳ Вивье, гоҳ Гастон ўта мулойим қилиб саволдан қистириб ўтишганда қиз буни хушмуомалаликка йўйиб қўя қолди. Унинг ўзи ҳам уларни тез-тез савол беришга ундарди. Энди қиз шубҳа-гумонлардан халос эди, чунки у мутлақо инсофли одамларга рўпара бўлганди. Ишининг юришмаганидан ҳатто хурсанддек эди. Шундай қилиб, гапга гап уланиб, қизнинг ота-онасининг ўлимидан тортиб (отаси дурадгор эди), бошлангич мактаб, кулоқлари том битган тўнкадек холаси, қўшнилар, қиз уйига бориб, ямоқ-ясқоғини қилиб берадиган амалдорнинг хотини ва ўзи экиб, ўзи парваришаётган гуллар ва бир неча хил сабзавотлари бор чоққина боғи борлиги тўғрисида — болалигидан то ҳозиргача унинг барча ўтмишидан боҳабар бўлиб бўлишганди. Чиндан ҳам у хушфеъл, ёқимтой, бунинг устига ақли, сергайрат ва маҳмадона ҳам эди. Унинг биргина хатоси — Пюмелга ўз расмини жўнатгани бўлганди. Бунинг тузоқ экани унинг хаёлига ҳам келмаганди. Майли, кейинги сафар ҳушёрроқ бўлади! Кейинги сафар? Ҳа, тўғри, буни кейинги сафардан қолдириб бўлмайди, бу жуда зарур, қачонгача холасига орқа қилиб яшайди, ўзи ҳам бирон ишнинг бошини тутиши керак-ку, ахир... Гастон отасига қараганди, у дарров тушунди. Кекса Фанни оёғини зўрга судраб босса, бу ёқда келин ҳам топилмаётган бўлса...

— Кулоқ сол, қизим. Сенга иш керакми?

... Шу зайлда улар станцияга олиб борувчи йўлдан Дампьерга олиб борувчи йўлга бурилдилар.

— Мени афв этасан-у, қизим, ўзи исми-писминг борми сенинг?

— Менинг отим Луиза.

— Луиза? Солиқ йиғувчимизнинг қизининг ҳам исми худди шунаقا.

— Холам мени Луизон деб чақирадилар.

— Луизон? Кулоққа ёқимли эштилар экан, “Луизон” ҳам ажо-йиб!

Кўзлари ўйнаб турган, соchlари тим қора, иккита кулдиргичи қизил юзларига ярашиб тушган бу кичкинагина бақалоқ қизнинг исми жисмiga монанд эди.

— Луиза?.. Луизон?.. Луиза?.. Нима дейсиз, ота?

“Билишимча, — фикр қилди отаси, — ишлар жуда жадал силжијати. Мана бу ишбилармон, ҳеч кимни назар-писанд қилмайдиган анқовга бир қаранг-а, ўзини ботир қилиб кўрсатиб, теварак-атроф-дагиларнинг барини бир пулга олмай қўйганди. Аслида бундай эмас, атрофдагиларнинг бари қадрдан ва азиз, бизга асло бегона эмас. Бироқ ана шу одатдаги олам кўз ўнгига қайта намоён бўлганди. Бунинг барини улар нега энди аввалроқ пайқамадилар экан?

Мана бедазор, у гўё чириб бораарди, илк узумзорлар, илк ёнроқ дараҳтлари ва ҳайдалган ердан тараалаётган ёқимли ис (қишлоқ яқин қолгани шундай билиб турарди, хув ана, тойча ўйноқлаб юрибди)”, майсазордаги сигирлар бирам силлиқ, маллаки; яланглик уюм-уюм шоҳ-шаббаларга тўла. Ферма дарвозаси ёнида ит хуарди, буларнинг бариси қуёш уни тарқ этиб ултурган улкан осмон остида рўй бераётган бўлса-да, гўё ҳаммаси нима билан ниҳоя топишини кўрмоқчилик, у ҳамон ёп-ёруг эди...

— Нима дейсиз, Луизахоним?

— Оддийгина қилиб Луиза дея оласизми? Бунга, жаноб Гастон,

кўнишингиз керак!

Отаси: “Хотиржам бўлавер, азизам! Жаноб Гастон кўникади. Унга озгина вақт бер, бундан ортифи унга керак эмас”, — дея мингирилади!

— Мени айтяпсизми?

— Йўқ, мен шунчаки... қўзим илиняпти.

— Сизга бир стакан қаҳва бўлганда эди. Сиз қаҳва дамлашни билласизми... хоним?

— Бўлмасам-чи.

— Мен мазали қаҳвани назарда тутаяпман.

— Сиз менга ҳақиқий қаҳвадан топиб берсангиз, мен ўзингиз истагандек яхши қаҳва тайёрлаб бераман.

— Нима дедингиз: “топиб беринг...” Ота, эшитяпсизми? “Яхшини топиб беринг...”, йўқ — “ҳақиқийсини топиб беринг...”

Оббо беўхшов-ей! Тасқара бурнингу дарвешнамо кўринишинг билан мана сен кимсан — Лоррен-фофан. Яна озгина вақтдан сўнг унинг деразасидан ҳам чироқ нури кўрина бошлайди. Қиз мен ўйлаганимдан кўра муғомбирроққа ўхшайди... Балки шайтонга дарс бепар? Қиз у ерда нимани қолдирди-ю, нимани ўзи билан олиб кетяпти, нимани ташлаб юборди-ю, кўнглида пинҳон тутган нималар бор, масалан, худди Рен Шантомдек... Эй Худойим! Ишқилиб, болам ота-онасининг дастидан қордан қутулиб, ёмғирга тутилмасмикан?

— Нима гап, ота?

— Ҳеч гап йўқ.

Юзида кулдиргичи бор, қўзлари порлаб турган, бадани таранг, дўхти иссиқ мана бу мавжудот ораларига лоп этиб суқилиб кириб олгандан кейин яна нима ҳам дейиш мумкин? Қариянинг ҳам хотининг қабри ва мусофир юртларга дафн этилган ўғлининг хотира-сига ўрнатилган хочнинг ёнидан жой эгаллаш вақти етиб келганди...

— Гастон!

Баланд овозда чақирса-да, у эшитмасди.

— Сенга айтаяпман, Гастон!

— Ҳа, ота, нима дейсиз?

— Бу бошқа гап. Шантом ўшанда қаҳвахонада нима деганини эслайсанми? У: “Аввалгидек, яна барибир уми?” — деб сўраганди Рендан. Рен бўлса: “Ундан бўлак ҳеч ким”, — дея жавоб берганди.

— Бўлмасам-чи, эсимда. Фақат... Гастон қўзи билан қизга ишора қилди-да, — ҳозир эмас, — деди.

— Э, кўйсанг-чи. У ҳам эшитсин, балки бу борада бирон-бир фикри бордир. Сен ўзи саволни ва жавобни тушундингмикан деб ўзимдан сўрадим; билишимча, тушунмагансан. Ўша лаҳза сен улар билан бирга эмасдинг-ку. Мен ўша ерда эдим. Энди дикқат билан эшит. Ростини айтсам, буни сенга айтиш ниятим йўқ эди. Шундай нарсалар борки, унтишни истайсан-у, лекин мутлақо эсингдан чиқаролмайсан. Яна шундай гаплар борки, сенга айтилмаса-да, бир умр хотирангда муҳрланиб қолади.

— Қайси сўзларни назарда тутяпсиз, ота?

— Ўша тўртта сўзни. Йўқ, бешта сўзни. Ҳаммаси бўлиб бешта! Сен эшит! Бу худди бугунгидек байрам арафасида бундан ўн беш йил бурун Клермонда бўлиб ўтганди. Эсингда борми, биз -- ойинг, аканг қариндошларнига келгандик? Ёдингдан кўтарилмаган бўлса, ўша йили армияга кетаётган йигитлар байрам арафаси ўз тенгкур қизларига атайлаб дастурхон тузаб, кеча уюштиришарди.

— Бўлмасам-чи, эсимда! Биз йигитчалар бир қадам ҳам уларнинг кетларидан қолмасдик!

— Ҳа, бироқ кеча охирлагач, улар уйма-уй киришни бошлашарди. Кимдир мусаллас билан, кимдир арпабодиёнли мусаллас билан ва яна кимдир уларга егулик тортиқ қиласади. Шу тахлит бу олди-бердилар алламаҳалгача чўзиларди. Сўнг улар ўшанда ёши энди йигирмада бўлган Реннинг уйига киришди. Ўшанда уй ўн-ўн икки одам билан лиқ тўлди. Ёшлар бемалол ўйнаб-кулсинлар деб ота-оналар уларни холи қолдиришарди. Мени эса йигитлар қолишга кўндиришди, чунки уларга оғирлигим тушмаслигини билишарди. Ўша пайтлар менда ҳар нима қилиб бўлса-да, одамларни кулдириш иқтидори бор эди.

— Ҳозир ҳам буни эпларсан.

— У пайтлари барибир бошқача бўларди. Ҳозир юрак кўтармайди. У вақтлар гарчанд ёшим йигирмадан ошган бўлса-да, улфатлар даврасида ҳеч кимнинг кўнглига урмаганман. Қани, давом этамиз унда. Мендан ташқари у ерда яна биттаси бор эди, гарчанд ёши мендан ўн ёш кичик бўлса-да, у ҳам чақириқ ёшидан анча-мунча ўтиб кетганди. Мен каби у ҳам клермонлик эмасди.

— Бу Шантоммиди?

— Ҳа, бу ўша Леон Шантом эди. У Реннинг ёнига тез-тез келиб турарди. Ҳар якшанба велосипедда пайдо бўлиб қоларди. У ҳатто оила қуриш учун қизга оғиз ҳам солганди. Ота-оналар ҳам рози бўлишганди, чунки у меҳнаткаш, олийжаноб одам эди. Қиздан эса садо чиқмаганди. Ахир йигирма ёшли қизга ўттиз беш ёшли эркак кекса туюларди-да. Бунинг устига Дени Ге ҳам ўша пайт ёқимтой, кўзга яқин йигитлардан эди.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйловдим.

— Эътибор бергин-а, Рен бирон марта тилидан илинмаган. Мутлақо! Оғир, вазмин, мағрур қиз бўлган. Бунақаси яна қаерда бор? Унга ҳамма тан берарди. Бу кейин юзага чиқди. Айнан ўша куни, лекин, ўшангача, аминманки, ҳатто Шантом ҳам бундан бехабар бўлган. Рен билан ёнма-ён ўтиришини бир кўрганингда эди: гоҳ уни шароб билан сийларди, гоҳ қўймоқ нон билан. “Қорнингиз оч эмасми, Рен? Балки бирон нима ичарсиз?” У эса егуликларга қўл ҳам урмасди. Рўпарага — столнинг нариги бошига тикилиб ўтиради. У ерда кичик Ге тин олмай, чин сўзим, ичарди ва фақат гоҳ униси, гоҳ буниси билан ҳазиллашиб қўйгандагина бир оз ичишдан тийиларди, холос. Балки мана шу унга айил ботгандир. У йигитдан кўзини узмасди, худди тушдаги-дек, гўё хонада ҳеч ким йўқдек эди. Бу азбаройи ғалати ҳолат бўлганидан ҳамма сезиб қолгандир. Шивир-шивирлар бошланиб кетди. Тинчили. Ҳаттоки Денининг ўзи ҳам эсанкираб қолди. Ва ниҳоят ҳамма узил-кесил жим бўлди. Ренга қарашди, у эса — Денига. Шу топда ни-мадир содир бўлишини одамлар сезиб туришарди. Ёлғиз Шантомгина бундан бехабарлиги жуда ҳайратланарли ҳол эди. У фақат ажабланди, холос. Шантом: “Рен!”, — деди. Рен гўё уни эшитмасди. Унинг кўзла-ри бегонага тикилганча қотиб қолганди, бироқ унинг жилмаяётганини ҳам ё... ҳам англаб бўлмасди. Мана буни чурқ этмаслик деса бўлади! Шантом яна бир бор чақирди, лекин бу сафаргиси журъатсизроқ эди: “Рен!” Шунда у аста, ўша-ўша Денидан кўз узмай, ҳамманинг олдида, гўё ўзига-ўзи гапиргандек, атрофдагиларга беларво: “Менинг севганим анави! Энди сен баридан хабардорсан”, деди.

— Жин урсин! Буни қара-я...

— Атиги битта сўз, бошқа биронта ортиқчаси йўқ. Иштаҳани бўғишига уйқуни қочиришга етиб ортади.

— Шантом нима деди?

— Бас, етар. Уни яна кўришдан Худонинг ўзи сақласин. Бунчалик

жирканч башарани умримда кўрмагандим.

— Барибир, у қандай йўл тутди?

— Қандай йўл тутди? Қандай йўл тутарди, роппа-роса бир ойдан бир қун ҳам қечиктирмай, Ренга уйланди-қўйди.

— У яхши-ёмоннинг фарқига бормас экан!—баланд овозда деди Луиза. — Шунақсанги қизга уйланиб бўладими! Қулоқларим алдамаяптими ишқилиб! Ўзини хурмат қилганида бу ишни қилмаган бўларди!

Гастон:

— Ёки уни жуда севарди, Луиза хоним, — дея қўрқа-писа қўшиб қўйди.

Отаси хулоса қилди-да:

— Ўз қадрини билмайди ёки қизга ҳаддан зиёд қўнгил қўйган?.. Шундай бўлиши ҳам мумкин. Ё бўлмаса ўч олмасдан қўймайдиганлардан. Тўғри-да, қиз ахир унинг дилини оғритди. У қизни икки йилдан бери севарди, қиз унинг борлифи эди. Ўлашимча, улар кеинчалик севгининг йўриғига юрмай қўйдилар. Қизнинг хаёли ҳамон уни тарк этмаганди. Мана, бир йўла у қизнинг висолига ҳам, галабага ҳам эришган бўлса-да, бироқ барибир у бундан таскин топмади: биз бунга ҳозир гувоҳ бўлдик-ку.

— Реннинг ўзи бунга қандай рози бўлди, ота? Ахир у бошқани севарди-ку!

— Бу аёлларнинг, айниқса, қизларнинг қўнглида нима гап бор, ким билади дейсан. Балки ўша бошқаси бор умидини пучга чиқаргандир, ўша бошқасини шу йўл билан жазоламоқчи бўлгандир. Қўшиб ўзини ҳам. Яна ота-оналар айбдор, яна уруш-жанжал! Яна нима бўлиши мумкин? Бунинг устига Шантом уни севарди ва Шантомнинг бошқасидан кам жойи йўқ эди, қиз эса унга роса азоб берди... Яна Худо билади! Балки, унга раҳми келгандир? Рен аҳмоқ эмасдир, ўғлим.

— Мен битта тарсаки тортиш учун ўн беш йил ўтишини кутиб ўтирмайдиган бир одамни биламан, ҳа, биламан.

Вивье четга қараб олиб нуқул куларди. Қўзичоқни таниб бўлмай қоляпти! Нима ҳам дердик, майли, қўзичноқ мугузини қўз-кўз қилишга шошилаверсин, бўри ҳам шу яқин атрофда-ку. Ўлмасак кўрармиз. Балки Худонинг марҳамати билан бари яхши бўлар. Мана, Рен ва Шантомларни олайлик. Майли, эри уни севаверсин, у эса бошқасини. Барибир улар эр-хотин, биргалар. У қанчалик ишқ ўтида ёниб-куймасин, аёл ёлғизликдан қанчалик музламасин, юраклари гарип бўлса-да, барибир иккови бирга, ахир ёлғизликнинг бундан баттари ҳам бор-ку. Ёддан чиқмаслиги зарур бўлган мана нима бор... Вивье Лоррен, ёнидаги ҳамроҳига таклиф этиш мақсадида, орқадан кўрпани олди-да, уни ёйди.

— Қани, тасаддуқ, буни олгин-да, оёқларингни тонгти шудрингдан асраш учун яхшилаб ўраб ол.

— Жаноб Гастон, бир учини олинг, — ўша заҳоти таклиф қилди қиз. — Сиз жуда юпун кийинибсиз, костюмингизнинг матоси чиройли экан-у, лекин жуда юпқа экан-да.

— Бу костюмни, — ҳикоя қила кетди Гастон, — мен ўтган ҳафта-да Везулдан сотиб олгандим. — Сўнг отаси томонга ўгирилди-да: — Каранг, ота, мен уни атайлаб сотиб олгандим... Афсуски, у менга аскотгани ҳам йўқ.

— Тўхтаб тур, ҳали кунингга яраб қолар, ўғлим. Ҳамма нарса бўлиши мумкин!

Отаси унинг устидан кулмаяптимикан? Унақага ўхшамаяпти: овози босик, чехраси самимий. Гастон:

— Нималар бўлмайди дейсан!—деди хўрсиниб.

Сўнг, аввал Луизонга, кейин отасига қаради.

— Бўлмасам-чи, ҳамма нарса бўлиши мумкин.

Иккала эркак хандон ташлаб кулишди. Уларга қўшилиб қиз ҳам кулиб юборди. Қиз нимага кулаётгани сабабини билмаса-да, бироқ бу табассум баҳона уларни янада яхшироқ билиб олаётганди.

Агар ўғил ва ота ўртасида аёл киши бўлса, уларнинг ихтиёрлари кўлдан кетади деган гап кимдан чиққан ўзи! Қайтанга ўз ион-ихтиёрингга икки карра ортиқроқ эга бўласан.

Энди унинг кўнгил тўқ, чунки аёл бор. Отам бунга нима дерди? Хонадонга аёл керак, бека уйнинг чироги. Мана, шу боис ҳам қуруқ қўл билан қайтмаяпмиз: ўша аёл деганлари ёнимизда, у миқ этмаяпти, лекин аёлнинг сукут сақлаши унинг гапиришидан ҳам қўрқинчлироқ бўлади. Тўгри, биз шу қиз учун йўлга чиқмагандик, инсоннинг барча тузган режаси, унинг ниятлари ва ўжарлиги ҳеч гап эмаслигини ўзимиз бошимиздан ўтказдик. Тақдир бизга шуни раво кўрган бўлса, яхшиси унинг измига бўйсунганимиз маъкул эмасмикан? Бундай имкониятни ким бой беради? Қоронги тушаяпти, чамаси яна ўн беш дақиқалардан сўнг ўз уйимизда бўламиз. Уйда бизни кутадиган одамнинг ўзи йўқ — бўлмаса бўлмас. Луизага нима қаерда эканини ўзимиз қўрсатамиз: омборчани ҳам, ертўлани ҳам, кийим жавонини ҳам. Сўнг кийиниб олиши учун қизни ўз хонасига кузатиб қўямиз. Пастга тушса, тузалган дастурхон ва ўчоқдаги оловни кўради. Бизнинг омадимиз чопди.

Буткул қоронги тушиб, атроф янада саринлашайти. (“Луиза хоним, тузукроқ ёпиниб олинг!”) Гастон иссиқдан ўзини қўярга жой тополмаётганди, оғзи ҳам худди зогорабалиқнинг оғзидек катта очилган; гўё атрофдаги тоза ҳавони битта қолдирмай ютаман дерди. Улар яқинлашиб қолишли, мана, ва ниҳоят, қоронфида илк шуъла кўзга ташланди. Қишлоққа олиб чиқадиган кечувни ҳам аранг пайқаш мумкин эди, уни кўпроқ чириб ётган толнинг ҳиди билдириб қўярди. Кўчадан кетаверишда ҳар бир ҳовлининг ёнидаги ўрмон ёнгочининг сернам иси димоққа уриларди. Унинг ҳиди кечга бориб янада кучаярди... Кўзларим қоронfilaшиб, томофимга нимадир тиқилгандек бўлди. Ўзингга қадрдон бўлган ерларга келиб қолганинг қандай яхши, бунинг устига бундай хурсандчиликни баҳам кўрадиган фаришта ёнингда бўлса. Менга қўрсатган марҳаматинг учун, Худо, ўзингга минг бор шукур!

— Луиза хоним, бир қаранг-а! Биз уйимизга етиб келдик, кўраяпсизми?

Дафъатан карнайдек варанглаб чиққан унинг овози аста-секин босилди-да, охири шивирлаб деди:

— Луиза хоним! Луиза хоним!

Луизон аллақачон ухлаб қолганди.



Вячеслав КОСТИКОВ

339-рақамли табассум

Сталин ким учун “тириклардан тирикroc”?

Яқинда Англияning Шропжир графлиги аукционида Сталиннинг бронза ниқоби сотилди.

339-рақамли мажмууда ниқоб билан биргаликда Сталин бармоқларидан олинган нусха ҳам аукционга қўйилганди. Савдо талатўп дарражасига кўтарилемади. Сталиннинг бронза қиёфаси уч минг олти юз

фунт стерлингга сотилди. Бундан илгари айнан мана шу аукционда Адольф Гитлернинг акварелда ишланган бир неча ишлари юз минг фунт стерлингга сотилганди. Кейинги пайтларда Адольф Гитлерга дахлдор “муқаддас ашёлар” нимагадир Европада юқори баҳода юради.

Киёфа тилсими

Иосиф Сталин қиёфасининг баҳоси пастлиги, баҳоловчиларнинг фикрига кўра, бу унинг юз қиёфаси аниқ акс эттирилмаганлиги билан боғлиқ. Илк гипсли қиёфа доҳий ўлганидан кейин дарҳол эмас, балки бир муддатдан кейин, яъни доҳий жасадини Йттифоқлар уйи Колонналар залида видолашувга тайёрлаш учун мутахассислар мўмиёлаётган жараёнда олинган эди.

Сталиннинг миясига қон қуюлиши 1953 йилнинг 1 марта содир бўлганди. Шахсий қўриқчи уни Яқин далаҳовли ошхонасининг полида ётган ҳолда топади. Кўпларнинг гувоҳлик беришича, маълумки, доҳийнинг сафдошлари шифокорларни чақиришга шошилишмайди. Ҳатто миясига қон қуйилган ҳолида ҳам у сафдошларига даҳшат солиб турарди. Зоро, бу даврда кадрларни тозалаш жараёни узлуксиз давом этмоқда эди. Ҳамманинг кўз ўнгидага “зиёнкор шифокорлар иши” ўзининг қора қанотларини ёзганди. Сталин гумонининг янги кур-

бони бўлишни ким ҳам истарди? Шифокорларни фақат эртаси куни, ёрдам беришга мутлақо имкон қолмаганда олиб келишди. Сталин 5-март куни вафот этади.

Унинг қиёфасига бу кунлар давомида анча ўзгартиришлар киритилди. Инсультга дучор бўлган ва дивандан полга қулаган одам қиёфасини тасаввур қилиши қийин эмас. Бироқ ўлимидан кейинги Сталин қиёфаси осойишта ва мамнун эди. Унда ҳатто жилмайиш алматини ҳам сезиш қийин эмас. Гўёки у ўлаётуб авлодларга яна бир афсонани, хусусан, ўзининг қўшиқлар ва шеърларда кўйланган нурли жилмайшини қолдириб кетгандек эди.

Бир йилдан кейин “халқлар доҳийси” вафотига 60 йил тўлади, бироқ унинг мероси ва бошқарув услублари борасидаги баҳслар тин олмаётир. Бирорлар унда мустабидни, золимни, қотилни кўрадилар. Гитлерга менгзайдилар. Бошқалар уни даҳо, буюк саркарда даражага-

сига кўтаришади. Унга сажда қилувчи айрим кимсалар ҳамон унда (келиб чиқиши грузин бўлган шахсда) русларни ва рус маданияти ҳамда рус тилини кўпмиллатли Россия давлатининг пойдевори деб

биливчи рус ватанпарвари қиёфасини кўрадилар. Улуғ Ватан уруши ғалабаси шарафига берилган тантанали зиёфатда “рус халқининг соғлиғи учун” деган машхур қадаҳ сўзини ёдга оладилар.

Жасаднинг чиқарилиши

Сталин давлат тепасида қарийб 30 йил турди. Унинг бошқарув оқибатлари ҳаммага маълум. Фақат баъзиларгина (одатга кўра, сиёсий тушунчадан келиб чиқиб) бугунги кунда мазкур салтанат жинояти кўламини инкор қилишни ёки бу ҳақида оғиз очишни исташмайди. Бу жиноятлар нималардан иборат эди? “Ленинчилар гвардияси” ва ўз сафдошларининг йўқ қилинishi, жамоа хўжаликлари (колхозлар) имкониятини ҳар томондан чеклаб ташлаш, жадал индустрлаштириш шиори билан рус қишлоқларини хароб қилиш, унинг оқибатида келиб чиқкан Россиядаги ва Украинадаги очарчилик, Сталин лагерлари даҳшатли тизимишининг вужудга келиши, ҳарбий кадрлар ва интеллигенцияни шафқатсизларча қириш, ишчилар синфини беҳад дарражада эзиш, ниҳоят, Уруш арафасида душман салоҳиятига хато

баҳо бериш ва бунинг оқибатида аскарлар ва фуқароларнинг беҳад-бехисоб қурбон қилинганилиги... Буларнинг бари мазкур диктатура салтанатининг жиноятлариридир. Ҳатто сталинчилар алқаб-улуғлаган “бир қадам ҳам ортга йўл йўқ” шиори амалда “НКВД йўл тўсувчи отрядлари” учун жуда қўл келганки, улар совет жангчиларини елкаларидан найза тираган ҳолда мажбурий равишда қонли жангларга йўллаганлар.

КПСС раҳбариятининг мамлакатга ва дунёга Сталин ҳақидаги ҳақиқатни айти олмоғи учун кўп йиллар керак бўлди. Бу борада сўз очилганда нуқул чайналар эдилар. Шунда ҳам жиноятлар ҳақида эмас, балки хатолар ҳақида кўпроқ сўзлардилар. Фақат 1961 йилнинг октябрида Сталин жасадини Мавзолейдан чиқаришга қарор қабул қилинди.

Баҳс нимада ўзи?

Афтидан, масала ҳал қилинган эди. Бироқ Сталин ҳақида баҳслар давом этмоқда. У Россия сиёсатининг бурилиш нуқталарида яна ва яна авж олмоқда. Ҳозирги еропалик қиёфасиз сиёсатдонлар авлодига нисбатан Черилл, де Голл, Рузвельт, Мао Цзедун, Сталин сингари сиймолар, албатта, тарихий шахслардир. Баҳс кўпроқ бошқа нарса хусусида – сталинизм амалиёти, унинг ҳокимият усуслари борасида қизғин тус олмоқда. XXI асрда сиёсий ва иқтисодий максадларга эришиш йўлида сталинча услублардан фойдаланса бўладими? “Ёрқин истиқбол”га навбатдаги сакраш учун ҳалқ яна нималарни бой бермоғи керак? Ёки буюк империя

мақомини олиш учун-чи? Қаттиқўллик сиёсати инсонпарварлик ва инсон ҳукуклари борасидаги европача тушунчага қанчалик мос келади?

Россия ҳукуматининг сталинизм танқидининг бўғиб қўйилаётганини сукут сақлаб, жим маъқуллашига қарамасдан, президент Медведевнинг ва ҳукуқ ҳимоячиларининг сталинизмни бартараф этишга қаратилган даъватлари салмоқли таъсирга эга бўлган консерватив кучлар томонидан намойишкорона четга суриб қўйилмоқда. Тўгри, Сталинга бўлган ҳалқ муҳаббати борасидаги афсона аста-секин сўнмоқда. Бироқ бу – “сталинча зарбордлик”, “бешйилликни тўрт

йилда бажарамиз” ёки “ташқи душман ахтариш” майллари батамом барҳам топади, дегани эмас. Сталинга хос бўлган метин оҳанг (ай-

ниқса, сиёсат майдонида маънили гап қолмаганда) бизнинг сиёсатчи-ларимиз нутқларида вақти-вақти билан акс садо бериб турибди.

* * *

Россияликлар секинлик билан бўлса-да, тараққиётни ҳаракатга келтирувчи европача тушунчага яқинлашиб келмоқдалар. Навбатдаги “ёрқин келажак”ни барпо этиш учун ўзини заҳмат билан эришилган ҳузур-ҳаловатга қурбон қиласиданлар сафи тобора камаймоқда. Буюк мақсадлар учун сталинизмғоясига хос бўлган зўравонлик сиёсатини кўмсаш борасида сўралганди, бу сиёсатни мутлақо оқлайдиганлар бугунги кунда сўралганлар орасида 4 фоизини ташкил этди, холос.

Бироқ “сталинизмга барҳам бериш” ҳаракати душманлари жим қараб турғанлари йўқ. Салмоқли кучга эга парламент партиялари байроқларида ўртоқ Сталиннинг ён қиёфаси намойишкорона товланиб

турибди. Айни чоғда давлат телевидениеси ҳам ўртоқ Сталин ҳақидаги турли-туман нақллар ва сериаллар билан тўлиб-тошган. Россия учун “темир қўл” муносиблиги ва ҳатто муқаррарлиги борасидаги мунозаралар тўхтамаётир. Қатағонни, бу синфий курашнинг кескинлашганидан келиб чиқсан ва у асосан “ғанимларга” қаратилган эди, дея оқлашга уринишлар давом этмоқда. Бироқ, имкон даражасида янги архив материаллари очилиши билан коммунистик салтанат жинояти айрим алоҳида гурухларга эмас, балки бутун бир ҳалқка қарши содир этилганлиги тобора аён бўлмоқда. Сталиннинг жилмайиши соxта эканлиги яққолроқ сезилиб қолмоқда.

“А и Ф”нинг 2012 йил
5-сонидан олинди.

M.МИРЗО таржимаси

Амир Умархон тұхфаси

Үрга Осиёнинг хорижий Шарқ мамлакатлари билан муносабатлари тарихи яна бир янги манба билан бойиди. Бу мұльтабар манба — “Мұхаббатнома” деб аталувчи ноёб құләзма бугунғи кунда Туркияда Истанбул университети кутубхонасида Tur.5452 рақами остида сақланади. У Күқон хони Амир Умархон (1810–1822) құрсатмаси асосида тузилган ва Усмонли турк султони Маҳмуд II (1808–1839)га туғфа сифатида юборилган. “Мұхаббатнома” құләзмаси ҳажми 486 x 270 миллиметр, яъни анча салмоқли күринишда. Асар матни 477 варақни ташкил этади¹.

Умархон Күқон хонлигидаги маданий ва адабий ҳаёт ҳомийиси сифатида тарихда ўзига хос из қолдирган ҳукмдорлардан бири саналади. У “Амирий” таҳаллуси билан шеърлар ёзіб, девон тузган. Унинг саройида етмишдан ортиқ шоирлар бадиий ижод билан шуғулланғанлар. Уларнинг шеърлари Умархон құрсатмаси билан 1821 йили тузилган “Мажмуаи шоирон” номли баёз – шеърий мажмуага жам этилган. Айни вақтда, Умархон раҳбарлыгыда тузилган яна бир асар – “Мұхаббатнома” ҳақида фақат умумий маълумотларгина мавжуд эди. Миён Бузрук Солиҳов (1891–1938) “Ўзбек адабиётига умумий бир қараш” номли китобида Умархон ўзининг шеърлари ҳамда Алишер Навоий ва Лутфий девонларидан ташкил топған “Мұхаббатнома” номли құләзма мажмуа туздиртириб, уни 1820 йили халифа – усмонли турклар султонига совға тарикасида юборганини ёзғанди. Япон олимни Хисао Коматсу тадқиқтаридан бирида “Мұхаббатнома”нинг илмий аҳамиятини фанга маълум қылды.

1975 йили туркийшунос олим А.Шчербак айни құләzmани ўзи мақолаларидан бирида эслаб ўтган. У “Мұхаббатнома” түплами Лутфий ва Амирий шеърлари ҳамда Ҳайдар Хоразмийнинг “Махзанул асрор” достонларидан ташкил топған, дейди. Аммо текширишлар шуни құрсаңыз, А.Шчербакнинг “Мұхаббатнома” ҳақидағы маълумотлари унчалик түғри эмас экан. Масалан, “Махзан-ул асрор” асари құләzmадан ўрин олмаган. Олим мазкур мажмуанинг Туркия кутубхонасидаги рақамини ҳам нотұғри келтирған. Афтидан, олим бу құләзма таркиби билан шахсан бевосита танишмаган ёки уни күрган тақдирда ҳам түпламдаги асарларни аниқлашда камчиликка йўл қўйған.

Совет замонидаги сиёсат, сарой маданий мұхитини қоралаш каби майллар ҳам айни мажмуани етарлича ўрганилмай, четта суриб қўйилишига олиб келған. Шу сабабдан “Мұхаббатнома” яхлит түплам ва Умархон томонидан туздирілған бир асар сифатида олимлар назаридан четда қолиб кетған. Туркияға қилған илмий сафаримиз давомида бу құләzmани ҳозиргача мавжуд маълумотларга асосланиб изладик. Сабаби, құләzmанинг кутубхона фондидаги сақланыш рақами адабиётларда олимлар кұrсатған рақамга түғри келмасди. Киди-

¹ Мазкур құләzma ҳақида қисқача маълумот берилған, қаранг: Эркинов А. “Умархон туздирған “Мұхаббатнома” тарихий манба сифатида” // Марказий Осиё тарихи: манбашинослик вар тарихнавислик изланишлари. Илмий түплам. Тошкент, 2009, 217-223-бетлар; Эркинов А. “Ноёб құләzma изидан” // Мозайдан садо. 4 (44), 2009, 20-21-бетлар А. Эркинов. Умархон “Мұхаббатнома”си <http://yozuvchi.uz/Muhabbatnoma>) - 09.02.2011

ришлар натижасыда бу ноёб қүләzmани топдик ва у билан яқындан танишишга мұваффақ бўлдиk.

Кўринишидан, қўләzmани тузишда Умархон сиёсий мақсадларни кўзлаган. Сабаби, унда аввало Навоийнинг тўрут девондан ташкил топган “Хазойин-ул маоний”си, сўнг Амирий девони ҳамда улардан сўнг Лутфий ва Фузулий девонлари келтирилган экан. Шунга кўра қўләzма ҳажман анча катта бўлиб кетган. Мазкур “Мұҳабbatномa” 1818-19-йилларда тузилган.

Мажмуа турк султонига тақдим этиш учун Кўқон хонлиги саройида тайёрланганлиги боис олий сифатга эга. Юқори навли қозози, жимжимадор нақшлари, тилла суви юргутирилган безаклари уни катта эътибор билан тайёрланганидан дарак беради.

“Мұҳабbatnoma”да девонлар қуйидаги тартибда келтирилган:

Муаллифлар

Асар номи

Саҳифалар

1. Алишер Навоий	Фаройиб-ус сигар	1 б — 96 а
2. Алишер Навоий	Наводир-уш шабоб	97 б — 177 а
3. Алишер Навоий	Бадоेъ-ул васат	178 б — 262 а
4. Алишер Навоий	Фавойид-ул кибар	263 б — 349 б
5. Амирий (Умархон)	Девон	350 б — 405 б
6. Лутфий	Девон	407 б — 432 а
7. Фузулий	Девон	432 б — 475 б
8. Фазлий Намангоний	Хотима	476 а — 477 б

Мажмуа охирида хотима мавжуд бўлиб, унинг муаллифи деб Фазлий Намангоний (477-б) кўрсатилган ва тўплам номи “Мұҳабbatnoma” (476-б) деб аталиши қайд қилинган:

*Ёзилди тўрут девони Навоий
 Ки, бўлди бир мужсаллад ичра жойи.
 Яна иккиси Лутфий ва Фузулий
 Ки, бўлмиши аҳли донишини қабули.
 Бале бу олти девони киромий,
 “Мұҳабbatnoma” янглиғ бўлди номи.*

Шунга кўра уни шартли тарзда Амир Умархон “Мұҳабbatnoma”си деб аташ мумкин.

“Мұҳабbatnoma”да ўқувчи диққатини жалб қиласиган бир нукта мавжуд бўлиб, бу унда келтирилган асарлар кетма-кетлигидан келиб чиқади. Тўпламда тўрут шоир шеърлари бор: дастлаб Алишер Навоий девони, сўнг Умархон девони келтирилади. Учинчи ўринда Лутфий девони берилади ҳамда тўпламдаги девонлар Фузулий девони билан яқунланади. Нега айни шундай кетма-кетлик танланган? “Мұҳабbatnoma” Умархон кўрсатмаси асосида тузилган экан, демак, унинг таркиби ҳам муайян мақсадга хизмат қилиши мумкин. Шундай бўлса, Умархон ўз девонини ўзбек мумтоз адабиётининг улкан шоири Лутфий ва туркий адабиётда Навоийдан кейинги ўринда турувчи Фузулийдек улкан ижодкор девонларидан аввал келтиришидан қандай мақсад кўзланган экан?

Жавобни XIX аср боши Кўқон саройи мұхитидан, ундаги сиёсий ва маданий жараёнлардан излаш ўринли бўлади. Маълумки, айни мұхитда Кўқон хонлари ўзларини Амир Темур авлодидан эканликларига ургу берардилар. Шунга кўра “Олтин бешик” афсонаси вужудга келган. Гўё 1512 йили Бобур ўз хонадони билан Мовароуннардан чиқиб кетаётганида, ичида ёш чақалоқ ётган олтиндан ишланган бешикни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Кейинчалик маҳаллий аҳоли

бу болани топиб олиб, унинг авлоди Бобур эканлигини билиб, ўзларига раҳбар қилиб тайинлашади. Болага у топилган бешикка асосланиб, Олтин бешик деб исм қўйишади, тарбиялаб катта қилишади ва ундан Кўқон хонлари авлоди тарқайди. Олтин бешик 1512–1545 йилларда яшаб ўтган дейилади. Кўқон хонлигига 1710 йили минг уруги асос согланлигини эсласак, темурийлардан кейинги икки юз йиллик давр “Олтин бешик” афсонаси ҳамда унинг авлодлари орқали тўлдирилади. Мана шундай афсона йўли билан Кўқон хонлигига асос соглан минг уруги ўз шажарасини темурийларга боғлайди. Шуниси қизиқки, “Олтин бешик” афсонаси XIX аср бошидан, яъни айнан Умархон ҳукмронлиги даври Кўқон тарихчилари асарларидан бошлаб келтирилади. Миён Бузрук Солиҳов эса бу давр адабиётини, ҳатто Олтин бешик даври адабиёти, деб атаган эди.

Умархон ўз девонига ёзган дебочасида (мазкур дебоча “Муҳаббатнома” таркибидаги Умархон девонидан олдин келтирилган) ўз шажараси Амир Темур ва Бобур билан боғланишини таъкидлайди:

“Вужудум гулбуни Темур Кўрагон гулистонининг шажарасини самарасидур... хилқатим ниҳоликим Бобур султон чаманининг навбодасидур”¹

Насл-насабда Темурийлар авлодига тенг бўлишнинг ўзи етарли бўлмагани учун бунга Умархон муҳитидан маънавий асослар излана бошланганди. Шу ниятда Кўқон хонлигига маданий жиҳатдан ҳам Темурийлар билан бўйлашиб орқали уларнинг вориси эканлигини исботлашга уриниш кучаяди. Бунинг натижаси ўлароқ “Мажмуаи шоирон” баёзи тузилади. Ундан сал аввал эса “Муҳаббатнома” тузилганлиги ва уни халифа – турк султонига юборилиши ҳам тасодифий эмасди. “Муҳаббатнома” воситасида Умархон шоир сифатида темурийлар муҳитининг энг улкан шоири Алишер Навоий ҳаммадан устунлигини, туркий шеъриятда Навоийдан кейинги ўринда ўзи туришини; насл-насабига кўра ҳам, шоирликда ҳам темурийларнинг давомчиси эканлигини таъкидла-моқчи бўлади.

Бунга кўра Лутфий ва Фузулийдек улкан шоирлар ҳам Амирийдан кейинги ўринга тушиб қоладилар. Айни вазиятда, “Муҳаббатнома” таркибида Умархоннинг “нокамтарлиги” намоён бўлади. Мажмуани ташкил этган девонлар тартиби воситасида таъкидланган маънолар турк султони, халифага қаратилган эди. Халифага совға йўллаган хон учун туркий шеъриятдаги табиий кетма-кетлик ифодасидан ҳам кўра “Муҳаббатнома” орқали ўзини насиби ва сиёсий мавқеи темурийларга боғлиқ эканлигини кўрсатиш ўта муҳим бўлган. Шу ниятда мажмуя учун фақат туркий шеърият даргалари девонлари танланган. Дарҳақиқат, Умархон туркий адабиётда ўзига хос ўрин эгаллаган шоир. Лекин унинг ўзини Лутфий ва Фузулийдан аввалиг ўринга кўйишини фақатгина сиёсий мақсадлари асосидагина оқлаш мумкин бўлади. Бизнингча, Умархон саройидаги сиёсий ва маданий муҳитга боғлиқ қадриятлар “Муҳаббатнома”нинг кўриб ўтилган тартибда тузилишига олиб келган.

Умархоннинг “Муҳаббатнома”си ва шоирлигини таъкидлаш катта аҳамиятга эга бўлган кўринади. Сабаби, Умархон девони Туркияда XIX аср охирида ҳам тошбосма усулида чоп этилган. Бундан ташқари темурийлар даври шоир ва олимлари Шарқда, шу жумладан, Усмонлилар саройида машҳур бўлган. Айниқса, темурий ҳукмдор Ҳусайн Бойқаро яшаган давр Шарқ уйғониш даври деб қараплан. Алишер Навоий ва Жомий асарларининг юзлаб кўлёзма нусхалари Усмонлилар ҳукмдорлиги даврида кўчирилган. Масалан, Жомийни мусулмон шарқининг турли ҳукмдорлар қатори Усмонли турк султонлари ўз саройларига таклиф қўлганлар. Навоий ва Жомийга бу султонлар ҳаджалар юбориб турганлар. Навоийга эргашиб, бир қанча усмонли турк шоирлари шеърлар битганлар. Усмонлилар саройи шоирлари Ҳусайн Бойқаро саройига келиб, Навоий ва Жомий билан учрашганлар.

¹ “Муҳаббатнома”, Истанбул университети кутубхонаси Tur,5452, 351-бет.

Яна бир мисол. Туркиялик сайёх Авлиё Чалабий (1611–1682) ўзининг машхур “Саёхатнома” асарыда Ҳусайн Бойқаро саройидаги шеърият йигин-мажлисларини (“Ҳусейин Бейқара межлислери” номи остида) тез-тез эслаб ўтади. Чалабийнинг бу асарыда мазкур йигинлар юқори дараражадаги маданият белгиси сифатида таърифланади ва Чалабий ўзи кузатган бошқа шу каби шеърият кечаларини ҳам Ҳусайн Бойқаро йигинларига ўшшатади.

Хулоса қилиб айтганда, Құқон хонлиги Умархон даврида ўзининг темурийларга шажаравий боғланишини халифа (бу вақтда халифа түрк султони Маҳмуд II эди)га билдириш истагида бўлган. Бунинг учун ўз хурматини бирор тарихий асар орқали эмас, балки шеърий тўплам воситасида ифодаламоқчи бўлган. Шуниси қизиқки, XIX аср бошида Құқон хонлигининг ўзида темурийларга шажаравий боғлиқлик кўпроқ тарихий асарлардан ўрин олган “Олтин бешик” афсонаси орқали таъкидлаб келтириларди. Халифа олдида ўз курратини таъкидлашда темурийларга алоқадорликни насл-насад ва қондошликтан иборатлигини кўрсатишдан кўра, Құқон маданий муҳити меваси бўлган “Муҳаббатнома” каби бир шеърий мажмууда акс эттириш муҳимроқ бўлган кўринади. Тўпламда Алишер Навоий шеърларининг катта ўрин эгаллаши ҳам темурийлар даври ижодкори – Навоийга усмонли турклар муҳитидаги катта эътибор мавжуд бўлганлигини исботлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, “Муҳаббатнома” шеърий мажмуасининг тузилиши ва Туркия сultonига тақдим қилиниши сабабларини чуқур ўрганиш лозим экан.

“Муҳаббатнома” мажмуасидаги энг оригинал қисм сифатида Фазлий Наманганий қаламига тегишли хотимани келтириш мумкин. Айни шу жиҳатни назарда тутиб, биз “Муҳаббатнома” хотима қисми матнини ўқувчилар эътиборига ҳавола қилишни мақбул деб топдик. Куйида “Муҳаббатнома” хотимаси матнидан бир парча келтирамиз.

“МУҲАББАТНОМА” ХОТИМАСИДАН

Лиллоҳил ҳамду вал-миннах, бу айёми бадоеңизоми ҳужастафаржомдаким, беҳжат ва салтанат кавкабасини савобит ва сайёраси жаҳонбонлиқ машриқидин тулуъ қилиб, даҳр бўстони чаманининг сабзбаҳлари ҳаққигаким, бедод сипоҳи афсурдалиқлар солур эрди. Торож еткуруб, ферузлиқ наврӯзини рояти гитисоҳати арсасида бош кўтарди ва адолат сипехрини офтоби оламтоби асолат матлаъидин толеъ бўлуб, жаҳон нузҳатгоҳини айвони баланд арконида жулус шарафин иқболини кўргузуб, гити бисотини тарабгоҳига иқболу давлат анворидин партав солиб, инояти айний ламъаси бирла давр аҳли муфориқига ратьфат саҳобини зилли мамдудидин сояйи тарбият арzonий қилди. Ва ул саҳоби макрамат раشاҳотидин олам чамани сарсабзу хуррам бўлуб, сунбулу ёсуман тозарўлари Хито ва Хўтсан шоҳидлари нарғисларидек кўнгуллар мулки яғмоси учун ҳар тарафдин ишваю карашма оғоз қила бошладилар. Ва давлат рабиъи субҳини насиму саболарин пешкору номиялари беҳжатлузум қудумлари бирла бу гулзорлола ва раёҳини навхатларига айшу нишот мұждасин етқурдилар ва бу гулшан арсасини бебаргу [бे]наволарига тараб ва шодкомлиқ салосин урдилар. Гулруҳсор соқийлар ва паридийдор шоҳидлар гулу лолажоми руҳафзосин нишот бодасидин саршор ва лаболаб қилиб, рўзгор димогин бегамлиқ нашъаси бирла шодоб ва саршор қилдилар. Ва даврон чаманининг сарвқомат гулчехраларига сабза ва настариннинг зийнатлиқ ранго-ранг ҳильъати бирла оро бердилар. Ва олам анжумани савокинлари юзиға фараҳ ва шодмонлиқ эшиклари очилди. Ва бу гулшаннинг жодунаво қумрилари ва ноҳиддасттоҳ булбуллари бу давлат нишотининг шукронаси адоси учун тараб гулбонгини сарвиозод янглиғ баланд овоза қилдилар. Рўзгор димогиким, даҳр зулми соиқасидин афсурда эрди, давлат баҳорининг насимини руҳафзо равойиҳидин тоза ва муаттар бўлди. Ва олами кўҳанким, даврон кулфатининг сармоси туркозидин хумул жайбининг

зовиясига бошин ёшурмиш эрди, марҳамат наврўзи шамими атридин димоги тоза бўлуб, яна бошдин навжавонлиқ хильтигининг зийнати била оройиш ва тароват топти. Ва даврон майхонасини боданўшлари ва даҳр ҳумхонасининг сияҳмасту бехушлари лутф бодаси сархушигидин тараб илкини ишрат мийноси гарданига ҳамойил қўлиб айшу нишот димогини тоза қўлдилар. Мунингдек рӯҳфазо баҳорида фурсат ва бу янглиг масарратпиро маҳал соатидаким, кошоналар чаманининг саҳни ишрат гули ва айшу нишот лоласи варақларидин эрам bogи гулзорини рашикидур ва замона арсасини бисотиким, назокат ва латофат раёхину сабзасини ранго-ранг баргларидин жаннат риёзидек ҳуррамлиқ ройихасин жонлар машомига еткуур, ул султон ас-салотини олийнишони гардунмадор ва ул подшоҳи жавонбаҳти маъдалатосор ва шаҳриёри жамжоҳу Сулаймон виқор ва шаҳаншоҳи сикандармакон ҳазрат Сайид Муҳаммад Умар Баҳодирхон – дома иқболаҳу ва шавкатаҳу – ҳумоюн алқобида ва шарафлиқ авсофи хитобидаким, донишманд уламолар ва хирадманд фузало ва шуаролар расоилу қасоид тартибиға шуг ул этар эрдилар, беҳиштосо маҳфилида ва фирдавси аъломисол мажлисида мўътабар девонлардин ўзга ва эътибор сафҳалар[дин] гайри нима ўқилмас ва ёзилмас эрди, ул ҳазратнинг кимиёасар назариким, раҳмат осорини масдаридур, анвори адолат матлаи ва айнул камол сарчашмасини манбаъи эрди, бир кун айни иноятдин бу тўрт девонларким амир Навоийдин шавқу муҳаббат достонидур, назар солиб мутолаа қилмиш эрди. Чун аввалги девони “Фаройиб-ус сифар” ва иккинчи “Наводир-уш шабоб” ва учинчи “Бадое-ул васойит” ва тўртинчи “Фавойид-ул кибар” дурлар, мутаффариқа ва паришон эрди ва газаллари ҳам бир-бирларига омизиш топиб, лаффу нашри мушаввашдек ул бири бу бирга имтизож бирла ёзилмиш экан. Бу жиҳатдин раво кўрмадиким, ул тўрт маоний жавоҳиритини кони бир-бирларидин йироқ тушуб, ҳар қайси бир диёр маҳфилида ва ҳар бири бир ўзга билод манзилида бўлгай.

Шул соат фармони олий судур топиб давлати жанобидаги бир неча муншийларким ҳар бирлари Мир Али ва Мир Имоди замондулар, аларнинг ароларидин тўрт жавоҳирракам ва Атторудқаламким, даврон дабиристонини сеҳркор ва мўъжизнигоридурлар, интихоб қилиб, буюрдиким, бу тўрт девони мутаффариқа мураттаб ва марбут ёзилиб ва ҳар қайсиси ўз маҳалида воқе бўлуб, анжом ва интизом топқай.

Назм:

Амир ул муслимин Доройи даврон,
Ки бордур барча султонларга султон.
Шаҳаншоҳларни олий қадр шоҳи,
Мухаллад бўлгай иқболи, илоҳи.
Замона аҳли инсофига фоҳир,
Халойиқ адлидин осуда хотир.
Адолат мулкини фармонравои,
Жалолат шаҳрини кишваркушои.
Жаҳон борича, ё раб, бор бўлгай,
Саодатманд, бархурдор бўлгай.
Кўруб бу тўрт ажзони паришон,
Онинг жам айламакка қўлди фармон.
Жанобинда бор эрди хуш қаламлар,
Аторуд хомалар, зебо рақамлар.
Бири Турсун Муҳаммад фахри айём,
Ки, қилди дафтари аввални итмом.
Фузулий бирла ҳам Лутфийни ёзди,
Қалам мужгони бирла чоҳ қозди.
Яна бир котиби Мирзо Раҳимқул,
Хати гул хомаси, минқори булбул.

Икинчи дафтариға хома сурди,
 Мулозимларға хизмат лофин урди.
 Бири аининг Мұхаммад Юсуф эрди,
 Учунчи дафтариға зеб берди.
 Бириким эрди Бобо Мир Мирзо,
 Қилиб түртүнчі дафтар хатин иншо.
 Ёзилди түрт девони Навоий
 Ки бўлди бир мужаллад ичра жойи.
 Яна иккиси Лутфий ва Фузулий
 Ки бўлмиш аҳли донишни қабули.
 Бале бу олти девони киромий,
 “Муҳаббатнома” янглиғ бўлди номи.

Ва чун ул ҳазратнинг азиматлиқ салтанати ва жалолатлиқ раъфатининг маёминидин шавоҳиди тасвидоти девони балогатнизоми маонийинтизом амир Навоий – наввараллоҳу марқадаҳу – бир мажмасы маъразида чехра очиб жилвагар бўлдилар ва нуқуши гаройибманқуш газалиёти беназири ва руқаоти дилпазири хафо пардасидин матлуби маҳбубийдек жамол кўргузди, ул султони волобурҳон фармони бирла аносири арбаадек бир маконда жам бўлди ва шуҳури санаи ҳижрий минг икки юз ўттуз түрт эрди ва бу олти девони назокатнишоннинг маоний паричехраларининг туҳарлари алфоз риштасига чекилди ва фазлу камол маъданидин зуҳур қилиб ихтитом суратида кўринди. Ва ул Хисрави соҳибқироннинг жуду макарраматидин гулзори сутури анбарбухури ақл димогини муаттар қилди. Ва чун хўблуқ ҳуснида тартиб топқоч, некукор мусаввиrlар ва нодиранигор муҳаррирлар рангомизлиқ ва гулрезлиқ била зебу зийнатига муқайяд бўлдилар.

*Афтондил ЭРКИНОВ,
 филология фанлари доктори*



Ижодий изланишлар йўлида

Мустақиллик йилларида болалар драматургиясида бирмунча ўзгаришлар юз берди. Драматурглар томонидан болалар ва ўсмир ёшлар учун бир қанча асарлар яратилди. Бу борада ижодкорлар Ш.Бошбеков ҳамда таниқли ёзувчи А.Обиджонларнинг хизматларини алоҳида тилга олиш лозим. Ш.Бошбековнинг “Эски жўва гаврошлари”, А.Обиджоннинг “Наврўзой ва бойчечак”, “Қоринботир”, “Мешполвон” сингари асарлари фикримизнинг тасдигидир. Ушбу асарлар болалар руҳиятига мос қувноқ ва жўшқин, тушунарли, сюjetи ва композицияси жиҳатидан пишиқ-пухта. Ушбу пъесалардаги персонажлар, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, воқеаларнинг бир-бирига узвий боғлиқлиги, қизиқарли ҳамда кулги ва юморга бойлиги билан болаларда қизиқиш уйготади. А.Обиджоннинг “Наврўзой ва Бойчечак” асарида драматург эзгулик ҳамиша ёвузлик устидан ғалаба қозониши муқаррар эканини илгари сурса, иккинчидан, ёшларнинг неча минг йиллардан бери авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, миллий қадрият ва анъанамизга айланган Наврўзга бўлган хурмат-эътиборини оширади.

Аммо истикъол йилларида Республика Ёш томошабинлар театри ижодий жамоаси миллий асарларимизни саҳналаштириш билан чекланмай, жаҳон адибларининг фалсафий-ахлоқий асарларини саҳналаштиришга ҳам алоҳида эътибор бера бошладилар. Бу саъии-ҳаракатларнинг ўзига хос эътиборли томони шундаки, ёшларимиз миллий асарларимиз билан бир қаторда жаҳон адибларининг асарлари билан ҳам кенг танишиб бормоқдалар. Кейинги йилларда жажжи томошабинлар учун Д. Урбаннинг “Жони дилим пишлоқ” (2006 й), Л.Устиновнинг “Виждон қўшиғи”(2005 й), С. Козловнинг “Орзулар кемаси” (2007 й), А. Гоффман эртаги асосида “Сехрланган шаҳзода” (2002 й), ўрта ва ўсмир ёшдаги томошабинлар учун Б. Брехтнинг “Сичуанлик меҳрибон” (2004й), Д. Киноситонинг “Турна патлари” (2002 й) каби асарлари саҳналаштирилди. Бу асарларнинг, айниқса, ўсмиrlар учун мўжалланган “Турна патлари” асари саҳнавий ечимида асар матнига жиддий ёндашилган. Асардаги режиссёрлик топилмалари, турли актёrlарнинг бетакрор ижролари мухлислар, қолаверса, жамоатчилик ва мутахассис олимларнинг юксак эътирофларига сазовор бўлмоқда. Айниқса, икки спектаклда ҳам бош ролларни ижро этган З. Наврўзованинг бетакрор талқиндаги роллари, айни пайтда романтик руҳдаги қаҳрамонлари нафақат Республика Ёш томошабинлар театрининг, балки ўзбек саҳна санъатининг энг катта ютуқлари сифатида эътироф этилади. Бу жараён мазкур актрисанинг гарб мумтоз асарлари асосида яратилган бир қатор спектакларида ўз ифодасини топди. Италян драматурги Карло Гоццининг “Қирол Бугу” фантастик эртаги асосида яратилган “Икки мўъжиза” спектакли (2002 й.) ҳам шундан гувоҳлик беради.

Гоццининг барча асарларида бўлгани каби “Қирол Бугу”да ҳам эртакларга хос рангин бўёқлар, кутилмаган ҳодисалар, гўзал хаёлот олами инсонни сеҳрлайди. Унда иккюизламачи, сохта, одамларнинг асл башараси, ички олами, бир сўз билан айтганда, хиёнат ва ёлғон орасидаги азалий кураш бадиий тадқиқ қилинади.

Мазкур асар ўзбек тилига илк маротаба Италиянинг Ўзбекистондаги элчинонаси ходимлари ёрдамида саҳналаштирилди. “Олти ой давомида бутун жамоа билан биргаликда ишланган бу асар бизни янада жипслаштириди”,— дейди бу ҳақда спектакл ижодкорлари. Асарда режиссёрнинг ўзига хос талқинлари, рассомнинг декоратив ечими, актёrlарнинг ижро услубидаги рангбаранглик спектаклнинг бадиий кўлами кенгайишига хизмат қилди. Унда

шунчаки енгил-маиший, тушкун кайфиятдаги воқеалар эмас, аксинча, инсон табиатидаги салбий иллатлар фош этилиб, муҳаббат, садоқат, вафодорлик, инсоннинг ватан олдидағи бурчи, юксак масъулияти каби олижаноб хислатлар улуғланади. Шуни айтиш мумкинки, маҳсус ниқоблар ёрдамида ўйналган бу томоша ўзбек томошабини учун ўзига хос янгилик бўлди. Воқеалар ривожи давомида янграб турган итальян мусиқаси, замон руҳига мос равишда танланган саҳна декорацияси ва қаҳрамонларнинг кийим-бошлари, безаклари ёш томошабинларимизга беихтиёр XVII аср Италия ҳаётини эслатади.

Спектакл гояси соф муҳаббат ва вафодорликнинг мансабпарастлик, шуҳратпарастлик устидан муқаррар галабасига бағишлиланган. Асарда Дерамонинг бош вазири Тартальянинг қирол таҳтини эгаллашга бўлган саъй-ҳаракатлари, бу йўлда унинг тобора тубанлашиб бориши, охир-оқибат ўз нафсига мағлуб бўлиб, даҳшатли маҳлук қиёфасига кириши, саройдан қувилиши ва одамлар нафратига дучор бўлиши каби воқеалар гоҳ кулгили, гоҳ жиддий саҳналар ёрдамида кўрсатилади. Асар жанрини ижодий гуруҳ бежизга “маъюс кулиг” деб белгиламаганлар. Спектаклнинг “Икки мўъжиза” деб номланишига ҳам маъно бор. Бу ном қиролнинг бууга, Тартальянинг қиролга айланиши каби ҳолатлардан келиб чиққан. Сиртдан қараганда оддий туюлса-да, аслида моҳиятан мураккаб бўлган мазкур асарни томошабинга ишонарли қилиб кўрсатиш спектакл ижодкорларига анча мушкуллик түгдиргани мураккаб саҳна кўринишларидан сезилиб турибди. Аммо маҳоратли ижодкорлар масъулият билан шунга хос равишда тасвирий ифода воситаларини қўллаб, саҳнада мўъжиза яратса мувваффақ бўлдилар.

Бу кўринишларни саҳнада талқин қилиш, хусусан тасвирий воситалардан, ҳавода учувчи саҳналар, танланган рақс композициялари, ранг-баранг ва ҳарир матоларнинг нафис ҳаракатлари-ю, ниқоблар, имо-ишора, юз-кўз ифодаларидан маҳорат билан фойдаланиш, энг асосийси, буларни саҳнада намойиш этиш ижодкорлардан катта маҳорат талаб қиласди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур спектаклнинг муваффақиетида рассомларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Улар саҳна маконини тўлдириш билан чекланмай, актёрлар учун икки томонли ниқоб тайёрлаганлар. Спектаклнинг мутахассислар ва томошабинлар эътиборига тушишида эса актёрларнинг ҳиссаси алоҳида эътирофга лойиқ. Жумладан, Тарталья образини ижро этган Фарҳод Аминов ўз қаҳрамонларининг салбий томонларини бўрттириб кўрсатади, уни нафақат қиролнинг, балки жамиятнинг даҳшатли рақиби сифатида гавдалантиради. Чунки ҳар қандай жамиятда фуқароларнинг осойишиша, хотиржам яшашида шоҳ ёнидаги вазирнинг ўрни каттадир. Тартальядек кимсалар эса фақатгина ўз манфаатларини, моддий бойликни кўзлаганлари боис оддий одамлар ҳаёти оғирлашиб бораверади. Шу чизгилар орқали образ ижтимоий аҳамият касб этган.

Актёр М. Абулхайров ижросидаги Труффальдино ўзининг соддалиги, қалбининг поклиги, бирмунча ношудлиги билан томошабин қалбida унга нисбатан хайриҳоҳлик туйгуларини уйготади. Анжело образи – К. Гоцчининг “Маликаи Турандот” асаридаги Турандотнинг тамоман акси, яъни бу қаҳрамонда инсонларга нисбатан меҳр-муҳаббат кучли. Актриса З. Йўлдошева спектакл давомида Анжеланинг ана шу фазилатларининг ёрқин очиб беришга эришди. У ўзининг пок туйгулари, самимий муҳаббати ва курашувчанлиги туфайли қиролнинг севгисига сазовор бўлади.

Республика ёш томошабинлар театри ижодкорлари тинимсиз изланишда давом этмоқдалар. Кейинги йилларда улар итальян драматурги Мольернинг бир йўла уч асари – “Учар табиб” фарси, “Скапеннинг найранглари” ва “Хўжа Али – Али Хўжа” комедияларини ўзбекчалаштириб, томошабинларга тақдим этишга эришдилар. Бу хайрли ишга ёзувчиларимиздан Шароф Бош-

беков ва Анвар Обиджон жалб этилди. Мазкур асарларнинг саҳналаштириш жараёни давомида унда юз берадиган воқеалар тамоман ўзбек ҳаётига кўчирилди, ҳатто асардаги қаҳрамонларнинг номлари гача ўзгартирилди. Спектакл декорациялари, қаҳрамонларнинг либос, безак ва пардозлари, шу жумладан мусиқа ҳам шу мақсадга йўналтирилди. Бу асарлар 17-18 ёшдаги ўсмирлар учун мўлжалланган. “Учар табиб” асаридаги воқеалар қувноқ, жўшқин, кулгили тилда ифодаланади, ижро чиларнинг саҳнадаги эркин ҳаракатлари, мусиқалардаги жозибадорлик, воқеаларнинг бир-бирига боғлиқлиги ёш томошабинларга зависиши авт улаш адди. Бирои, асарда баъзан сўзларни ішлаш, диалоглар тузиш да бадиият іонуниятларига етарлича амалият берилмаган. М асанлан аэрордом, ипподром каби сўзлар томошабинларотга кулиши улаш иш учун атайлаб тишиш тириштан таассурот іолдиради киши ида. К тўпина диалогларда шеъва унсурлари учрайди.

“Бозмасхаробоз” асарида эса миллий масхарабозлик ва іизиҷилик санъатининг яхши анъаналарининг іориш иш аклини кўрамиз. Бу асарда умуман сўзиш лашимайди. Асар файдалётлар ижролари, имо-иш ора ва хатти-чаракашлари асосита іуритган. И мониш ораларнинг г’зи асарда айтилмоичи білган тагларнинг гураммасидан воийф этади. Пантомима, пластик маракашлар орнати муйян сюжетлар мазмунни очиб берилади. Ушбу асар томошабинларни асарнинг йоясини, мазмунини ёчиш га, тийлаш га, фикр юртиш га чорлайди.

Хулоса тўнида шуни таъкидлаш жомизки, бу каби саъна асарларнинг гиктапиши иш ёш авлоднинг маънавий-эстетик дунёи арашини кенгайлишига бейиёсизмат ишлади. Республика Ёш томошабинлар театри шунарсанни төран мис ишлган мулда, бутунни кун талабига жавоб берадиган, томошабинларни наржиздан тарбиялаш гамуносиги мисса иш адиган бадиий бетакор асарлар устида тинимлизишлар эканлар, нар бир асарга бутунни кун нуткан назаридан ёндаш моидалар. Зоро, мозирли ёш авлод эрланни кунимизнинг вористари, давомчилари экан, уларнинг рурий-маънавий камол топиши, комил инсон бўллиб воята ёшиш ишларида маънавиятнинг, хусусан, драматургиянинг тўни бейиёсиз эканлигини унумаслиж жоиз.

*Матлуба ТЕМИРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуриданги Давлат ва жамият
қўрилиши академияси “Маънавият ва бошқарув маданияти” кафедраси
тадқиқотчиси.*



Илмий ҳамкорлик самараси

*Садриддин АЙНИЙ. Бухоро инқилобининг тарихи. Нашрга
тайёрловчилар: Шарифа Тошева, Шимада Шизуо. Токио
университети наширеёти, 2010.*

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Ватанимиз тарихига оид энг муҳим манбаларнинг илмий-танқидий матнларини тайёрлаш ва нашр этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки сифатли тайёрланган илмий-танқидий матн ҳар қандай манбанинг илмий тадқиқотларда фойдаланиш учун энг ишончли нусхадир. Кувонарли жиҳати шундаки, истиқлол берган имконият туфайли, айрим тадқиқотлар ва илмий-танқидий матнлар чет эл олимлари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Табиийки, бу ўзаро тажриба алмашиш ҳамда ўзбек олимларининг илмий ютуқлари хорижий мамлакатларда ҳам кенгроқ танилиши ва эътироф этилиши учун катта имкониятлар яратади.

Шундай ҳамкорлик ишлари натижаларидан бири Садриддин Айнийнинг (1878 — 1954) ўзбек тилида ёзилган “Бухоро инқилоби тарихи” асари илмий-танқидий матнининг Японияда нашр этилиши бўлиб, у мазкур институт илмий ходими Шарифа Тошева ва Токио университети тадқиқотчиси Шимада Шизуо томонидан амалга оширилди.

Ҳаммамизга маълумки, Айнийнинг тарихий асарларида Бухоро тарихининг энг мураккаб даври — мамлакатда ислоҳотчилик ғоялари ва инқилобий ҳаракатларнинг кенг ёйилиши, асрлар давомида амалда бўлган давлат тузумининг тубдан ўзгариши воқеалари унинг ўз кўрган-кечиргандари асосида қаламга олинган.

Айний томонидан яратилган ilk ийрик тарихий асар — “Тарихи инқилоби фикри дар Бухоро” (“Бухорода фикрий инқилоб тарихи”) 1918 йилда тоҷик тилида ёзилган. Кейинчалик Айний бу асарга қайта ишлов бериб, унга янги боблар қўшиб, ўзбек тилида “Бухоро инқилобининг тарихи” номи билан тадқиқот яратди.

Айний “Бухоро инқилобининг тарихи”да баён этилган воқеа-ҳодисаларга бошқа асарларида ҳам тўхталган. “Тарихи амирони мангитияи Бухоро” ва ундан анча кейинроқ, 1940 йилда ёзилиб, 1958 йили нашр этилган “Муҳтасари таржимаи ҳоли ҳудам” автобиографик асари шулар жумласидандир. Бироқ “Бухоро инқилобининг тарихи” 20 аср биринчи чорагида Бухорода рўй берган воқеаларни батафсил тасвирлагани учун айрича аҳамият касб этади.

Асарнинг муқаддимасида муаллиф сўзбошида билдирган фикрларини ривожлантиради. Мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш масаласи Бухоро инқилобига сабаб бўлганига ишончи комил бўлган Айний, 3 — 4 аср олдинги ва ўзига замондош бўлган Бухоро мадрасалари ҳолати ва мударрисларнинг билим даражасини ҳамда уларнинг ҳукумат билан муносабатларини текшириш муҳимлиги ҳақида гапиради. Биринчи бўлимнинг “Уламонинг бузилиши ва булардан хонларнинг истифода қилиши” деб номланган биринчи ва ундан кейинги бобларида Айний сўзбоши ва муқаддимада билдирган фикрларини кенгайтиради ҳамда турли далил ва тарихий маълумотлар билан тўлдиради.

Шу қисмда Айний ёш буҳороликлар ва жадидлар ҳаракатининг вужудга келишига замин тайёрлаган ички ва ташқи омиллар хусусида ҳам фикр юритади.

У Бухорода юз берган инқиlobни дастлаб маълум бир гуруҳ кишиларининг онгида пайдо бўлган инқиlob, деб ҳисоблайди. Жумладан, муаллиф биринчи бўлимнинг “Илмий ва ижтимоий инқиlobга ҳозирланиш” бобида Амир Абдулаҳад (1885 — 1910) даврининг бошларида амирлик тузумига танқидий кўз билан қараган кишилардан бири — бухоролик маърифатпарвар Аҳмад Дониш ва унинг издошлари ҳақида кенг маълумот беради.

Асарнинг салмоқли қисмини ташкил этувчи иккинчи бўлимда 1908 — 1917 йилларда Бухоро жамияти ҳаётида рўй берган маърифий ва ижтимоий-сиёсий вазият қаламга олинган. Жумладан, Бухорода очилган янги усолдаги мактаблар ва бу мактаблар хусусида мутаассиби уламолар ва тараққийпарварлар орасида юзага келган баҳс-мунозаралар, 1910 йил январдаги сунний-шия низолари, 1910 йилда ташкил этилган Ёш бухороликларнинг яширин жамияти, бу жамиятнинг маърифат ва ислоҳот йўлида амалга оширган ишлари тўғрисида муфассал маълумот берилади.

Учинчи ва тўртинчи бўлимларда асосан сиёсий воқеалар — 1917 йил Россиядаги февраль инқиlobидан сўнг Бухоро ёшларининг ислоҳот учун курашлари, амир томонидан 1917 йил 7 апрелда эълон қилинган фармони, 8 апрелда тараққийпарвар кучлар ташкил этган тинч намойишнинг хукumat томонидан бостирилиши, 1918 йилги Колесов воқеалари ва Бухорода жадидларга нисбатан кўрилган жазо чоралари тафсилотлари баён қилинган.

Бу китоб “Бухоро инқиlobининг тарихи” деб аталган бўлса ҳам, муаллиф 1920 йил сентябрдаги инқиlob ҳақида батафсил тўхтамай, умумий хуносалар бериш билан чекланган. Тўғри, бу пайтда Айний Самарқандда эди, инқиlob воқеаларини ўз кўзи билан кўрмаган. Колесов воқеасида ҳам у иштирок этмайди. Эҳтимол, бу ҳолни Айнийнинг Бухоро инқиlobидан ички норозилиги билан изоҳлаш мумкинdir. Ш. Тошева ва Ш. Шизуолар фикрича, бу масала чукурроқ ўрганишни талаб қиласди. Айни пайтда шуни назардан қочирмаслик лозимки, муаллифнинг ўз асарини бундай номлаши унинг 1920 йилги инқиlob ҳақида ёзиш мажбуриятини олганидан далолат бермайди, зеро, “Тарихи инқиlobи фикри дар Бухоро” ҳамда “Бухоро инқиlobининг тарихи” мазмунидан англашилганидек, Айний инқиlobини Бухородаги ислоҳотчилик гоя ва ҳаракатлари билан бөглиқ ҳолда тушунади.

Садриддин Айний 1918 — 1920 йилларда ўзбек тилида баъзи шеърлар ва мақолалар ёзган бўлса-да, “Бухоро инқиlobининг тарихи” унинг ўзбек тилидаги илк йирик асаридир. Шунинг учун асарнинг баъзи жойларида фикр равон ифода қилинмаган ўлимлар ва баъзан гализ жумлалар учраб туради.

Айний мазкур асада қарлуқ лаҳжасидаги сўзларини форсий ва арабий сўзлар билан биргаликда баъзан усмонлича ва татарча сўзларни ҳам қўллайди. Бу ҳол фақат Айнийга хос бўлмай, ўша давр даврий матбуоти ҳамда тарихий ва адабий асарларида ҳам учрайди. XX аср бошларида Туркия, Крим, Кавказорти ва бошқа ерларда нашр этилган китоб, газета ва журнallарнинг Туркистонда кенг тарқалиши орқасида қардош туркий тиллардан бир қатор сўзларнинг ўзбек тилига ўзлашиш жараёни кузатилади.

Маълумки, Ўзбекистон тарихининг энг мураккаб даврларидан бири бўлмиш 20 аср биринчи чорагига оид ноёб манба бўлган “Бухоро инқиlobи тарихи” илгари ҳам ўзбек тилида ва бошқа тилларга таржима қилиниб, бир неча марта нашр қилинган. Бироқ бу нашрларнинг асосий нуқсони шундаки, уларнинг бирортаси ҳам асар тўлиқ чоп этилмаган.

“Бухоро инқиlobининг тарихи” 1926 йили Москвадаги СССР халқлари марказий нашриётида араб имлосида нашр қилинди¹. Назир Тўракулов китобнинг нашр этилиши сабабини: Ўрта Осиёнинг “ҳар бир ҳақиқий инқиlobчиси” китоб орқали “Бухоро ўлкасида ёқиндағина бўлиб ўтган разолатлар” билан танишиб, Афғонистонда “саргардон юриб”, империалистлар ҳомийлигида Европа матбуотида хитобномалар бостираётган амирдан нафратлансин, “маънавий ва ахлоқий фойда” топиши билан изоҳлайди. Аммо бу нашрда негадир асарнинг номи “Бухоро инқиlobи тарихи учун материаллар” тарзида ўзgartирилди ва

¹ С. Айний. Бухоро инқиlobи тарихи учун материаллар. Москва, 1926 (китоб 260 бетдан иборат бўлиб, 3000 нусхада чиққан).

мазкур тарихий асарнинг чорак қисми қисқартириб юборилади.

1960-йилларда Айнийнинг саккиз жилдик танланган асарлари ўзбек тилида нашр этилиб, унинг биринчи жилдига “Бухоро инқилобининг тарихи” ҳам киритилди¹. Ушбу нашр асарнинг қўлёзмалари асосида эмас, балки 1926 йилги Москва нашри асосида амалга оширилган бўлиб, унда мафкуравий ёндашув талаби асосида асар яна қисқартирилади. Айниқса, жадидларга салбий муносабат орқасида Абдурауф Фитрат, Усмонхўжа Пўлатхўжаев каби бу оқим намояндадарининг исмлари ва Фитратнинг асарларига оид катта парча тушириб қолдирилган. Бундан ташқари, баъзи сўзлар, кишилар исмлари ва жой номлари хато ўқилган. Масалан: “Тўғри амир турғон ҳовлига кирдилар” “Ўгри амир турғон ҳовлига кирдилар”, “Келиф” “килов”, “Деҳнав” “Рахраб”, “пойқандлик” “пекиндлик”, “Вобкент, Вагонза каби туманлар” “Вобкент ва ўонза каби туманлар” тарзида ёзилган ва ҳоказо.

1987 йили Душанбеда асарнинг тожикча таржимаси чоп этилди². Таржима Айнийнинг шогирди Раҳим Ҳошим томонидан Тошкентда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида 2125 ашё рақами остида сақланувчи муаллиф дастхати асосида амалга оширилган.

Раҳим Ҳошим асарни деярли сўзма-сўз ва аниқ таржима қилган. Фақат, диний мазмундаги айрим сўзлар тушириб қолдирилганки, буни ҳам хукмон давр талаби билан изоҳлаш мумкин.

Бевосита асарнинг Тошкентда сақланадиган қўлёзмаларидан фойдаланиш имконияти бироз чекланганлиги боис, тадқиқотчилар кўпинча қисқартирилган нашрларига мурожаат қилишга мажбур эдилар. Масалан, американлик тадқиқотчи Эдвард Олворс асарнинг Тошкент нашрида тушириб қолдирилган «Жадид ёки Ёш бухоролилар фирмасининг тузилиши ва ёзилмаган программа» бобини асарнинг Москва нашри асосида инглизчага ағдарган.

Биз этироф этаётган нашрга муфассал сўзбоши ёзилиб, у ўзбек, япон ва рус тилларида берилган. Китоб охирига шахсий ва жуғрофий номлар, халқлар ва қабилалар, китоб, даврий нашр ва жамиятлар кўрсаткичлари илова қилингани, шубҳасиз, нашрнинг илмий қимматини оширади. Хуллас, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги тобора кучайиб бораётган илмий-маданий ҳамкорликнинг навбатдаги ажойиб самараларидан бири натижасида Садриддин Айнийнинг бундан қарийб бир аср илгари ёзилган “Бухоро инқилоби тарихи” асари илк бор тўлиқ ҳолида нашр этилди ва, ниҳоят, Ўзбекистон тарихига оид муҳим бир манбанинг қисқартиш ва хатолардан холи тўлиқ матни яратилди. Гарчанд, “Бухоро инқилобининг тарихи” нинг ушбу нашри асосан мутахассисларга мўлжалланган бўлса-да, эндиликда ишончли матн мавжудлиги асарни кирилл ва лотин ёзувига табдил қилиш, бошқа тилларга тўлиқ ёки қисман таржима қилиш имконини беради.

*Гулом КАРИМИЙ,
адабиётшунос олим*

¹ Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Садриддин Айний. Асарлар. 1-том. Тошкент, 1963, 181-349-бетлар.

² Садриддин Айни. Тарихи инқилоби Бухоро / Баргардонанда аз ўзбеки ба тожики ва мураттиб: Р. Ҳошим. Душанбе, 1987.

Француз адиблари ҳикматлари

Ўлим донишмандларни асло ажаблантирумайди: улар ўлишга доим тайёр.

* * *

У на яхши дўст, на қариндош, бу – унинг ўзи.

* * *

Бутун дунё мұхаббатга бош әгади; севинг, севинг, қолганлари ҳеч нарса.

Жан де Лафонтен

* * *

Энг катта куч – тўсиқ, ундан-да катта қуч уни енгиб ўтадиган ғурур.

Жан-Батист Мольер

* * *

Озгина билиш учун ҳам жуда кўп ўқиш керак.

* * *

Яхшининг ашаддий душмани – энг яхши.

* * *

Агар фақатгина баҳтли бўлиш мақсад қилиб қўйилса, бунга тезда эришиш мумкин. Аммо одамлар кўп ҳолларда бошқалардан кўра баҳтли бўлишни истайдилар, бунинг деярли иложи йўқ, негаки, бошқаларнинг баҳти бизга ҳамиша кўпроқ бўлиб кўринаверади.

Шарль Монтескье

* * *

Дунё донишмандлик сари секинлик билан боради.

* * *

Кераксизлик доим зарур бўлган нарса.

* * *

Бошқаларнинг севгисига ёрдам берадиган – бизнинг севгимиз; бу ўзаро муҳтожлигимиз орқали юзага келади; севги инсонларга абадий алоқадор.

* * *

Кишилар яхши ёзадиган муаллифларни ўқиш орқали яхши сўзлашга ўрганадилар.

* * *

Соф бўлишни истасанг ўзингни доим баҳтли ҳис эт.

Франсуа-Мари Вольтер

* * *

Виждон – қалбнинг овози, эҳтирослар – тананинг.

* * *

Ҳаёт ўз ҳолиҷа ҳеч қандай маъно англатмайди: унинг қиммати қандай яшай билишдадир.

* * *

Айрим кимсалар юз ёшида қабрга кирадилар-у, аслида эса туғи-либоқ ўлган бўладилар.

* * *

Инсоннинг юраги унинг жаннати ёки дўзахидир.

* * *

Ҳамма нарсага қарши туриш мумкин, аммо саховатга эмас.

* * *

Яшамоқ – нафақат нафас олмоқ, балки ҳаракат қилиш демакдир. Узоқ умр кўрган киши эмас, балки ҳаётни кўпроқ ҳис этган кишигина узоқ яшаган, дейиш мумкин.

Жан-Жак Руссо

* * *

Авлодларга аждодлардан кўра кўпроқ билим ва баҳт қолдиришга интил, мерос қолган нарсаларни такомиллаштириш ва кўпайтириш – тинмай меҳнат қилмогимиз зарур бўлган соҳа.

Дени Дидро

* * *

Баъзилар ўzlари билмаган ҳолда баҳтли яшайдилар.

* * *

Хулқ тузатилишдан кўра кўпроқ бузилишга мойил.

* * *

Буюк ишларни амалга ошириш учун ҳеч қачон ўлмайдигандек яшаш керак.

Люк де Кланье де Вовенарг

* * *

Яхши кўрган аёлингга эришиш учун унга нописанд муносабатда бўлишинг зарур.

Пьер-Огюстен Бомарше

* * *

Ҳечдан-ҳеч чарчаш бу – дангасалик.

Антуан Ривароль

* * *

Вақтни тўхтатиб кўядиган инсон эмас, аксинча, инсонни тўхтатиб кўядиган куч вақтдир.

Франсуа-Рене де Шатобриан

* * *

Гўзаллик – баҳтнинг ваъдаси.

* * *

Ҳаммани билишинг мумкин, аммо ўзинингни эмас.

* * *

Роман – катта йўлда сайд қилаётган кўзгу.

* * *

Ҳар бир кишининг ҳаётида, гарчи ўзига мумкин эмасдек туюлса-да, буюк нарсаларни қила оладиган бир лаҳзаси бўлади.

* * *

Севги – тараққиёт мўъжизаси

* * *

Гўзаллик нима? У сизга роҳат берадиган янгича бир қобилият.

* * *

Ҳаётдаги деярли ҳамма баҳтсизликлар ишимизнинг юришмаётгани ҳақидаги сохта тасаввурларимиздан келиб чиқади, шу билан бирга, инсонларни яхши билиш ва воқеалар ҳақида соглом фикр юрита олиш бизни баҳт сари етаклайди.

Стендалъ

* * *

Фояларни фақат foяларгина зарарсизлантириши мумкин.

* * *

Сабр билан кутилган ҳамма нарса ўз вақтида келади.

* * *

Шон-шуҳрат ва заҳар... Улар фақат ўз меъёри билан ширин.

* * *

Ҳақиқий олим хаёлпарастдир, кимки хаёлпараст бўлмаса, у ўзини амалиётчи деб ҳисобласин.

* * *

Севги нафақат ҳиссиёт, балки санъат ҳамдир.

* * *

Ўзини хурмат қилган одамгина бошқаларни ҳам хурмат қила олади.

* * *

Буюк инқирозларда қалб ё парчаланади, ёки мустаҳкамланади.

* * *

Эрли аёл – тахтга ўтиришни биладиган қулдир.

* * *

Она қалби кечиримларга тўла бир уммондир.

* * *

Катталарнинг ўз қўл остидагилари билан ҳазиллашишлари ноҳақликдир. Ҳазил – бу ўйин, ўйин эса тенгликни талаб қиласиди.

* * *

Қалб жароҳатини кечириш мумкин, бироқ унутиш қийин.

* * *

Мұҳаббат – хотиралар хазинаси.

* * *

Ғалаба – қурбонлар қүёши.

* * *

Тажрибалар баҳтсизликлар эвазига бойиб боради.

* * *

Энг буюк романнавис – Тақдир.

* * *

Вақт – ҳамма учун етишмайдиган нарса.

* * *

Ҳақиқий севги ҳеч нарса билан ҳисоблашмайди.

* * *

Севадиган киши ҳеч нарсадан шубҳаланмайди.

* * *

Камбагаллик тўхтаганда хасислик бошланади.

* * *

Аксарият одамларда ўз курашларини яширишга ва голибликлари-ни кўрсатмасликка ундейдиган манманлик бор.

* * *

Худбинлик – дўстликнинг оғуси.

* * *

Коллекция йиғишга қизиқувчанлик – ақлдан озишнинг ilk бос-қичи.

* * *

Ҳаёт катта йўқотишларсиз давом этмайди.

* * *

Эркак – гўё бир хукумат. У ҳеч қачон ўз хатоларини тан олмайди.

Оноре де Бальзак

* * *

Ҳурмат қилмасдан туриб севиб бўлмайди.

Александр Дюма

* * *

Қирқ ёш ёшликтининг қексалиги, эллик ёш эса қексаликнинг ёшли-гидир.

* * *

Вақтида келган гояларни ҳеч қандай куч тўхтатолмайди.

* * *

Инсон чехраси ҳар доим унинг ички дунёсини кўрсатиб беради, шу боис, фикр юзда намоён бўлмайди, деб ўйлаш хатодир.

* * *

Ҳар бир инсон тунда ёруғлик сари интилади.

* * *

Қалб гүзаллиги билан безатилмаган ҳар қандай ташқи хусн мұкаммал бўла олмайди.

* * *

Ҳаёт – бир гул. Севги – унинг ғунчасидаги бол.

* * *

Денгиздан каттароқ манзара бор, бу – осмон; осмондан ҳам кўра каттароқ манзара бор, бу – қалб кўзи.

Виктор Гюго

* * *

Табиат – бир санъат асари, Оллоҳ уни яратган ёлғиз артист, инсон эса унга ёмон рух берадиган бастакор.

Жорж Санд

* * *

Кимки севишини билса, у ўзини қанчадан-қанча одам севишини ҳис қиласди.

Альфред де Мюссе

* * *

Доноликни Оллоҳ инъом этган, аммо истеъдод бизга тегишли.

* * *

Олма дарахтидан апельсин сўраш кўпчиликка теккан касаллик.

* * *

Инсон умрининг энг яхши даври “ҳали жуда эрта”, кейин эса “энди жуда кеч” дейиш билан ўтади.

Гюстав Флобер

* * *

Бу ҳаёт – ўз каравотларини ўзгартириш истаги бўлган ҳар хил касаллар билан тўла бир касалхона.

Шарль Бодлер

* * *

Фан ватаннинг энг юқсан қиёфаси бўлмоғи зарур, зотан барча халқлар ичиди фикр ва ақлий фаолият соҳасида бошқалардан ўзиб кетган халқгина биринчи ўринга кўтарилади.

Луи Пастер

* * *

Хурофот одамни заифлаштиради, ақлдан оздиради.

Эмиль Золя

* * *

Ҳаётдан завқланайлик! Биз уни қанча кўп ҳис этсак, шунча кўп яшаймиз.

* * *

Бўлиб ўтган ҳодисалардан афсусланиш яхшимас, бизга мушкилот

тугдирган ўзгаришлардан нолимаслик керак, нега деганда, ўзгаришлар ҳаётнинг асосий шартлариданdir.

Анатоль Франс

* * *

Энг яхши соғлик бу – ўз соғлигингни ҳис этмасликдир.

* * *

Ўйламоқ бу – ўрмон қаъридан ёруғлик изламоқ билан баробар.

* * *

Бу дунёning бир камлигини доим пеш қилиб, ўз камчиликларингизга бу қадар ёпишиб олманг.

Жюль Ренар

* * *

Ҳаёт ғамгин эмас, унда ғамгин дамлар бор.

* * *

Биз хоҳлаб тез-тез, хоҳламай эса доим адашамиз.

* * *

Тирик инсон ҳали ҳеч нимани йўқотмадим деса бўлади.

* * *

Буюк санъаткор муқаррар равишда ғамгин бўлганида қувноқ, қувноқ бўлганида эса ғамгин асар яратади.

* * *

Кимнинг юраги ҳамма учун ураётган бўлса, у чинакамига буюк инсондир.

* * *

Қалбнинг ашаддий душмани – умрнинг тугаб бориши.

* * *

Инсон бир ҳақиқатни тушуниб етмоғи керак: у дунёning ижодкори ва соҳиби ҳисобланади, ҳаётдаги барча эзгуликларнинг шоншуҳратию ердаги барча баҳтсизликлар унинг зиммасига тушади.

Ромен Роллан

* * *

Яхши гапириш учун фикр бўлиши зарур, яхши тинглаш учун – зеҳн.

Андре Жид

*Французчадан
Маҳмадиёр АСАДОВ
таржимаси*



Михаил КУЗМИН

Буюк Искандар зафарномаси

Биринчи китоб

МУҚАДДИМА

Шону-шавкатга элтгувчи йўллар турлича: бирлар хайрли ишлари, бошқалар жанг-жадаллари, учинчилари ақл-заковати ва, ниҳоят, тўртингчилари – кароматлари билан эришишади. Аммо тарих зарварақларини излаб, юқоридаги барча фазилатларни ундан бошқа ҳеч бир зот ўзида мужассам эта олмаганинг амин бўламиз. Бу зот – Буюк Искандар бўлади. Унтилмас Каллисфен, Юлий, Валерий, Бовэлик Викентий, Гуалтерия де Кастильоне, Лампрахт, Александр Парижский, Петр де С. Клу, Рудольф Эмский, ажойиб қалам соҳиби Ульрих фон Эшинбах ва айниқса, беназир Фирдавсийлардан кейин Искандар ҳақида ёзиш осон эмаслигини яхши тушунаман. Лекин мен бу ишга ул буюк сиймонинг ўчмас хотирасини такрор мадҳ этиш мақсадида қўл урмаяпман: ибодат қилаётганлар асрлар оша сайқал топган мисралар қайси буюк алломалар томонидан яратилганлигини эслаб ўтирганлардек, мен фақат бу хусусда қалбимни тўлиб-тоширган шавқ-завқ билан ўртоқлашмоқчиман холос.

Биринчи боб

МИСР ПОДШОСИ НЕКТАНЕБ ҲАҚИДА

Қадим Мисрда нафақат донолиги, балки илми нужум, сехр-жоду борасидаги билимлари билан шуҳрат қозонган Нектанеб исмли подшоҳ ўтган экан. Урушда доимо унинг қўшинлари галаба қозонар экан. Аммо уруш тақдирини подшоҳ жангоҳда эмас, уйида ўтириб, сехр-жоду ёрдамида олдиндан ҳал этиб қўйишини ҳеч ким билмас экан. Жанг кетаётган пайтда у, яширин хонага кириб олиб, коҳинлар либосида, қўлида темир таёқча ушлаб, дуо ўқиб, жангни бошқааркан: агар денгиз жанг бўлса, сув тўлдирилган мис тоғдаги рақиб қайиқларини чўқтирас, қуруқликда бўлса – мумдан ясалган душман аскарларига игна санчаркан. Бундай гаройиб хатти-ҳаракат олисда содир бўлаётган ҳақиқий жанг тақдирини ҳал қиласаркан. Аммо бир кун чопарлар яна фанимлар бостириб келаётгани ҳақида подшоҳга хабар берганларида, одатдагидек тождор жодугар томонидан чорланган сув ва ҳаво инс-жинслари бу гал унинг мағлуб бўлиши муқаррарлигини

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

180

ва шу боис ёрдам беришга ожиз эканликларини маълум қилишади. Нектанеб иягидаги сохта соқолини юлиб ташлаб, оддий кийимда зудлик билан Мисрдан яширин қочиб қолади.

Унинг мағлубиятга ўрганмаган саркардалари пойтахтга қайтишганда, сарой бўш эди. Қидириб-қидириб, яширин хонада мум одамчаларнию, сувда ивиб ётган сохта соқолни топишади. Ҳайрат ва ваҳимага тушган халққа маъбуд Серапис башоратчи орқали ваҳий юборади:

*Тарк этди Нектанеб узоқ муддатга Сизларни,
Аммо қайтажак бир кун ёшлиқ қиёфасида.*

Бу мисраларни гойиб бўлган подшоҳ ҳайкалига чизиб, саганага қўйиши; бирмунча вақт ўтгач эса, муваққат ҳукмдорни сайлаб олишиди.

ОЛИМПИАДА ВА ДУОХОН

Қочоқ подшоҳ Македонияга бориб қолади. У ерда анча-мунча яшайди, тириклик учун фолбинлик билан шуғулланади ва дуоҳон, башоратчи сифатида ном қозонади.

Ўша мамлакат шоҳининг Олимпиада исмли хотини бўлиб, у бефарзанд эди. Бир куни малика бօғ сайли пайтида сирдош оқсочига ҳасрат қилиб қолади, түгмаслигим учун эрим ҳайдаб юбормаса бўлди, дейди. Шунда оқсоч шу атрофда бир фолбин пайдо бўлганини ва унинг дами ўткир экани ҳақида сўзлайди. Шу заҳотиёқ дуоҳонга одам юборишиди. Боққа кириб келган фолбин Олимпиадага икки букилиб таъзим бажо айлади ва қўйнидан олтин суви юргизилган, сайёralар тизими рангли тошлар билан тасвирланган тахтacha чиқариб қўяди. Рангли сайёralар орасида Гермес (зумрад) ва Чўлпон (қўкиш ёқут) ажралиб турарди. Уларга тикилиб, фолбин узоқ жим қолди, малика ҳам жим. Ниҳоят, мисрлик сўз бошлади:

— Бепуштлик дардинг Филипп билан тузалмайди. Биргина тангри Аммон сенга ёрдам бериши мумкин. Лекин сен бунинг учун кўп нарсага тайёр бўлишинг керақ бўлади. Розимисан?

— Гапиравер, — деди малика кўзини кўтармай.

— Мен дуода бўламан, сен эса бошингга ёпинчиқ ташлаб олиб, Ливия маъбудини кутасан; илон вишиллашини эшитган заҳотинг, саройдан барчани узоқлаштирасан ва меҳмонни қабул қилиб оласан; унинг соч-соқоли тилла, кўкраги ҳам тилла, пешонасида эса яка мугузи бор. Висол пайтида чурқ этмайсан. Фақат шундагина сен ҳомиладор бўласан, вақти-соати етгач, ўғлон кўрасан, олами сўрагувчи жаҳонгир бўлади у.

Олимпиада бир оз сукутдан сўнг, бошини кўтариб, фолбинга кўзларини тикиб, деди:

— Борди-ю, алдаётган бўлсанг, ўлдим деявер.

Осмонда пайдо бўлган юлдузлар томон қўлларини чўзиб:

— Онт ичаман! — хитоб қилди Нектанеб.

— Жавобини эртага оласан, — деди малика ва ўрнидан кўзгалди.

Дуоҳон уни тўхтатди:

— Мен яқин атрофда бўлиб сени бирдек дуо қилиб туришим лозим. Хобхонантга яқинроқ яширин жой бўлса, кўрсатсанг.

Малика жойни кўрсатди, лекин қатъий тайинлади:

— Ҳеч кимга тишингни ёрмайсан.

Малика узоқлашгач, Нектанеб қалампирмунчоқ гулини узиб, унинг гулбаргига Олимпиада исмини игна билан ёзди; гулни кўкка

чўзиб, тангрилардан у, яъни Нектанеб, ўйлаб топган ҳийлани Филиппнинг хотини дилига мустажоб қилишни ёлвориб сўради.

ҲОМИЛАДОРЛИК

Ҳамма нарса мисрлик айтгандек бўлди; у мугуз қадалган ниқобда малика хобхонасига бир эмас, кўп мароталаб, токи малика ҳомиладор бўлгани сезилмагунча, келиб турди. Ниҳоят, малика қувонч ҳам қўрқув илиа эрининг қайтишини кута бошлади.

Иккинчи боб

ФИЛИППНИНГ ҚАЙТИШИ

Узоқ ҳарбий юришда бўлган Филипп бир куни кўрган тушидан оромини йўқотди. Подшоҳ аъёнлари орасида бўлган бобиллик таъбирчининг изоҳича, Олимпиада шу қунларда миср худосидан ҳомиладор бўлган. Табиийки, бундан хурсанд бўлмаган Филипп уйга ошиқди. Унга пешвоз чиқсан хизматкорлар малика бетоб ётганини айтишди. Шоҳ хобхонага кириб, хотинига яқинлашди. Олимпиада унсиз йигларди. “Мен ҳаммасидан воқифман, куюнма, тангрилар иродасига бўйсунмоғимиз лозим,” – таскин берди шоҳ маликага.

– Мунажжимни чақирилинглар, – буюрди Олимпиада, ниҳоят, ўзини тутиб олиб.

Кириб келган Нектанеб фол очиб, содир бўлган ҳодисага берган изоҳи бобиллик таъбирчининг айтганлари билан бир хил чиқди. Бундан лол қолган, лекин ҳамон қош-қовоғи солиқ Филипп йиглаётган рафиқасини бағрига қучди; улар шу ҳолатда оқшомгача, янги ойнинг янги чиқсан ўроги деразадан мўралагунга қадар ўтиришди.

СИРЛИ АЛОМАТЛАР

Шундай қилиб, шоҳ ва малика, тинчланиб, айни пайтда ҳеч бир қувончсиз ой-кун битишини кутишди. Малика ўзини анча бардам ҳис этар, дугоналари билан тез-тез боғ сайлида бўларди. Гоҳ-гоҳ базм-ларда ҳам қатнашиб, Филипп гирт маст бўлгунча (македони-яликлар одатда шундай ичишади) ўтиради. Бир гал базмда одатдагидан ортиқроқ ўтириб қолади ва бундай камўйликнинг жазосини ҳам олди; маст шоҳ: “Қорнингдаги бола меники эмас”, – деб таъна қила бошлади. Таҳқирланган малика ўрнидан туриб кетмоқчи бўлганда зиёфат дастурхони остидан каттакон илон вишиллаб бош кўтариб чиқди, базмдагиларнинг кайфини учирди. Ҳамма сакраб ўрнидан туриб кетди, шоҳнинг ўзи ҳам ридосининг бари билан бошини ўраб олмоқчи бўлди: Бир вақт илон бургутта айланди-да, учиб бориб малика кўкрагига қўнди, гезарган лабларидан уч бора чўқидида, меҳмонхона туйнугидан кўкка кўтарилиб, кўздан гойиб бўлди. **Филипп** тиз чўкканча : Сен ким бўлдинг – Аммонми? Аполлонми? Асклепийми? – деб сўраганча қолаверди мўъжиза ортидан. Олимпиада бўлса бир гала хонимлар ҳамроҳлигида ичкарига шошилди. Булар бари мисрликнинг яна бир найранги эканини ҳеч ким сезмади.

ИККИНЧИ АЛОМАТ

Кейин содир бўлган аломуатлардан ҳам, гарчанд энди маккор афсунгар аралашмаётган бўлса-да, бўлажак чақалоқ файриоддий экани-

га Филиппда ишонч янада ортиб борди. Кунлардан бир кун шоҳ қўлга ўргатилган қушларини боқиб ўтиради; малика эса айвонда ўтириб олиб безак тикиш билан андармон эди; баъзан қушлар у ерга келиб қўнса, оёқ остида ўралашиб юрган кучукча ириллаб қушларни ҳайдарди, малика улар томон гоҳ-гоҳ қўз ташлаб қўярди. Бирдан оппоқ қушлардан биттаси малика тикаётган нарсасига қўнди-да, бир зумда тухум қўйди, тухум думалаб ерга тушиб, синди, малика чинқириб юборди. Синган тухумдан ўрмалаб чиққан илон боласи ўзи ёриб чиққан бошпанасини айланиб чиқди, ва яна тухум пўчоқ ичига кириб кетмоқчи бўлгандай, бошини сукди ва шу заҳоти бир титради-ю, жон берди. Малика айвон панжарасидан пастга бошини эгилтириб, ёға бошлаган ёмғирга ҳам эътибор бермай, Антифонтнинг ушбу аломатга таъбирини тинглади: унинг айтишича, **Филиппнинг бўлажак ўғли дунёни айланиб, забт этади, аммо бевақт оламдан ўтади.** Малика бир хўрсиниб олди-да, чокларини йигиштириб, гаройиб ўғил тутилишини кутгани ичкарига кириб кетди.

ИСКАНДАРНИНГ ТУФИЛИШИ

Бўшаниш муддати ўтиб кетган бўлса-да, малика ҳамон қорнини дўмпайтириб юrar, вақт-соатни атайлаб кечиктираётган Нектанебни койирди; у бўлса самодан қулай аломатларни кутарди. Малика эрта тонгдан доянинг маҳсус баланд курсисига ўтириб олар, ўпкаси тўлиб-тўлиб кўзёши қилар, шу ҳолатда ухлаб ҳам қоларди. Ниҳоят, минора устидан Нектанеб қичқири: “Вақт бўлди!” Олимпиада оғриқнинг зўридан ўкириб юборди, бехуш бўлиб, на мусаффо осмонда чақнаган чақмоқни кўра олди ва на момоқалдироқни эшитди.

Доя туғилган ўхлонни курси остидан кўтариб олди. Бола на отасига, на онасига ўхшарди: соchlари арслон ёлидек узун, юзи қип-қизил, бир кўзи баландга, иккинчиси ёнга қараган, калласи каттагина, фаяқат бурни рисоладагидек эди.

Искандар мана шу тахлитда дунёга келди.

ВАЛИАҲД ТАРБИЯСИ

Филипп унга ўхшамайдиган қизил башара, ўжар фарзандини ёқтирамади. Аммо, аввалги хотинидан бўлган фарзанд ўлиб кетган ва делфилик Сивилланинг, сендан сўнг хўқизкалла отни жиловлай оладиган буюк қаҳрамон подшолик қилади, деган башоратини эслаб, кўнгли таскин топарди. Валиаҳд тарбиясига масъул этиб замонасининг етук олиму фузалолари тайнинланди: Полинип (қироатдан), Левкипп (музиқадан), Милен (ҳандасадан), Аксимент (воизлиқдан), Леонид (ҳарбий санъатдан), Арасту (фалсафадан). Файласуф, шаҳзода ва сарой аъёнларининг фарзандлари орасидан саралаб олинган бошқа шогирдлар кўпинча bog сайлида бўлишиб, соя-салқин хиёбонларда сухбатлар қуришарди. Устоз шогирдига буюк келажак, олам-жаҳон шуҳрат башорат қиларди. Кунлардан-бир кун кекса файласуф толиблардан келажакда улар подшоҳ бўлиб қолишса, устозларига нима ҳадя қилган бўлардилар, деб сўраб қолади. Бирни уни ваъда қилди, иккинчиси буни ва ҳ.к. “Сен-чи, шаҳзода?” – сўради устоз шогирднинг ўзидан. Қизгиш ёлини селкиллатиб, қизил чарм коптокни осмонга отиб ўйнар экан: “Келажак тўғрисида ўйлаб ўтириш не ҳожат? Вақти келади, ўзингиз кўрасиз, сизга қандай муносиб совға топишимни,” – деб жавоб қилди Искандар. Арасту унинг пешонасидан ўпид қўйди.

НЕКТАНЕБНИНГ ЎЛИМИ

Тангридан бўлган ўғлиниң келажаги Олимпиадага тинчлик бермасди; Нектанебдан юлдузларга қараб ўша тақдирни айтиб беришини қайта-қайта талаб қиласверди. Мунажжим навбатдаги галда валиахднинг буюк келажаги ҳақида сўзлаётганда, хонага кириб келган Искандар келажагини ўз кўзи билан юлдузлардан ўқиб олишни ихтиёр қилди. Нектанеб эртасига тунда шаҳзода билан қатъя қўргони устига чиқди — мисрлик юлдузлар ҳақида гапира бошлаган ҳам эдик, бирдан Искандар уни пастга туртиб юборди. Чоҳда инграб ётган Нектанебга шаҳзода юқоридан луқма ташлади: “Бир лаҳзадан сўнг нима бўлишингизни билмай туриб, бошқаларнинг узоқ келажагини қандай айтиб бера оласиз?” — Шундай дея тезда ўзи ҳам пастга тушиб, мунажжим узра энгашиб сўради:

— Қаттиқ тушдингизми? Кечирасиз, мен шунчаки ҳазиллашган эдим.

— Сен айбдор эмассан. Падаркушлик сенинг тақдирингда ёзилган.

— Эй, ярамас қул, нималар деб валдираяпсан? — деди Искандар тўсатдан уни сенсираб.

— Ўлимим олдида ёлгон сўзламайман, шаҳзода. Тингла, қулоқ сол, — деди ва энтика-энтика Искандарга унинг дунёга келиш тарихини ҳикоя қилиб берди. Бир оздан сўнг кўзи юмилди. Шаҳзода унинг гапларига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай, ойнинг хира ёдуси остида сеҳгарнинг юзига узоқ тикилиб қолди; сўнг чуқур нафас олдида, жасадни елкасига кўтариб, малика оромгоҳига йўл олди. Олимпиада ҳали ухламаган эди. Кўрганлари, айниқса, ўғлидан эшитганларидан у даҳшатга тушиб, тахтиравонга ўтириб қолди. Эртасига келгинди мунажжимнинг баҳтсиз тасодиф натижасида ҳалок бўлганини овоза қилишиди. Мисрликни юонон удумлари бўйича дафн этишди.

БУКЕФАЛ

Ўн беш ёшли Искандар баҳор қунларидан бирида отасига қарашли отхона ёнидан ўтатуриб, бошқа отларникига ўхшамаган кишнашни эшитиб қолди.

— Бундай хунук кишнаётган қанақа от бўлди? — сўради шаҳзода отбоқарлардан. Ҳудди сўровга жавобдай, от яна ҳам қаттиқроқ кишинади. Лекин бу сафаргиси қумрининг овозидай майин туюлди.

— Бундай ёқимли кишнаётган қанақа от бўлди? — сабрсизлик билан қошларини чимирди шаҳзода. Отбоқарлар, бу ҳали минишга ўргатиша олмаган Букефал деган от экани, уни ўлимга маҳкум этилган маҳбусларнинг эти билан боқиб, темир қафасда сақланаётганини тушунтиришди.

Искандар қафас эшиги лўқидонини суриб, оёқ остида мужиб ташланган суяклар тўла отхонага кирди, баҳайбат отни шартта ёлидан тутиб, унинг кўзларини қўёш томон кескин бурди, сўнг устига одам кўндирамаган отга сакраб минди-да, сарой томон ўқдай учиб кетди.

Отбоқарлар чанг-тўзон ортидан ҳай-ҳайлаб улгурмай, асов от оғзидан қўпик сачратиб, елкасида қизил юзли чавандози билан подшо сарой олдида гоз турарди. Фала-ғовурни эшитиб уй либосида югуриб чиқкан Филипп тиз чўкиб хитоб қилди: “Салом, эй олов отни жиловлаган жаҳонгир ўғлим!” Юқори қаватдан бу манзарани кузатиб турган малика, отбоқарлар ва ўша ерда жам бўлган халойик: “Жаҳонгирга саломлар бўлсин!” — деб такрорлашди. Искандар эса қуёшга

кўзининг қири билан қараб турган от бўйнидан шапатилаб, кулим-сираб туради.

Учинчи боб

ИСКАНДАР ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА

Эндилиқда ҳарбий юришларда отасига ҳамроҳлик қила бошлаган Искандар машхур олимпия йўйинларида куч синаб қўришни орзу қиласди. Шоҳ, бунга унчалик рўйхушлик кўрсатмаса-да, валиаҳдни унинг энг яқин дўсти Гефестион билан бирга йўйинларга боришга рухсат берди ва шу мақсадда махсус кема ҳам ажратди. Писага етиб келгач, мусобақаларда иштирок этиш учун узоқ-яқиндан талай машхур суворийлар тўпланганини эштиши: беотийлик Ксанфий, қоринфлик Кимон, яна Клитоман, Аристиин, Алунфос, Пирий, Лаконид ва бошқалар. Иштирокчилар орасида Аркан подшоҳининг ўғли димоғдор Николай ҳам бор эди. Искандар кемадан тушиши билан худди ўша билан тўқнашди.

- Томошага келдиларингми? — менсимай луқма ташлади Николай.
- Биз мусобақада иштирок этгани келдик.
- Хоҳ-ҳо, уни қаранглар-а, сизнингча бу ерда ёш болалар ўйини бўлади, шекилли?

Искандар жаҳлдан тутикашиб, жавоб қилди:

- Мен сен билан беллашишга тайёрман!..
- Мен Аркан подшосининг ўғли Николай бўламан, — давом этди димоғдор йигит.
- Мен шаҳзода Искандар, Македония подшоси Филиппнинг ўғлиман. Лекин подшоҳларнинг нима аҳамияти бор? Ҳаммаси ўткинчи дунё.
- Сен тўғри гапирияпсан, лекин бунинг маъносини ўзинг тушун-япсанми?
- Сенинг баландпарвоз гапларингдан кўра яхшироқ тушуниб турибман.

Мана шундай гап ўйинидан сўнг ҳар икковиси ҳам чап ёнига туфлаб, икки томонга тарқалди.

Эртасига жанг аравалари пойгасида қатнашган Искандар ҳаммадан ўзиб чиқди. Шаҳзода Николай эса, араваси остида қолиб ҳалок бўлди. Македония шаҳзодасига голиблик тожини кийгизаётган лаҳзада Зевснинг ердаги вакили, коҳин қуидаги мисраларни қироат қилди:

*Ваҳий бўлди олимпия тангриси Зевсдан:
Душманларинг бўлур мағлуб, киборлар — мулзам.*

ФИЛИППНИНГ КЛЕОПАТРА БИЛАН НИКОХИ

Гултож кийиб, хурсанд қайтаётган шаҳзодани ватанида нохуш хабар кутарди. Шоҳ Олимпиаданинг жавобини бериб, учинчи бор уйланишни ихтиёр этган эди, бу гал Лисийнинг синглиси Клеопатрага. Искандар тўй куни етиб келган эди. Бошидаги тожни олмасдан ҳам меҳмонларга лиқ тўла, анво таомлар хидига тўлган базмгоҳга кириб борди. Шоҳона либосларда Филипп ва Клеопатра, маҳобатли шамдонлар ўртасига қўйилган таҳтларда виқор тўкиб ўтиришарди. Шаҳзода оstonада тўхтаб, сўз қотди: “Ота, меҳнатларим эвазига илк бор эришган ғалаба рамзи — мана бу тожни қабул қилинг. Мен сизнинг никоҳ тўйингизда иштирок этаётганимдан баҳтиёрман; онам Олим-

пиадани бошқа эрга узатаётганимда сиз ҳам келиб турасиз деган умиддаман.” Шундай дея, ўзини қаерга қўйишини билмай қолган Искандар келин-куёвнинг рўпарасига ўтириб олди. Лисий ўтирган жойидан қичқирди: “Шоҳ қонуний ворисга эга бўлиш мақсадида аслзода Клеопатрага уйланишга қарор қилди...” У яна гапирмоқчи бўлган эди, аммо вой-войлаб орқасига ағдарилиб тушди: Искандар шиддат билан отган оғир шамдан унинг қаншарини ёрган эди.

Сўкиниб ўрнидан туриб кетган Филипп бир неча қадам босибоқ, мантияси оёқларига ўралиб, йиқилиб тушди. Искандар “қаҳ-қаҳ” уриб кулди: “Осиёни забт этган, Оврўпага даҳшат соглан жаҳонгир икки қадам юролмай, йиқилиб тушса-я!”

Клеопатра ҳам ўрнидан туриб кетганди. Барча меҳмонлар ва хизматкорлар фуж бўлиб, ўртага тўпланиб қолишиди. Филипп ва Лисийнинг дўстлари Искандарга ташланишиди. Лекин у инқиллаб ётган шоҳнинг шамширини тортиб олиб, ўнгу-сўлга хайбат солиб, ҳайқирди: “Эй, чақирилмаган она, сенга яхши маслаҳатим – кет бу ердан!” Вахимага тушган меҳмонлар тумтарақай бўлишиди; қоронгу бурчакларга, ўриндиқлар остига яширинишиди. Кўрқиб кетган Клеопатра ҳам гоҳ шоҳга, гоҳ акасига аланг-жаланг қараб, хонимлар билан тезда кўздан гойиб бўлишни афзал топди. Искандар қўлида шамширийн ўйнатиб, бино бўшаб қолмагунча айланиб юраверди.

Ниҳоят, базмгоҳ меҳмонлардан холи бўлди; деразадан хира тонг мўраларди; йиқилиб шикастланган шоҳ ҳали ҳам инқиллаб ётарди. Шаҳзода шамширни четга ташлаб, отаси томон борди ва энгасиб деди:

“Эҳ, шоҳ! Нега энди бу номаъкул ишни қилдингиз?”

Аммо Филипп фақат “оҳ-воҳ” қиласарди. Искандар сўроқ билан бошқа қийнаб ўтирмай, замбил келтириб, уни хобхонасига элтишни бу юрди.

Мотамсаро либосга бурканган Олимпиада кўз ёшлари билан ўғлини бағрига босди: ҳимоячиси борлигидан у албатта хурсанд эса-да, айни пайтда кўнгли ғаш эди. Нақ ўн кун шаҳзода шоҳ билан малика ўртасида у ёқдан-бу ёқقا югарди, уларнинг бағриларидағи тошни эритиб, яраштириб қўйиш мақсадида эди. Ниҳоят, Филипп бўса олмоқ учун Олимпиадага яқинлашиди, малика майнин жилмайиб, эрининг бўйнидан қучди; Искандар ярашувга халақит бермаслик учун ўгирилиб, дераза олдига келди ва олисдаги тоғларга тикилди.

Халқ орасида шаҳзоданинг доно ва мардлиги ҳақида гаплар кенг тарқалиб борарди.

Тўртинчи боб

ФОРС ЭЛЧИЛАРИ БИЛАН ТЎҲНАШУВ

Шундан сўнг шоҳ у ёки бу шаҳарда бўлиб турадиган қўзғолонларни бостириб келишга Искандарнинг ўзини мустақил юборадиган бўлди. Бир донолик билан, бир жанг-жадал билан у вазифани аъло даражада ўтаб келарди. Шундай сафарлардан биридан қайтаётган Искандар кенг ўтлоқда чодирлар қуриб, шу атрофда айланиб юрган, нақ саватдай бош кийим кийиб олган одамларни кўриб қолди. Бу нотаниш кимсалар юнонлардан хирож ундириш мақсадида юборилган форслар подшосининг элчилари эканидан хабар топган Искандар новчадан келган қизил соқоллик томон от қўйиб келди ва дагдага билан сўради:

ЖАҲОН АДАБИЁТИ
186

— Сизлар Доронинг хирож йигувчиларимисизлар?
 — Худди шундай, эй азamat йигит, — жавоб қилди қизил соқол.
 — Ундей бўлса, мен Македон подшоси Филиппнинг ўғли Искандарнинг Дорога қўйидаги жавобимни етказинглар: юнонларнинг босқинчиларга бож тўлаши номуносиб ишдир; авваллари отам якка қўллик қилиб, сизларга хирож тўлашга мажбур бўлган бўлса, эндиликда мен борман, энди мен билан ҳисоблашишингларга тўғри келади. Билиб қўйинглар, бундан буён хирож тўлащдан бош тортибгина қолмай, аввал тўлаганларимизни ҳам ундириб оламиз.

Искандар, қўлларини кўкка чўзиб, онт ичди. Форслар орасида бир мусаввир бўлиб, у зудлик билан узоқ Бобилдаги шаҳаншоҳга етказиш учун кумуш тахтачага зарокил баҳодир суратини тушириб ултурди.

ФИЛИППНИНГ ЎЛИМИ

Бу орада Филиппнинг пойтахтида нотинчлик юзага келади. Анчадан буён Олимпиадага (аёлнинг ёши бир жойга бориб қолганига қарамай) ошиқи бекарор бўлиб юрган Фессалоникия хукмдори Пазваний қандай йўл билан бўлмасин ниятига эришишни режа қилади. Ёмғир ёғиб турган бир куни шоҳ маликасиз театр томошасига борди. Подшо атрофидаги ўриндиқларнинг ярмидан кўпини Пазваний ва унинг тарафдорлари эгаллашган эди. Келишилган ишорадан сўнг Филиппнинг боши узра уни елпифич билан елпидб турган йигит бирдан шамширини чиқариб шоҳнинг елкасига солди. Айни пайтда фитначиларнинг бир қисми Пазваний бошчилигига Олимпиаданинг хоналари томон ошиқиши, қолганлари эса кўчаларда бетартибликлар содир қилиб; “Яшасин шоҳ Пазваний! Мисрликдан ортган ҳаромзодага ўлим!” — дея жар солиб, ҳеч нарсадан хабарсиз юрган фуқароларни ўз томонларига оғдира бошлашди. Яраланган шоҳни дўстлари бир амаллаб исёнчилар орасидан ёриб ўтиб, саройга олиб киришга муваффақ бўлишди. Қоронгу тушганлигига ҳам, ёғингарчиликка ҳам қарамай кўчаларда тўс-тўполон, жанглар кучайиб кетганди. Шоҳга содиқ фуқароларнинг баҳтига, бирдан карнайлар садоси янграй бошлиди: сафардан қайтаётган Искандар ва унинг кўшини шаҳарга кириб келган эди. Хиёнаткорлар қаерга қочишни билолмай қолиши. Искандар кўшинни кўчаларда тартиб ўрнатишга қолдириб, ўзи зудлик билан саройга етиб қелди, тўппа-тўғри онасининг хобхонасига ошиқди. Кўзига қон тўлиб, Олимпиадани кучоқлаб телбаларча ҳирс билан ўпайтган Пазванийнинг қулогига Искандарнинг наъраси кирмади. Шаҳзода эса, онасига шикаст етиб қолишидан кўрқиб, найзасини ишга солишдан ўзини зўрга тийиб турарди. Хиёнаткор эса, баттар ҳирсга берилиб, бир қўли билан маликани маҳкам қисиб, иккинчиси билан уни ечинтиришга уринарди. У Олимпиадани ерга йиқитганда, баланд ўриндиқ ағдарилиб кетди. “Ур, ўғлим, сол найзанг билан! Мени ўйлама! Сени эмизиб вояга етказган кўқрагимни ҳам аяма! Ур!” — қичқиради тажовузкор остидан чиқолмаётган малика. Искандар кўзлари қонга тўлган Пазванийни елкасидан тутиб итариб ташлади-да, унинг ялангоч қорнига найзасини шиддат билан санчиб, бир-икки буради. Хиёнаткор оғриқ кучидан буқадек бўкириб юборди, аммо кўллари ҳамон аёлнинг илиқ кўкракларини сийпаларди. Соchlари тўзғиган Олимпиада, пардага ўраниб олиб, қичқирди:

— Ўлдириб қўйма уни, ўғлим, шоҳ ҳузурига олиб бор — ўша ерда ўлдирасизлар.

— Хўп бўлади, онажон! — жавоб қилди шаҳзода ва чалаўлик Паз-

ванийни баланд зинадан пастга оёғидан судраб тушиб, шоҳ ҳузурига олиб кирди. Хонани дори-дармонлар ҳиди босган эди. Тўшакда жон берәётган шоҳ, базур кўзини очиб, Искандарни қўрди ва кўзлари яна юмилди. Искандар отасининг қўлини ўпид деди: “Бу мен, отажон. Мана, душманингизни оёғингиз остига ташладим, ўч олинг!” Филиппнинг кўзлари ёришиб кетди, ўғли узатган пичоқни ҳолсизланиб бораётган қўли билан олиб, чалаўлик вассалнинг кўкрагига санчди-да, ўғлига шивирлаб деди: “Худо сени ўз паноҳида асрасин. Мен бу дунёлик қасдимни олиб кўз юмаяпман,” – шундан сўнг у сўнгги нафасини чиқариб, жон берди. Шаҳзода шоҳнинг оғзига кўзгуни тутиб турди. Кейин Пазванийнинг жасади устидан ҳатлаб ўтиб, деразани очди: ёмғирда кутиб турган халойиққа қарата қичқирди:

– Шоҳ Филипп ўз қасдини олиб, сўнг дунёдан кўз юмди.

– Яшасин шоҳ Искандар! – жавоб хайқириқлари янгради қоронгиликдан. Олисда эса исёнчилар ёқиб юборган уй-жойлар ёнгинидан осмондаги қора булутлар ёришиб кетаётгандек эди.

Иккинчи китоб

Биринчи боб

ТАХТГА ЎТИРИШ

Искандар отасининг тахтига ўтирганда энди ўн саккиз ёшдан ўтганди. Маълум муддат таомилдагидек мотам тутди. Сўнг, тож кийиш маросими дабдабали равишда ўтказилгач, ўш шоҳ барча қўшинларни йигиб, уларга қарата алангали нутқ сўзлади: форслар ҳукмронлигига чек қўйишга даъват қилди. У барча шаҳарлардан ёшларни ҳарбийга жалб қила бошлади, эски сарбозларни ҳам четлатиб қўймади, чунки тажриба муҳимлигини у яхши тушунар эди.

ЮНОНИСТОНГА ЮРИШЛАР

Қўшинларини жамлаб, ўрнига Антипатрни қолдири ва форслар устига юришдан аввал ортдан душман чиқмасин деб, кейинги даврларда кўлдан чиққан Юнонистон шаҳарларни бир-бир забт этди. Янги шоҳга бас келмаган Фив шаҳри шафқатсизларча яксон қилинди. Биргина машҳур шоир Пиндарнинг уйига тегмасликни буюрди, холос. Бир пайтлар Амфион куйлари садоси остида барпо этилган қўргонлар вайрон қилинаётганда, Искандар карнайчию-ногорачиларга зафар оҳангларини янгратиб туришни буюрди.

Юнонистонда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаб олгач, сарвар Македония орқали Осиёга ўтиш учун Гелеспант томон юрди. Йўл-йўлакай учраган шаҳарларнинг аҳолиси, арбоблари дарвозаларни очиб, саркарда Искандарнинг бўйнига гулчамбарлар осиб, кутиб олавердилар. Доронинг денгиз соҳилида писиб ётган айғоқчилари, телба шоҳ Гелеспантдан ўтганлиги ҳақидаги хабарни зудлик билан ўз подшоларига хабар етказишиди. Чопар етиб келганда, Доро шатранж ўйнаётган эди. Жаҳл билан доналарни уриб, аралаштириб юборди, қоровулларни калтаклатди; қўшин тўплашга буйруқ берди. Душман қўшинлари Гранники дарёси соҳилида, қуёш ҳали чиқмай туриб, тўқнаш келди. Юнонлар унча кенг бўлмаган, лекин тезоқар дарёдан кечиб ўтгани анчагача

ботинмай туришди, камон отиш, сўкинишлар билангина чекландилар. Шунда Искандар ўзининг Букефали билан биринчи бўлиб асов дарёга ташланди, қолганлар унинг ортидан эргаши.

Форслар устидан галаба қозонгач, Искандар Иония, Кария, Лидия, Фригия, Палефалонияни ҳам босиб ўтди, Сардда подшоҳ хазинасини қақшатди ва Апантус орқали Сицилияга етиб келди, ундан Италияга чиқди. Бу мамлакатнинг арбоблари беназир дурлар билан безатилган тож ва бошқа инъомлар билан Маркни Искандарга пешвоз чиқаришди. Искандар улардан ёрдамга қўшин сўраб олди ва кемаларга ўтириб, очик денгизга чиқди.

ИЙМОН КЕЛТИРИШ

Искандарга ўзининг келиб чиқиши ҳақидаги ўйлар тинчлик бермасди, лекин бу ҳақда ҳеч ким билан ўртоқлашмас, ҳатто энг яқин дўсти Гефестионга ҳам тиш ёрмасди; ўйлайвериб, тунлари уйқуси қочиб кетарди. Бир гал тонгга яқин мудраб ётганида, худди ўнгида гидек туш кўрди: тангри Аммон малика Олимпиадани қучоқлаб, лабларидан бўса олаётганмиш; Искандарга қараб: “Кўрқма, бўтам, мен сенинг отанг бўламан,” – дермиш. Уйғониб кетиб, Искандар зудлик билан палубага чиқади. Унинг юзидан ёрқин ва илиқ нур таралаётганини кўриб дўсти сўради:

– Сенга нима бўлди, эй шоҳ?

Искандар дўстини маҳкам қучоқлаб ўпаркан шундай деди:

– Сени Аммоннинг зурёди ўпмоқда!

Уфқда мовий денгиз ортидан сарғиш қуруқлик кўрина бошлади. Бу Миср эди.

Иккинчи боб

ИСКАНДАРИЯГА АСОС СОЛИШ

Искандар яна бир туш кўрди, гўё шу манзилда биринчи отилган ўлжа қаерга бориб йиқилса, ўша ерда шаҳар барпо этиш керак бўлармиш. Бир нечта ҳамроҳлар билан Искандар ов илинжидаги соҳилдан анча ичкарилашди, аммо на бир ҳайвон, на бир парранда кўзга ташланди; ёнида эса ўқ-ёйини шай қилиб келаётган камончи. Теварак атроф қамишзор, ахён-ахёнда калта-култа бошқа ўсимликлар ҳам кўзга ташланади; яқинда бўлиб ўтган ёмғирдан у ер-бу ерда кўлмак, ботқоқликлар ҳосил бўлган. Улар яна ичкарилаб бораверишди. Бирдан рўпарада қамиш шитирлаб, ўзи ҳам қордек оппоқ, пешонасида оппоқ мугизи бор от чиқиб қолди. Лекин у шундай тезлик билан кўздан гойиб бўлди, гўё у тушдек эди. Искандар, Гефестон ва камончи ботқоқликдаги ўт-ўланларни ёриб, тезлик билан гаройиб маҳлук изидан қувишди. От дам кўриниб, дам гойиб бўларди. Овчилар уни шоша-пиша қувишар, отган ўқлари мўлжалга етиб бормай, кўлмакларга тушарди. Нихоят, овчилар очик кумлоқ майдондан чиқиб қолишиади. Ўртада бир туп дараҳт танҳо ўсиб турарди. От эса шундай рўпарада шоҳга қараб ёқимли оҳангда ёлворганинамо кишинаб қўйди. Искандар етиб келган камончи қўлидан шартта ёйни олиб, ўқ узди. Бошидан ўқ еган от шу заҳотиёқ ўйқ бўлиб қолди. Искандар шу ернинг ўзида, ложувард осмон гумбази остида, ортдаги кўшинилар етиб келгунга қадар, ибодат қилиб ўтириди. Бўлажак шаҳар кўргонининг тарҳини чизиб бергач, дарё ёқалаб юқорига қараб юришиди. Гефестон ва бир қисм аскарлар маҳаллий одамларни ёллаб шаҳар

қургани қолишиди. Ёлланганлар ва уларнинг оиласи учун вақтинчалик бошпана, ер-тўлалар қуришишиди.

Серапис ибодатхонасида

Кечга яқин Искандар кичик бир оролга етиб келди. Бунда бир нечта бетартиб жойлашган хароба уйлар ўртасида қаровсиз ибодатхона қаққайиб турарди. Ибодатхона ичидағи тош ҳайкал кимнинг сиймоси экани ҳеч ким билмади, аммо Искандар остонаяга қадам қўйиб баланд овозда деди:

*Азиз этдинг, буюк Искандар, ибодатхонани,
Азим шаҳарга асос – заминдир барҳаётликка.*

ИСКАНДАР МИСРДА

Мисрликлар Искандарни катта тантаналар, шоду хуррамлик билан қарши олишиди. Дарё бўйида байрамона безангандан йигит-қизлар, жингалак ясама соchlаридан мушк анбар таратиб турган коҳинлар, турли туман ҳайвонлар шаклидаги маъбуслар тасвирларини кўтариб олган иерофорлар ва офтобдан қорайган гала-гала маҳаллий аҳоли майшат билан банд. Кўхна ибодатхоналардан бирида шоҳга тож кийгизиш маросими бўлди, сўнг фиръавнлар саганаларини зиёрат этишиди. Даҳмалардан бири сирли равишда бедарак кетган подшоҳ Нектанеб шарафига қурилгани ҳақида гап-сўзлар бўлди. Тасвирни тузукроқ кўриш учун шоҳ машъалани баландроқ кўтаришни буюрди ва бирдан қувонч билан қичқириб юборди, зинадан тез кўтарилиб, ҳайкални қучди-да, хурсандлиги боисини тушунтириди: “Эй Миср аҳли, бу менинг отам!” Барча ҳозир бўлганлар ерга бош урди, елпигичларгина энгашган гавдалар узра силкиниб турар ва коҳинларнинг карнайлари шоҳ хитобига жўр бўлганди.

Бир неча кунни пойтахтда байрам шодиёналарида ўтказиб, шоҳ отасининг ҳайкали ва пайғамбар Йеремий жасадини олиб, яна шимол томон юришни давом эттириди. Йўл бўйи унинг кемаси олдида бир бургут учиб борарди, баъзан у кема тумшуғига ўрнатилган, пешонасига қадалган қимматбаҳо тошдан нур таралаётган Нектанебнинг ҳайкалига қўниб оларди. Олисда пиширилаётган гиштдан чиқаётган буглар кўринди, мунгли миср қўшиги таралиб турарди. Бу ўша янги шаҳар барпо этилаётган маскан эди. Искандар кемасини минорадан кўрибоқ Гефестион кўлида машъала билан соҳилга етиб келган эди.

Тангриларга, биринчи навбатда Серапис ва Аммонга, қурбонликлар қилиб, шаҳарликларга дастлабки тегишли кўрсатмаларни бергач, мардлиги жўшиб, шуҳрат ортидан қувган шоҳ ва унинг қўшинлари яна кемаларга ўтиришиди.

Учинчи боб

ТИРНИНГ ОЛИНИШИ

Тирга яқинлашгач, шаҳарни тинч йўл билан қўлга киритиш мақсадида Искандар элчилар юборди; аммо у ерда элчиларни шаҳар дарвозаси устига осишиди ва дарвозаларни яна ҳам маҳкамроқ беркитиш чораларини кўришиди. Аммо Искандар учта шарқий дарвоза кўриқчиси билан тил бириктиришга муваффақ бўлди ва шаҳарликлар ухлаб ётган пайтда бостириб кирди, барча катта ёшдаги эркакларни қиличдан ўтказди; аёллар ва болаларнигина қул қилиш мақсадида тирик қолдирди.

ИСКАНДАР ҚУДДУСДА

Искандар кўшинлари денгиздан чиқиб, ясси тоғликлар орқали Қуддусга қараб юришди. Яхудийлар ўз вакилларини тортиқлар ила Искандарга юбориб, фуқароликка олишини сўрашди.

Искандарга элчилар келганини хабар қилишганда, у юлдузларни кузатиш билан банд эди; меҳмонларни мунахжимлар либосида совуққина қабул қилди, уларнинг урф-одатлари, эътиқодлари ҳақида сўраб-сурештириди; яхудийларнинг фуқароликка ўтишга тайёр эканларини эшишиб, у яхудий аскарларидан тўрттасига ўзларини чуқур жарга ташлашни буюрди; тўртовлон бир-бирини қучоқлаганча, шу заҳоти буйруқни бажаришди. Буни кўриб, яхудийлар ёқаларини йиртиб, фарёд кўтаришди; шаҳаншоҳ эса бу ҳодисани шундай изоҳлади: “Бу йигитларни биронта жинояти ёхуд сотқинлик қилишгани учун жазолашди, деб ўйламанглар: менга тобе бўлишни ўз бўйнига олганлар ҳар қандай хоҳишимни ўз ўрнида бажаришлари шарт.” Эртаси кун шоҳни шаҳар дарвозаси олдида улуғроҳиб кутиб олди; унинг узун либосининг бари олтин кўнғироқчалар билан, ёқа ва кўқрак қисмлари эса ранго-ранг қимматбаҳо сехрли тошлар билан безатилган эди. Шоҳ тезда отдан тушиб нуроний томон юрди ва унинг қўлинин ўпиб, сўради:

- Авлиё ота, сиз қайси тангрига хизмат қиласиз?
- Еру-кўкни яратган ягона Худога, — жавоб қилди руҳоний.
- Бундан бўён у менинг ҳам Худойим бўлсин, — хитоб қилди Искандар. Руҳоний қўлларини дуога кўтарди:

— Худо сенга ёр бўлсин, бўтам!

Искандарнинг ҳамроҳларига, юнонлар назарида, подшо ўз обўсими тўқаётгандек туюлди. Яхудийлар орасида эса, Искандар бизнинг динимизни қабул қилиб, илтифот кўрсатди, деган гап тарқалди. Лекин булар ҳаммаси қуруқ афсона бўлса керак.

ДОРО ЭЛЧИЛАРИГА ИСКАНДАРНИНГ ЖАВОБИ

Искандар Сурияда турганда, унинг ҳузурига Доронинг элчилари ташриф буюриб, шаҳаншоҳлари йўллаган мактуб, копток, қамчи ва бир кути олтинни унга топширишди. Бутун қўшин олдида ўқиб эшиштирилган мактуб нуқул мақтанчоқлиқдан иборат эди: “Менким, шаҳаншоҳ, тангрilar тангриси, қўёшдек порлаб турган Доро ва ҳ.к. қулим бўлмиш Искандарга маълум бўлсинким, у ҳали гўдак, уйига қайтиб онасини эмгани, китоб-довот кўтариб мактабга боргани маъқул, ўзгалар юритида қароқчилик билан шуғулланиш ҳали эрта унга.” Бундай ҳақоратдан сўнг орага тушган жимжитликни шоҳнинг ҳай-қириги бузди: “Биз аллақандай кўпакнинг хуришидан кўрқадиган эмасмиз!” Сўнг элчиларни — икки қизил соқол форс ва юонон тилмоч бола — оёқ-қўлларидан миҳлашни буюрди. Элчилар бош уриб ёлвора бошлашди:

— Раҳм қил, эй олампаноҳ! Ахир биз элчилармиз, гуноҳимиз нима?

Искандар кулимсираб киноя қилди:

- Қароқчилардан раҳм-шафқат сўраш сизларга ярашмайди.
- Биз қароқчи эмас, подшоҳни кўриб турибмиз.

— Дарҳақиқат, подшолар элчиларни қатл этмас, — гўё энди эслагандек хитоб қилди Искандар ва қайрилиб кечки овқатга кетди. Элчиларни ҳам зиёфатга чақиртириди. Тилмоч бола Искандарнинг қулогига энгашиб шивирлади: “Мен сенга Дорони қандай мағлуб этиш йўлини айтиб бераман, сенинг жамолинг мени мафтун этди.” Искандар уни нари туртди: “Сирингни менга айтиб овора бўлма, мен-

дан гўзалрогоғига асраб қўй.” Шу ернинг ўзида, саркардалар билан ҳаммаслаҳат ҳолда Дорога жавоб хати ёзилди.

“Филипп ва Олимпиаданинг ўели шаҳаншоҳ Искандар тангрилар тангриси Дорога омонлик тилайди. Сенинг устингдан ғалаба қозониш мен учун қанчалик мұхим, менга қандай шұхрат келтиришини тасаввур қила оласанми? Битта қароқчини бостириш эса сенинг обрўйингга обрў қўшмаслиги муқаррар. Дарвоқе, юборган туҳфаларинг менга жуда-жуда маъқул бўлди: коптот – бу ер курраси, қамчи – ғалаба, хукмронлик рамзи, олтин эса – хирож.” Базмда ўтирган сарбозлар Дорога жавобноманинг ҳар бир сўзини ҳайқириқ ва олқишилар, наизаларини ерга уриб маъқуллаб боришиди.

ЖАНГ. ДОРОНИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Доро Искандарга яна аввалгисидан ҳам баландпарвозроқ нома йўллади. Бунга Искандар бош чайқаб: “Доро – мисоли ногора, олисдан туриб гумбурлайверади, яқин бориб қарасант, қасқонга тортилган қуруқ теридан бошқа нарса эмас”, –деб қўя қолди. Икки буюк шоҳнинг кўшинлари Тарс дарёси соҳилида тўқнаш келди.

Юнонлар қароргоҳидан Доронинг маҳобатли жанг араваси яққол кўриниб туради. Доро энг сара кўшинларини ўнг қанотга жойлаштириди: унинг тахминича, Искандар худди шу йўналишда бўлиши керак эди. Жанг кеч қоронғигача давом этди; кўшинлар кўплигидан майдон торлик қиласади, ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетди: Уларнинг орасидан форсу юонни, саркардаю оддий аскарни ажратиб олиш қийин эди. Ичак-човоғи чиққан отларнинг аянчли кишнашлари-ю мис карнайлар садоси, жанг араваларининг тарақ-туруғи – ҳаммаси бир бўлиб осмону кўкни ларзага солди. Кўп ўтмай жон талвасасида ётган ярадорлар, мурдалар ва мажақланган ёки бир фидираклаб чопаётган аравалар майдонни тўлдириди; қон қўлмакларидан оёқ босгани жой йўқ эди; қуюқ булутлар қуёш юзини беркитиб қўйди, натижада отилаётган найза ва камон ўқлари яна ҳам даҳшатлироқ кўрина бошлади. Искандар Доронинг аравасидан кўз узмасди. Бир пайт арава бир амаллаб орқага бурилди-да, бора-бора тезлаб жанггоҳдан чиқиб кета бошлади. Искандар бир нечта аскарлари билан жуфтакни ростлаб форсларни қиличдан ўтказиб, ўша томонга от қўйди. Доронинг араваси яна ҳам жадаллади, жанг садолари ортда қола бошлади. Йўл тепаликка кўтарилгани сайин тезлик сусая бошлади, мана, Искандар Доронинг отлари пишқиришларини ҳам эшита бошлади, унга етиб олди ва отини тўхтатди. Араванинг гилам чодирига қараб: “Шоҳ, қўрқма, ҳеч қандай хавф йўқ, чиқавер, мен – Искандарман,” деди. Чодир ичидан каттакон бош кўринди, аланг-жаланг атрофга қаради-да, яна ўзини ичкарига олди. Бир оз кутгач, Искандар гапини яна такрорлади, бироқ чодирдан ун чиқмади. Шунда хизматкорлар машъала ёқиб, гилам чодирни кўтаришиди: юзларини қўллари билан беркитиб, учта аёл тиз чўкиб ўтиради. Шоҳ ўзи уларнинг юзларини оча бошлади: биттаси ҳарам оғаси экан; у юононча чалачулпа Доро отда қочиб кетганини, бу ердаги аёллардан бири подшонинг онаси, иккинчиси қизи – Дарифарта эканини тушунтириб берди. Искандар қизнинг бошидан дубулгасини ечаркан, деди: “Маликалар қўрқишишмасин, мен уларга уйидагидан зиёда иззат-икром кўрсатаман.”

Катта малика ун чиқармай ўтиради. Дарифарта эса майда қилиб ўрилган малла соchlарини селкиллатиб жилмайди ва Искандарнинг

қўлини олиб қўксига босди; кейин ўз тилида болаларча ёқимли бир нарсалар деб шивирлаб, янги чиққан қўш мугуз ой томон ишора қилди.

Тўртинчи боб

ИСКАНДАР АХИЛЛЕС ҚАБРИ УСТИДА

Бу орада Доро янги қўшин тўпламоқда эди. Шоҳ эса Ҳомер васф этган жойларни зиёрат қилгани денгиз бўйлари томон йўл олди; диққат билан машҳур харобаларни айланди; дўстси Гефестион билан Ахиллес қабрида қурбонлик расмини адо этишди: Орфей ибодатхонасини зиёрат этишди. Шундан сўнг улар ҳам жангта ҳозирлик кўра бошлиши.

СОДИҚ ТАБИБ

Аёзли кунларнинг бирида Искандар Киднос дарёсида чўмилиб, шамоллаб қолди. Шоҳнинг Филипп исмли табиби бўларди, уни чақиришидди. Филипп кириб келганда иситмадан қизарган Искандар қандайдир хатни диққат билан ўқиб ўтирган эди. Табиб кириб келгач, қизарган кўзлари билан унга бир қараб қўйди-да, ҳаким ўғирчада нималарнидир туйиб дори тайёрлагунга қадар хатни ўқишида давом этди. Ниҳоят, Филипп косада дорини шоҳга узатди. Шоҳ: “Мен сенга қанчалик ишонишими билсанг эди, Филипп!” – деб қўйидида, табибнинг беморга хотиржам тикилиб турган кўзларидан қўзини узмай, дорини ича бошлиди. Сўнг ёстиққа ёнбошлиб, Пармений ёзган чақувномани шифокорга узатди: унда шоҳнинг шахсий табиби сотқин экани ва у Искандарни заҳарлаб қўйиши мумкинлиги ҳақида ёзилган эди. Соғайиб кетгач, шоҳ Филиппни ўзига яна ҳам яқинлаштириди, Парменийни эса – аксинча.

ЖАНГГА ТАЙЁРГАРЛИК

Лидия ва Арманистонни босиб ўтгач, шоҳ қўшинлари, ниҳоят, қақраган даштлардан сўнг Фирот дарёсига етиб бориши – унинг сувлари нақ жаннатнинг ўзидан оқиб чиқарди. Искандар кўприкларни бузиб ташлашни буюрди ва бу ҳақдаги хабар тезда Дорога етиб келди. Форслар подшоси барча ҳокимларига, иттифоқдош мамлакатларнинг подшоларига мадад сўраб чопарлар юборди, лекин биргина Ҳиндистон подшоси Пор ёрдам ваъда қилди, холос. Бу орада асирдаги қари волидасидан нома келди; унда онаси асирликда уларга нисбатан ниҳоятда яхши муносабатда бўлишаётганини билдириб, ўғлига беҳуда урушнинг олдини олишни маслаҳат берганди. Мактубни ўқиган Доро йиглаб юборди, чунки у Искандарга ҳақоратомуз хат жўнатиб ултурганди; хатда яна у тутқундаги асиралардан воз кечганини, Искандар уларга нисбатан қандай чора кўрса кўраверишини маълум қилган эди. Искандар телба шоҳ устидан кулиб қўйди, холос ва муҳрабага тайёрланаверди.

ИСКАНДАР ФОРСЛАР ҚАРОРГОҲИДА

Искандар Доронинг қароргоҳига кимни юборишни билмай боши қотди. Сўнг эчкиларнинг мугузларига дараҳт шоҳларидан боғлаб, ёндиради ва бобилликлар қўргони томон ҳайдай бошлиди. Буни кўрган душман саросимага тушди. Фурсатдан фойдаланиб, Искандар ташки

томондан қалъани яхшилаб кўздан кечириб улгурди: уч қават ўтиб бўлмас қўргон, мустаҳкам ишланган баланд мис миноралар, дарвозалар ҳам шунга яраша эди; шаҳар ичидан гаройиб олов ёғдуларидан хурккан филларнинг ўкиришларию қабутарларнинг безовталаниб қанот қоқишилари эшитиларди, холос. Буларни ҳаммасини кузатиб бўлгач, шоҳ маслаҳатчиларининг эътиrozларига қарамай, Доро қароргоҳига ўзи боришига жазм қилганини айтди. Евмил билан бирга учта отни олиб, ўзи Гермес либосига ўхшаш кийим кийиб, муз билан қопланган Странга дарёси қирғогига борди. Бу ерда Евмил билан иккита отни қолдириб, ўзи Букефалга минди: “Аммоннинг ўзи менга мададкор!” – дея қичқириб, нариги қирғоққа ўта бошлади. Форс қўриқчилари Искандарни самовий элчилардан деб ўйлаб, уни қуршаб олдилар ва саройгача кузатиб боришиди. У ерда бобилликларга хос кийиниб олган Доро маҳобатли тахтда ўтиради: оёғида тилла суви юргизилган чувак, эгнида ҳашамдор зарбоб чопон, бир қўлида скіпетр. Шаҳаншоҳ ва аъёнлар паст бўйлик, кўримсиз Искандарга менсимасдан разм солишиди. Доро кайфдан толикқан овозда сўради:

- Сен ким бўлдинг, болакай?
- Мен Искандарнинг элчиси бўламан.
- Мақсадинг не?
- Искандар жангни сабрсизлик билан кутмоқда ва сен шошилмайтганингдан ҳайрон.

Шаҳаншоҳнинг қошлири чимирилди, сўнг қаҳ-қаҳлаб кулди у:

- Ҳайрон бўлиб муҳорабани кутиб тураверсин, унгача биз базмни давом эттирамиз. Кани, бунга ҳам қадаҳ беринглар-чи.

Искандар унинг олдига қўйилган қадаҳни қўйнига солиб, бошқасига қўл чўзди. Буни кўриб қолган маст-аласт Доро қиҳ-қиҳлаб кулиб сўради:

- Ҳа, шоввоз, аввалги қадаҳ қани?
- Искандар подшо дўстлари билан ичкилик қилаётганда ҳар доим қадаҳ совға қиласди.

Базмда иштирок этаётган форс мусаввири Доронинг қулогига, бу ўша, бир вақтлар у суратини тасвирга тушириб олишга муваффақ бўлган Искандарнинг ўзи, деб уқтиришга уринарди. Доро бўлса қўзларини йиртиб, бош иргарди. Меҳмонлар орасида: “Бу Искандарнинг ўзи экан”, – деган шивир-шивир бошланди. Искандар баланд дераза ёнига бориб: “Сизлар янглишяпсизлар. Ул тангри назар қилган сиймога бир оз ўхшашлигим бор холос,” – деб хитоб қилди. Кейин бирдан Ксеркс ҳайкалининг пойига чиқиб олиб: “Доро, яхшилаб кўриб ол мени, яна жангда Искандарни таниёлмай қолмагин,” – деб ҳай-қирди ва деразадан сакраб, кўздан фойиб бўлди; у сакраганда синган ҳайкалнинг парчалари дастурхон устига тушиб, идишларни майдалади.

Маст форслар сўкиниб қоронғида унинг ортидан от қўйишиди, аммо эпчил юоннинг изини ҳам топишолмади. Куруқ қайтиб келгач, отасининг кунфаякун бўлган ҳайкали тепасида афсус чекиб ўтирган Дорога Искандарнинг гойиб бўлганини хабар қилишиди.

Бешинчи боб

ЖАНГ

Кўп ўтмай, қишда Странга дарёси бўйида навбатдаги жанг бўлди. Ҳар икки сарвар ҳам катта қўшин тўплаб, жангчиларга қаратса алангали нутқ сўзлашди. Доронинг жанг араваси антиқа эди; филдиракларига

чалғи ўрнатилган бўлиб, яқин келганни “ўриб” бораверарди, бундай арава Дорода битта эмасди – бутун бошлиқ қисм шундай жанг қуроли билан таъминланган эди. Бундай аравалар билан жанг даҳшатли бўлди, отилаётган найза ва камон ўқлари кўплигидан осмон булут қоплагандек қоронгулашиб кетди, қон дарё бўлиб оқди. Форслар чекина бошлаганда, чалғили аравалар кўпроқ ўзларининг жангчиларини чопиб кетди, қочқинларни дарё музи кўтара олмай, синиб кетди-да, сув уларни ўз қаърига тортиб кетаверди. Буни кузатиб турган Доро аламига чидолмай, телбаларча кийимларини йиртди, саройга қочиб қолди, энг ичкари жойларга кириб беркинишдан бошқа илож топмади; ерга ётиб олиб, ёш боладай, хўнграб юборди: “Доро йўқ энди! Доро тугади! Кечаги шаҳаншоҳ – бугун бир гадо!”

Бу орада Доронинг ишонган одамларидан бири Авист македонча кийиниб олиб, Искандарга суиқасд қилишга уриниб кўрди, лекин ўзи қўлга тушиб қолди бағри кенг Искандар уни ўлдирмай, қўйиб юборди.

ДОРОНИНГ ЎЛИМИ

Жангда Искандарнинг қўли баланд келаётганини сезган Доронинг яқинларидан иккитаси голибга яхши кўриниш учун тунда ўз подшоларининг хобхонасига пистириб кириб, уни бўғиб ўлдирмоқчи бўлишди. Аммо бақувват Доро шундай олишники, тажовузкорлар ниятларига етолмай қочиб қолишга мажбур бўлишди. Дорога суиқасд уюштирилганидан хабар топган Искандар шу заҳотиёқ музлаган дарё-?дан ўтиб, рақибининг хобхонасига шошилди. Чалажон подшоҳ хона ўртасида инқиллаб ётар, яқинда бўлиб ўтган олишувдан дарак бериб атрофда буюмлар тўзиб кетганди. Искандар чакмонини ечиб, Доро устига ёпиб қўйди ва унинг қотиб бораётган титроқ панжаларини қисиб, босиқ овозда деди: “Доро, омон бўл, мамлакатинг ўзингга буюрсин.”

Доро ола-кула кўзлари билан Искандарнинг ўзига бир зум тикилиб турди-да, шивирлади: “Мен ким эдиму – нима бўлдим, кўриб турибсан: деворда лип этиб учган кўланка; мана сенга шуҳрат нималиги!” – деди ва кўзини юмди. Искандар Доронинг юзини чакмон билан ёпиб қўйиб, ортига қайтди.

Жангдан сўнг Искандар барча ҳалок бўлганлар, форслару юоннларни ўз одатларига кўра дафн қилишни буюрди. Сўнг Бобилнинг барча диққатга сазовор жойларини томоша қилди. Дорони дафн этиб, қабри устида унинг икки қотилини осдирди; тож кийиш маросимидан сўнг Равшанак билан никоҳ тўйларини нишонлашди, шунда Искандар баҳтнинг энг юксак чўққисига эришган эди.

Шоҳ ажойиботларга бой Бобилда қишлиб қолишни ихтиёр этди.

Учинчи китоб

Биринчи боб

РАВШНАК БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

Тинч, осойишта ўтказилган қишдан баҳорга чиқиб, Искандар зерика бошлади; айвонда дўсти Гефестион билан сухбат чоғида шоҳ янги юришлар ҳақида сўз очганда, дўсти буни маъқуллаб, улкан даштиклар

ортидаги Ҳиндистонга томон юришни маслаҳат берди ва у ёқларга самодаги юлдузлар ўзи йўл кўрсатажагини айтди. Яхши маслаҳати учун дўстини бир ўпид, Искандар малика Равшанак ҳузурига йўл олди. Малика дераза олдида фамгин ўтиради – шоҳ унга нисбатан совуқ эди, малика ҳамон бокира эди.

– Шоҳим нима истайдилар? – сўради у пардоздан сўнг қип-қизил тусга кирган юзини эри томон ўтирумай ҳам.

– Шамширим билан чакмонимни қидиряпман, маликаи олиялари, – жавоб берди Искандар.

– Яна урушга отланяпсизми? – ҳамон нақшинкор деразага тикилганича сўради малика.

– Ҳа, жоним.

– Аввалроқ айтганингизда, мен сизга ёдгорлик бўлсин учун бирон нима тикиб берган бўлардим.

– Сиз шундоқ ҳам доимо менинг ёдимда бўласиз.

Малика хонада у ёқдан-бу ёққа юриб, эрига юзланди:

– Шуҳрат нима бу? Бир тутун-ку! Сизга ўғил керак, муносиб ворис керак, – деб эри қаршисида тиз чўқди.

Искандар анчагача жавоб бермай, кулимсираб, Равшанакнинг жингалак соchlарини ўйнаб турди; сўнг деди: “Малика, менга зафар либосини тикиб беринг, тангриларга қурбонлиқ қилинг; эркаклар иши тўғрисида қайғурмай қўя қолинг,” – шундай деб, шоҳ ташқарига чиқди. Ёлғиз қолган малика ҳозиргина шоҳ ўпган чаккасини босиб, карнай-сурнайларнинг садолари, отларнинг кишинашларию, найзаларнинг шақиришукурлари ҳам қулогига кирмай, ўтириб қолди. Ўзига келиб, деразадан майдонга қўз ташлаганда, у ер бўм-бўш эди; малика бир-икки томчи аччиқ қўз ёши тўқди-да, шамни ёқиб, қатим торта бошлади.

ДАШТМА-ДАШТ ЮРИШЛАР

Қўшинлар ҳатто саркардалар ҳам қаерга бораётганини билмасди. Аммо шоҳнинг ишонч тўла кўзлари уларни тинчлантириб, куч бағишлар эди. Саккиз кечакундуз улар қиёқ битмайдиган дала-даштлардан юришди; ниҳоят, мевали дараҳтлар ўсан жойга чиқишли, у ерда яшовчилар ёввойиларча ҳаёт кечирар эди; сўнг қалин ўтлар босган, уйлар олдида ит ўрнига улкан бурга ва бақалар занжирлаб қўйилган жойга келиб қолишли; ундан ўтгач, ваҳший одамлар итдай вовуллаётган ботқоқликларга дуч келишли; ёввойиларни машъалалар билан қўрқитиб ҳайдаши. Шундай қилиб, турли-туман ажойиботларни ҳайратланиб томоша қилиб бораверишли: арслон бошли бургутлар, гунг қабилалар, ярми ит, ярми одамлар, бир қўзли йўлбарс, оловда яшовчи самандарлар, оқшом хуш бўй таратиб, қўз ёши тўқадиган дараҳтлар, олти түёқли, уч кўзли маҳлуқлар ... Гоҳида туман ортидан мулойим, айни пайтда қатъиятли овоз келарди: “Тўхта, шоҳ, тўхта!” Бунга Искандар ҳам юмшоқ қилиб, лекин иккиланмай жавоб берарди: “Ер қаерда тугаса, охиригача бораман!” Подшога содиқ қўшинлар ҳам сабот билан олға босаверишли. Ниҳоят, илиқ қалин туман денгиз яқинлигидан дарак берди. Қизгиш туманда денгиз кўринмаса-да, кемаларнинг чироқлари гира-шира милтилаб турарди. Шоҳ тўғри келган нотаниш кемага чиқиб, денгиз сувларини тўлқинлатиб сузиб кетди. Сўл томонда дараҳтзор билан қопланган орол кўрингандек, ҳатто юнонча гаплар эшитилгандек бўлди, аммо уларга етиб бўлмас, аксинча, кема чексиз уммон сатҳида тобора узоқлашиб кетаверди. Ниҳоятда қуюқлашаётган туман кема йўлини худди девордай тўсиб қўйди. Искандар

ортга сузишни буоришга мажбур бўлди. Қирғоққа қайтгач, у узоқ вақт денгизга тикилиб турди, ва охири, бир хўрсиниб орқасига бурилдида, қуруқлик ичкарисига қараб кетди.

ЗУЛМАТ ЎЛКАСИДА

Кўп ўтмай улар маъсудлар мамлакати бор, деб тахмин қилинган жойда зулмат музофотига кириб қолишиди: на қўёш, на ой қўринарди; бу ерда ҳамма ёқни зулмат қоплаган, ҳеч ким тонг нималигини билмайдиган мамлакат жойлашган эди. Зим-зиё қоронгиликда адашиб қолмаслик учун бир мода эшакнинг боласини ушлаб қолиб, ўзини олдинга ҳайдашди: эшак ҳанграб, хўтигини чақирганда, қўшин ўша томонга қараб юраверди. Кўзлар зулматга бир оз ўргангач, ғалати бир ёғду йўлни фира-шира ёритаётгандек бўлди, йўлда учраётган нарсалар худди тушга ўхшарди. Кўп ўтмай маъюс адирликларга дуч келишиди, чапдан эсаётган шамолдан димоққа қўланса ҳид урилар, олдиндаги эшакнинг ҳанграши ҳам зўрга эшитиларди; қўшинларнинг нақ бошлари тепасидан учиб ўтаётган кўршапалаклар: “Чапга бурилинглар, чапга бурилинглар,” дегандай бўларди. Яна бир оз юргач, қўшинлар гаройиб кўлга дуч келишиди: кўл одамларга лиқ тўла эди, кўл узра уларнинг бошларину елкалари қўринарди холос; сув деярли йўқ эди; худди бўрон пайтида кема трумидан чиқаётгандек ер остидан одамларнинг инграшлари қулоққа тчалинарди. Аммо барча товушларни баланд қоя учига занжирбанд қилиб ташланган баҳайбат одамнинг бақириши босиб кетаётганди; унинг овози беш кунлик масофадан эшитилиб туради. Гала-гала юрган қип-яланғоч эркак ва аёлларга дуч келишиди; уларни кўзлари ўтдай ёнувчи қушлар қичитки ўтлар билан савалаб ҳайдаб юришарди. Соchlари тўзғиган яланғочлар Исқандарга телбаларча бақрайиб, бир овоздан сўраб қолишиди: “Искандар, сен муҳабbat лаззатини тотиб кўрганмисан?” Шоҳ кўзларини Гефестионга ташлаб, секин ўзича унинг саволини такрорлади: “Мен муҳабbat лаззатини тотиб кўрганманми?” Бу орада қичитма хипчинлар зарбасидан букилган кулранг одамлар узоқлашиб кетишиди. Яssi тоғликлар тугаб, текис, бироқ мис ерга тушиб қолишиди – отларининг тўёғи остидан чиқаётган тарақ-туруқ ҳамма ёқни босиб кетди. Исқандарнинг ёдига Антифонтнинг: “Темир ерда, суяқ осмон остида ўлим топасан,” деган бащорати тушиб, уни қўркув босди. Хайриятки, бу йўл тезда тугай қолди. Бирдан барча овозлар тиниб, ҳамма ёқ жимжитликка қўмилди. Ўнг томонда кўриниб турган баланд девор тепасидан қалин дарахтзор кўринар, дарвозага яқин жойда булоқ суви йилтиллаб чиқиб туради, қуюқ дарахт шохлари ортида осмон зангори товланарди. Шоҳ отини аста ўша томон бурди, яқин бориб, дубулғасини бошидан олди-да, ёришиб турган осмонга тикилиб қолди. Шу пайт қўргон дарвозаси очилиб, қалин дарахтзор ичидан қип-яланғоч, найза кўтарган ўсмир чиқиб келди, найзасининг учида қимматбаҳо тош ярқиради. Ўёлон қумридек ёқимли овозда деди: “Жаҳонгир Исқандар, бу жой – маъсудлар макони, аммо бу ерга тирик зот кира олмайди, ҳатто сен ҳам. Лекин қайгурма, тез орада, ўзинг хоҳламасанг-да, сен ҳам шу ерга кирасан.” Ва ғамгин кулимсираб, бола қўздан гойиб бўлди, дарвоза эса ўзи ёпилди. Шоҳ лол бўлиб қўшинларини буриб, мода эшак ҳангига ортидан йўлни давом эттириди: ниҳоят, ёруғ осмон, кўкда қўёш, ой ва юлдузлар порлаб турган, хузурбахш ўт-ўланлар билан қопланган қора тупроққа чиқиб келишиди.

Иккинчи боб

ҚҰШИНЛАР НОРОЗИЛИГИ

Хинди斯顿 заминига кириб боришганда, ҳиндлар подшоси Порнинг элчилари уларга пешвозди чиқиб, ўз сарварларининг гапини етказиши: “Искандар, ниятингдан қайт. Менга тангри Диониснинг ўзи раҳнамодир, тангрилар билан уруш қилишни истамасанг, орқангта қайт!” “Худо билан олишишни истамайман, лекин ганимнинг қуруқ гаплари ҳам мени чўчита олмайди!” – деб жавоб берди Искандар. Йўлдан ҳорган саркардалар олдинда яна ҳам олис элларни, чиқиб бўлмас қояларни, даралардаги кўз кўрмаган йиртқичларни кўриб, Искандар ортидан бормаслик учун ўз аскарлари орасида тескари ташвиқот юрита бошлашди. Искандарнинг аскарлар билан юзма-юз бўлишини талаб қилганларида, у чодирда Ҳомерни ўқиб ўтирган эди. Қўшинлар қароргоҳи икки тог оралиғидаги узун дарада жойлашган бўлгани учун қуёш эрта ботган, тог чўққиларидағина шафақ билан шуълаланиб турар эди. Оломон уяси бузилган қовоқари уясидек гўнгиллар эди: “Биз Аммон болалари эмасмиз, оддий одамлармиз! Ейишимиз керак, ичишимиз керак! Сен бизни қаерларга олиб келдинг? Нима қилмоқчисан? Қирилиб кетишни хоҳламаймиз бу даҳшатли ўлкаларда! Хоҳласанг, ўзинг кетавер буёғига, биз бормаймиз!” Жаҳонгир анчагача қизгиш шўълалар ёритиб турган қояларга боқиб, жим турди. Ниҳоят, дара бўйлаб унинг тиниқ овози янгради: “Майли, қолсангиз қолаверинг, ортга қайтиб кетишлиарингиз ҳам мумкин. Мен эса бир ўзим қолсам ҳам олга кетавераман; қуёш ўз нурларини на ўнгга, на чапга бура олмаганидек, мен ҳам тақдирда битилган шуҳрат томон ихтиёр этган йўлимдан қайтмайман!” Гефестион ва яна бир нечта суворий тиз чўкиб шоҳнинг баридан ўпиши: – Сен билан ўлимга ҳам тайёрмиз!

– Менинг шуҳратим – сизнинг шуҳратингиз! – хитоб қилди подшоҳ ва чодирга қайтиб кириб кетди. Тинчланган қўшинлар эрта тонгда Пор лашкарлари томон ҳаракат бошлашди.

ПОР БИЛАН ЖАНГ

Тог тепасига чиққан юнонлар кўз ўнгидаги улкан ва ям-яшил майдон намоён бўлди: олисда ложувард ҳавзалари билан ёнма-ён ибодатхоналарнинг оппоқ бинолари қад кўтариб турарди, кенг атроф бошоқли далалар, дарахтзорлар, қизғиш қўмлоқ йўллар, уфқда эса – мовий денгиз. Дала чечакларининг хуш бўйи тог чўққиларигача димоққа уради; антиқа попукли тождор жаннат қушлари у хурмоданбу хурмога сакраб юришибди; капалаклар хоҳлаб-хоҳламай у гулдан бу гулга учиб юришибди, асаларилар саси бамисоли мусиқадай эшистилади, тог ости яйловда жойлашган туманот оқ чодирлар оралаб оқ либосли басавлат суворийлар кўлда найзалири билан масканни қўриқлаб юришибди. Ўнг томонда, четроқда нақ бир пода қоплон ва йўлбарслар баҳайбат филларнинг почалари орасида ўйнаб юрибди. Пор қўшинларидан ҳам мана шу жанговар йиртқичлар даҳшатлироқ эди. Биринчи навбатда ана шуларни бартараф этишни ўйлаш керак. Искандар зудлик билан мисдан кўплаб одам ҳайкалларини қўйишни буюрди. Жангдан олдин обдон қизитилган ҳайкалларни биринчи сафга териб қўйиши. Олтин занжирлардан бўшатилган Порнинг йиртқичлари ўкириб, куйган панжаларини ялаб, ўтлар устида юмалаб ётишарди, улар ҳайвон ўргатувчиларнинг қамчисини егач, бошқа ҳайкалларга ташланишарди, яна оёқлари куйиб, орқага қочар эдилар. Кеч кир-

гач, қўшиналар ўз масканларига чекинишиди, тунда ҳордиқ чиқариб, эрта тонгдан янги кучлар бир-бирларига ташланишиди. Олишув саккиз кун давом этди. Тўққизинчи кун Искандар, гарчанд унинг маслаҳатчилари бу ишга қарши бўлсалар ҳам, Порга ўзаро яккама-якка курашда баҳсни ҳал этишини таклиф қилди. Порнинг гавдаси Искандарга нисбатан бир ярим баравар баланд эди. Ўнинчи кун эрталаб ҳар икки томондан яккама-якка олишиш учун тождор рақиблар ўртага тушишиди. Басавлат Порнинг қора-чайир гавдасини калтагина қизил пешбанд ёпиб турарди; бошини қизил ёкут қадалган шохи билан танғиб олган; унинг юз тузилиши хушбичим, ёқимли эди; аммо каттакатта чуқур кўзларидан тараалаётган нур анча-мунча иримчи кишиларни таҳлиқага солиб қўйиши аниқ эди. Саркарда ва аскарлар нафас чиқармай олишувни кузатишарди, ҳиндуда ва юонон коҳинлар, ҳар томон ўз урф-одатларига риоя қилган ҳолда қурбонлик удумларини адо этишиди. Искандар кўп ўтмай рақибини йиқитиб, оқ панжалари билан унинг қоп-қора томогидан маҳкам бўғиб, нафас олдирмай қўйди. Ниҳоят, катта майдон узра юононлар сарварининг баланд овози янгради: “Эй, ҳиндулар, подшоҳингизга табиб юборинглар. Бизнинг баҳсимиз тугади, сизлар билан эса урушиш ниятим йўқ. Менинг душманим битта, у ҳам бўлса подшоҳингиз Пор эди.” Ҳиндистон подшоси чалқанчасига, оёқ-қўлларини тарвақайлатиб ётарди, кўзлари юмуқ, нафас олмасди. Узоқ чўққида ўтирган калхат учиб тушиб, жасад бошига қўнди ва чўғдай қизариб турган ёкутни уч бор чўқиб қўйди, сўнг шошилмай яна чўққи томон қоқди.

Учинчи боб

БРАҲМАНЛАР

Браҳманлар деб атальмиш донишмандлар Искандарга нома йўллаб, уларни тинч қўйишини, яххиси, қолган умрини тоат-ибодатда ўтказиши маслаҳат беришиди. Мактуб шоҳда қизиқишиш уйғотди ва у браҳманлар билан албатта учрашишини ихтиёр қилди, унинг нияти: ўша доноларнинг хурматини жойига қўйиб, зиёрат қилиш эди. Искандар ва унинг ҳамроҳлари бўтқадай қуюқ лойқа сувли дарё бўйида тўхташди; у ерда ўсиб ётган ёввойи олчалар соясида қип-ялангоч одамлар овоз чиқармай ётар эдилар. Уларнинг кўпчилиги узун соқолли, баъзилари эса соқолсиз эди. Кўплари чордона қуриб, қўлларини пешоналарига соябон қилиб, ташриф буорганларга разм солиб ўтиришарди. Калта қизил чакмон кийиб олган Искандар салом берив, донишмандларга яқинлашди ва саволлар бера бошлади:

- Ватанингиз, келиб чиқишингиз қаердан?
- Ёруғ дунё – бизнинг ватанимиз; келиб чиқишимиз – она замин, у бизни ҳам боқади, ҳам вақти келиб, ўз бағрига олади.
- Қайси қонунга бўйсунасизлар?
- Бизнинг қонунимиз – илоҳиёт; фикру амалимизни белгилаб берувчи Яратганинг ўзи.
- Подшолик нимадир?
- Қудрат, жасорат, айни пайтда, ғам-ташвиш.
- Дунёда энг қудратли нарса нима?
- Инсон тафаккури.
- Дунёда мангуборми?
- Бор, бу – зийрак идрок.
- Тун кунни тугадими ёки кун тунними?

- Тун бизнинг момомиз бўлади; тун қўйнида яшаймиз, ҳамиша ёруғликка интиламиз.
- Йўлбошчингиз ким?
- Йўлбошчимиз – Дандамий.
- Бир кўрсам дегандим ўша зотни.

Шоҳни чакалакзор ичкариогига, ниҳоятда ориқ, эти бориб устихонига ёпишган, пуф деса учиб кетадиган даражадаги нозик донишманд қошига бошлаб келишди. Унинг кўзлари юмуқ, олдида ерга тўшаб қўйилган катта-катта япроқлар устида қовун ва бир неча анжир турарди. Искандар боргандা қария нафақат ўрнидан қимиrlамади, ҳатто қўзини ҳам очмади, қовоқларини билинар-билинмас учириб қўйди, холос. Гапирганда узун соқоли селкиллар, овози шунчалик паст эдики, унинг кароматларини эшитиш учун Искандар энганишга мажбур бўлди. Шоҳ тухфа қилиб қелтирган олтин ва шаробни олмай, мийигида истеҳзоли кулиб, бош чайқади, бир шиша майни қоқшоқ қўллари билан олди, ва эшитилар-эшитилмас овозда деди: “Нега ҳадеб уруш қилаверасан? Дунёни қўлга киритдинг дейлик, хўш, кейин уни ўзинг билан нариги дунёга олиб кета оласанми-а?”.

Искандар аччиқланиб саволга савол билан жавоб берди: “Нега шамол денгизни чайқалтиради? Нега бўрон чанг-тўзон кўтаради? Нега булуллар сузуб, новдалар эгилади? Нега сен Дандамий бўлиб туғилдинг-у мен эса Искандар бўлиб? Нега? Яххиси, сен тилак тила, эй доно инсон. Мен жаҳонгирман, истаганингни оласан, қурбим етади.” Дандамий унинг қўлидан тутиб, қувонч билан сўради: “Менга умроқийлик инъом эт!” Искандарнинг ранги қув оқарди, қўлини қариянинг панжаларидан тортиб олди-да, шартта ўтирилиб, шошапиша дараҳтзордан чиқиб кетди. Дарёнинг лойқа сувларида семиз ўрдаклар “ғақ-ғақ”лаб юрар, ҳавода чивин-пашибалар галаси учиб юрарди.

Тўртинчи боб

БАШПОРАТЧИ ДАРАХТЛАР

Икки қирғогида тизма-қатор хурмолар ўсган кенг кўчалар, рангбаранг бўёқли ибодатхоналар, гавжум кўчалар келгиндиларни ҳайратга солар эди; мулозаматли ва ҳозиржавоб маҳаллий кишилар уларнинг кўнглини овлашга ҳаракат қилишарди. Кўлига маҳсус қора дараҳтдан ишланган асов тутган кекса коҳин шаҳарнинг дикқатга сазовори жойлар билан танишириб юрибди. Бу ердаги энг антиқа нарса – шаҳар марказидаги боғ, аниқроғи – унинг қоқ ўртасидаги бир жуфт сарв дараҳт эди; сарвларнинг шоҳларига ҳайвон терилари осиб қўйилган. Шоҳнинг саволига жавобан коҳин тушунтира кетди:

– Подшоҳим, бу икки дараҳт оддий эмас, муқаддасдир. Бири эркақ, Қуёшга топинади, иккинчиси эса аёл – Ойга топинади. Териларни зиёратчилар осиб кетишади. Гап шундаки, Қуёш дараҳтига нар ҳайвонларнинг, Ой дараҳтига модаларнинг терилари осилади. Дараҳтлар кундуз уч бор, тунда ҳам уч маротаба – Қуёш ва Ой чиқаётганда, қиёмга келганда ва ботаётганда – одамларнинг тақдиридан сўзлашади. Сиз ҳам ўз қисматингизни билмоқчи бўлсангиз покланиб, қуролларингизни ташлаб, дараҳтлар олдида ибодат қилсангиз, муродингиз ҳосил бўлади.

— Агар гапларинг ёлгон чиқсаю, мен тақдиримни билмасдан аввалроқ қүёш ботгудек бўлса, ҳаммаларингни қириб, кулларингни кўкка совураман, — газаб билан деди Искандар. Коҳин таъзим бажо айлаб, у ердан кетди. Шоҳ эса айтилган шартларни бажариб, муқаддас дараҳтларни қучоқлаб дуо ўқий бошлади. Мана, кун тугаб, қүёш ҳам бота бошлади, подшо алданганидан газабланиб, туриб кетмоқчи эдики, бирдан эркакча дўриллаган овоз ҳавони тўлдириб гумбурлади: “Искандар подшо, сени яқинда ҳиндулар ўлдирадилар.” Искандар ҳангун манг бўлиб қолди, ўзига келиб ҳам улгурмагандики, оқшом тунги ёритқични бошлаб келди ва майин аёл овози янгради: “Бечора Искандар, волиданг Олимпиадани қайта кўриш сенга насиб этмайди. Бобилда ҳалок бўласан.” Шоҳнинг кайфияти бузилиб, боғ қўргонининг ташқарисида кутиб турган навкарлари олдига қайтди. Кетаётуб, у муқаддас дараҳтларга гулчамбар илмоқчи эди, аммо коҳин мумкин эмас, дея тўхтатди. “Лекин сен ихтиёр этибсан, осавер, илоҳий зурриёдга қонун йўқдир.” Искандар удумни бузишга журъат этмади, қароргоҳга қайтди. Тун бўйи дўстлар билан базм қурди, барчалари бошдан ўтган саргузаштларни эслашиб, ҳордиқ чиқаришди. Тонготарда, зарур юмуш борлигини айтиб, Искандар бир ўзи саройдан чиқди ва яна ўша мўъжизавий дараҳтлар ёнига борди, яна илтижо билан таъзим бажо айлаб, сабр ила кута бошлади. Тонги шафақ дараҳтлар учига урилиб, зартурмушуқ қушлар хониш қила бошлаши билан, худди ложувард осмон гумбази остидан чиқаётгандек болаларча бегубор овоз таралди: “Искандар, Искандар, Бобилда ўлим топасан, туққан онангни қайта кўриш сенга насиб этмагай. Ҳадеб тақдирингни суриштираверма, бошқа жавоб бўлмайди”. Шоҳ ҳеч кимга ҳеч нарса демай, хонасига қайтиб келди; пергаментларни ёйиб, бир нарсалар устида бош қотираётгандек ўтирганда унинг ҳузурига дўстларидан бири кириб келди. “Шоҳим, нечун бунчалар рангингиз ўчган?” “Қўп ишладим, уйқусизлик ва ҷарчоқ, ҳолдан тойдим шекилли” — деб баҳона қилди Искандар ва бўлажак юришлар тўгрисида гап бошлади.

ПАРВОЗ

Искандар каттароқ, одам бемалол ўтира оладиган кажава, худди шундай катталиқда тухумсимон шиша идиш тайёрлашни, етти жуфт бақувват тоғ бургутидан ушлаб келишни ҳамда бўй етган, эркак кўрмаган бокира қизни топиб келтиришни буюрди. Айтилганлари муҳайё этилгач, подшо ҳаммани улкан майдонга чорлади ва ўзи тепаликка чиқиб, нутқ сўзлади: “Мен Оврўпа ва Осиёни, кўҳна Мисрни-ю афсонавий Ҳиндистонни забт этдим, Шарқу Фарб, Шимолу Жануб менга тобе; заминнинг у ёғидан-бу ёғигача босиб ўтдим, зулмат мамлакатида бўлдим, маъсудлар юртини кўрдим. Эндиликда мен, Ливия тангрисининг зурриёди Искандар, фазони ва уммонни забт этишни ихтиёр этаман”. Искандарнинг овози бир оз синикқан бўлсада, майдон узра бир маромда янгради. Мурожаатдан сўнг шоҳ бургутларни кажавага аргамчи билан боғлашни, кажава ичига хом гўшт ташлашни буюрди; ўзи қўлига бургутлар боғичидан узуноқ иккита найза олиб, кажава ичига жойлаши; найзалар учига гўшт санчиб, баланд кўтарган эди, етти жуфт олғир бараварига унга ташланди, аммо гўшт ейолмай, қанотларини пат-пат қоқаверди; шундай қилиб, анграйиб қолган оломон қўз ўнгиди Искандар кўкка парвоз қилди, бургутлар борган сайин кўкка кўтарилиб, кичрайиб бораверди, ерда

қолган одамларга ҳатто учиб юрган қалдирғочлар ҳам ундан катта кўринарди; охири қажавани булат бутунлай кўздан гойиб бўлди. Искандар юқорилашиб борган сари қулоқлари остида шамолнинг увиллаши кучаяверди, соchlари тўзғиб кетди. Тубанда эса ер борган сари кичрайиб борар, ниҳоят, атрофи уммон билан ўралгани боис, бир лаган тиник сув ўртасида қалқиб турган анорга ўхшаб қолди. Кун ортидан тун келди, шоҳ ҳамон юлдузлар ва сайёralар оралаб парвоз қилиб кетаверди. Юлдузлар силсиласи олтин занжирга тизилган ранго-ранг билтурга ўхшарди, ҳар бир юлдузнинг фариштаси тунги ёритқичларни ёқиб-ўчириб турарди; сайёralарни эса ўнлаб фаришталар чексиз тарновларда думалатиб юради. Юзга урилаётган шамол “Қайт! Қайт!” деган даъватни олиб келарди. Мана, ниҳоят, олисда қўёш кўринди: ловуллаб ёнаётган, катталиги Бобил шахрига нақ уч баробар келадиган фидирақни юз-кўзлари қизил товланган, қизил чакмон кийиб олган фаришталар тилло тарновдан зўрга думалатиб боришаради. Искандар бошини магрур кўтариб, қўёшга қич-қирди: “Мен – Искандармен! Мен – Искандармен!” Бургутлар ҳам тумшуқларини катта-катта очиб чинқиришарди. Шунда самодан шундай товуш келдики, мисоли минглаб карнайлар наъра тортгандек, момоқалдироқ гумбурлагандай бўлди:

“Қайт ортингга, эй телба инсон! Мен сенинг Илоҳингдурман!” Ҳушидан озаёзган Искандар тезда найзаларни пастга эгди, бургутлар ҳам, қажава ҳам чайқалиб, пастга шўнғиди. Ерда уни “Самони забт этган Искандарга шарафлар бўлсин!” – деган ҳайқириқ, олқишлир билан кутиб олишди. Аммо ранги қув ўчган Искандар бир нима демай, денгиз соҳилига йўл олди.

ДЕНГИЗ СИНОВИ

У ерда шоҳ тухумсимон шиша идишни бақувват арқонларга боғлаттириди, алоҳида чилвир учига кумуш қўнғироқча улашди; сўнг олиб келинган жуссаси кичкинагина қорача қизни чақирди; унинг исми Хатича экан; ота-онаси, ҳаким ва коҳин, онт ичишиб, қизнинг бокирагига шаҳодат бериб туришарди. Искандар қизга уқтириди: “Мана бу арқон учини ушла; сен пок экансанки, идиш чўкиб кетмайди.” Бошқа ёрдамчиларига: “Мен қўнғироқча ипини тортган заҳоти, арқонни тез тортасизлар,” – деб тайинлаб, ўзи тухум идиш ичига жойлашди-да, сув остига туша бошлади. Подшони зангори нимқоронгулик қамраб олди; тубанликдан балиқлар Искандар томон ўқдай учиб келарди; сув йўсинглари орасидан бадбашара маҳлуқлар чиқиб келадими-ей; подшонинг кўз ўнгига катта балиқлар майдаларини ютар, сўнг ўзлари ҳам бошқа маҳлуқларга ем бўлар эдилар; унда-бунда ҳалок бўлган кема қолдиқлари кўриниб қоларди; ўралар орасида чўкиб ўлганлар жасади кўзга ташланарди: кимдир бир-бирини қучган, кимдир хазинасини... Ҳаммаси сувда кўпчиб, оқариб кетган. Марҳумларнинг башаараларида азоб-укубат аломатлари. Ҳар хил газандаларнинг чақчайган яшил кўзлари подшога синчковлик билан бақрайиб қараб турарди. Шиша тухум бирдан маржон форга бориб урилди: фордан соchlари зангор, қамиш почалари балиқни сузгичи-дек, танаси тангасимон тери билан қопланган аёл сузиб чиқди, юзида даҳшат акс этарди; у қўллари билан “мумкин эмас” дегандек тақиқловчи ишоралар қиласар, оғзини катта-катта очиб, бир нарсалар деб қичқиради, аммо овози шиша девордан ўтмасди. Шоҳ унга қулоқ тутиб ўтирамай, четлаб чуқурроқ тушиб кетавераркан, аёл қайтиб форга

кириб кетганига эътибор берди. Бирдан шиша идиш қаттиқ зарбадан ларзага келди, ҳаракат тўхтади. Қисқичбақага ўхшаш кичкинагина бадбуруш маҳлуқ шишага ёпишиб олиб, уни кемира бошлади, бу ерда кичкина тешикча ҳам ҳосил бўлиб, ундан идишга сув отилиб кира бошлади. Шунда Искандар қўнғироқ чилвирини бир неча бор тортди: шиша идиш ранги ўчган шоҳни тез тепага олиб чиқа бошлади, қайтиш чоғида денгиз ажойиботларига қарашга ҳафсаласи ҳам йўқ эди. Қирғоқча чиққанда, ой тикка келган экан. Унинг ёғдусида шоҳнинг кўзи шу атрофда ёнма-ён ётган икки жасадга тушди: Хати-ча ва бир новча аскарнинг жасадлари. Искандар суриштириб, подшонинг ҳамроҳлари тунда кутавериб ухлаб қолганда, қиз биринчи келган йигитга қўлидаги чилвирни ерга ташлаб, ўзини топширган. Буни кўриб қолган шоҳ сипоҳлари зинокорларни ўлдиришган.

- Денгиз остида қанча бўлдим? — сўради шоҳ.
- Икки соат, ҳукмдор.
- Демак, қизнинг бокираги икки соатга бардош берибди, холос-да, — ўйланқираб деди Искандар ва қароргоҳ томон йўл олди. Уни кўрганлар: “Уммонни забт этган Искандарга шарафлар бўлсин!”
- деб қичқиришарди. Ўлардек чарчаб, рангидаги қон қолмаган шоҳ эса уларга эътибор ҳам бермай, йўлида давом этди.

Тўртинчи китоб

Биринчи боб

КАНДАВЛНИ ХАЛОС ЭТИШ

Юртига қайтаётган Искандар қўшинлари тўхтаган масканда тун пайти қонга бўялган, кийимлари йиртилган бир неча отлиқ пайдо бўлди. Одатда камуйқу шоҳнинг яқинда кўзи илинган эди. Келгандарни унинг аъёнларидан Птоломей қарши олди. Улардан тузукроқ кийингани шоша-пиша гапира кетди: исми — Кандавл, машҳур малика Кандакиянинг ўғли экан, у рафиқаси билан риёзат мақсадида йўлга чиққан экан; уларнинг карвонига қароқчилар ҳужум қилиб, мол-мулкини тортиб олибди. Птоломей эшитганларини ичкари кириб, Искандарга етказади. Подшо чиқищдан аввал, Птоломейга келгандар олдида подшони Антигон, Птоломейни эса Искандар деб таништиришни тайинлади. Тунда, машъалалар ёруғида машварат чақирилди. Искандар — Антигон жон куйдириб ёлғондакам Искандарга зудлик билан қароқчилар масканига бостириб боришни ва уларнинг панжасидан Кандавлнинг рафиқасини кутқариб олиш кераклигини тушунтиришга ҳаракат қилди. Қайгу-аламда куйиб турган шаҳзода миннатдорлик билан нотиқнинг бўйнидан қучиб: “Қани энди сен, Антигон эмас Искандар бўлганингда эди!” — деди. Искандар учун бир ҳовуч қароқчилар тўдасини янчиб ташлаш ҳеч нарса эмас эди, албатта, аммо Кандавлнинг назаридан, бу бир буюк қаҳрамонлик бўлди ва миннатдор шаҳзода ўз халоскорларини онасининг ажойиб пойтахтига ташриф буоришни таклиф этди. Искандар бу таклифни бажонидил қабул қилди, зеро, унинг эшитишича, ўша мамлакат мўъжиотларга бой бўлиб, қолаверса, малика Кандакия аввалроқ Искандарга беназир тухфалар ҳам жўнатган эди; шоҳ миннатдорчилик нуқтai назаридан боришга тайёр эди. Икки кунлик йўлдан сўнг олисда

бир текис ўрмон билан қопланган бөг-роғлар кўринди – бу ҳабашлар маликасининг осма боғлари эди.

КАНДАКИЯ

Олдиндан огоҳлантирилган малика Кандакиянинг ўзи ўғиллари ҳамроҳлигига меҳмонларга пешвоз чиқди. У бўйчан аёл бўлиб, Олимпиадага ҳам ўхшаб кетарди; катта-катта чиройли кўзлари порлаб турарди. Малика хипча белини намоён қилиб, қорача юзи-ю қўлларига алоҳида кўрк багишлаб турган оқ тусли хушбичим кўйлакда бедана юриш қилиб келарди. Чўрилар унинг боши узра елпигич кўтариб келишар, қора ҳабашлар эса устига кумуш тахтиравон ўрнатилган оппоқ филни етаклаб олганди. Аёл бундан шод бўлиб, ўғлини қучоқламоқчи бўлганди, лекин ўғил ўзини четга олиб: “Онажон, ҳалоскоримни ўп,” – деди Искандарни кўрсатиб. Кандакия меҳмон билан ўпишиб, миннатдорчилик билдирид ва қўшиб қўйди: “Эй шавкатли подшо, мен сени анчадан бери кутаман,” деда қўшиб ҳам қўйди. “Мен подшо эмасман, менинг исмим Антигон, Искандар эса, мана, келяпти,” – деда дабдабали тож кийиб олган Птоломейни кўрсатди у. Малика истеҳзоли жилмайиб қўйди-да, аъло ҳазратга таъзим қилди. Меҳмонлар шарафига уюштирилган зиёфатдан сўнг Кандакия уларни шаҳарни томоша қилишга таклиф этди ва бор ажойиботларини кўрсатишга ҳаракат қилди: олтин олмалар, қовундай-қовундай келадиган ёнфоқлар, устида сарбозларни bemalol кўтариб юрган хўролар, нақ ойна кесгудек ўткир тишли қоплонлар, пешоби дарахтларни куйдириб қуриладиган тимсоҳлар, бир кўзли одамлар, девқомат полвонлар, яна бир пастак-пастак ярми жун, ярми игналар билан қопланган ҳайвончалар галаси юрарди, улар: ҳомила олиш учун эрининг олатини тишлиб узиб, ютиб юборарди; ўз навбатида зурриёдлар (улар албатта эгизак – ўғил ва қиз бўларди) фақат онасининг қорнини кемириб-йиртиб дунёга келарди, яъни ота-онасининг қотили бўлиб туғиларди. Бу ердаги қораялоқлар, оқ, қўнғир ва қора айқлар – бари юоннларни қаттиқ ҳайратга солди. Тунги базмда Кандакия сўради: “Ҳўш, муҳтарам меҳмонларим, менинг ажойиботларим сизларга ёқдими?” “Булар юоннларда бўлганида эди, ҳамма лол қолган бўларди,” деб қўйди Искандар. Малика қовогини солиб, Птоломейга юзланди: “Сен-чи, шаҳаншоҳ, сен нима дейсан?” “Мўъжизалар мамлакатига тушиб қолгандек бўляпман,” – жавоб қилди ўзини ноқулай сезиб турган юон. Шу пайт даврада пайдо бўлган ҳабаш қизлар аввал устига гилам ёпиб қўйилган каттакон доира кўзгу устида рақсга туша бошлашди, улар худди зилол кўл узра хиром айлаётганга ўхшарди. Малика яна савол ташлади: “Раққосаларим сизларга манзурми?” Искандар яна Птоломейдан олдин жавоб қилди: “Мисоли чўғ бўлиб ёнаётган мамлакатга келиб қолгандекман. Нега шунчалик бешафқат ёндиришади ҳамма ёқни? Ўзлари ҳам чалакуюдек кўринишади.” Кандакия бунга ҳеч нима демади, базм тугагач, подшони қўлидан тутиб, ўзининг хобхонасига олиб кирди-да:

– Энди мен сенга, ҳеч нарсадан ҳайратланмайдиган Антигон, бир нарса кўрсатмоқчиман, – деди. Сўнг унга бир энлик мато тутқазди: унда нафис бўёқлар билан Искандарнинг сиймоси тасвиранган эди. Подшо лол. Малика гапида давом этди:

– Бунга нима дейсан, эй шаҳаншоҳ? Нега энди мен томон яширин келдинг, мен сени муносиб равищда кутиб олишимга имкон бермадинг?

— Кечиринг, малика, мен шунчаки ҳазиллашган эдим; Ўтина-ман, сиримни ошкор этиб қўйманг!

Кандакия ҳам мийифида кулиб;

— Яхши, мен сирингни очмайман, лекин сен бизнинг юртимизнинг бир одатига бўйсинишингга тўғри келади. Унга биноан, бизга ташриф буюрган ҳар бир подшоҳ бир марта менга эрлик қиласдан кетмайди!

— Бу қанақаси, малика? — хитоб қилди меҳмон.

Кандакия эгнидан оппоқ кўйлагини ечиб ташлади-да, қип-яланғоч бўлди, тим-қора соchlарини ёзиб, тисланаётган подшонинг бўйнидан қучди, ноз-карашма билан унинг лабларидан эҳтиросл-а бўса ола бошлади. Искандар даҳшат оловида қиличига қўл чўзиб қичқирди: “Мени тинч қўй, эй бадкирдор аёл! Ҳали сен Искандарни бадном этмоқчимисан?!” Малика орқага тисланиб, енгил кулиб қўйди, холос:

— Искандардек шоҳ бир заифага қилич кўтармоқчи!

Худди шу пайт эшик шарақлаб очилиб, маст-аласт орқама-кетин ҳовлиқиб Птоломей, уни қувиб Кандакиянинг катта ўели шаҳзода Фоя, унинг ортидан таъқиб қилиб найза кўтарган кичик шахзода Кандавл кириб келишди. Птоломей Искандарга илтижо қилади: “Подшоҳим, мени кутқаринг! Мана бу телба озган мени ўлдиromoқчи!” Буни эшишиб, Фоя қичқирди: “Ҳа-а, мана, ким экан менинг қайнотам Порни ўлдирган! Мана бу македониялик ўлдирган кўпрак!” — деб подшога ҳамла қилмоқчи бўлиб турган эдики, орқадан қисиб келиб қолган Кандавлнинг найзаси Порнинг куёви Фоанинг қурагидан тешиб ўтди; Фоя тил тортмай жон берди. Искандар бу даҳшатли манзарадан лол, ялангоч Кандакиянинг чинқиригидан юраклар ларзага келарди. Жон-пони чиққан Птоломей эса ҳамон подшонинг пойида паноҳ излаб ётарди. Кандакиянинг ялангочлигига эътибор берган Кандавл бунга ҳайрон:

— Онажон, бу не ҳолат! — деди у ва Искандарга бир кўз олайтириб қўйди. Малика, қўлларини қўкка чўзиб, ҳамма эшигадиган қилиб хитоб қилди: “Искандарнинг ҳақиқатан ҳам мъсумлигига ҳеч шубҳа қолмади!”

Эртасига меҳмонларни тортиқлар билан кузатаркан, Кандакия подшонинг қулогига шивирлади: “Мен шунчаки ҳазиллашгандим, тушунгандирсан? Ишқ бобида сенга йўлаб бўлмаслик ҳақидаги мишишларни ўзим текшириб кўрмоқчи эдим, холос”. Искандар кулимсираб: “Мен ҳам буни синов деб тушундим, ҳечқиси йўқ, ахир сал аввал мен ҳам ҳазиллашгандим-ку,” — деб жавоб қилди ва отнинг тизгинини қўйди.

Иккинчи боб

АМАЗОНКАЛАР

Шоҳ Искандар Бобилга бориш учун яна даштиклар томон йўл олди. Кўп ўтмай бир азим дарё ёқасига чиқиши. Искандар шу атрофларда амазонкалар яшаши ва уларнинг жанговарлик фазилатлари ҳақида кўп эшигтан эди. Уларнинг ўзлари ва урф-одатлари билан яхшироқ танишиш мақсадида айни пайтда кўмакчи қўшин сўраб, Птоломейни жўнатди. Маълум муддат ўтгач, Птоломей юзта барваста, эркакбашара, чап кўкраклари куйдирилган, калта сочли, оёқ кийимлари ҳам эркакча, найза ва камонлар билан қуролланган аёл сарбозлар билан қайтди. Улар эркаклардек кўпол-кўпол сўзлашишар, баданларидан сас-сик тер ҳиди анқиб турарди. Подшо уларнинг туриш-турмушлари, урф-

одатлари ҳақида суриштириди ва қуйидаги ҳикояни эшилди: “Эй подшоҳим, биз дарёнинг нариги томонида яшаймиз, фақат аёллар, сарваримиз ҳам аёл; ҳайвон боқамиз, ов қиласиз, экин тикамиз, жанг қиласиз – барини ўзимиз, эркакларсиз уддалаймиз; ҳеч кимга тобе эмасмиз. Йилда бир марта дарё ортига Дий Гефест ва Посейдон байрамига борамиз; орамиздан кимдир она бўлишни ихтиёр этса, ўзи танлаган эркак билан, фарзанд туғилгунга қадар ўша ерда қолиши мумкин; сўнг ўз маконига қайтади, эрини унутиши ҳам, аммо бир йил ўтгач, қайтиб бориши ҳам мумкин, бу унинг ихтиёри. Фарзанд ўғил бўлса, отага қолдирилади, қизларни эса етти ёшга тўлгач, ўзимиз томонга олиб ўтамиз. Уруш бўлса, учдан икки қисм аёллар жангга киради, бир қисми эса маконимиз муҳофазаси билан банд бўлади. Мамлакатимиздан бирорта асир қочиб кетгудек бўлса, бу барчамиз учун иснод. Маликамиз сенга иззат билан бизни ёрдамга жўнатди.”

Подшо яна кўп саволлар бериб, ҳайратомуз жавобларни эшилди. Сўнг, амazonкалар маликасига совға-саломлар йўллаб, юришни давом эттириди.

ГОРГОНА. ЛУС МАНЗИЛИ

Антифонтнинг башорати ҳеч қулогидан чиқмаётган Искандар юриш давомида темир ер кўриняптими, йўқми, билиш учун доим олдинга қоровул жўнатиб турди. Ширин сув дарёлардан ўтишди, сув ўрнида тош оқимини гумбурлатиб юргизаётган ўзанлардан кечишиди, уч кун жанубга ва уч кун шимолга қараб оқадиган қумликлардан ўтишди, ниҳоят, қуёш чиқиб келадиган оролга бориб етишиди. Оқ либосли, қўлида ўзининг бўйидан ҳам узун қора ҳасса тутган ҳабаш коҳин рўбарў бўлиб, Искандар томон қўлини пахса қилиб қичқирди: “Орқага қайт, подшо! Бу ерларга ҳали ҳеч кимса қадам қўймаган эди, сен биринчи ва охиргиси бўлдинг. Бобилга шошил, вақт ғанимат, йўлда яна бир зулмат музофот ва Лус манзили учрайди!”

Ибодатхона эшиги ёпилди; подшо кўзни қамаштирадиган нурли деворлар томон таъзим бажо айлаб, қўшинлар бошини бурди-да, юришни давом эттириди. Кўп ўтмай зулмат қоплаган мамлакатга чиқиб қолишиди. Бу ернинг одамлари шу атрофда изғиб юрувчи Горгонадан қўрқиб, арча шохлари остида яширилган ертўлаларда яшашарди. Горгонанинг кўриниши бир даҳшатли эди: орқасида отга ўхшаган дум, бошидан эса соч ўрнида илонлар чиққан; у учраган жонзот: ҳар хил газандаларни, ҳайвону одамларни шаҳватга чақираверар, уни бир қўрганнинг юраги ёрилиб ўларди. Ярим тунда Искандар узоқдан эшитилаётган қаттиқ, лекин ёқимли шаҳватли овоздан уйгониб кетди. Чодирдан чиқиб, тим қоронгу ялангликка тикилди, бирор нарсани кўришга уринди. Овоз яна ва яна такрорланаверди. У шундай ёқимли, ўзига ром этувчи эдики, мисоли авваллари учраган барча маъшуқаларнинг ишвалари битта шу овозда мужассам бўлганди; айни пайтда унда лаззатли дағдага ҳам сезиларди. Ургочи йўлбарс эркагига куйикиб узоқ-узоқлардан ўқиргандек овоз келарди: “Искандар, Искандар, мен фақат сенигина хоҳлайман! Сенгина мени қондира оласан, эй довюрак подшо!” Искандар даҳшатли овоз томон бир жодугарни юборди. Мана, ўзи ҳам унинг яқинлашиб келаётганини сезди ва ўша томон оҳиста орқаси билан тисланиб юра бошлади, яқин боргач, деди: “Мен – Искандарман! Юрагим ёрилиб ўлмаслигим учун, башарангга ёпинчиқ ташлаб ол”. Ҳансираган аёл маҳлук бир нарса демай, Искандарнинг елкасидан

тутди, шу заҳоти, Искандар шартта ўгирилиб, унинг калласини чўрт узуб ташлади ва уни олдиндан тайёрлаб қўйилган идишга жойлади. Сўнг хотиннинг ер билан битта бўлиб ётган ҳайбатли танасиға қия қараб ҳам қўймай, ўлжани ўз масканига олиб кетди. Мана шу қўрқинчли, қўрганни тош қотирадиган калла билан даштлардаги кўплаб қабилаларни енгид ўтди;чувалчанг ва пашишалар билан овқатланувчи исқиртларнинг муртад подшолари Ажуз ва Мажузларни баланд дарааларига қамаб, Судаймоннинг муҳрини қиёматгача чиқолмайдиган қилиб уриб ташлади. Кунлардан бир кун подшо ич-ичидан музлаб кетаверди. Сарбозлар бир неча қалқонни бирлаштириб, подшони ўшанга ётқизиб, кўтариб олиши; қалин қор ёғарди. У бир дам ўзига келгач, чўчиб сўраб қолди: “Тепамизда-чи сүякли осмон эмасми?” Эрталабга бориб, подшоннинг ҳолати яхшиланди, сафга қайтди. Юриш ҳамон давом этарди, подшо бир нима демай, сукут сақлаб бораради; кечалари юлдузларни қузатгани кузатган; эрталаб бўлса ҳар доим қовоғи солиқ, аскарлардан шикоят қилиб келаётган яқин дўстларининг гаглари ҳам қулогига кирмасди. Ниҳоят, қуёшли шаҳарда башорат қилинган Лус манзилига ҳам етиб келишди. Юришлар тугаши яқинлигидан кайфиятлари кўтарилиган аскарлар гулхан ёқиб исингунча Искандар бир ўзи йўлдаги ажойиботларга эътибор ҳам бермай, ибодатхонага шошилди. Бино бўм-бўш, жимжит эди... Бир-биридан шинам хоналардан ичкарилаб бораверди. Ўртадаги кенг хонадаги маҳобатли шамдонларда олов эмас, лаъл қўйилган бўлиб, улардан атроф нурафшон; гумбаз остида тилларанг қафасда қабутар; хона ўртасидаги баланд ўриндаги тўшакда ҳамма ёғи ўраб-чирмаб ташланган, бўйи узунлигидан оддий одамларга ўҳшамаган кимдир ётибди, юзи ёпиқ. Жимжитликда Искандар нима қилишини билолмай, бир неча дақиқа турди. Эс-хушини йигиштиргач, уйқудаги кишининг юзини ёритиб кўриш учун лаъл қўйилган шамдондан биттасини олмоқчи бўлганди, гумбаз остидаги қабутар гапира кетди: “Искандар подшо, марҳумларни безовта қилмай, яхиси, Бобилга шошил, вақт фанимат!” Ибодатхонани тарқ этиб, Искандар гулханлар атрофида исиниб ўтирган аскарлари ёнига қайтди. Улар кўҳна латифалардан, тарихлардан сўйлашиб, чақчақлашиб ўтиришарди.

Учинчи боб

ИСКАНДАРНИНГ ЎЛИМИ

Бу орада узоқ Македонияда ноҳуш воқеалар рўй бера бошлаганди; мамлакатни бошқариш учун қолдирган Антипатр қекса малика Олимпиадага нисбатан зулм ўтказаётганлиги ҳақида она ўғлига бир неча бор хабар йўллаган эди. Искандар Антипатрнинг ўрнига Картерикни хукмдорликка жўнатди. Бунга чидай олмаган Антипатр ўғлининг қўлига кучли заҳар бериб, Искандарни ўлдиришга юборди. Подшоннинг косагули Ил ҳам, уни Искандар қайсиидир базм чогида бошига темир таёқ билан туширганлиги учун пайт пойлаб, ўч олиш ниятида юради. Яна бир неча аламзадалар ва малика Равшанакнинг баъзи қариндошлари ёвуз ниятда тил бириттиришди. Шундай қилиб, Искандар Бобилга етиб келганда, сиқасд тайёрлаб бўлинган эди. Малика подшони хурсандчилик билан кутиб олди, аммо у ҳеч қовоғини очмасди, гап гапиргиси ҳам келмасди. Маълум вақт у давлат ишларини ҳам унутиб, дўстлари билан базм кетидан базм қураверди, тунларини эса самога тикилиб, қаҳрли юлдузлар китобини ўқиши билан ўтказарди. Кунларнинг бирида навбатдаги базмдан чарчаган Искандарнинг тарихи тарзидан ўзини ўтирган аскарлари ёнига ўтиришарди.

кандар ухлаб ётганда чошгоҳ пайт уни уйғотиши, қандайдир аёл у билан кўришмоқчи эканини айтиши. Аёл подшога гайритабиий фарзанд кўрганини айтиб берди: боланинг белидан тепаси ўлик, пасти эса тирик; қандайдир сирли овоз чақалоқни подшо саройига элтиши буюрганимиш. Подшо маслаҳатчиларининг изоҳлашича, боланинг ўлик қисми – Искандарнинг душманлари, тирик қисми эса – подшонинг ўзи. Аммо халдейлиқ донишманд ёқасини чок этиб, дод солди: “Эҳ, подшо, подшоҳим! Улиминг яқин!” Аёлни инъомлар билан жўнатиб, мажруҳ болани куйдириб ташлашини буюрди; ўзи эса айрилмас ҳиндистонлик косагули Йл билан навбатдаги қандайдир македониялик бераётган базмга жўнади. Базм авжига чиққан пайтда Искандар, мисоли кўкрагини камон ўқи тешиб ўтгандек, бирдан бақириб юборди: “Искандар, кунинг битди!!” – Сўнг ранги бўзарид, чайқала-чайқала саройи томон юриб кетди. Ҳакимлар қанча уриниши масин, фойдаси бўлмади. Оғриқча чидамай, подшо ўзини сарой деразалари остидан оқиб ўтадиган Фиротга ташлашга ҳам ҳаракат қилди. Македониялик аскарлар саройни куршаб олиб, подшони кўрмасак, ҳамма нарсани яксон қилиб ташлаймиз, деб талаб қилишди. Искандар Равшанак ёрдамида дераза ёнига инқиллаб бориб, кўшинларига кўриниш берганида, улар: “Искандар подшога шарафлар бўлсин! Умринг умр қўшилсин!” – деб қичқириши. Подшо зўрбазўр жилмайиб, аввалгилардек тетик овоз билан хитоб қилди: “Сизга умр берсинг! Менинг эса куним битди!” Эртасига эрталаб подшо васият қилиш учун ўз хузурига Пердика, Птоломей ва Лезимахларни чақиритириди. Сўнг ўзини саройдан чиқаверишдаги ўтиш йўлига олиб чиқиб ётқизиши буюрди ва барча қўшинлар унинг олдидан ўтишини ихтиёр қилди. Инқиллаб ётган подшо ҳар бир сарбозга бирор илиқ сўз айтишга ҳаракат қиласди. Ўз подшоларини бирлаштириб қўйилган қалқонлар устида бемажол ётганини кўриб, сочига оқ оралаган фахрийлар ўзларини тўхтата олмай, йиглашарди. Шу атрофда турган дўстлари юзларини чакмонлари билан беркитиб олишган. Искандар шифтга қараб, унинг фил суюгидан ишланганига эътибор берди-да: “Мана сенга суюкли осмон,” деб қўйди ва яна ўтаётган аскарларини олқишлишда давом этди. Бирдан қоронгилик тушиб, кўқда каттакон юлдуз пайдо бўлди. У дengiz томон иниб келарди. Ортидан бургут парвоз қилди, ибодатхонадаги санамлар тебрана бошлади, бир-бираiga урилиб, овоз чиқаради. Чўкиб кетаётган юлдуз бирдан қайтиб кўтарила бошлади ва Искандар саройи тепасига келиб, чарақлаганча тўхтади. Худди шу онда Искандарнинг жони узилди. Узоқ баҳслишиб, Жаҳонгирнинг жасадини ўзи Мисрда барпо этган Искандаридаги ибодатхонага дағн этишга қарор қилишди ва ибодатхона ўшнандан бошлаб “Искандар даҳмаси” деб юритила бошлади. Искандар подшоликни Филон, Селевк, Антиох ва Птоломейга бўлиб берди. У ўтгиз уч ёшида апрелнинг тошқинли кунларидан бирида вафот этди. Ўн иккита Искандарияга асос солди; барча халқлар хотирасида мангу из қолдирди.

*Рус тилидан
Қодиржон НОСИРОВ
таржимаси*

